

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Нуритдинова В.Ш.
Шарапова М.А.**

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

ЎҚУВ ҚҰЛЛАНМА

Тошкент – 2014

Тақризчи:

Хайдаров Н.Х. – Тошкент молия институти илмий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлар доктори, профессор

Турабов Б.Т. – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Худудлар молияси Бош бошқарма бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди

Молиявий назорат: ўқув қўлланма / Нуритдинова В.Ш., Шарапова М.А. – Тошкент, 2014 – 380 бет.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	12
I бўлим. Молиявий назоратнинг назарий ва ташкилий асослари	
1 боб. Молиявий назорат ва уни ташкил этишнинг назарий асослари	
1.1. Молиявий назоратнинг мазмуни ва аҳамияти.....	14
1.2. Такрор ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида давлат молиявий назоратининг вазифалари.....	19
1.3. Давлат молиявий назорати тизимининг элементлари	21
1.4. Давлат молиявий назоратида методик услублар.....	23
1.5. Давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари.....	30
2 боб. Молиявий назоратнинг турлари, шакллари ва усуллари	
2.1. Молиявий назоратнинг турлари.....	46
2.2. Молиявий назоратнинг шакллари.....	55
2.3. Назорат олиб бориш усуллари	59
3 боб. Молиявий назоратни ташкил қилиш ва ўтказиш босқичлари	
3.1. Назорат чора -тадбирларини режалаштириш.....	67
3.2. Назорат қилинаётган обьект фаолиятини таҳлил этиш.....	73
3.3. Назорат чора-тадбирининг якунловчи босқичи.....	84
II бўлим. Молиявий назоратни амалга оширишда давлат органларининг аҳамияти	
4 боб. Умумдавлат назорат органлари томонидан молиявий назоратни амалга оширилиши	
4.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти.....	88
4.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти.....	92
4.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги комиссияларнинг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти.....	99
4.4. Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгашнинг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти.....	108
5 боб. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва унинг молиявий назоратни ташкил этишдаги ўрни	
5.1. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатасининг мақсади ва таркибий тузилмаси.....	112

5.2. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатасининг вазифа ва функциялари.....	114
5.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатаси томонидан текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби.....	118
5.4. Ҳисоб Палатаси томонидан текшириш материалларини топшириш ва текшириш натижалари бўйича давлат органлари томонидан чора кўриш тартиби.....	121

6 боб. Молиявий назорат олиб борувчи органлар ва уларнинг молиявий назоратни ташкил қилишдаги ўрни

6.1.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, унинг молиявий назоратни ташкил этиши.	126
6.2.Молия вазирлиги хузуридаги Бош Назорат – тафтиш Бошқармаси ва унинг худудий бошқармаларининг таркибий тузилиши, вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятлари	137
6.3. Молия вазирлиги Ғазначилигининг бюджет ижросини назорат қилишдаги фаолиятининг хусусиятлари.....	147
6.4.Давлат молиявий назоратни амалга оширишда солик органлари роли	154

III бўлим. Давлат молиявий назорати турлари

7 боб. Солик назорати

7. 1. Солик назоратининг асослари ва амалга ошириш шакллари.....	161
7. 2.Солик текширувларининг моҳияти ва турлари.....	168
7.3 Солик текширувларини ўтказиш тартиби.....	174
7.4. Давлат органларининг солик назоратини олиб боришдаги вазифа ва ваколатлари.....	185

8 боб. Банк назорати

8.1. Банк назоратининг моҳияти ва зарурлиги.....	193
8.2.Банк назоратини амалга ошириш усуллари.....	200
8.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг банк назоратини амалга оширишдаги роли ва аҳамияти.....	206
8.4. Тижорат банкларини лисензиялаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш орқали назорат қилиш.....	211

9 боб. Суғурта назорати

9.1.Суғурта фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асослари.....	216
9.2.Суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг мақсад ва вазифалари.....	221
9.3. Махсус ваколатли давлат органи томонидан суғурта фаолиятини назорат қилиш тартиби.....	224

9.4. Суғурта назорати Давлат инспексиясининг вазифалари, функциялари ва хуқуқлари.....	235
10 боб. Бюджет назоратини ташкил этиш	
10.1. Молия органларида назорат- иқтисодий ишларни ташкил этиш.....	239
10.2. Бюджет ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш амалиёти..	250
11 боб. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштиришдаги молиявий назорат	
11.1 Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасининг моҳияти ва аҳамияти.....	266
11.2. Харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни назорати.....	273
11.3. Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалининг тасдиқланиши ҳамда рўйхатдан ўтказишининг расмийлаштирилишини тўғрилигини текшириш.....	282
IY бўлим. Нодавлат молиявий назорати	
12 боб. Аудиторлик назорати	
12.1. Аудиторлик назорати ва унинг принциплари.....	290
12.2. Аудиторлик текширувининг моҳияти ва шакллари.....	295
12.3. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби.....	300
12.4. Аудиторлик ҳисоботи ва хulosалари.....	311
13 боб. Ички молиявий назорат тизимини молиявий назоратни самарали ташкил этишдаги аҳамияти	
13.1. Ички назорат тизимининг моҳияти ва уни ташкил этиш.....	317
13.2. Ички аудит хизматини ташкил этиш.....	324
Y бўлим. Ривожланган мамлакатларда молиявий назорат	
14 боб. Ривожланган мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш амалиёти	
14.1. Жаҳон ҳамжамиятига аъзо мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш.....	333
14.2. Россия федерасияси давлат молиявий назорат органлари ваколатлари.....	341
Глоссарий.....	368
Адабиётлар	378

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, бозор ислоҳотларининг янада чуқурлаштирилиши натижасида йилдан йилга салмоқли натижалар қўлга киритилиб, барқарор иқтисодий ўсиш юналиши мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган молиявий сиёsat тўла ва изчил амалга оширилиши, иқтисодиётнинг муҳим устувор тармоқларининг белгилаб берилиши ҳамда уларни ривожлантириш бўйича барча имкониятларнинг сафарбар этилишида молиявий назорат ўз аҳамиятини юқотгани юқ.

«Молиявий назорат» фани молия соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш тизимида асосий фанлардан ҳисобланади. Режали иқтисодиёт даврида молиявий назорат ўша даврга мос ҳолатда амалга оширилган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида унинг такомиллашганлиги ва ўзига хослигини кузатиш мумкин. Шу сабабли “Молиявий назорат” ўкув қўлланмаси бозор иқтисодиёти шароитида молиявий назоратнинг давлат ва нодавлат соҳаларини қамраб олиб, унда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида молиявий назорат ва уни амалга оширувчи органлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Ушбу ўкув қўлланманинг I бўлими “Молиявий назоратнинг назарий ва ташкилий асослари” деб номланиб, унда молиявий назоратнинг назарий асослари, турлари, шакллари ва усуллари ҳамда молиявий назоратни ташкил қилиш ва ўтказиш босқичлари ёритилган.

II бўлим 3 та бобдан иборат бўлиб, унда давлат назорат органларининг молиявий назоратни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти ўз аксини топган.

III бўлим “Давлат молиявий назорати турлари” деб номланиб, бунда солик назорати, банк назорати ва суғурта назорати ҳамда бюджет жараёнида молиявий назоратни амалга ошириш, бюджет ташкилотлари харажатлар сметасини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш назорати қамраб олинган.

IY бўлим 2 та бобдан иборат бўлиб, бунда аудиторлик назорати ҳамда ички молиявий назоратнинг молиявий назорат самардорлигини оширишдаги аҳамияти ёритилган.

Y бўлимда ривожланган мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш амалиёти ўз аксини топган.

ўқув қўлланманинг II боби, яъни “Молиявий назоратнинг турлари, шакл ва усуллари”ни ёритишида иқтисодчи олимларимиз профессор А.В. Вахобов ҳамда профессор Т.С. Маликовлар ҳаммуаллифлигида ёзилган “Молия: умумназарий масалалар” номли ўқув қўлланмадан кенг фойдаланилди.

“Молиявий назорат” деб номланган ушбу ўқув қўлланма ўзбек тилида илк марта нашр етилаётганлигини инобатга олган ҳолда, камчиликлари юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклиф ва тавсияларингизни мамнуният билан қабул қиласиз. ўқув қўлланманинг 1,3,6,10,11,13,14-боблари В.Ш.Нуритдинова ҳамда 2,4,5,7,8,9,12-боблари М.Шарапова томонидан тайёрланди.

I бўлим. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

1 боб. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Молиявий назоратнинг мазмуни ва аҳамияти

Молиявий назоратни ташкил этиш бу молиявий ресурсларни бошқаришнинг мажбурий элементи ҳисобланиб, бундай бошқарув жамият олдидаги жавобгарликни акс эттиради. Назорат бу охирги мақсад ҳисобланмайди, назорат бу бошқариш тизимининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакат иқтисодиёти ва молия тизимининг самарали амал қилишининг зарурий шартидир. Молиявий назорат жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини бошқариш устидан давлат назоратининг таркибий элементи бўлиб ҳисобланади.

Назорат бошқариш циклининг шакли сифатида қабул қилинаётган ёки қабул қилинган бошқарув қарорларининг асосланганлиги ва самарадорлигини баҳолаш, бу қарорларнинг амалга оширилиш даражасини ҳақиқий натижаларнинг ўрнатилган параметрлари ва меъёрий кўрсатмалардан оғиш (фарқ қилиш) даражасини аниқлаш ва салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратиладиган бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида бошқарилувчи обьект фаолиятини кузатиш, солиштириш, текшириш ва таҳлил қилиш тизимиdir.

Хозирги кунда молиявий назоратнинг асосий мақсади текширилаётган обьектда мавжуд бўлган ҳақиқий ҳолатни обьектив ўрганиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ижро этишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ёки олдини олишдан иборат.

Давлат молиявий назоратнинг бошқарув тизимининг асосий элементи бўлган умумий назорат тизимидағи муҳим ўрни ва аҳамияти шундаки, биринчидан, молия ўзи иқтисодий категория сифатида обьектив тарзда назорат функциясини бажаради; иккинчидан, бозор иқтисодиётида молиявий муносабатларнинг роли ошиб боради. Барча узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнларини, хўжалик

юритишнинг барча поғоналари, давлат бошқарувининг барча даражаларини қамраб олар экан, молиявий назорат универсал қурол сифатида амал қиласди.

Бозор иқтисодиёти учун давлат молиявий назорати фаолиятнинг алоҳида бир соҳасига айланиб боради. Давлат молиявий назоратнинг обьекти бўлиб бошқаришнинг барча даражаларида молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилишидан тақсимланиш жараёнлари майдонга чиқади. Бу борадаги давлат молиявий назорати аввало давлат молиявий ресурсларидан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиши, давлат мулкидан оқилона фойдаланишини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

Давлат молиявий назоратининг моҳиятини очиб бериши учун бир қатор ҳолатларни ҳисобга олмоқ лозим:

1. Молиявий назорат давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ӯзини бошқариш органларини фаолиятининг бир шакли, кўриниши сифатида намоён бўлади.
2. Молиявий назорат маълум даражадаги молиявий ишлаб чиқариш муносабатларини бошқариш ва тартибга солиш шаклида амалга оширилади.
3. Молиявий назоратнинг таъсирчанлиги уни молиянинг бошқа барча функциялари билан ўзаро боғлиқда амалга оширилганда таъминланади.
4. Молиявий назорат хўжалик субъектлари ва аҳоли томонидан меъёрий-хукуқий хужжатларга риоя қилинишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ҳақиқатан ҳам, қатъий ва самарали молиявий назорациз молиявий интизомни мустаҳкамлаш қийин. Молиявий интизом бўлмаган жойда эса иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолининг яшаш даражасини яхшилашга қаратилган муҳим вазифаларни ҳал етиб бўлмайди. Айниқса ўсиш характеридаги иқтисодиётда илгари маълум бўлмаганлар ва учрамаган молиявий бузилишларнинг аниқланиши уларни амалиётда молиявий назоратнинг барча дастак ва воситаларини қўллаб бартараф этиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий назорати ўз ичига давлат бюджети ва давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари маблағларининг шаклланиши ва ишлатилиши устидан қўйидаги ваколатга эга:


- Пул мумаласини ташкил этиш устидан назорат;
- Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари устидан назорат;
- Давлат кредит ресурсларидан фойдаланиш устидан назорат;
- Давлат мулкидан фойдаланиш устидан назорат;
- Давлат заҳиралари устидан назорат;
- Молиявий енгилликлар ва имтиёзлар бериш устидан назорат.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий назоратига қуидагича таъриф бериш мумкин: давлат молиявий назорати давлат хокимияти органларининг ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинадиган давлат молиявий ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши, мақсадга мувофиқ ва самарали ишлатилиши устидан, шунингдек, давлат ва маҳаллий мулқдан қонуний тарзда фойдаланиш устидан назорат қилиш юзасидан молиявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган мақсадли фаолиятдир. Бу фаолиятнинг асосий мақсади назорат қилинадиган обьектлар фаолиятидаги камчиликларни топиш ва мансабдор шахсларни жазолашдан иборат бўлиб қолмасдан, балки бу камчиликларнинг олдини олиш, уларга йул қўймаслик, огоҳлантиришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда молиявий назоратнинг муҳим вазифалари сифатида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Давлат бюджети ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг шаклланиши ва ишлатилишини назорат қилиш;
- 2) Давлат молиявий ресурсларининг мақсадга мувофиқ ишлатиишини, давлат ва маҳаллий мулқдан қонуний равища ва оқилона фойдаланишини назорат қилиш;
- 3) Хўжалик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботни тўғри юритилишини назорат қилиш, хўжалик операцияларининг бухгалтерия хужжатларида тўғри акс етирилишини текшириш;
- 4) Солиқ ва солиққа тортиш, валюта, божхона ва банк фаолиятида амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини текшириш.

Бу рўйхат билан давлат молиявий назоратининг вазифаларини чегарадаш мушкилдир. Чунки молиявий қонунчиликнинг ўзгариши билан молиявий назоратнинг вазифалари ҳам ўзгаради ва аниқлаштирилади.



1-расм. Молиявий назоратнинг вазифалари

Айрим адабиётларда молиявий назоратнинг назорат функцияси деярли бир хил талқин этилишини кузатишимиз мумкин, яъни молиянинг назорат функцияси назорат қилувчи органлар фаолиятида ўз аксини топаши тўғрисидаги нотўғри тушунчаларга дуч келамиз.

Гап шундаки, молия ўзининг назорат функциясини объектив тарзда барча молиявий муносабатларнинг амал қилиш жараёнида бажариб келади. Молиявий назорат эса унинг бу функциясининг амалда намоён бўлиш шакли.

Молиявий назорат

Бу назорат, энг аввало, пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида молиявий иқтисодий қонунчиликка риоя этилиши, молиявий хўжалик операцияларининг самарадорлигини баҳолаш ва амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни ўз ичига олади

Молиявий назорат қиймат шаклида амалга ошириладиган назорат бўлганлиги учун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча соҳаларида амалга оширилади ва пул фондлари харакатининг барча жараёnlарида, шу жумладан, молиявий натижаларни идрок этиш жараёнида ҳам кузатилади

Молиявий назоратнинг обьекти пул муносабатлари ҳисобланади

Молиявий назоратнинг субъекти назоратни олиб борувчи органлар ҳисобланади

Молиявий назоратнинг предмети қўйидаги молиявий кўрсаткичлардан иборат:

турли даражадаги бюджетларнинг даромад ва харажатлари

солиқ тўловларининг ҳажмлари (миқдорлари, ўлчамлари)

Хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг муомала харажатлари

таннарх ва фойда

уй хўжаликларининг даромадлари , харажатлари ва бошқалар

2-расм. Молиявий назоратнинг мазмуни ва элементлари

Давлат молиявий назоратни эса бу давлатнинг иқтисодиётни бошқариш элементларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида молиявий ресурслардан фойдаланишдаги қонунларнинг бажарилишдаги камчиликлар аниқланади бу камчиликларнинг омиллари ва сабаблари таҳлил қилинади уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади ва уларни амал чора тадбирлар белгиланади ва уларни амалга ошириш даражаси назорат қилинади.

Давлат молиявий назоратнинг функцияларнинг мамлакатда ишлаб чиқилган ва амал қиладиган қонуний ва меъёрий -хукуқий хужжатларда ўз аксини топади ва тегишли назорат органлари томонидан амалга оширилади.

1.2. Такрор ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида давлат молиявий назоратининг вазифалари

Ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш босқичида молиявий назоратнинг вазифаси, жамиятнинг турли еҳтиёжларида - бозор муносабатларига мувофиқ тарзда қайта яратилган маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашга сарфланган маблағларни қоплашда ундан фойдаланишни текширишдан иборат. Мехнат воситалари ва меҳнат предметлари захиралари меъёрларини қайта тиклаш қисмида ишлаб чиқариш муносабатлари, жонли меҳнатга унинг сони ва сифатига мувофиқ тарзда сарфланган тўловга маблағ харажат қилиш, ижтимоий жамғариш ва истеъмол фондларини янгилаш ва тўлдириш, давлат бюджетига, ижтимоий суфурталашга маблағ ўtkазиш назорат қилинади. Ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш қисмида молиявий назорат предмети иқтисодиётнинг барча бўғинларига тақсимланади.

Ижтимоий маҳсулотни айирбошлаш босқичида, яъни бозор муносабатлари шароитида товарлар муомаласи, молиявий назорат предмети шартномавий

муносабатлар (таъминот шартномаларини товарлар савдоси, тайёрлаб бериш тақсимоти тартиби бўйича бажариш), иқтисодиётни моддий-техник таъминот маблағларига ва аҳолининг халқ истеъмоли товарларига харидорлик талабини бозорни товарлар билан тўйинтириш орқали қондиришдир. Бунда товар айирбошланишида айирбошлаш жараёнида натурал ва қиймат кўрсаткичлари текширилади. Бинобарин, айирбошлаш босқичида иқтисодиётни бозор тартибга солинишига мувофиқ тарзда ижтимоий маҳсулот муомаласининг барча шакллари назорат қилинади.

Такрор ишлаб чиқариш - истеъмолнинг жараёни бўлган якуний босқичда – молиявий назорат ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва кенгайтириш ҳамда ижтимоий еҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ операцияларни текширади. Шахсий истеъмол қисмида молиявий назорат жамият аъзоларининг моддий ва маданий еҳтиёжларини қондиришдаги номутаносибликларни, шунингдек шахсий еҳтиёжларни қондириш жараёнида меъёрий-хукуқий хужжатларни бузиш орқали юзага келган қарама-қаршиликларни аниқлайди.

Молиявий назорат қондирилмаган еҳтиёжларни аниқлайди ва бошқарув тизими воситаси билан уларни қондирилишига таъсир етади, қондирилган еҳтиёжлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг навбатдаги даври учун қайтадан янгиланади. Бундай назоратда истеъмолчилик талабини молиявий назорат предмети билан қондириш ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишга бозорнинг таъсири ҳисобланади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида молиявий назорат қарама-қаршиликларни иқтисодий усуллар (солиққа тортиш, кредитлаш ва х.к.) билан тартибга солиш мақсадида аниқлаш воситаси ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтилганлардан келиб чиқкан ҳолда молиявий назорат предметини кенг маънода, яъни такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари ва бошқарув даражаси қамровини ҳисобга олган ҳолда ҳамда тор маънода, яъни давлат бюджетига татбиқан таърифлаш мумкин.

Биринчи ҳолатда, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида юзага келувчи жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларини акс

еттирувчи иқтисодиёт субъектларининг молияси молиявий назорат предмети ҳисобланади.

Иккинчи ҳолатда, шаклланиши босқичидаги каби, тақсимлаш ва фойдаланиш босқичларида ҳам консолидасиялашган давлат бюджети маблағлари молиявий (давлат) назорат предмети ҳисобланади.

1.3. Давлат молиявий назорати тизимининг элементлари

Давлат назорати тизими яхлит ҳолатда қатор элементлардан иборат:

- назорат субъекти (ким назорат қилса);
- назорат объекти (кимни назорат қилса);
- назорат предмети (нимани назорат қилса);
- назорат тамойиллари;
- назорат усули;
- назорат механизми;
- назорат жараёни.


Назорат- тафтиш тадбирларини ўтказиш самарадорлигига боғлик бўлган назоратнинг янада муҳим элементи назорат субъектлари ҳисобланади (яъни юқори касбий малакага эга текширувчи шахслар, тафтишчилар, инспекторлар, аудиторлар ва х.к). Уларнинг фаолияти меъёрий ҳукуқий хужжатлар билан регламентланиши лозим, бу хужжатлар бирлаштирилган ҳолатда молиявий ҳукуқни ҳосил қиласди.

Молиявий ҳукуқ иқтисодий субъектларни молиявий интизомга риоя қилмаганликлари учун жавобгарлик чегарасини белгилайди, чунки маъмурий, бюджет-солиқ қонунчилигини бузганларга моддий-молиявий таъсир этиш чораларисиз назорат олдига қўйилган вазифаларни бажариш бўйича юқори натижаларга еришишнинг иложи юқ.

Молиявий назоратни амалга оширувчи ташкилотлар давлат молиявий назорати субъектлари ҳисобланади. Давлат молиявий назорати объекти – бу Давлат

бюджет, давлат мулки, табиий ресурслар ёки солиққа тортиш, экспорт ва импорт бүйича бирор-бир имтиёзлардир.

Давлат молиявий назорати иқтисодиёттинг турли бұғынларининг иқтисодий фаолиятидаги янги ҳодисаларни ёритиб беради, ушбу фаолиятни такомиллаштириш мақсадида унинг қонунчилигини белгилайди.



3-расм. Давлат молиявий назорати механизми

Махсулот ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлиш ва истеъмолини қамраб олган ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг барча босқычларыда молиявий назорат қарама-қаршиликлар ва уларни жамият томонидан тартибга солиши мақсадида ишлаб чиқариш күчлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини үрганади. Ушбу йирик доирада айнан улар назорат объекти ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқариш күчлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини назорат қылған ҳолда молиявий назорат, инсоннинг шахсий меңнати, меңнат предмети ва воситаларини үз ичига олувчи мақсаддага мувофиқ фаолияти сифатида ижтимоий меңнатдан самарали фойдаланиши, унинг амалдаги

қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга мос қелишини аниқлади. Хусусан, республика ва маҳаллий даражалардаги бюджет ва бюджетлараро муносабатлари текширилади. Корхона ва ташкилотлар даражасида жонли ва ашёвий меҳнат сарфларининг самарадорлиги, асосий фонд ва маблағлардан фойдаланиш текширилади. Шундай қилиб, молиявий назорат предметига иқтисодиёт амал қилишини таъминловчи такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча таркибий қисмлари ва қонуний меъёрий асос киритилади.

Назорат тамойиллари- назоратнинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган ва амалий фаолиятдан ўтган сиёсий, ташкилий ва ҳуқуқий асослари бўлиб, уларга амал қилишлиги назоратнинг самарадорлигини таъминлайди. Назорат тамойиллари молия соҳасидаги назоратнинг умумий тартибини мақсадга юналтирилганлигини белгилаб беради. Кўп йиллик тажриба асосида жаҳонда давлат молиявий назоратини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳар бир сивилизациялашган давлатларга амал қилинган ва интилади. Бу тамойиллар қонунийлик, дахлсизлик, объективлик, малакалик, ошкораликни талаб қиласиди.

Назорат жараёни – назорат субъектларининг назоратини олдига қўйилган мақсадларини энг самарали усууллари билан амалга оширишга қаратилаган фаолияти жараёнидир. Мамлакат иқтисодиёти ва молиясининг тармоқ ва соҳаларида амалга оширилаётган ва самарали ҳал этилиши кўп жиҳатдан молиявий назорат турларини ташкил қилишга ,уни ўтказиш шакл ва усуулларига бевосита боғлиқдир.

1.4. Давлат молиявий назоратида методик услублар

Давлат молиявий назорати жараёнида индуксия ва дедуксия каби услублардан кенг фойдаланилади. Ички хўжалик (авваламбор бухгалтерияда) назоратида тадқиқотнинг индуктив услубларидан фойдаланилади. Идоравий ва ташки назоратда, умумлаштирилган синтетик кўрсаткичлардан хусусий ва ягона далилларга ўтиш юли билан асослаган хулосалар олишга мўлжалланган дедуксия усууллари нисбатан самаралидир. Бу ерда назорат ҳаракатларининг мунтазамлиги

бошқачароқ кўринишга эга: синтетик ва таҳлилий бухгалтерия ҳисоби регистрлари орқали бухгалтерия ва статистика ҳисоботларининг умумлаштирилган кўрсаткичларидан бирламчи ҳужжатларни яхлит ёки айrim қисмларини кўриб чиқиши ўз ичига олади. Тафтишда дедуксия усулларидан фойдаланиш иқтисодиётни бошқариш самарадорлиги ва хуқуқий меъёрларга риоя қилишни ҳар томонлама ўрганиш имконини беради.

Таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда давлат молиявий назоратини назорат обьектининг ҳақиқий ҳолатини тадқиқ этиш билан уйғунликда ҳисоб, ҳисобот, меъёрий ва бошқа иқтисодий маълумотлардан фойдаланиш асосида ҳўжалик ва молиявий операциялар ҳамда жараёнларнинг қонунийлиги, тўғрилиги, мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий самарадорлигини комплекс, бир-бирига боғлиқ тарзда ўрганиш каби таърифлаш мумкин.

Назорат усулларининг моҳияти тўғрисидаги адабиётлар таҳлили улар орасидан икки гуруҳни ажратиб олиш имконини беради:

- умуммиллий усуллар;
- ўзига хос назорат усуллари.

Умуммиллий усуллар таҳлил ва синтез, дедуксия ва индуксия, ўхшашлик ва моделлаштириш, тизимли таҳлил, функционал- миқдорий таҳлил кабилардир.¹

Таҳлил (аналісус-жойлаштириш) – предметни таркибий (унинг хусусиятлари, белгилари, муносабатлари бўйича) қисмларга ажратган ҳолда фикрий ёки амалий ўрганишни ўз ичига олган тадқиқот усули. Ажратилган қисмларнинг ҳар қайси ягона бирлик доирасида алоҳида-алоҳида таҳлил қилинади (бирлашманинг ишлаб чиқариш ва молиявий- ҳўжалик фаолиятини комплекс тафтиши).

Синтез (сýнтхесис – бирлаштириш, уйғунлаштириш, тузиш) – обьектни яхлит ҳолатда, бирликда ва унинг қисмлари билан ўзаро алоқасида ўрганиш усули.

Молиявий назоратда синтез таҳлил билан боғлиқ, чунки у таҳлил жараёнига ажратилган обьектларни бирлаштириш, улар орасида алоқа ўрнатиш ва предметни

¹ Степашин С.В Столяров Н.С., Шохин С.О., Жуков В.А. Государственный финансовый контроль. Учебник. - СПб.: Питер, 2004 й.

ягона бирлик сифатида англаш имконини беради (ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини назорат қилиш ва ҳ.к.).

Индуксия (индуктио – хусусийдан умумийга ўтказиш) – объект элементларининг кўплик аломатлари тўғрисида умумий хulosса барча аломатларни емас, балки мазкур кўпликнинг алоҳида муайян элементларини ўрганиш асосида чиқарилади, яъни хусусий омилларда умумий хulosаларгача ақлий хulosса чиқариш (масалан, дебиторлик қарзлари текшируви дастлаб таҳлилий ҳисоб маълумотлари бўйича, сўнг – синтетик маълумотлар бўйича ўтказилади).

Дедуксия (дедустион умумийдан хусусийга ўтказиш) – объектнинг ҳолати яхлит тадқиқ етилади, мантикий фикрлар асосида унинг таркибий элементлари тўғрисида хulosса чиқарилади, яъни умумийдан хусусийга ақлий хulosса (масалан, дебиторлик қарзларитеекшируви дастлаб синтетик ҳисоб маълумотлари – сўнг таҳлил бўйича ўтказилади).

Ўхшашлик (аналогиа - ўхшашлик) – бир объектни бошқаси билан ўхшатиш асосида ўрганишга еришиладиган илмий хulosса чиқариш усули. Ўхшатиш усули турли объектларнинг баъзи томонлари ўхшашига асосланган ҳолда молиявий назоратда кўлланилган стандартлаштириш ва моделлаштириш асосини ташкил етади.

Моделлаштириш - илмий ўрганилаётган объектни ўхшапи билан, аслининг муҳим қирраларига эга бўлган моделлар билан алмаштиришга асосланган илмий ўрганиш усули. Молиявий назоратда назорат–тафтиш ўтказиш жараёнлари стандартлари (моделлари) кўлланилади.

Тизимли таҳлил- тадқиқот объективни тизимни ҳосил қилувчи элементлар йигиндиси сифатида ўрганишдир. Молиявий назоратда тизимли таҳлил объектнинг хулқ- авторини уларнинг амал қилишига таъсир етувчи барча омилларга эга тизим сифатида баҳолашни кўзда тутади. Ушбу усул молиявий назоратда кенг фойдаланилади, чунки иктисодиётнинг барча бўғинларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик-молиявий фаолиятини баҳолашга тизимли ёндашувга кўмаклашади.

Функционал-миқдорий таҳлил тадқиқотнинг амал қилиш жараёнида лойиҳалаштириш ва мураккаб тизимлар синтезини ўз ичига олувчи ишлаб чиқаришни инженер тайёрлаш босқичида объектларни ўрганишdir (технологик жараёнларнинг иқтисодий самарадорлигини лойиҳалаштириш ва баҳолаш).

Молиявий назоратнинг шахсий услубий усуллари иқтисодий фан ютуқлари асосида амалиётда ишлаб чиқилган ўзига хос назорат усулларини ўзида намоён етади. Бу усуллар назоратнинг мақсадли вазифасига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Молиявий назоратнинг шахсий услубий усулларини қўйидаги гурӯхга бирлаштириш мумкин:

- Органолептик;
- ҳисоб-таҳлилий;
- хужжатли умумлаштириш;
- назорат натижаларини амалга ошириш.²

Органолептик (лептикос- олиш, қабул қилишга мойил) – сезги органлари ёрдамида аникланади. Молиявий назоратнинг органолептик усуллари қўйидагилар киради:

- инвентаризация;
- назорат ўлчови;
- танланган ва ялпи кузатишлар;
- технологик ва кимё-технологик назорат;
- экспертизалар;
- хизмат текширувлари.

Инвентаризация – органолептик усуллар натижасида назорат объектларини текшириш. Ушбу жараённинг моҳияти кўрик, қайта ҳисоблаш, салмоқлаш, ўлчаш юли билан объектларнинг мавжудлиги ва ҳолатида ўтказилади. Молиявий назоратда товар-моддий бойликлар ва пул маблағларининг сақланганлигини, шунингдек, ҳисоб-китоб муносабатлари ва бошқа хужжатлар ва пассивларнинг бирлаштирилганлигининг ҳақиқий

² Степашин С.В Столяров Н.С., Шохин С.О., Жуков В.А. Государственный финансовый контроль. Учебник. - СПб.: Питер, 2004 й.

назоратининг асосий усули сифатида қўлланилади. Инвентаризация усули молиявий назоратнинг барча турларида фойдаланилади. Давлат мулкининг сақланишини таъминлашда инвентаризация жорий назорат асосий усули ҳисобланган ҳолда ички ҳўжалик назоратини амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ишларнинг назорат ўлчови - қурилиш-монтаж ишлари табиий бажарилганлиги текшириш жараёнида, шунингдек бошқа назорат қилувчи органлар томонидан ишлар ва турли хизматлар ҳажмини назорати ўтказилишида қўлланиладиган ҳақиқий назорат усули.

Танлаб кузатиии–ҳўжалик фаолиятининг сифат тавсифларини статистик тадқиқ этиш усули. Ялпи назорат техник жихатдан бажарилишининг иложи бўлмаган ҳолатларда молиявий назоратда фойдаланилади. Масалан, савдога тушувчи товарларни камчилигини аниқлашда товарлар сотиб олиш учун харидор томонидан сарфланган вақт.

Ялпи кузатиии ўрганилаётган объектнинг ҳақиқий ҳолатини статистик тадқиқ этиш усули (хисобот даврида иш вақтидан фойдаланиш, ишлаб чиқиш меъёрларини назорат қилишда хронометраж кузатишлар ўтказиш ва ҳ.к.).

Технологик назорат - ишлаб чиқариш инженер техник тайёрлиги, шунингдек чиқарилган маҳсулот сифати, ишлаб чиқаришнинг дастлабки, жорий ва ишлаб чиқаришнинг келгуси назорати жараёнида корхонанинг бошқа хизматлари ва техник назорат (ОТК) бўлими томонидан амалга оширилган, унинг техник шароитлар ва давлат стандартига мувофиқлигини назорат қилиш усули. Технологик назорат турларидан бири ишлаб чиқариш технологиясининг қулайлиги, моддий ресурслар сарфланиши ва тайёр маҳсулот чиқариш меъёрларининг асосланганлигини текшириш учун қўлланиладиган ишлаб чиқаришга хом ашё ва материалларни назоратда киритилиши ҳисобланади.

Кимё-технологик назорат - маҳсулот ишлаб чиқариш учун, шунингдек буюмларнинг сифат тавсифлари учун фойдаланилган хом ашё ва материалларнинг дастлабки сифатини назорат қилиш усулидир. Умумий овқатланишда у қандолатчилик маҳсулотларининг калориясини аниқлаш, там сифатлари, таом ва маҳсулотларнинг

бошқа сифатли ва миқдорий кўрсаткичлари ресептурасига тўлиқ риоя қилиш учун қўлланилади. Назоратнинг ушбу тури лаборатория таҳлили, технологик конвейерда, конвейернинг якуний лентаси ва бошқа усуллар билан маҳсулотни текшириш орқали амалга оширилади.

Експертизанинг турли қўринишлари- технологик, суд- бухгалтерия, криминалистика ва технологик назорат билан ўзаро алоқага эга бўлган маҳсус масалаларни тадқиқ этишда бошқа экспертиза билан қўлланилган экспертиза баҳолаш усули.

Лойиҳалар ва смета ҳужжатлари экспертиза - монтаж талаб ва талабга эга бўлмаган жиҳозлар сотиб олиш ва қурилиш объектларини кўтаришга лойиҳа-смета ҳужжатларида акс еттирилган қурилишни ташкил этиш ва саноатлаштиришнинг меъёр ва нормативлари илгорлиги, технологик даражани текширишdir. Експертизани лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачи - корхона, йирик қурилишлар бўйича эса - муассаса, уларни молиялаштирувчи маҳсус бўлимлар ўтказадилар.

Хизмат текширувлари – мансабдор шахслар томонидан, шунингдек халқ хўжалигининг турли бўғинларида ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга соловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга хизматчилар ва ишчиларни риоя қилишларини ялпи текшириш усуллари. Бу усуллар асосан амалдаги қонунчилик бузилиши, моддий зарар юзага келишини текширишда қўлланилади.

Тажриба - режалаштирилган ёки бажарилган жараёнлар натижаларини текшириш учун молиявий назорат мақсадига мувофиқ тарзда илмий қўйилган тажриба. У режалаштирилган жараённи боришини кузатиш ёки берилган шароитларда унинг тақрорланишини кузатиш имконини берувчи аниқ ҳисобга олинган шароитларда ўтказилади.

Давлат молиявий назоратини ўтказишида фойдаланиладиган ҳисоб-таҳлил усуллари қўйидагилардан иборат:

- иқтисодий таҳлил;
- статистик ҳисоб-китоблар;
- иқтисодий- математик усуллари.

Иқтисодий таҳлил- ҳодиса ва жараёнларнинг натижаларини шартловчи сабабли алоқаларни ёритиб бериш учун молиявий назоратда фойдаланилган усуллар тизими. Иқтисодий таҳлил ташкилотнинг ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятининг дастлабки, жорий ва келгуси назоратини ўтказишда қўлланилади.

Статистик ҳисоб-китоб иқтисодий ахборотда бевосита иштирок етмайдиган қиймат ва миқдорий тавсифларни олиш усули. Улар миқдорий алоқа ва муносабатларнинг бир қийматидан бошқа аниқроқ тавсифларига ўтишда ёки таҳминий қийматларни тузатишида реал миқдорий муносабатлар ёки аниқлаштиришларда такрор ишлаб чиқариш еҳтиёжи юзага келганда қўлланилади. Молиявий назоратда статистик ҳисоб-китоблар воситаси билан ишлаб чиқариш қувватлари, ишлаб чиқариш динамикасидан фойдаланиш коеффиценти аниқланади.

Иқтисодий-математик усуллар - бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишида, режалаштириш ва режалаштириш босқичида уларни оптималлаштириш мақсадида, шунингдек, хўжалик жараёнлари такомиллаштирилгандан сўнг хўжалик жараёнлари натижаларига омилларни таъсирини аниқлашда қўлланилади. Хусусан, бу маҳсулотнинг таннархи, ишлаб чиқаришдаги қўшимча харажатлари, ишлаб чиқариш режаси бажарилиши коррелясия таҳлилидир.

Давлат молиявий назоратида қўлланиладиган ҳужжатли усуллар қўйидагилардан иборат:

- информацион моделлаштириш;
- ҳужжатларни тадқиқ этиш;
- камерал текширувлар;
- меъёрий-хуқуқий тартибга солиш.

Информацион моделлаштириш - модел кўринишида назорат қилинадиган объектни намоён етувчи маълумотлар йиғиндиси. Информацион моделларни шакллантиришда назорат объектлари тавсифининг тўлиқлиги, мавжуд ўзгарувчиларни ва уларни қабул қилиш ва таҳлил қилиш учун қулайроқлигини таъминлаш зарур. Назоратда моделлаштиришнинг мақсади, режали ўлчамлар доирасида тартибга солиш қарорларини ишлаб чиқиши, оғиши ва шубҳаларни аниқлаш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариши

жараёнларида иштирок этиш, навбатдаги ҳолатни ўрганиш учун объект тўғрисидаги зарурий маълумотни олиш ҳисобланади. Моделлаштиришда объектлар тўғрисида меъёрий-хуқуқий, шартномавий, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа маълумотлардан фойдаланилади. Бундай тасавурда молиявий оқимлар, асосий фонdlар объектлари, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари, шартномавий, меъёрий-хуқуқий ва ҳисоб маълумотлари тизимидағи ифодасини информацион модел деб ҳисоблаш мумкин.

Хужжатларни тадқиқ этиши – хўжалик операцияларининг тўғрилиги, мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий хужжатларга уларнинг мослигини ҳужжатли назорат қилиш усулидир.

Камерал текширувлар - капитал қўйилмалар, шунингдек назорат органи ташкилотлари томонидан тақдим етилган бажарилган қурилиш-монтажложиҳа ишларини

хужжатларининг сифатини ҳужжатли назоратидир.

Меъёрий- хуқуқий тартибга солиш – кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида меъёрий-хуқуқий хужжатларнинг бузилишини аниqlаш учун молиявий назоратда фойдаланиладиган усуллар тизими.

1.5 Давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари

Давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг қатъий асослари Ўзбекистон Республикаси Конститусияси асосий низомларига асосланади. Конститусияда қўйилган асосий вазифалар, айниқса: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, демократия ва фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат тамойилларини амалга ошириш – барча давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг асоси ва мазмuni ҳисобланади.

Давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари назорат- ҳисоб органлари фаолиятини тартибга солувчи қонуний ҳужжатларда аниқ ва

кенг мустаҳкамланган. Одатда, назорат –хисоб органлари тўғрисидаги қонунларда улар фаолиятининг қўйидаги асосий тамойиллари таъкидлаб ўтилади:

-қонунийлик, тизимлилик, даҳлсизлик, объективлик, малакавийлик, ошкоралик³.

Бироқ, тамойилларнинг бошқа тўплами ҳам учраб туради. Масалан, РФ Ҳисоб палатаси қонунийлик, тизимлилик, объективлик, эркинлик, ошкоралик тамойиллари асосида федерал бюджетни ижро этиш устидан назоратни амалга оширади.

Умуман, давлат молиявий назорати органларининг фаолияти ва ташкилоти тузиладиган Россия қонунчилигига ўзининг кенг аксини топган икки гурух тамойилларни ажратиш мумкин. Агар фаолият тамойилини муҳокама қилсак, у ҳолда бу қонунийлик, объективлик, ошкоралик ва мустақиллик демакдир. Умуман, давлат назорати органлари, уларнинг ички таркиби ва олдидағи вазифаларни амалга ошириш тамойилларини ташкил этишда ва олиб боришда тизимлилик ёки режалилик тамойилига, шунингдек, қарорлар қабул қилишда жамоавийлик тамойилини таъкидлаб ўтиш зарур. Назорат органларини қонуний таъминотида сўнггилари соф кўринишида ҳамда турли қиёсларда учрайди.

Қонунийлик тамойили давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг асоси сифатида.

Қонунийлик тамойили бирор-бир шаклда уларнинг фаолиятини тартибга солувчи барча меъёрий ҳуқуқий хужжатларда иштирок етади.

Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонунчилик хужжатларида фаолият тамойилларидан бири сифатида қонунийлик бевосита белгилаб берилган. Ҳисоб палатаси фаолиятида қонунийликнинг асосий элементлари: фақатгина Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этиш; Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига қатъий риоя қилиш; Палата ва унинг мансабдор шахсларининг қонунийликка риоя қилиш масъулияти ҳисобланади. Бу каби низомлар барча назорат-ҳисоб органлари тўғрисидаги қонунларда мавжуд.

³ Степашин С.В Столяров Н.С., Шохин С.О., Жуков В.А. Государственный финансовый контроль. Учебник. - СПб.: Питер, 2004 й.

Хисоб палатаси фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига таяниши лозим. Қонун низомларини бузувчи ёки унга мувофиқ бўлмаган мансабдор шахслар ҳаракатлари учун қонуности хужжатлари асос ҳисобланган ҳолатларда фақат масъулият контекстида ҳисобга олиниши лозим.

Палатанинг асосий вазифаларидан бири эса тизимли ва барқарор табиатта эга бўлган иқтисодий пухта ўйланган, асосланган ҳаракатларни қонуний тан олиш ва

Молиявий назоратнинг ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари

- **Қонунийлик** тамойили- давлат ва унинг барча органлари , шунингдек назорат органлари қонунга мувофиқ фаолият юритишини, жамият ва фуқарорларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашини назарда тутади
- **Тизимлилик** тамойили- назорат тадбирларини ўтказища назорат объективининг барча томонлари ва унинг ўзаро алоқалари вертикал ва горизонтал бошқарув тизимлари бўйича кўриб чиқилишини назарда тутади
- **Даҳлсизлик**- назорат вазифаларини самарали бажариш учун назоратчиларнинг ва биринчи навбатда назорат органи шахсларидан қарорларни қабул қилувчи ходимларнинг маълум даражали персонал даҳлсизлиги зарурлигини тан олади. Шу мақсадда қонунчилик тартибида назорат-ҳисоб органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомлари кафолати белгиланади.
- **Объективлик** тамойили- назорат натижалари, текширилган фактларнинг мазмуни қонунлар, юриқномалар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини назорат қилишни тартибга солувчи бошқарув органларининг фармойишлари билан солиштириш асосида тўғри, тўлиқ ва объектив тушунтирилишини назарда тутади
- **Малакавийлик** тамойили- назоратчи- тафтишчилар касбий маҳоратининг юқорилигини ва улар амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилишларини тақозо етади.
- **Ошкоралик** тамойили- жамият е’тиборига оммавий ахборот воситаси орқали турли молиявий-режа ҳужжатлари лойиҳаларини, уларнинг ижроси бўйича ҳисботларни, молиявий фаолиятни

4-расм. Молиявий назоратнинг ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари

мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳисобланади. Ундан ташқари, назорат остига олинган ташкилотлар ва шахсларнинг ҳаракатлари қонунийлигини баҳолаш ихтиёрий, мантиқий ва шу билан бирга ҳаётий ва юқори изоҳланишини бекор қилиши лозим.

Ҳисоб палатаси ва унинг юқори мансабдор шахсларини сиёсий, популистик, гурӯхий ёки ғаразли мақсадларга эга ташқи таъсирлардан ҳимоялаш қонунда кўзда тутилган. Қонунчилик хужжатларида белгилаб берилганидек, Палатанинг мансабдор шахсларига улар хизмат мажбуриятларини ижро этишларида уларга тўсқинлик қилиш ёки кимнингдир фойдасига қарор қабул қилишга еришиш, зўровонлик ҳаракатлари, ҳакоратлар хамда улар хизмат мажбуриятларини бажараётганликлари тўғрисида нотўғри маълумот тарқатиш ёки тухмат тарқатиш мақсадида уларга салбий таъсир этишга уринганлар қонунчилигида белгиланган жавобгарликка тортилади.

Қонунийлик тамойилининг бошқа муҳим қисми Палата ҳодимлари томонидан қонунчилик хужжатларига қатъий риоя қилиш ҳисобланади. Бу биринчидан, Ҳисоб палатасидан белгиланган лаёқат (компетенсия), унинг масалалари, вазифалари ва ваколатлари доирасида, Палатанинг мансабдор шахслари учун эса – уларга берилган ҳукуқ ва мажбуриятларга мувофиқ тарзда қатъий ҳаракатланиш талаб этилади. Палата ҳодимлари, шунингдек бирор бир ҳаракат учун қонунда белгиланган тадбирларга риоя қилишлари лозим. Умуман, Ҳисоб палатаси ва унинг мансабдор шахслари ўзларининг амалий ва ҳукмронлик ваколатлари ошиб кэтишига йул қўймасликлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳам ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конститусияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва буйруқлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва буйруқларига бўйсунади.

Қонунийлик тамойили тўғрисидаги масала солиқ органлари тўғрисидаги қонунчилиқда ўзининг муфассал аксини топди.

Солиқ тўловчиларга (йигимларни тўловчилар) уларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини суд ва маъмурий ҳимоя қилиш кафолатланади. Солиқ тўловчиларнинг хуқуқлари солиқ органларининг мансабдор шахсларининг мувофиқ мажбуриятлари билан таъминланади. Солиқ тўловчиларнинг хуқуқларини таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажариш ёки бажармаганлиги учун қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

Ўз навбатида солиқ органлари солиқ ва йигимлар тўғрисидаги қонунчилиқка риоя қилиш, шунингдек, уларга мувофиқ тарзда қабул қилинган меъёрий хуқуқий хужжатлар устидан назоратни амалга ошириш, солиқ сирини сақлашлари лозим. Солиқ органларининг мансабдор шахслари солиқ кодекси ва бошқа қонунларга қатъий мувофиқликда ўз масъулияtlари доирасида солиқ органларининг хуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари зарур.

Қонун билан солиқ органлари, божхона органлари, давлат нобюджет фондлари органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг солиқ органларининг ёки уларнинг мансабдор шахслари солиқ назоратини олиб боришда ноҳукуқий ҳаракатлари орқали йетказилган заарни қоплаб беришгача бўлган мажбуриятлари белгиланган.

Давлат молиявий назорати органлари томонидан қонунийлик тамойилиги риоя қилиш нафақат конституцион ва қонунчилик низомлари, балки уларнинг ишлари таркиби, айниқса, натижаларининг ўхшашлиги учун ҳам қатъий аҳамиятга эга. Фақатгина амалдаги қонунчилик низомларига қатъий риоя қилган ҳолда давлат молиявий назорати органлари давлатнинг молиявий фаолияти ва унинг органлари, бюджет ва бошқа давлат маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар, молиявий

оқимларнинг қулайлиги, мамлакатнинг бюджет ва умуман молиявий тизими амал қилишининг самарадорлигига реал ижобий тасвир беришлари мумкин.

Давлат молиявий назорати органлари ишида объективликнинг қонуний таъминоти.

Объективлик самарали назорат ишининг белгиловчи шарт ҳисобланади. Объективликсиз бошқарув функцияси сифатида назорат, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ўз маъносини юқотади. Айнан молиявий-иктисодий фаолият объектив аксини таъминлаш учун назорат органи томонидан ташқи таъсирдан қочиш учун ташкилий ва амалий мустақиллик ва ошкоралик зарур. Назорат объектлари ва субъектларининг факат қонунийлик асосида харакатланишларини объектив баҳолаш мумкин, қонунийлик – объективликнинг асосий мезонидир. Олинган маълумотни умумлаштириш даражаси қанчалик юқори бўлса, молиявий назорат органлари хulosасининг объективлиги шунчалик ортади, бу назорат ишининг тизимлилиги билан таъминланади.

Объективлик яққол ифодаланган кўринишда фаолият тамойили сифатида назорат-ҳисоб органлари тўғрисидаги қонунчиликка бириктирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси хulosасининг объективлиги бир неча усуслар билан таъминланади. Улардан бири – масъул лавозимларга даъво қилувчи шахсларга юқори малакали талабларни белгилашдир. Ҳисоб палатаси Раиси, Раис муовини, инспекторлар олий маълумот ва давлат бошқаруви, давлат назорати, иқтисодиёт, молияси соҳасида касб фаолияти тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон фуқароси бўлиши керак. Ҳисоб палатаси ишининг якуний натижасига жавоб берувчи мансабдор шахсларнинг бу грухи Ҳисоб палатасининг вазифаларини бажаришга қатъий касбий ёндашувни таъминлаши лозим.

Ундан ташқари, Ҳисоб палатаси ва унинг фаолиятига юқори мансабдор шахсларнинг максимал даражада шахсий ва корпоратив таъсирларга йул қўймасликка қаратилган талаблар қонунда белгиланган.

Объективликни таъминлаш учун Ҳисоб палатаси Ҳайъати аъзоларининг алохида фикрни айтиш хуқуqlари катта аҳамиятга эга. Текширув ва тафтиш

натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари Ҳисоб палатаси Ҳайъатини, уларнинг хатти-харакатларига масъул бўлган инспекторлар томонидан кўриб чиқилишга тақдим етилади. Уларнинг муҳокама хуносалари бўйича Ҳисоб палатаси Ҳайъати Ҳисоб палатаси Ҳайъати мажлисида раислик қилувчи томонидан имзоланадиган қарорни қабул қиласди. Бунда унинг қароридан норози бўлган Ҳайъат аъзоси ёки Ҳисоб палатаси Ҳайъати аъзолари гурухи уч кунлик муддатда Ҳисоб палатаси Раисига Ҳисоб палатаси Ҳайъати қарорига илова қилинадиган алоҳида фикр билдириш хуқуқига егадирлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига текширув ва тафтиш материалларини тақдим этишда Ҳисоб палатаси Ҳайъати аъзоларининг алоҳида фикрлари мажбурий тартибда еълон қилинади. Агар алоҳида фикр билан Ҳисоб палатаси Раиси ёки Ҳисоб палатаси Раис мувовини сўзга чиқса, уларга қўшма маъруза учун сўз берилади.

Ҳисоб палатаси ишининг объективлигини таъминлашда назорат тадбирлари натижаларининг тўғрилиги учун жавобгарликни, шунингдек, ҳали аниқ бўлмаган ахборотга эга бўлган текширув ва тафтишнинг оралиқ материалларини тарқатишга чекловлар белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисоб палатаси объективликни ошириш максадида ўз ишига бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва мустақил эксперталарни, шунингдек, ички идоравий назорат органларининг малакали ҳодимларини жалб этиш хуқуқига эга.

Назоратнинг объективлигига еришиш учун Ҳисоб палатасини адекват маълумот билан таъминлаш катта аҳамиятга эга, чунки тўлиқ бўлмаган ва хато маълумот асосида тўғри хуроса чиқаришнинг иложи юқ. Қонунда барча назорат обьектлари Палатага унинг фаолиятини таъминлаш учун ҳамма маълумот ва хужжатларни тақдим этиш қайд етилган. Олинган маълумотни максимал даражада ижобий баҳолаш учун Ҳисоб палатаси молиявий назоратнинг асосий тамойилларини белгиловчи стандартлар ва текширув ҳамда кузатувлар ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиласди.

Объективликни таъминлаш мақсадида қонунда тадбирли кафолатлар қўзда тутилган. Уларнинг моҳияти субъектив бўлиши мумкин бўлган бир хил қарорларни қабул қилишга йул қўймасликдан иборат.

Ҳисоб палатаси натижалаштири материалларин оддий расмийлаштириш

Ш и

тадбирлари, муайян ишларни (гурух раҳбари, инспекторлар) бажариш учун масъул мансабдор шахслар хужжат, маълумотнома ёки эксперт хulosаларини имзолашларини қўзда тутади, уларнинг тўғрилиги шахсий жавобгарликка эга.

Ижроия ҳокимиятининг давлат назорати органлари фаолиятини тартибга соловчи қонунчилик ва меъёрий – ҳуқуқий хужжатларда объективлик тамойил сифатида яққол кўринишда учрамайди. Бироқ, бу текширилган ташкилотнинг молиявий фаолиятини ижобий баҳолаш ўтказилган тафтиш ва текширувларнинг асосий мақсади ҳисобланмаслигини англатмайди. ўз фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш маъноси, ижроия ҳокимиятининг кузатиш, назорат-тафтиш органларини тартибга соловчи назоратнинг таркиби ва вазифалари бўйича максимал объективликка интиладилар, унга еришининг мувофиқ меъёрий-ҳуқуқий механизмлари таъминланган. Худди назорат- ҳисоб органлари каби улар томонидан ўтказилган назорат тадбирларининг натижалари тўғрилиги учун жавобгардирлар.

Давлат молиявий назоратининг оммавийлиги (ошкоралиги)га нисбатан талаблари.

Давлатнинг молиявий фаолиятида ва давлат молиявий назорати органларининг ишида ошкоралик тамойили Ўзбекистон Республикаси Конститусиясида бевосита намоён бўлиши ҳисобланади. Демократик жамиятда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ишлари тўғрисида маълумот олишда фуқароларнинг ҳуқуқларини асосий амалга ошириш воситаларидан бирини намоён етган ҳолда ошкоралик тамойили давлатнинг молиявий фаолиятига ҳам тақсимланади.

Ошкоралик тамойили қуйидагиларни англатади:

- тасдиқланган бюджетлар ва уларнинг ижроси тўғрисида ҳисбот очиқ матбуотда мажбурий нашр этилиши, бюджетлар ижросининг бориши тўғрисидаги маълумотни тўлиқ тақдим этиш, шунингдек давлат ҳокимияти қонунчилик

органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарори бўйича бошқа маълумотларнинг қулайлигини;

- жамият ва оммавий ахборот воситалари учун бюджет лойиҳалари бўйича, шу жумладан давлат ҳокимияти қонунчилик органларининг ичидаги ёки давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва ижроия органлари ўртасида келишмовчиликни келтириб чиқарувчи масалалар бўйича қарорлар муҳокамаси ва қабул қилиш тадбирларини англатади.

Бунда ҳатто сир тутилувчи бюджет моддалари ҳам қатъий равишда давлат бюджет таркибида тасдиқланиши лозим, фақат бунинг учун маҳсус тадбир кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига давлат молиявий назоратининг ошкоралик тамоили янада муентазам равишда назорат-ҳисоб органлари тўғрисидаги қонунларда акс еттирилган. Таъкидлаш зарурки, ошкоралик назорат-ҳисоб органларига уларнинг мавжуд бўлиш маъноси бўйича хосдир, чунки улар солик тўловчилар томонидан бевосита ёки билвосита ҳосил бўлади ва уларнинг манфаатларини намоён етади, буларнинг орасида давлат хизматчиларининг фаолияти тўғрисидаги ижобий, тўғри маълумот маълум аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конститусиясидан келиб чиққан ҳолда аҳоли ким ва қай тарзда умумий молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланишни билишга ҳақлидир. Ушбу маълумотга таянган ҳолда фуқаролар давлат аппарати ишига оммавий ахборот воситаларида, ижроия ҳокимияти органларига мурожаат қилиш ёки қонунчилик ва ваколатли ҳукумат органлари депутатларига ўз шикоятларини бериш, шунингдек турли даража ва ҳукумат бўғинларига мансабдор шахслар, депутатлар сайловлари давомида тўғридан-тўғри ихтиёрий тарзда ўз муносабатларини ифодалашлари мумкин.

Ошкоралик Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва бошқа назорат – ҳисоб органларининг самарали ишлашига маълум ижобий таъсир етади. Чунки ошкоралик шароитларида ҳисоб палаталари томонидан ўтказилган назорат

тадбирларининг натижаларини сир тутиш қийин, улар жамоатчилик назорати остига қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ишида ошкоралик тамойили биринчи навбатда Ҳисоб палатасининг йиллик ҳисоботи жамоатчилик томонидан танишиб чиқилиши учун қонунда белгиланган мажбурий нашр этиш юли орқали амалга оширилади, бунда Палата томонидан ўтган йили ўtkазилган барча назорат тадбирларининг натижалари кичрайтирилган шаклда тақдим етилади, давлат ҳокимияти органларининг хатолик ва камчиликларини аниқлашга таъсирлари баҳоланади, уларни бартараф этиш ва бутун молия тизимини такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган хулоса ва тавсиялар таклиф етилади. Ундан ташқари, Ҳисоб палатасининг йиллик ҳисоботи Олий мажлис йиғилишларида оммавий ахборот воситалари вакиллар иштироқида тингланади ва муҳокама етилади. Ҳисоб палатасининг ҳисоботи мажбурий тарзда чоп этилиши лозим.

Ҳисоб палатаси ишида ошкоралик тайёрланаётган материалларнинг сифати, объективлиги ва тўғрилигига алоҳида юқори талаблар қўяди. Ҳисоб палатаси ва текширилаётган ташкилотнинг ишбилармонлик нуфузига асосланмаган тарзда путур йетказиш ва уларнинг мансабдор шахсларига маънавий зарар йетказиш, шу жумладан, нотўғри маълумотни тарқатганлиги учун унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари суд тартибида шикоят остига олиниши мумкин.

Палата ҳодимлари ишига жалб етилган мутахассислар фақатгина Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган ишларни бажаришдагина текширув ва кузатишлар давомида олинган маълумотлардан фойдаланишлари мумкин. Шулар билан бир қаторда текширув ва кузатишлар давомида Палата ҳодимлари ўз хулосаларини ошкор қилмасликлари лозим. Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари, биринчи навбатда инспекторлар давлат органларига тақдим етилган ва ошкора тарзда берилган, ўтказилган текширув ва кузатишларнинг натижалари тўғрилиги, шунингдек, қонун билан ҳимояланган давлат, тижорат ва бошқа сирларни ошкор қилмаслик учун масъулдирлар.

Маълумотлардан нотўғри фойдаланишдан ҳимояланиш талабларини кўрсатувчи қатор шартлар ҳам қонунчиликда белгилаб қўйилган. Қонунга мувофиқ тарзда давлат ҳокимияти органлари, такширилаётган ташкилот, муассаса, хўжалик юритувчи субъектлар ва молия-кредит ташкилотлари назорат тадбирлари давомида ва алоҳида сўровномалар бўйича Ҳисоб палатасига унинг фаолиятини таъминловчи ва унинг компетенсиясига кирувчи барча зарурый маълумотлар ва хужжатларни тақдим этишлари шарт.

Ҳисоб палатаси, шунингдек, бошқа назорат органларининг улар томонидан үтказилган текширув ва тафтиш хуносалари бўйича материалларидан фойдаланиши мумкин. Табиийки, Ҳисоб палатасининг мувофиқ мансабдор шахслари уларга берилаётган материалларнинг сақланиши учун шахсан жавобгардирлар. Ундан ташқари Ҳисоб палатаси бошқа ташкилотлардан олинган материал ва хужжатларни, уларни тақдим етган ташкилотда кўзда тутилган фойдаланиш тартибини таъминлашлари лозим.

Ошкоралик тамойили давлат, солик, банк, тижорат ва бошқа қонун ҳимоясидаги сирларни сақлаш заруратини шарҳлайди. Назорат - ҳисоб органларида маълумотларни ҳимоялаш тизимининг қонуний таъминоти тўғрисида юқорида еслатиб үтдик. Қонунчилик сирли характердаги маълумотларни сақлаш бўйича қатъий талабларга парламент ва ижроия тузилмаларида ҳам эга.

Махсус сирли дастурларни қабул килиш ва уларни бирор - бир бюджет харажатлари таркибиға киритиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти орқали амалга оширилади. Махсус сирли дастурлар харажатлари тартиби Президент томонидан белгиланади. Махсус сирли дастурларни амалга оширишда маблағ сарфланиши назоратини фақат Президент томонидан юклатилган органлар амалга оширади. Бундай дастурларга маблағ харажатларини текшириш якунлари фақат Президент, Олий мажлис раиси ва махсус комиссияга тақдим етилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги солик соҳасида конфиденсиал маълумотлар ҳимоясини кўзда тутади, бинобарин солик сирига алоҳида еътибор қаратилади. Солик органларига давлат нобюджет фонdlари органлари ёки божхона

органларига келиб тушган солиқ сирини ташкил етүвчи маълумотлар махсус сақланиш ва фойдаланиш тартибига эга, солиқ сирини ташкил етүвчи маълумотларга эга бўлган ҳужжатларни юқотиш ёки бу каби маълумотларни тарқатиш солик органлари ва унинг мансабдор шахсларини қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортади.

Давлат молиявий назорати органларининг мустақилигини ҳуқуқий таъминлаш

Назорат органлари, айниқса, умумдавлат ва маҳаллий даражалардаги юқори молиявий назорат органлари сифатида мустақиллиги (маъмурий эркинлик) самарали молиявий назорат ўtkазишнинг асосий шарти ҳисобланади. Сиёsat ва молияларда алоҳида ёпиқ алоқалар ва боғлиқликлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда назорат органларининг йетарлича эркинлиги қонуний даражада мустаҳкамланган бўлиши лозим. Эркинлик хукумат бўғинла рини давлат-амалий тақсимоти тизимида давлат институти сифатида назорат органининг ўзига, шунингдек, унинг аъзолари ва инспектор ҳодимлари қоидаларига тарқатилиши лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонда белгиланганидек, амалдаги қонун билан ўрнатилган вазифалар доирасида Ҳисоб палатаси ташкилий ва амалий эркинликка эга. Ҳисоб палатаси фаолиятининг ташқи еҳтимолий босим ёки давлат ҳокимияти - қонунчилик ҳамда, айниқса, ижроия органлари таъсиридан озодлиги – Палата амал қилишининг асосий тамойилларидан бирини маълум қиласди. Анологик тарзда эркинлик тамойили кўпгина субъектларининг назорат-ҳисоб тўғрисидаги қонунларда мустаҳкамланган.

Назорат-ҳисоб органларининг ташкилий (институционал) ва амалий мустақиллиги

Молиявий назорат органларининг мустақиллигинитаъминлаш уларнинг қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органлари билан муносабатлари ҳақидаги масалалар билан узвий боғлиқ.

Умуман таъкидлаш мумкинки, концептуал назорат-ҳисоб органлари, одатда давлат ҳокимиятининг барча бўғинларидан ташкилий ва амалий эркинликка эга бўлган ҳолда хукуматнинг ушбу бўғинларига ўз вазифаларини амалга оширишда кўмаклашишга қаратилган.

Албатта, молиявий назорат органлари парламент ва ҳукуматдан бутунлай озод бўла олмайди. Баъзи соҳа (масала)ларда уларнинг – масалан, қонун лойиҳалари бўйича маслаҳатларда ёки текширувлар натижаларини маълум қилишда, ёхуд қонунчилик ва сиёсий қарорларнинг оқибатларини баҳолашда, айниқса, узвий ўзаро таъсири талаб етилади. Бундай ҳамкорлик нафақат ижроия ёки қонунчилик ҳокимияти учун фойдали, балки у молиявий назоратнинг қулай шакли ҳисобланади. Бироқ, назорат-ҳисоб органи учун бундай муносабатдан улар назорат вазифаларини бажаришларига халақит берувчи бирор-бир салбий мажбуриятлар келиб чиқмаслиги лозим.

Назорат-ҳисоб органларининг ижроия ёки қонунчилик ҳокимиятидан мустақиллиги авваламбор текширув учун мавзу танлаш ва тафтиш дастурларини амалга оширишда мустақил ҳаракатланишларида намоён бўлади. Тафтиш дастурининг тузилиши қатъий тарзда назорат-ҳисоб органи томонидан ўтказилиши ва бошқа давлат органлари таъсирида қолмасликлари лозим. Назорат-ҳисоб органлари кимнингдир буйруғига бўйсунмасликлари ёки маълум текширувлар ўтказмасликлари, уларнинг мақсади ёки объектини ўзгартирмасликлари лозим.

Назорат-ҳисоб органларининг мустақиллигин таъминлаш ижроия ёки қонунчилик ҳокимияти томонидан маълум текширувлар ўтказиш тўғрисида таклифла олишни чекламайди, бироқ, назорат-ҳисоб органлари қонунда белгиланган бу каби таклифларни қабул қиласлиқ ва тафтиш дастурлари доирасида назорат тадбирлари бўйича қарорларни шахсий ихтиёрий равишда қабул қилиш хукуқига эга бўлишлари лозим.

Ҳисоб палатасининг ташкилий мустақиллиги биринчи навбатда Ҳисоб палатаси аппаратининг штат жадвали ва таркибини ҳеч қандай ташқи таъсирсиз Ҳисоб палатасини таъминлаш учун маблағларни Ҳисоб палатаси Раисининг топшириғи бўйича Ҳисоб палатаси Ҳайъати тасдиқлашида намоён бўлади. Ҳисоб палатаси инспекторлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, Ҳисоб палатаси фаолиятининг ички масалалари Ҳисоб палатаси аппаратининг таркибий бўлинмаларининг вазифалари ва ўзаро таъсирлари, ишларни юритиш тартиблари, назорат ва бошқа фаолиятнинг

барча шакл ва турларини тайёрлаш ва ўтказиш тадбирларини Ҳисоб палатаси томонидан унинг Ҳайъати билан тасдиқланган регламент билан белгиланади.

Функционал кўринишида назорат тадбирларини ўтказиш муддати, ҳажми ва усуллари Ҳисоб палатаси томонидан мустақил равишда белгиланиши жуда муҳим.

Ҳисоб палатасининг ташкилий мустақиллиги қонунинг қатор низомлари билан таъминланади. Палата юридик шахс мақомига эга, давлат герби тасвирига эга муҳри мавжуд, яъни у ўзининг ташкилий-хуқуқий шакли нуқтаи назардан бошқа давлат ҳокимияти органларидан ажратилган. Бу Ҳисоб палатасининг ташки фаолиятига ташқи таъсир имкониятини пасайтиради. Бошқа томондан юридик шахс мақоми Палатага зарурат юзасидан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органларининг қарорлари ва ҳаракатларини суд тартибида ҳал этиш имконини беради.

Ўз навбатида, Ҳисоб палатасининг амалий мустақиллиги қонунда белгиланган тартибда назорат объектларини танлаш, назорат тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш, аниқланган камчиликлар ва хатоликларни тузатиш устидан назоратни таъминлайди.

Бир вақтнинг ўзида ташқи сўровлар асосида експерт ишларини бажариш имконияти кўзда тутилган. Ҳисоб палатаси шахсий ваколатлар доирасида експертиза ўтказади ва хулоса чиқаради.

Назорат-ҳисоб органларининг мансабдор шахсларининг шахсий даҳлсизлиги

Назорат-ҳисоб органларининг мансабдор шахслари ва унинг инспектор-назоратчи ҳодимларининг шахсий даҳлсизлиги ҳам кафолатланиши лозим. Бу мақсадларда назорат-ҳисоб органларининг юқори мансабдор шахсларини мансабларидан озод қилиш ва тайинлаш механизми муҳим аҳамият касб етади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, назорат вазифаларини самарали бажариш учун назоратчиларнинг ва биринчи навбатда назорат органи шахсларидан қарорларни қабул қилувчи ҳодимларнинг маълум даражали персонал даҳлсизлиги зарурлигини тан олади. Шу мақсадда қонунчилик тартибида назорат-ҳисоб органлари ҳодимларининг хуқуқий мақомлари кафолати белгиланади.

Молиявий даҳлсизлик мустақил ишлаш учун зарур бўлган асосий шартлардан бири ҳисобланади, чунки назорат-ҳисоб органларининг молиявий чекловлари бир вақтнинг ўзида унинг фаолияти чекловларини келтириб чиқаради.

Ижроия ҳокимияти органларининг назорат фаолиятида даҳлсизлик тамойили икки муҳим хусусиятга эга. Бир томондан маъмурий тузилмаларнинг бир қисми ҳисобланган ҳолда улар тўғридан-тўғри юқори ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга бўйсунадилар. Бошқа томондан, улар муайян текшириладиган объектлардан ташкилий тарзда асослангандир. Шундай қилиб, ижроия ҳокимиятининг давлат молиявий назорати органлари иккиласмчи моҳиятга эга: умумдавлат тузилмасида улар ижроия ҳокимиятининг ички назорат органлари ҳисобланадилар, текширилаётган объектларга нисбатан эса ташқи назорат вазифасини бажарадилар. Ундан ташқари шуни назарда тутиш керакки, уларнинг фаолияти маълум мақсадга бўйсундирилган – бошқарув даврининг якуний босқичини амалга оширилишини таъминлаш, айниқса тескари алоқа доирасида аввал қабул қилинган молиявий қарорларнинг реал оқибатлари тўғрисидаги маълумотни раҳбариятга йетказишдан иборат.

Бу хукумат вазирликлар ва бошқа органлар, шу жумладан ижроия ҳокимиятининг назорат органлари ишини тўғридан-тўғри бошқаради ва уларнинг фаолиятини назорат қиласди.

Таъкидлаш жоизки, умумдавлат миқёсида давлат молиявий назорати органлари ҳодимларининг хуқуқий мақомига маълум қўшимча кафолатлар белгиланган. Қонун нафақат назорат органи ҳодимларига, балки уларнинг яқин қариндошлари учун ҳам давлат ҳимояси чораларини тарғиб етади.

Давлат назорат органлари фаолиятини ташкил этишида тизимлилик (режалилик) тамойили

Тизимлилик тамойили маълум вақт давомида, мазкур ҳолатда молиявий йил давомида молиявий назорат органлари назорат тадбирлари ёрдамида назорат объектларининг барча асосий гурухларини қамраб олишлари лозим. Бошқа томондан барча хўжалик мажмуаларининг ва ушбу асосий мажмуаларга

кирмайдиган ижроия тузилмаларининг молиявий иши устидан назоратни таъминлаш зарур.

Назорат объектларининг назорат тадбирларини қамрови ҳажми молиявий назорат органлари иши самарадорлигининг муҳим омили ва қўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Тизимлилик тамойили бир ташкилот ва муассасанинг ўзида назорат тадбирларини даврий равишда ўтказиш, шу жумладан аввал аниқланган камчилик ва хатоларни бартарф этиш бўйича қайта текширув ўтказиш заруратини белгилайди. Бу бир томондан назорат самарадорлигини оширади, бошқа томондан эса, унинг ижобийлигини таъминлайди, чунки молиявий ишда ижобий ва салбий юналишларни динамикада кузатиш имконини беради.

Тизимлилик ва режалилик Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ишини ташкил этишнинг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. У ўзининг иш режасини тузиш ва бажариш учун масъулдир, йиллик режа лойиҳаси Ҳисоб палатаси Ҳайъати томонидан муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

Давлат молиявий назорати органлари томонидан амалга оширилган назорат юналишлари бўйича нисбатан тўлиқ маълумот олиш учун уларнинг ўзаро таъсирлашиб имконияти, шу жумладан, қўшма назорат тадбирларини ўтказиш ва ахборот алмашуви муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув таҳлил учун асосни маълум даражада кенгайтиради, мамлакат ва минтақада бюджет- молия ишларини такомиллаштириш бўйича нисбатан тўлиқ ва асосланган тавсияларни ишлаб чиқишига кўмаклашади.

Назорат учун саволлар:

1. Молиявий назоратнинг моҳияти нимада?
2. Молиявий назорат вазифалари қандай?
3. Молиявий назоратнинг назарий асослари нимадан иборат?
4. Молиявий назорат элементларини изоҳланг.
5. Молиявий назоратининг методик услублар қайсилар?

6. Молиявий назоратни ташкил қилиш тамойилларини изоҳлаб беринг.

7. Давлат назорат органлари фаолиятини ташкил этишда тизимлилик (режалилик) тамойилини аҳамияти қандай?

8. Давлат молиявий назоратини ўтказишда фойдаланиладиган ҳисоб-таҳлил усуллари нималардан иборат?

II боб. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ ТУРЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

2.1. Молиявий назоратнинг турлари


Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам, иқтисодитётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида ҳам молиявий назоратга алоҳида еътибор қаратилмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида молиянинг ўзи каби молиявий назоратнинг мақсад ва вазифалари, турлари ва шакллари тубдан ўзгарди. Енди у факатгина жазолаш мақсадида емас, балки давлатнинг ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маблағларнинг тўлиқ тўпланиши ва бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ самарали ҳаражат қилинишини назорат қилиш мақсадида маслаҳат ва қўрсатмалар бериш каби вазифаларни бажармоқда. Бугунги кунда молиявий назорат тизими ўз таркибида назорат қилувчилар ва назорат қилинувчилар билан бирга назоратнинг турлари, шакллари ва усуllibарини ҳам жамлайди.

Молиявий назорат амал қилиш соҳасига кўра давлат ва нодавлат молиявий назоратидан иборат⁴.

Давлат молиявий назорати бу давлатнинг асосий қонунларига таянадиган ва ҳокимият ҳамда бошқарув конкрет органлари иқтисодий-хуқуқий ҳаракатининг комплексли ва мақсадга юналтирилган тизимиdir. Молиявий назоратни ташкил этишда мамлакатнинг Конституцияси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Унинг хуқуқий регламенти давлатнинг типига, унинг социал-сиёсий юналтирилганлигига, иқтисодий тарқиёт даражасига, мулкчилик шаклларига боғлиқ.

Давлат молиявий назорати ЯИМ тақсимланишининг қиймат пропорсияларини кузатишга қаратилган. Бу назорат давлат молиявий ресурсларини шакллантириш, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туриши ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул ресурслари ҳаракатининг барча каналларига тегишли ҳисобланади.

⁴Ваҳобов А. В., Маликов Т.С., Молия. Дарслик. Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Ношир”, 2012. – 712 бет.



5-расм. Молиявий назоратнинг соҳалари

Давлат молиявий назорати давлатнинг молиявий сиёсатини амалга оширишга ва молиявий барқарорлик учун шароитларни яратишга қаратилган. Бу нарса, энг аввало, барча даражалардаги бюджетлар ва нобюджет фонdlарни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, корхона ва ташкилотлар, банклар ва молиявий корпорацияларнинг молиявий фаолияти устидан назоратни англаради. Агар умуммиллий иқтисодий манфаатлар билан белгиланган (аниқланган) бўлса, давлат молиявий назоратчилари ҳам давлат секторида ва ҳам хусусий ҳамда корпоратив бизнес секторида тафтиш ва текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига егадир. Бироқ иқтисодиётнинг нодавлат секторида давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат факат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам қўшиб олган ҳолда давлат олдидаги пул мажбуриятларининг бажарилиши соҳаларини, уларга ажратилган бюджет субсидиялари ва кредитларини сарфлашда мақсадга мувофиқлилик ва қонунийликнинг риоя қилиниши ва шунингдек, ҳукумат томонидан ўрнатилган (белгиланган) пул ҳисоб-китобларини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботни юритиш қоидаларига риоя этилишини қамраб олади.

Давлат молиявий назоратининг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бюджети ва бошқа қонунчиликка риоя қилинишини таҳлил қилиш ва текшириш орқали унинг бузилишига йул қўймаслик, бузилиш ҳолати содир бўлса, аниқлаш ва камчиликларни бартараф еитш ҳисобланади.

Давлат молиявий назорати қуидагича гурухлаштириладиз:

- назоратни амалга оширувчи органнинг боғлиқлигига қараб, ички ва ташқи давлат назорати;
- бюджетнинг тегишли даражасига боғлиқ ҳолда, давлат бошқаруви ва маҳаллий даражада.

Давлат молиявий назорати тизимиға қуидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бюджет бажарилишини назорат қилса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари, Молия вазирлиги назорат тафтиш Бош бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари республика ва маҳаллий даражада бюджет назоратини амалга оширади.

Давлат назорати ҳақида гап борар экан, шу ўринда хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилинишига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бундай назорат Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги 717-И-сон Қонунига асосан олиб борилади. Мазкур қонунга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуидаги юллар билан амалга оширилади:

- текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

⁵ Ибрагимов А., Сугирбаев Б. Бюджет назорати ва аудити, ўқув қўлланма, Т.2010, инфоСОМ.УЗ

- статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;
- идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ва бошқа ахборотларини таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари эса қўйидагилардан иборат:

- назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

Назорат тартибida текшириш назорат қилувчи органлар томонидан маҳсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилган тартибda ва муддатларда амалга оширилади.

Давлат молиявий назорати органлари ўзларининг ваколатлари доирасида қўйидаги назорат турларини амалга оширадилар⁷:

- 1) комплекс назорат - аниқ давр бўйича ҳамма масалалар бўйича назорат обьектларини текшириш ва фаолиятини баҳолаш;
- 2) тематик назорат - аниқ давр бўйича айрим масалалар бўйича назорат обьектларини текшириш ва фаолиятини баҳолаш;
- 3) муқобил назорат - учинчи шахс назорати, текширилаётган савол доирасида асосий назорат обьекти билан боғлиқ фақат ўзаро муносабатлар саволлари қараб чиқилади;

⁶ Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида⁷ги Н 717-И Қонуни 4,5, 15-моддалар

⁷ Ибрагимов А., Сугирбаев Б. Байуджет назорати ва аудити, ўқув қўлланма, Т.2010, инфоСОМ.УЗ

4) қўшма назорат – давлат молиявий назорати органлари бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда ўтказадиган назорат.

Хўжалик алоқаларининг кенгайиши ҳусусиятларининг ва давлат тасарруфидан чиқарилиши жараёнларини жадаллашуви натижасида турли мулк шаклларига асосланган корхона ва ташкилотларнинг пайдо бўлиши, хўжалик фаолиятларининг эркинлашуви нодавлат молиявий назоратнинг шаклланишини ва ривожланишига туртки бўлди.

Молиявий назоратнинг давлат ва нодавлат соҳалари (кўринишлари, турлари) назоратни амалга ошириш методларининг ўхшашлигига қарамасдан, ўзларининг пировард мақсадлари бўйича бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хазинасига ресурсларни тушуришни максималлаштириш ва давлат бошқарув харажатларини минималлаштириш бўлса, бунга қарама-қарши равишда нодавлат молиявий назоратининг (айниқса, фирма ичидаги молиявий назоратнинг) бош мақсади жойлаштирилган капиталдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасига ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштиришдан иборат. Бир вақтнинг ўзида молиявий назоратнинг ҳар икки соҳаси амалдаги қонунларнинг ҳуқуқий рамкаси билан чеклаб қўйилган.

Молиявий назоратни ташкил этишда унинг турларини тўғри белгилаш муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатдан молиявий назоратни З турга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: бюджет молиявий назорати, молиявий-хўжалик(тадбиркорлик, тижорат) назорати , мустақил аудит⁸ (6-расм).

Байуджет молиявий назорати	Молиявий- хўжалик (тижорат, тадбиркорлик назорати)	Мустақил аудит
Тафтиш ва текшириш натижаларини камомад ҳамда ўғ'ирликлар содир бўлганда йуқори ташкилотга тақдим	Aудиторлик фирмасининг маслаҳат хизматлари	

⁸ Ибрагимов А., Сугирбаев Б. Бюджет назорати ва аудити, ўкув қўлланма, Т.2010, инфоСОМ.УЗ

6-расм. Молиявий назорат турлари

Молиявий назорат амалга оширувчи субъектларга кўра умумдавлат, идоравий, хўжалик ичидаги, жамоатчилик ва мустақил назоратга бўлинади⁹ (7-расм).



7-расм. Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектларга кўра турлари

Умумдавлат ҳамда идоравий молиявий назоратлар биргаликда давлат молиявий назоратини ташкил етиб, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан олиб борилади. Бунда давлат молиявий ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши, мақсадга мувофиқ ва самарали ишлатилиши устидан, шунингдек давлат ва маҳаллий мулкдан қонуний фойдаланиш устидан молиявий қонунчилик асосида тартибга солинадиган фаолият тушунилади.

⁹ Ваҳобов А. В., Маликов Т.С., Молия. Дарслик. Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Ношир”, 2012. – 712 бет.

Бу фаолиятнинг асосий мақсади назорат объектлари фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ва мансабдор шахсларни жазолашгина емас, балки огоҳлантириш ва йул кўйилиши мумкин бўлган қонунбузарликларни олдини олишдан иборат.

Умумдавлат молиявий назорати давлат ҳокимият органлари (Президент, хукумат, Олий Мажлис, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Бу турдаги молиявий назоратнинг бош мақсади даромадларнинг тушиб туриши ва давлат харажатларининг сарфланиши бўйича давлат ва жамиятнинг манфаатларини таъминлашдан иборат.

Идоравий молиявий назорат мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларидағи давлат вазирликлари, уларнинг назорат-тафтиш бошқармалари ва бошқа таркибий тузилмалари томонидан амалга ошириладиган назорат тури бўлиб, унда тегишли вазирлик қўмита ёки идоралар(маҳкамалар) доирасидаги марказлашган ва марказлашмаган молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилиши бевосита назорат қилинади. Идоравий молиявий назорат давлат молиявий назорати вазифаларини тармоқлар доирасида кокретлашгандиради ва самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Хўжалик ичидаги молиявий назорат корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ва молиявий хизматлари томонидан ўтказилади. Бу ерда молиявий назоратнинг обьекти сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти майдонга чиқади.

Хўжалик ички молиявий назорати хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-иқтисодий хизматлари томонидан субъектнинг молиявий фаолитини: пул маблағларининг ҳаракатини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиши фаолиятини корхонанинг давлат, молия-банк муассалари хамкорари ва ўз ҳодимлари олдидағи молиявий мажбуриятларни бажариш ҳолатлари корхоналарнинг ликвидидлик даражасини, молиявий барқарорлигини назорат қилишидир. Хўжалик ички молиявий назоратини амалга оширишда ички аудитнинг аҳамияти катта.

Ички аудит – бу фирма ичидаги аудиторлик хизмати бўлиб, бош фирма марказида фаолият кўрсатиш билан бир қаторда филиаллар ва бўлинмалар таркибида ҳам фаолият қилиши ички аудитни фаолият қилиши мумкин. Ички аудитни фаолияти корхоналарда молия-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш, тўғри ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга кўмаклашиш ҳамон минимал мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда максимал фойдалилик ва рентабегилликни таъминлашга қаратилган.

Ички хўжалик назорати хўжалик юритувчи субъектларнинг турли ресурслари ва потенсиалини сақлаб қолиш ва улардан самарали фойдаланишда, уларнинг молиявий фаолиятида қонунчилик ва интизомга риоя этилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бироқ давлат манфаатларини ҳимоялаш нуқтаи назаридан бюджет ташкилотларида ички молиявий назоратни тегишли тарзда ташкил этиш бундан кам бўлмаган, муайян маънода эса, бундан ҳам кўпроқ ахамиятга эга.

Чунки бу давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни харажат қилишда қонунчилик ва интизомга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқдир. Шу сабабли молиявий назорат умумий тизимида фақат хўжалик ички назоратини унинг бир қисми сифатида ажратиш ўзини тўлиқ оқламайди. Шу сабабли ички молиявий назорат тизими назорат хўжалик юритувчи субъектлар, умуман бюджет ташкилотлари ва муассасалари ва уларнинг айрим тузилмавий бўлинмалари молиявий фаолияти устидан хўжалик юритувчи ссубъектлар, бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг ўз маҳсус хизматлари (бухгалтерия, молия бўлимлари) томонидан молиявий муносабатларда қонунчилик ва интизомга риоя этилиши масалалари бўйича ўtkазиладиган текширувдан иборат.

Жамоатчилик молиявий назоратини нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик асосида ташкил топган турли жамоат ташкилотлари ҳамда алоҳида шахслардан тшкил топган гурухлар амалга оширадилар. Назоратнинг обьекти унинг олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ равишда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2010 йил 30 декабрдаги Н 235-ИИ қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш консепсияси" мавзууда қилган маъruzацида баён етилган қоидаларни амалга ошириш юзасидан 2011 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастури тасдиқланди.

Ушбу Дастурда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат тузилмалари ўзаро хамкорликда ҳаракат қилишининг самарали ташкилий-хуқуқий механизмларини яратишга, давлат органлари, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунларни, социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг жуда муҳим дастурларини сўзсиз ижро этиш бўйича фаолияти устидан фуқаролик институтлари назорати, жамоатчилик назорати тизимини яратишга қаратилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Екологик назорат тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши назарда тутилган.

Давлат бошлиғининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларни такомиллаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини янги таҳрирда қабул қилишга қаратилган қонунчилик ташаббусларида фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда маҳалланинг ролини янада ошириш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг марказига айлантириш, хусусий тадбиркорлик ва оиласиб бизнесни ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилади, бу соҳадаги қонун хужжатларини бузганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлигининг юзага келиши шартлари назарда тутилади.

Мустақил молиявий назорат аудиторлик фаолияти асосидаги назорат бўлиб унинг асосий мақсади хўжалик субъектларида юриталаётган бухгалтерия ҳисботларининг аниқ ва тўғрилигини аниқлаш ва улар томонидан амалга оширилаётган молиявий хўжалик операцияларининг қонуний ва меъёрий-

хукукий хўжаликларга мослиги ҳақида хulosалар беришдан иборат. Мустақил молиявий назоратни маҳсус аудиторлик фирмалари ва идоралари амалга оширадилар.

2.2. Молиявий назоратнинг шакллари

Молиявий назоратнинг шаклларини қуйидаги мезонлар бўйи-ча классификация қилиш қабул қилинган¹⁰:

- амалга оширилиш регламенти;
- ўтказилиш вақти;
- назоратнинг субъектлари;
- назоратнинг объектлари.




8-расм. Амалга оширилиш регламенти бўйича молиявий назоратнинг шакллари

Юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий фаолияти устидан мажбурий (ташқи) назорат қонун асосида амалга оширилади. Булар, асосан ташқи, мустақил назоратчилар томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувларига, бюджет ресурсларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратга, корхона ва ташкилотларнинг молия-бухгалтерия ҳисботлари маълумотларини мажбурий аудиторлик тасдиқланишига тегишли бўлиши мумкин.

¹⁰ Ваҳобов А. В., Маликов Т.С., Молия. Дарслик. Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Ношир”, 2012. – 712 бет.

Ташаббускорли (ички) молиявий назорат молиявий қонунчилиқдан келиб чиқмасада, тактик ва стратегик мақсадларга еришишда молиявий бошқарувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.



9-расм. ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари

Дастлабки молиявий назорат молиявий операцияларнинг содир бўлишидан олдин амалга оширилади ва молиявий хатоликларнинг олдини олиш ёки уларни огохлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Молиявий назоратнинг бу шакли маблағларнинг тежамсиз ва самарасиз сарфланишининг олдини олиш учун харажатларнинг молиявий жиҳатдан асосланган бўлишини кўзда тутади. Дастлабки молиявий назорат моддий ва молиявий ресурсларни самарасиз ишлатилишининг олдини олишга ҳизмат қилиб, бу назоратни амалга ошириш жараёнида қўшимча маблағларни жалб қилиш имкониятлари, кўзда тутилган харажатларнинг асосланмаганлигини аниқлаш мумкин. Назоратнинг бу шаклида хўжалик операцияларининг молиявий ёки бюджет йилининг

бошланишидан олдинроқ қонунлар ва меъёрий хужжатлар талабларини бузилишини олди олинади.

Макродарражада бундай назоратга мисол сифатида мамлакат иқтисодий тараққиётининг макроиқтисодий кўрсаткичлари башоратлари асосида барча дарражадаги бюджетларни ва нобюджет фондларининг молиявий режаларини тузиш ва тасдиқлаш жараёнини кўрсатиш мумкин. Микродарражада эса улар молиявий режалар ва сметалар, кредит ва касса аризалари, бизнес-режаларнинг молиявий бўлимлари, башорат балансларини тузиш, ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида шартнома ва ҳ.к.лардан иборат бўлиши мумкин.

Жорий (оператив) молиявий назорат пул битимлари, молиявий операциялар, ссуда ва субсидияларни бериш ва ҳ.к.ларнинг содир бўлиш вақтида амалга оширилади. Молиявий назоратнинг бу шакли маблағларни олиш ва уларни сарфлаш жараёнидаги вужудга келиши мумкин бўлган қонунбузарликлардан огоҳлантиради, молиявий интизомнинг мустаҳкамланишига ва пул ҳисоб-китобларининг ўз вақтида амалга оширилишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу ерда бухгалтерия хизматлари катта аҳамият касб етади.

Навбатдаги молиявий назорат молиявий ҳисбот ва бухгалтерия хужжатларини таҳлил ва тафтиш қилиш юли билан амалга оширилиб, унинг бу шакли иқтисодий субъектлар молиявий фаолиятининг натижаларини, таклиф этилган молиявий стратегия амалга оширилганлигининг самарадорлигини, молиявий харажатларни уларнинг башоратлари билан қиёсланишини ва ҳ.к.ларни баҳолашга мўлжалланган.


Назоратнинг субъеклари бўйича молиявий назоратнинг қўйидаги шакллари бўлиши мумкин¹¹:

- Президент молиявий назорати;
- ҳокимият қонунчилик органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг молиявий назорати;

¹¹ Ваҳобов А. В., Маликов Т.С., Молия. Дарслик. Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Ношир”, 2012. – 712 бет.

- ижроия ҳокимият органлари молиявий назорати;
- молия-кредит органларининг молиявий назорати;
- фирмавий-ички молиявий назорат;
- аудиторлик молиявий назорати;
- ва бошқалар.

Назоратнинг объектларига мувофиқ равишда молиявий назоратнинг шакллари



10-расм. Назорат субъектлари бўйича молиявий назоратнинг шакллари

Бюджет ва нобюджет фондлар устидан амалга ошириладиган молиявий назорат барча даражадаги бюджетларнинг, нобюджет фондларнинг шаклланиши, давлат молиявий ресурсларининг қонуний ва мақсадга мувофиқ ишлатилиши устидан назоратни таъминлайди.

Солик назорати хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан давлат олдидаги солик мажбуриятларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

Божхона назорати биринчидан, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш, иккинчидан, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларидан тушумлар, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида, қонуний асосда тушишини назорат қилади.

Пул-кредит назорати мамлакатдаги пул-кредит муносабатларини қонунийлигини, яъни бу соҳада қонунчиликнинг бузилиш ҳолатларини, жумладан валюта активларини ноқонуний асосда хорижга чиқиб кэтиш ва инфляцияни кучайиб кэтиш ҳолатлари олдини олади ва назоратини таъминлайди.

Суғурта назорати орқали суғурта бозори ва унинг иштирокчиларини ҳатти-ҳаракатларини қонунчилик талабларига мос бўлишини таъминланади ва суғурталанувчи жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари ҳимоя қилинади.

Инвестиция назорати орқали мамлакатда инвестицион муҳит яратилади ва иқтисодиётимизга ташқи ва ички инвестицияларни жалб қилишда қонунчиликка риоя етилаётганлиги назорат қилинади.

2.3. Назорат олиб бориш усуллари

Молиявий назоратнинг маҳсус услублари: доимий мониторинг-кузатув, марказлашган топшириқлар бўйича текшириш, харажатлар сметасининг ижроси юзасидан ҳужжатли тафтиш, хўжалик фаолияти таҳлили сингари усубларга бўлинади. Оралиқ вазифаларни бажариш учун муқобил текшириш, пул маблағлари ва моддий бойликларни рўйхатга олиш, миқдор ҳисобни тиклаш ва бошқалардан фойдаланилади.

Назорат самардорлигига қараб расмий ва мантиқий, хужжатлар ва фактлар асосидаги текширишлар каби хилма-хил усулларни қўшиб фойдаланиш орқали еришилади. Бундан ташқари, бюджет ижросининг назоратини тўлиқ ёки қисман, ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган назорат турларига бўлиш текшириш ҳажми ёки текширилаётган обьектнинг тўлиқ қамраб олинишига боғлиқ.

Амалдаги қонунчиликда текширувга қуйидагича таъриф берилган: “текширув назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг уларнинг

фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа қонунчилик хужжатларини ижро этишлари устидан бир марта үтказиладиган назоратдир”.

Текшириш деганда, алоҳида назорат процедуралари фаолиятининг айрим участкалари ҳолатини текшириш ҳужжатларида (солик, ҳисобот, баланс, харажат) ва регистрлар акс еттирилган маълумотлар билан таққослаш орқали текшириш тушунилади. Текшириш үтказилаётганда молиявий интизомнинг айрим бузилишлари, бухгалтерия (молиявий) ҳисобни юритишдаги хатоликлар, бухгалтерия (молиявий) ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатилишини аниқлайди.



11-расм. Молиявий назоратнинг усуллари¹²

Текшириш үтказиш жойига кўра, солик ҳамда божхона органлари үтказадиган текширишлар, давлат ва ижтимоий бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа органлар амалга оширадиган молиявий назорат камерал ва жойида үтказиладиган текширишларга бўлинади.

¹² Ваҳобов А. В., Маликов Т.С., Молия. Дарслик. Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Ношир”, 2012. – 712 бет.

Камерал текшириши тақдим қилинган ҳисоботлар ва хужжатлар асосида молиявий назорат (текширадиган орган) субъекти жойлашган жойда текшириладиган объектга чиқмасдан амалга ошириладиган хужжатли текшириш тури ҳисбланади.

Жойида ўтказиладиган текшириши текшириладиган объект жойлашган жойнинг ўзида амалга оширилади ва молиявий-иктисодий назоратни амалга оширишда хужжатли ҳамда ҳақиқий назорат методларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Хужжатлар ва молия-хўжалик операцияларни тўлиқ қамраб олинишига кўра ялпи ҳамда қисман (танланма) текшириш турларига бўлинади.

Ялпи текширишида ташкилот, корхона, муассасанинг ҳамма молия-хўжалик операциялари ва хужжатлари тўлиқ текширилади, қисман текширишда фақат унинг бир қисми (танланма тартибда) хужжаатлар, операциялар, материал қийматликлар текширилади.

Қисман (танланма) текширишида фақат унинг бир қисми танланма тартибда хужжатлар, операциялар, материал қийматликлар текширилади.

Текширилаётган масалалар қамраб олинишига кўра комплекс, танланма ва тематик (мақсадли) турларга бўлинади.

Комплекс текшириши бу хўжалик субъекти молия-хўжалик фаолиятини маълум даврда ҳар томонлама текширишdir. Бундай текшириш жараёнида ташкилот фаолиятининг ўзаро боғланган иқтисодий ва юридик томонларини ўрганиш учун ўтказилади, бунда хужжатли ҳамда ҳақиқий текширишнинг турли методик усулларидан максимал фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Хўжалик операцияларининг қонунийлиги, ишончлилиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги малакали мутахассислар томонидан комплекс текшириш амалга оширилаётганда аниқланади.

Танланма текшириши хўжалик субъекти бухгалтерия ҳисобI бўлимлари ёки молия-хўжалик фаолиятининг айрим масалаларини текширишdir. У мустақил текшириш орқали ёки комплекс текширишнинг бир қисми сифатида амалга оширилади. Танланма текшириш натижалари алоҳида умумлаштирувчи хужжатда

ёки комплекс текшириш натижалари бўйича умумий йиғма жамланма хужжатда акс еттирилиши мумкин.

Тематик (мақсадли текшириши) назорат обьекти бўлган молия-хўжалик фаолияти турининг ёки аниқ юналиш (мавзу)ни текширишдир, молия-хўжалик фаолиятининг томонлари ва олдиндан аниқланган саволлар доирасини изланиш юли билан текширишни ўтказиш ҳисобланади. Танланма текшириш, тематик текшириш натижалари алоҳида ёки умумий хужжатда акс еттирилади.

Текширишнинг юқоридаги турларидан ташқари яна қуидаги турларини қайд этиш лозим¹³ :

1. Қисқа муддатли текширув назорат органлари томонидан бир иш куни давомида ўтказилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширувдир.
2. Режали текширув Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.
3. Режадан ташқари текширув назорат органлари томонидан қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда режага киритилмаган равишда ўтказиладиган текширувдир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун маҳсус ваколатли органнинг текширилаётган обьект номини, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруги асос бўлиб хизмат қиласи¹⁴.

Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуидаги ҳолларда ўтказилади:

¹³ Ваҳобов А. В., Маликов Т.С., Молия. Дарслик. Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Ношир”, 2012. – 712 бет.

¹⁴ ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик йуритувчи суб’ектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Н 717-И Қонуни, 12-модда

- текширувларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Хуқуматининг қарорларидан келиб чиққанда;
- назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда;
- фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;
- санитария-епидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши еҳтимоли вужудга келганда.

4.Муқобил текширув турли хўжалик юритувчи субъектлар ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида бўлиб, ягона операция билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ўзаро солиштиришдан иборат бўлган текширувдир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишлар хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан туриб амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишларга уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари юзасидангина йул қўйилади, улардан муқобил текшириш предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади¹⁵.

Барча турдаги текширувларни молиявий назоратнинг самарали усуллари сифатида тан олиб, уларнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда, шуни қайд этиш зарурки, тафтиш алоҳида аҳамият касб етади. Молиявий назоратнинг мазкур усули ўзининг мақсади

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Н 717-И Қонуни, 14-1-модда

ва объектлари нуқтаи назаридан ҳам, молия интизомини самараги таъминлай олиши жиҳатидан ҳам энг муҳим назорат бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқ этиши корхона ва ташкилотлар фаолиятининг айрим томонларини қамраб олади. Тадқиқ этиш жараёнида бажарилган ишлар, материаллар, ёқилиги ва енергиянинг сарфланиш ҳажмлари назорат тарзида ўлчанади. Шунингдек, тадқиқ этиш сўраш, кузатиш ва инспексия қилиш ҳоллари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бошқарув назорати (надзор) молиявий фаолиятнинг маълум бир турига (масалан, сугурта, инвестицион, банк ва бошқа фаолиятлар) лицензия олган иқтисодий субъектлар устидан назорат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратни англатади. У бузилиши лицензиянинг чақириб олинишига олиб келадиган ўрнатилган (белгиланган) қоидалар ва нормативларга риоя қилиниши устидан назоратни кўзда тутади.

Молиявий ҳолат таҳлили усулида хўжалик фаолиятининг натижаларига, молиявий ҳолатнинг аҳволига умумий баҳо бериш мақсадида даврий ёки йиллик молиявий ва бухгалтерия ҳисботларини деталлаштирилган тарзда ўрганиш, таҳлил қилиш амалга оширилади.

Тафтиши молиявий назоратнинг анча кенг тарқалган методи саналиб, назоратнинг ҳақиқий ва ҳужжатли усулларини қўллаш ёрдамида амалга ошириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар молия-хўжалик фаолиятини ўзаро боғланган комплекс текширувидан иборатdir. Тафтиш тафтиш қилинаётган обьект фаолиятидаги камчиликлар ва бузилмаларни топиш учун, яъни содир етилган хўжалик операцияларининг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлиги, иқтисодий самарадорлигини, молиявий интизомга риоя етилганлигини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи маълумотларининг ишончлилигини аниqlаш учун амалга оширилади.

Субъект хўжалик фаолиятини қамраб олишнинг тўлиқлигига қараб тафтишнинг қўйидаги турлари бўлишимумкин:

- тўлиқ;

- қисман;
- мавзули;
- комплексли.

Тафтиш бу кейинги назорат усули бўлиб, қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини текшириш бўйича мажбурий назорат ҳаракати тизимини ўз ичига олувчи назорат бўлиб, текширилаётган даврда содир бўлган хўжалик ва молиявий операциялар, уларнинг қонунийлиги ҳамда текширилаётган даврда назорат обьектини бошқариш бўйича мансабдор шахснинг ҳаракат фаолиятини тўғрилиги текширилади.

Тафтишда хўжалик субъектигининг ҳамма операциялари текширилади, бунда зарур ҳамма усул ва услублардан фойдаланган ҳолда текширилаётган ташкилот хужжатларининг мавжудлигидан бошлаб, ўзаро учрашиб текширишгача амалга оширилади.

Тафтиш молиявий иқтисодий назоратнинг усули сифатида назорат органларининг амалиётида кенг тарқалган. Молиявий қоидабузарликларни аниқлаш бўйича тафтиш биринчи ўринда туради, чунки унинг молиявий-иктисодий мазмунини ва натижаларни расмийлаштиришнинг ташкилий-хуқуқий асосини ташкил етади. Тафтиш ташкилот молия-хўжалик фаолиятини ҳамма юналишларини ўз ичига олади. Тафтиш жараёнида ҳал қилувчи асосий масала молиявий интизомга риоя қилиш, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тўғрилиги ва ҳисботни тузиш, пул маблағлари ҳамда моддий қийматликларни сақланишини таъминлайди.

Тафтиш вақтида пул маблағлари, қимматли қофозлар, кредит ва ҳисоблашлар операциялари, ҳисоб-китоб, сметанинг белгиланиши даромад ҳамда харажатлар сметаси ижроси, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоблашишлар бўйича операцияларнинг асосланганлигини ҳақиқатда ва хужжатлар асосида текширилади.

Тафтиш - молиявий назоратнинг анча кенг тарқалган методи саналиб, назоратнинг ҳақиқий ва хужжатли усулларини қўллаш ёрдамида амалга ошириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар молия-хўжалик фаолиятини

ўзаро боғланган комплекс текширувидан иборат бўлиб, назорат дастури мазмуни бўйича таснифлаш биринчи даражали аҳамиятга егадир.

Назорат учун саволлар:

1. Молиявий назоратнинг қандай соҳаларини биласиз?
2. Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектларга кўра унинг қандай турлари мавжуд?
3. Молиявий назоратнинг шаклларини қандай мезонлар бўйича классификасия қилиш қабул қилинган?
4. Амалга оширилиш регламенти бўйича молиявий назоратнинг шакллари нималардан иборат бўлиши мумкин?
5. ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари ўз ичига нималарни олади?
6. Назоратнинг субъеклари бўйича молиявий назоратнинг қандай шакллари бўлиши мумкин?
7. Назоратнинг обьектларига мувофиқ равишда молиявий назоратнинг қандай шакллари мавжуд?
8. Молиявий назоратни амалга оширишда қандай усуллардан фойдаланилади?

ИП боб. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҮТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ.

3.1.Назорат чора -тадбирларини режалаштириш

Молиявий назоратни методологияси унинг босқичларини илмий асосланган ҳолда амалга оширишга қаратилгандир. Уларга қуидагилар киради¹⁶:

- 1.Назорат чора- тадбирларини режалаштириш;
2. Назорат чора- тадбирини үтказиш бўйича муайян хатти харакатлар;
- 3.ўтказилган назорат чора тадбирларининг ҳисоботини тайёрлаш.

Назорат тадбирларини үтказиш албатта хужжатлаштирилиш яъни и,

текширувчиларнинг ишчи хужжатларида олинган маълумотларни акс еттирилиши лозим. Ишчи хужжатлари уч мақсадга мўлжалланган. У ҳисобот учун асос ҳисобланади, назорат үтказиша ёрдам беради ва бошқа шахсларга ўтказилган назорат сифатини текшириш имконини беради. Бу учинчи мақсад давлат ташкилотлари ва дастурларини назорат қилишда айниқса муҳимдир. Ишчи хужжат, текширувчига ёзма исбот тақдим етган ҳолда назорат сифатини текшириш имконини беради.

Назорат тадбирларининг ишчи хужжатларига қуидагилар киради:

- назорат тадбирларини үтказиш режаси ва дастури;
- назорат тадбирлари ва уларнинг натижаларидан фойдаланиш таърифлари;
- текширилаётган объектнинг тушунтиришлари, изоҳлари ва аризалари;
- текширилаётган объектнинг хужжатларининг нусхалари ва фото нусхалари;
- унинг ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизимлари ёритилиши;
- текширувчининг таҳлилий хужжатлари;
- бошқа хужжатлар.

¹⁶ Родионова В.М.,Шлейников В.И. Финансовый контроль.Учебник.-М.:ИД. ФБК.-ПРЕСС,2002.-155стр\

Назорат тадбирларининг ишчи ҳужжатларига кирувчи ҳужжатларнинг таркиби, сони ва мазмуни текширувчилар томонидан қуидагилардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади:

- ўтказилган назоратнинг хусусиятларидан;
- текширилаётган объектнинг фаолиятининг характери ва мураккаблигидан;
- унинг бухгалтерия ҳисобининг ҳолатидан;
- унинг ички назорат тизимининг ишончлилиги;
- алоҳида тадбирлар бажарилишида муайян гурӯҳ иштирокчилари иши учун назорат ва раҳбарликнинг зарурий даражасидан.

Ишчи ҳужжати қуидагилар учун йетарли ва зарурий барча маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- назорат тадбирларини режалаштириш;
- ўтказилган назорат тадбирлари бўйича ҳисбот ва хулосалар тузиш .

Ишчи ҳужжатлари қуидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- назорат тадбирларини ўтказиш мақсади, миқёси ва услуби;
- бажарилган ишни қайта кўриб чиқиш исботи.

Ишчи ҳужжатлари таркибига кирувчи ҳужжатлар, одатда қуидаги реквизитларга эга бўлиши лозим:

- ҳужжатнинг номи;
- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи;
- назорат тадбирлари ўтказиладиган давр;
- назорат тадбирларини бажариш санаси ёки ҳужжат тузиш;
- ҳужжатнинг мазмuni;
- ҳужжатни яратувчи шахснинг шахсий имзоси;
- ҳужжатни текшириш санаси;
- ҳужжатни текширувчи шахснинг шахсий имзоси.

ўтказилган ёки ўтказиладиган назорат тадбирларини белгилаб борувчи иичи ҳужжатларини текширувчи ташкилотга берии.

Тафтиш ва текширувлар назорат тадбирларининг йиллик режасига мувофиқ ўтказилади. Режада қуидагилар кўрсатилади:

- назорат обьекти (департамент, ташкилот, давлат дастури, маблағларнинг мақсадли ажратилиши);

Назорат тадбирларининг ишчи ҳужжатларига қуидагилар киради

- назорат тадбирларини ўтказиш режаси ;
- назорат тадбирларини ўтказиш дастури;
- назорат тадбирлари ва уларнинг натижалари бўйича мажбурий кўрсатмалар;
- текширилаётган обьектнинг тушунтиришлари, изоҳлари;
- текширилаётган обьектнинг ҳужжатларининг нусхалари ва фото нусхалари;
- унинг ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизимлари ёритилиши;
- текширувчининг таҳлилий ҳужжатлари;
- бошқа ҳужжатлар.

12-расм. Назорат тадбирларининг ишчи ҳужжатлари таркиби

- назорат (тафтиш, текширув);
- назорат чора-тадбирлари мақсади;
- жавобгар ижрочи (гурух раҳбари);

- назорат чора-тадбирларини ўтказиш муддатлари;
- изоҳлар.

Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси (НТББ) режа лойиҳаси НТББ томонидан тайёрланиб, НТББ бошлиғи томонидан имзоланиб Молия вазири томонидан тасдиқланади.

Муайян назорат чора-тадбирлари бўйича жавобгар ижрочи (гурух раҳбари) унинг режада белгиланган бошланишидан ўн кун аввал қуийдаги ҳужжатларнинг лойиҳасини бошлиғига тасдиқ учун тақдим етади:

- тафтиш ёки текширувларни ўтказишинг режа-топшириғи;
- тафтиш ва текширишлар ўтказиш дастури;
- зарур ахборотни тақдим этиш талабномалар;
- тафтиш ва текшириш ўтказиш буйруқ лойиҳаси;
- ҳамкорликда (зарурат туғилганда) тафтиш ёки текширувлар ўтказиладиган ташкилотдагиларга хатлар.

Режа-топшириқ назорат чора-тадбирларини тайёрлаш ва ўтказишнинг кенг миқёсли босқичма-босқич дастурини акс эттиради ва қуийдагиларни ўз ичига олади:

- текширилаётган ташкилот тўғрисидаги умумий маълумотлар (номи, манзили, раҳбарнинг Ф.И.Ш., телефони, факс, ташкилий-юридик шакли ва ҳоказо);
- тафтиш ёки текширувларни ўтказишнинг мақсад ва вазифалари;
- зарур ахборот ҳажми ва кўриниши, уни олиш манбалари (муддатлари кўрсатилади);
- гурух таркиби (ҳар бир иштирокчи асосланади), ўзга ташкилотлар мутахассислари ва мустақил ескпертларни жалб этиш зарурати;
- муддатлар кўрсатилган ҳолда гурух харакатларининг босқичма-босқич тартиби.

Тафтиш ва текширувлар белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ва белгиланган муддатда ўтказилади. Назорат чора-тадбирларининг ҳар бир босқичи НТББ раҳбариятига режа-топшириқни ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш

имконини берувчи тафтиш текшириш якуни бўйича оралиқ далолатнома ёки маълумотнома тузиш ва ҳисобот топшириш билан якунланади.

Режалаштириш назорат чора-тадбирини босқичи ҳисобланади.

Режалаштириш пайтида биринчи навбатда назоратдан кўзда тутилган мақсад унинг кўлами ва уни ўтказиш услуби аниқланади, назорат чора-тадбирини ўтказиш бўйича умумий режа ва назорат обьекти тўғрисида обьектив ҳамда асосланган нуқтаи назарни шакллантириш учун зарур бўлган назорат чора тадбирларини амалга оширишнинг турлари ва кетма кетлигини, унинг хажмини белгилаб берадиган дастур ишлаб чиқилади.

Режалаштириш бутун назорат чора-тадбирига татбиқ қилинган бўлиши лозим.

Назорат мақсади, унинг кўлами ва услубини алоҳида кўриб чиқиш мумкин емас.

Текширув раҳбарлари назорат режасининг ана шу учта элементини биргалиқда кўриб чиқадилар, чунки уларни алоҳида қараб чиқиш натижасида такрорланиш ҳолати рўй бериши мумкин.

Режалаштириш пайтида ягоналик, узлуксизлик ва оптималлик тамойилларига амал қилиш лозим.

Назорат чора-тадбирларини
режалаштриш тамойиллари

биргалик


узлуксизлик

оптималлик

13-расм. Назорат чора-тадбирларини режалаштириш

Ягоналик тамойили режалаштиришнинбарча босқичлари - дастлабки г
режалаштиришда тортиб умумий режа ва назорат дастуригача бўлган н
босқичларининг бир-бирига боғлиқлиги ва мутаносиб бўлишлигини назарда тутади.

Режалаштиришинг узлуксизлик тамойили назоратчилар гуруҳига бир-бирига боғлик бўлган вазифаларни топшириш ва режалаштириш босқичларини муддати ва ўзига яқин



хўжалик субъектлари (алоҳида балансга эга бўлган ташкилий бўлимлар, филиаллар, ваколатхоналар, шўба ташкилотлар) бўйича боғлашни назарда тутади.

Оптималлик тамойили умумий режанинг ва назорат дастурининг оптималлигини танлаш имконини берадиган режалаштиришнинг турли варианлари бор бўлишини кўзда тутади.


Назорат чора-тадбирини режалаштириш куйидаги асосий босқичларга эга бўлади:

- дастлабки режалаштириш;
- умумий режани шакллантириш ва уни тайёрлаш;
- назорат дастурини тузиш ва уни тайёрлаш.

Назорат чора-тадбирини мақсадлари ва вазифаларини белгилаши

Назорат чора-тадбирини мақсадлари — бу уни ўтказиш пайтида бажариш лозим бўлган ишлар кўламидир. Айнан улар назорат обьектларини ва текшириш пайтида кўриб чиқиладиган амалдаги жиҳатларини, шунингдек, текширувчилар ривожлантиришни мўлжаллаган ҳисоботнинг хulosалари ва унсурларини белгилайди.

Ихтиёрий назорат чора-тадбири мақсадларни очик-оидин қилишдан бошланади, улар эса ўз навбатида назорат турини, уни ўтказишнинг шакллари ва усулларини, шунингдек, риоя қилиш лозим бўлган стандартларни белгилайди.



14-расм. Назорат чора-тадбирларини режалаштиришнинг асосий босқичлари

Назорат чора-тадбирлари мақсадлари назорат органи олдига қўйилган вазифаларнинг табиатига боғлиқ бўлади. Масалан, субъект хўжалик фаолиятининг назорати ишлар кўламига қаратилиши мумкин, яъни бу ҳолда ресурслар оптимал қиймат ва мос келган сифат бўйича олингандигини таҳлил қилиш лозим бўлади. Рационалликни назорат қилиш дастурни бажариш бўйича олиб борилаётган хатти-харакатлар ёки ишлар ҳажми ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми орасидаги муносабатларни тадқиқот қилишга ёки еришилган натижаларга қаратилиши мумкин. Дастурни назорат қилиш унинг бажарилиши ўз олдига қўйилган мақсадларга еришиш учун қанчалик ёрдам беришини ёки худди шу натижаларга дастурни бажаришсиз еришиш мумкинлигини аниқлашга қаратилиши мумкин. Агар текширувчилар (назоратчилар) унинг муваффакияти ёки сифаиз бажарилишининг сабабларини қидиришаётган бўлса, ижро назоратининг ихтиёрий тури дастурнинг бажарилишини таъминловчи хатти-харакатларни текширишга қаратилиши мумкин.

Назорат чора-тадбириининг мақсадлари, унинг кўлами ва қўлланилаётган услубнинг танланишига бошқа омиллар ҳам таъсир қилиши мумкин. Улардан бири бўлиб зарур мутахассисларнинг мавжудлиги ва моддий ресурсларнинг йетарлилиги ҳисобланади. Масалан, хизмат сафари харажатларини чеклаш маълум бир худудларга ташриф буюришга, мутахассисларнинг йэтишмаслиги эса назорат чора-тадбириининг муайян мақсадларига еришишга ҳалақит бериши мумкин. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун маҳаллий мутахасислар ёки эксперtlарни таклиф қилиш мумкин.

3.2. Назорат қилинаётган объект фаолиятини таҳлил этиш

Назорат чора-тадбирларни режалаштиришдан олдин, яъни дастлабки режалаштириш пайтида текширилаётган хўжалик субъектининг фаолияти билан танишиб чиқиш лозим. Воқеа ҳодисалар, операциялар, ишлатилаётган ҳисобат усуллари тўғри баҳолаш ва бирдай қилиш учун назорат чора-тадбирини ўтказаётган пайтда

назоратчилар ана шу фаолиятни йетарли даражада тушуниб йэтишлари керак, чунки улар текширишни олиб боришга ёки олинган натижаларга сезиларли даражажа таъсир үтказишлари мумкин.

Хўжалик субъекти фаолиятини тушуниб йэтиш учун заруриятни белгилаб берувчи омиллар бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

-Ҳисобот даври мобайнида хўжалик субъектининг иқтисодий сиёсати, унинг стратегияси ва тактикаси;

-Хўжалик субъектининг ҳисоб-китоб қилиш сиёсати ва унинг қабул қилинган молиявий сиёсат юналишларига мувофиқ келиши;

-Хўжалик субъектининг Хўжалик операцияларининг идентификасия қилиш;

-Қўлланаётган меъёрий хукуқий актларининг тўғрилиги;

-Хўжалик субъекти бухгалтерия ҳисоботининг ҳаққонийлиги.

Назорат чора-тадбирини үтказишнинг барча босқичларида қўйидагиларни ўрганиш аҳамиятга молик:

- асосий фаолият;

-инвестисион фаолият;

-бошқа операциялар.

Текширилаётган субъект фаолиятини ўрганиш назорат чора-тадбирини үтказишнинг барча босқичларида ахборотни тўплаш ва уни қайта ишлашдан иборат бўлган узлуксиз жараённи ташкил етади. Бунда кейинги босқичларда олинадиган ахборот олдинги босқичларда олинган ахборотларни тўлдиради ва аниқлаштиради.

Текширилаётган субъект фаолиятини ўрганиш унинг хўжалик фаолиятига таъсир қиласиган омилларни, хоҳ у ташқи бўлсин - мамлакатдаги, худуддаги ва тармоқдаги иқтисодий вазият, хоҳ у ўзининг индивидуал хусусиятлари билан ва у амал қилаётган муҳитнинг хусусиятларини, шунингдек, у қандай ҳаракат қилишини мукаммал билиш билан боғлик бўлган омилларни ўз ичига олади. Бироқ бу тушуниб йэтиш назорат пайтида бошқариш учун зарур бўлганга нисбатан янада чуқурроқ бўлиши мумкин.

Ташқи омилларга хусусан қуйидагилар киради:

Умуниқтисодий омиллар:

- Мамлакат иқтисодиётининг умумий аҳволи (масалан ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёки пасайиши);
 - молиялаштиришнинг фоизли ставкалари ва унинг имкониятлари;
 - инфляция даражаси, пул (валюта) ревалвацияси;
 - давлат сиёсати, шу жумладан:
 - пул-кредит;
 - молиявий-бюджет;
 - фискал;
 - молиявий рагбатлантириш;
 - тарифлар;
 - савдо соҳасидаги чекланишлар:
 - хорижий валюталар курси ва валюта назорати.

Соҳага оид омиллар:

- бозор ва рақобат;
- фаолиятнинг сикклиги (мавсумийлиги):
 - ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартериш:
 - тадбиркорлик хавф-хатари (масалан, рақобатчиларнинг кириб келишининг осонлиги);
 - соҳа кўрсаткичларининг пасайиши ёки кўтарилиши;
 - номақбул бўлган шароитлар (талабнинг пасайиб кэтиши, ишлаб чиқариш кувватларининг йэтишмаслиги, нарх борасидаги жиддий рақобатчилик);
 - ҳўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоб-китобининг ўзига хос хусусиятлари;
 - асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва статистик маълумотлар;
 - атроф мухитни сақлаш билан боғлиқ бўлган асосий талаблар ва муаммолар;
 - меъёрий-хуқуқий база;
 - енергия билан таъминланиш ва сарф-харажатлар.

Ички омилларга ҳусусан қуидагилар киради:

индивидуал омиллар:

- корпоратив тузилма - ҳусусий, жамоат, давлат ташкилоти (рўй берадиган ёки режалаштирилаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда);
- акционерлар — бенефисиарлар ва учинчи томонлар (маҳаллий, хорижий иш соҳасидаги обру-еътибори ва тажриба);
- капитал тузилмаси (рўй берадиган ёки режалаштирилаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда);
- ташкилий тузилма;
- фаолиятдан кўзланган мақсад, стратегик бошқариш режалари;
- сотиб олиш, қўшилиб кэтиш ёки қисқартирилиши билан боғлиқ бўлган хўжалик субъектининг фаолияти (сўнгги пайтда режалаштирилган ёки амалга оширилаётган);
- молиялаштириш манбалари ва усуллари (жорий, дастлабки);
- директорлар кенгаши, шу жумладан:
 - кенгаш таркиби;
 - кенгашга кирган раҳбарларнинг иш борасидаги обру-еътибори ва малакаси;
 - ижро етувчи раҳбариятдан мустақиллик ва унинг фаолиятини назорат қилиш;
 - мажлислар ўтказишнинг даврийлиги;
 - корпоратив харакатлар ҳусусида сиёсатнинг мавжудлиги.
- Хўжалик субъектни бошқаришнинг сифати, шу жумладан:
 - раҳбариятнинг малакаси ва обру-еътибори, персоналнинг ротацияси;
 - масъул бўлган молиявий персонал ва унинг ташкилотдаги мавқий;
 - бухгалтериянинг кадрлар билан таъминланиши;
 - меҳнатга ҳақ тўлашнинг бир кўриниши сифатидаги рағбатлантириш ва мукофотлаш тизими (масалан, даромад ҳисобига);
 - прогнозлар ва сметалардан фойдаланиш;
 - бошқарувчиларга таъсир кўрсатиш (масалан ҳаддан ташқари иш билан юклаш);

- битта шахснинг устунлик қилиши, аксия нархларини бир меъёрда ушлаб туриш, фаолият натажаларини ёълон қилишнинг қабул қилиб бўлмайдиган муддатлари, бошқарув ахборот тизимлари.

Иқтисодий фаолиятнинг хусусиятлари билан боғлик бўлган омиллар:

- хўжалик субъектининг тури (ишлаб чиқарувчи; кўтара савдо ташкилоти);
- молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилот (импорт ёки экспорт операцияларини амалга оширувчи ташкилот);
- ишлаб чиқариш воситалари, омборлар, офисларнинг жойлашиши;
- ишга ёллаш бўйича олиб борилаётган фаолият (жойлашиши, ойлик маош миқдори, коллектив шартномалар, нафақавий мажбуриятлар, давлат бошқаруви);
- товарлар ёки хизматлар ва бозорлар (асосий мижозлар ва шартномалар, ҳақ тўлаш шарт-шароитлари, рентабеллик, бозорнинг салмоғи, рақобатчилар, экспорт, нарх борасидаги сиёsat, товарларнинг обру-еътибори, кафолатлар, гарантия, буюртмалар китоби, тендрлар, бозор стратегияси ва унинг мақсадлари, ишлаб чиқариш жараёнлари);
- товарларни ва хизматларни йетказиб берувчиларнинг асосийлари (масалан, узок муддатли шартномалар, таъминлашнинг стабиллиги, ҳақ тўлаш шарт-шароитлари, импорт, йетказиб бериш усуллари);
- заҳиралар (уларнинг жойлашиши, миқдори);
- тижорат консессиялари, лисензиялар, патентлар;
- асосий сарф-харажатлар категориялари;
- илмий-тадқиқот ва тажрибавий-конструкторлик борасидаги ишлар;
- валюта фонdlари, валюта бўйича мажбуриятлар ва операциялар (текширилаётган субъект молиявий ахволини шакллантиришга курс орасидаги фарқнинг таъсир қилишини ҳисобга олган ҳолда), валюта алмашиш операцияларини хеджирлаштириш ;
- хўжалик субъектининг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган қонунчилик ва юриқномалар;
- ахборот тизимлари — жорий пайтдаги ахволи ва уларни ўзгартириш режалари;

- қарзларнинг тузилмаси (шарт-шароит ва чекланишларни ҳисобга олган холда)

Молиявий омиллар:

- даромадлар ва молиявий оқимларни прогноз қилиш тизимлари;
- лизинг ва бошқа молиявий келишувлар (кредитлар, қарзлар);
- кредитларга еришиш мумкинлигининг ахволи;
- бошқа молиявий манбалар;
- валюта операциялари ва фоизли ставкалар;
- қимматбаҳо қоғозлар билан операция қилиш;
- ишлаб чиқариш операцияларининг даромадлилиги билан таққослаш;

Меъёрий-хуқуқий омиллар:

- ҳисоб-китоб сиёсати, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботига қўйиладиган талаблар;
- қонунчилик ва меъёрий хужжатлар, солиққа тортиш;
- давлат бошқарувининг усуллари (воситалари, усуллари ва талаблари);
- ҳисботни тақдим этишга қўйиладиган талаблар;
- молиявий ҳисботдан фойдаланувчилар.

Хўжалик субъектининг фаолиятини таҳлил этиш назорат чора-тадбирида иштирок етадиган мутахассисларнинг малакасига боғлиқ бўлади. У иложи борича текширувни сифатли ўтказиш учун йетарли бўлиши лозим. Текширувни бошлашдан олдин текширилаётган субъектнинг фаолиятига ташқи омилларнинг таъсир қилишини яхшилаб тушуниб йэтиш лозимдир. Ички омилларнинг мукаммал таҳлилини кейинроқ, назорат чора-тадбирини ўтказаётган пайтда ҳам амалга ошириш мумкин.

Текширишни ўтказишдан олдин хўжалик субъектга соҳанинг ҳусусиятлари, унинг егалик хуқуқларини, бошқарувнинг ва у томондан амалга оширилаётган операцияларнинг ўзига хос томонлари англаб йэтиш керак.

Ҳусусан, назорат қилувчилар қўйидагилар билан танишиб чиқишлини лозимдир:

- хўжалик субъектининг ташкилий-бошқарув тузилмаси;
- капиталнинг тузилмаси ва аксиялар курси (текширилаётган субъект аксиялари котировкага мойил бўлган ҳолатда);

- ишлаб чиқариш фаолиятининг турлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси;
- маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари;
- рентабеллик даражаси;
- асосий харидорлар ва йетказиб берувчилар;
- хўжалик субъекти ихтиёрида қоладиган даромаднинг тақсимланиш тартиби;
- шуъба ва ўзига боғлиқ бўлган ташкилотлар;
- ички назорат тизими;
- персоналга ҳақ тўлашни шакллантириш тамойиллари.

Бундай ахборот манбаи бўлиб қуйидагилар бўлиши мумкин:

- хўжалик субъектининг низоми;
- уни қайд қилиш тўғрисидаги хужжатлар;
- директорлар кенгashi, акционерлар йиғилиши ёки бошқа бошқарув органларининг йиғилишларининг баёнотлари
- хисоб-китоб сиёсатини белгилаб берувчи хужжатлар ва уларга киритиладиган ўзгартиришлар;
- бухгалтерлик хисоботи;
- статистик хисобот:
- фаолиятни режалаштиришга оид хужжатлар (режалар, лойиҳалар);
- шартномалар, битимлар;
- ички аудиторларнинг, маслаҳатчиларнинг ҳисботлари;
- ички юриқномалар;
- солиқ текширувлари материаллари;
- суд ва арбитраж дъяволари;
- хўжалик субъектининг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмасини белгилаб берувчи хужжатлар, унинг филиаллари ва шуъба компаниялари рўйхати;
- раҳбарият ва ижрочи персонал билан бўлган сұхбатлардаги маълумотлар;
- асосий ишлаб чиқариш участкалари, омборларни кўриб чиқиш

натижалари тұғрисидага маълумотлар.

Текширилаётган субъект фаолиятини ұрганишнинг асосий усулларига қўйидагилар киради:

· текширилаётган субъект фаолиятининг умумиқтисодий шарт-шароитлари

Назорат қилувчилар қўйидагилар билан танишиб чиқиши лозим

ХСнинг ташкилий бошқарув тузилмаси

Капиталининг тузилмаси ва аксияларининг курси

Ишлаб чиқариш фаолиятининг турлари ва ишлаб чиқариш номенклатураси

Маҳсулот ишлаб чиқарышнинг технологик ҳусусиятлари

Рентабеллик даражаси

Асосий ҳаридорлар ва йетказиб берувчилар

ХС ихтиёрида қоладиган даромаднинг тақсимланиш тартиби

Ички назорат тизими

Персоналга ҳақ тұлашнинг шакллантириш тамойиллари

ХСнинг хўжалик фаолиятиги тасир қиласигин омиллар

15-расм. Назорат қилувчилар танишиши лозим бўлган жиҳатлар


(масалан, миллий иқтисодий сиёsat, солиқ тұлаш тизими ва божхона назорати, лимитларни ва квоталарни тадбиқ этиш);

· текширилаётган субъект фаолиятига таъсир қилувчи ҳудудий ҳусусиятларни таҳлил қилиш (масалан, географик жойлашуви, ҳудуднинг иқтисодий ва солиқ шароитлари);

- текширилаётган субъект фаолиятининг соҳага оид хусусиятлари;
- ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва унинг технологаяси билан танишиб чиқиш;
- текширилаётган субъектнинг персонали тӯғрисида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортименти тӯғрисида, бухгалтерия ҳисобини олиб боришнинг қўлланилаётган усуллари (шакли, ҳисоб-китоб сиёсати, автоматлаштириш даражаси) тӯғрисида маълумот тӯплаш;
- шахсий капитал тузилмаси тӯғрисида маълумот тӯплаш, аксияларни жойлаштириш ва котировка қилишни таҳлил қилиш;
- ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмалари, маркетинг сиёсати, асосий йетказиб берувчилар ва харидорлар тӯғрисида маълумот йифиш;
- хўжалик субъектининг қимматбахо қоғозлар бозоридаги фаолиятини таҳлил қилиш (векселларни бериш, векселлар билан амалга ошадиган операциялар, аксияларни сотиш ва сотиб олиш);
- филиалла ва шуъба (боғлиқ бўлган ташкилотлар билан ўзаро руносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини, молиявий ҳисботни консолидасия қилиш усулларини, субъект ихтиёрида қоладиган даромадни тақсимлаш тартибини ҳисобга олиш;
- текширилаётган субъектнинг юридик ва молиявий мажбуриятлари тӯғрисида маълумот тӯплаш (режалаштириш пайтида ахамиятлилик даражасини ва ички хўжалик хавф-хатарини ҳисоб-китоб қилишни аниқлаш учун катта ахамиятга эга бўлади);
- ички назорат тизимининг ташкил этилиши билан танишиб чиқиш.
- Текширилаётган субъект фаолиятининг маҳсус билимларни талаб қиласидиган жиҳатларини аниқлаган пайтда текширув раҳбари унга мутахассис маслаҳати лозимлигини ёки мутахассисни эксперт сифатида таклиф қилиш зарурлигини ҳал қиласиди.
- Текширилаётган субъектнинг фаолияти тӯғрисидаги ахборот манбалари сифатида қуйидагиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- текширилаётган субъект фаолиятини белгилаб берувчи қонунчилик ва мөйёрий хужжатлари;
- юридик нашрлар, профессионал, соҳага оид ва худудий журналларда, монографияларда чоп етилган расмий нашрлар;
- хўжалик субъектларининг статистик маълумотлари, расмий ҳисоботлари, банк ҳисоботлари;
- махсус семинарлар, конференсиялар, бошқа шунга ўхшаш чоратадбирларнинг материаллари;
- текширилаётган субъект персонали томонидан олинган тушунтиришлар ва тасдиқланишлар, ички назоратчилар ва бошқа мутасадди шахслар билан бўлиб ўтган сухбатлар;

Текширилаётган субъект фаолиятини ўрганишнинг асосий усуслари қўйидагилар



16-расм. Текширилаётган субъект фаолиятини ўрганишнинг асосий усуллари

- учинчи томонга юборилган сўровномалар;
- ана шу хўжалик субъектини олдин текширган назорат органлари билан маслаҳат қилиш;
- таъсис этиш хужжатлари, директорлар кенгаши ва акционерлар йиғилишларининг баённомалари, шартномалар, олдинги даврларнинг бухгалтерия ҳисоботлари, режалар ва бюджетлар, бухгалтерия, ҳисоб-китоб сиёсати, хужжат алмашинуви тӯғрисидаги қонунлар;
- счетлар ва проводкаларнинг ишчи режаси;
- ташкилий ва ишлаб чиқариш тузилмасининг чизмалари;
- текширилаётган субъектнинг сехларини, омборларини ва хизматчи хоналарини текшириш, шунингдек, бевосита ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлмаган персонал вакиллари орасида сўров ўтказиш;
- алоҳида балансга чиқиб кетган филиаллар ва тузилмавий бўлинмаларни, хўжалик операцияларини, улардаги ҳисоб-китоб усуллари;
- жалб етилган эксперtlар билан ишлаш натижалари, акционерлар реестри билан танишиб чиқиш;
- назорат гурухи иштирокчиларинин аввалги тажрибасин ҳисобга олиш,
Г и
солик, текширувлари ва суд жараёнлари материаллари.

Назорат чора-тадбиридан олдин ва уни ўтказиш мобайнида барча ишлаб чиқариш тадбирлари ва олинган маълумотлар назорат қатнашчиларининг ишчи хужжатларида акс еттирилади.

Текширилаётган субъект фаолиятининг моҳиятини тушуниб этиш умуман олганда назорат чора-тадбирини ўтказишнинг барча босқичларида қўлланилиши лозим:

- назорат чора-тадбирини ўтказиш учун малақали субъектни танлаб олиш;
- назорат чора-тадбирини рационал даражада режалаштириш;
- назорат чора-тадбирини самарали ўтказиш;
- назорат рискини ва уни ташкил етувчиларнинг рискини аниқлаш, шунингдек, аҳамиятлилик даражасини аниқлаш;
 - текширилаётган субъект фаолиятининг ички назорат тизимини баҳолаш;
 - таҳлилий тадбирларнинг турини ва усулларини танлаб олиш;
 - олинаётган далил-исботларнинг асосланганлиги ва уларни баҳолаш;
 - текширилаётган субъект фаолиятининг узлуксизлигига йул беришни баҳолаш;
 - махсус билимлар зарур бўладиган соҳаларни аниқлаш;
 - учинчи томонни ва у билан боғлиқ бўладиган операцияларни аниқлаш;
 - бир-бирига зид келувчи ахборотни аниқлаш.

Назорат чора-тадбирини дастлабки режалаштириши босқичида текширилаётган субъектнинг назорат ўтказилаётган пайтдаги ва келгусидаги мулки ҳамда мажбуриятларининг аҳволи тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш лозим.

Назорат чора-тадбирини режалаштириши вақтида бу ахборот тўлдириб борилиши керак. Хўжалик субъектининг фаолияти тўғрисидаги олинган маълумотлар таҳлилий тадбирларни танлаб олишда, текширув режаси ва дастурини тушиб чиқаётганда, назорат рискини ва унинг ташкил етувчиларини ҳисоб-китоб қилиш пайтида инобатга олиниши лозим.

Назорат чора-тадбири давомида юзага чиқадиган маълумотни бир хилликда талқин этиш учун кўпинча текширилаётган субъект тўғрисида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш муҳим ҳисобланади. Бунда текширув раҳбари текширилаётган субъектнинг айнан қайси хужжатларини қўлга киритиш лозимлигини аниқлайди.

Назорат чора-тадбирини ўтказиш давомида олдин олинган маълумотни, шу жумладан назорат қилинаётган даврга тааллуқли бўлган маълумотни аниқлаштириш лозим бўлади.

3.3. Назорат чора-тадбириининг яқунловчи босқичи

Назорат чора-тадбириининг яқунловчи босқичида текширилаётган субъект фаолиятини чуқурлашган ҳолда аниқлаш назорат таҳлилий тадбирларни амалга ошириш ва текширилаётган субъект молиявий-хўжалик фаолияти тӯғрисидаги якуний хulosаларнинг тӯғрилигини тасдиқлаш учун зарур бўлади.

Текширув раҳбарлари назорат гурухининг иштирокчилари текширилаётган субъект фаолиятининг моҳияти тӯғрисида йетарлича маълумотга эга еканликларига ва зарур бўлган ишлар кўламини амалга оширишга қодир еканликларига амин бўлишлари лозим. Бундан ташқари текширув раҳбари янги маълумотларнинг келиб тушишини назорат қилиши ва назорат гуруҳи иштирокчилари орасида ахборот алмашинувини назорат қилиб турилишини таъминлаш зарур.

Тафтиш ва текширув натижалари маълумотнома ёки далолатнома ёрдамида расмийлаштирилади Молия-хўжалик фаолиятида қоидабузарликлар бўлмаса,

якуний ҳужжат маълумотнома кўринишида гуруҳ раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади. Бунда текширилаётган ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери (бош бухгалтер ҳуқуқига эга катта бухгалтер) нинг имзоси қўйилади.

ХС тӯғрисидаги малумотларни жамловчи доимий файл таркиби қуйидагилар

Текширилаётган субъектнинг барпо бўлиш ва ривожланиш тарихи

Фаолият турларининг рўйхати

Ҳисоб-китоб сиёсати ва унинг кетма-кетлик билан ўзгариб бориши


Айни пайтда текширилаётган субъектни факатгина ҳозирги емас, балки кейинги текширувлари учун ҳам аҳамиятли бўлган ахборотлар

17-расм. ХС тұғрисидаги малумотларни жамловчи доимий файл таркиби

Текширилаётган ташкилотнинг молия-хұжалик фаолиятида қоидабузарліклар ва камчиліклар аниқланғанда яқуний хужжат гурұх раҳбари, текширилаётган ташкилот раҳбари ва бош (бош бухгалтер ҳуқуқига эга катта) бухгалтер имзолаган далолатнома күренишида расмийлаштирилади. Имзо чекишдан бош тортилса, далолатномада «имзо чекишдан бош тортилди» деган эслатма қўйилиб, гурұх раҳбари ва текширилаётган ташкилот вакили томонидан тасдиқланади.

Тафтиш, текшириш ўтказаётган ташкилот раҳбари ёки бош ҳисобчиси эътиrozлар билан деб имзолаши ва далолатномага ўзининг эътиrozлари бўйича тушунтириш хатини илова қилиши мумкин.

Далолатномага албатта текширилган хужжатлар рўйхати ва маълумотнома, раҳбарнинг тушунтириш хати илова қилинади.



18-расм. Яқуний далолатнома хulosаси

Назорат тадбирини ўтказиш натижалари бўйича якуний ҳисобот тақдим етилади. У кўриб чиқилган муаммо бўйича тафтиш ёки текширишга юборган ваколатли органнинг якуний хulosаси намоён етади. Текширилаётган субъект тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш ва доимий файллар кўринишида сақлаш тавсия етилади. Доимий файл таркибига куйидагилар кириши мумкин:

- фаолият турларининг рўйхати;
- ҳисоб-китоб сиёсати ва унинг кетма-кетлик билан ўзгариб бориши;
- айни пайтда текширилаётган субъектни фақатгина ҳозирги емас,

балки кейинги текширувлари учун ҳам аҳамиятли бўлган ахборотлар.

Ушбу хўжалик субъектининг текширилуви натижалари бўйича яратилган доимий файлнинг даврий равишида янгиланиб турилишини ва тўлдириб борилишини кузатиб бориш лозим.

Назорат учун саволлар:

1. Молиявий назорат ўтказиш босқичларини айтинг.
2. Назорат тадбирлари қандай режалаштирилади?
3. Назорат дастури қандай тузилади?
4. Назорат тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари қандай?
5. Назорат чора тадбирлари натижалари қандай хужжат асосида расмийлаштирилади?
6. Далолатнома кимлар томонидан имзоланади?
7. Назорат тадбирларининг чораклик режасида нималар акс еттирилади?
8. Доимий файл таркибини айтинг

П ҶУЛИМ. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

ИВ боб. УМУМДАВЛАТ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

4.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ҳокимиятни тақсимланиш принципи Президент ва ваколатли ҳукумат органлари томонидан ижро ҳокимияти органларининг молиявий фаолиятини назорат қилишни назарда тутади. Бундай назорат, аввалимбор, республика ва маҳаллий бюджетларни, давлат мақсадли нобуджет фондларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилишда ҳамда уларнинг ижроси ҳақида ҳисботларни тасдиқлашда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимоти бўйича мамлакат бюджетини қабул қиласи ва унинг ижроси устидан назорат ўрнатади. Халқ депутатлари Кенгашлари айrim минтақаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини назорат қиласи. Бундан ташқари, ваколатли органлар зиммасига айrim тармоқлар ва соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш юклатилиши мумкин¹⁷.

Парламент назорати ҳам Олий Мажлис фаолиятининг асосий юналишларидан бири ҳисобланади .

Парламент тарихи асрлар билан ўлчанади. Замонлар ўзгариши билан парламентларнинг роли ҳам изчил ўзгариб, унинг моҳияти янги ғоялар, тамойиллар билан, шаклланиш ва фаолият кўрсатиш тажрибаси билан бойиб бормоқда. Табиийки, ҳар бир давлат парламентнинг тузилиши ва фаолият кўрсатиш масалаларини ўзича ҳал етади.

¹⁷ Ваҳобов А. В., Маликов Т.С., Молия. Дарслик. Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Ношир”, 2012. – 712 бет.

Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрда давлат мустақиллигига еришгач, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида миллий парламентни ривожлантиришнин сифат жихатидан янги босқичи бошланди. Миллий Г парламентаризмнинг энг янги тарихи умум ётироф етилган учта асосий даврга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг давлатимиз бошлиғи томонидан олға сурилган устувор юналишлари ҳамда аниқ мақсадли вазифалари асосида ишлаб чиқилган қонунчилик фаолияти дастурини қабул қилди ва ушбу дастурнинг назорати амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати(юқори палатаси) худудий вакиллик палатаси бўлиб, 100 та Сенат аъзосидан иборат. Сенат иши ялпи мажлисларга ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда 6 кишидан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрули фуқаролар орасидан ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгashi тузилади. Сенат фаолияти мажлисларни биргаликда ва еркин мухокама қилишга, ошкораликка, жамотачилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.



19-расм. Миллий парламентаризмнинг учта асосий даври


Сенат томонидан назорат қилиши соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилиши қуйидагилар билан изоҳланади:

- Сенат, шунингдек сенаторлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли;

- Параламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари Сенат мажлислирида берадилар;
- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Баш прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига юлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидағи муайян ишлар ва материалларга таалуқли бўлиши мумкин емас;
- Парламент сўровлари бўйича ахборот Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Сенат муҳокама якунлари бўйича қарор қабул қиласидан иборат:

 - Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботини мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушгандан кейин ешитади ва муҳокама қиласидан иборат:
 - Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисботлари юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилингандан еътиборан 10 кун ичida Қонунчилик палатасига юборилади;
 - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқаруви раисининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда Сенатга тақдим етган ҳар йилги ҳисботлари Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади;
 - Сенатнинг қўмиталари, шунингдек сенаторлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан хужжатлар, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин;
 - Сенатнинг қўмиталари ёки сенаторлар талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан еътиборан 10 кундан кечиктирмай тақдим этиши керак;
 - Сенат қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя етаётгани, палата

қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларни ешитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.




20-расм. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тузилмаси

Икки палатадан (Сенат ва Қонунчилик) иборат бўлган Олий мажлис соликлар, йиғимлар, носоликли тўловларни белгилайди (ўрнатади), Давлат бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлади, шунингдек, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам тасдиқлади, молиявий қонунларни (масалан, Солик кодекси ва бошқалар) қабул қиласди. Бир вақтнинг ўзида давлат ички ва ташқи қарзининг тегишли (чегаравий) даражасини белгилаш (ўрнатиш) ҳам Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ҳуқумати Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро етувчи ҳокимият органидир.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгар бо`либ, қонунчилик ташаббуси хуқуқига эга.



21-расм. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида асосланадиган принциплар

Вазирлар Маҳкамаси таркибиға Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари киради. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибиға ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириши соҳасидаги асосий ваколатлари:

- иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни

монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг хуқуқий механизмини ишга солиши асосида еркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;

- хўжалик юритишнинг янги шакллари — консернлар, консорсиумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади, иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли талаб-еҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда улар фаолиятини юналтиради ва мувофиқлаштиради;

- Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, шунингдек Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда уларнинг ижросини ташкил етади;

- бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

- фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

- фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишига, ижтимоий ва хуқуқий ҳимояланишга бўлган хуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

- соғлиқни сақлаш, ҳалқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий юналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

- Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат чегаралари қўриқланишини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади;
- давлат бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргалиқда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувоғиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий оғатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, хукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;
- ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар ваколати ва функциялари тартибини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш хуқуқига эга.


Фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлислиарида ҳал етиладиган масалалар қўйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ишлаб чиқиши ва ижро этиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидаги аниқ мақсадли давлат фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;
- бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантимиш дастурлари лойиҳалари;

- давлат қимматли қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон

Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзи қўламини ошириш тўғрисидаги таклифлар;

- соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;
- давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойихалари ҳамда хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий юналишлари тўғрисидаги таклифлар;
- белгилаб қўйилган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;
- қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиладиган қонунлар лойихалари;
- давлатларо шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.



22 -расм. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқа орган ва ташкилотлар билан муносабатлари

Молиявий бошқарувнинг умумий бошқарув органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетини кўриб чиқади, молиявий бошқарувнинг ягона умумий маркази сифатида майдонда гавдаланади.



23-расм. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари қўйидагича белгиланган:

- Давлат бюджети лойиҳаси ишлаб чиқилишини ташкил етади ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим етади;
- Давлат бюджетининг ижросини ташкил етади;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг Давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради ва назорат қиласи;
- давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;
- Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритади;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим етадиган яқунларини кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳисбот йилидан кейинги йилнинг биринчи апрелигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим етади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига у ташки аудит ва баҳолаш ўтказиши учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг бешинчи апредигача юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботга доир хуносасини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг ўнинчи майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим етади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хуносаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг ўн бешинчи майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим етади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги комиссиясиларнинг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси ҳамда Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ташкил етилган бўлиб, уларга давлат молиявий назорати соҳасида катта ваколатлар берилган.

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 61- сонли Қарорига асосан ташкил етилган .

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида

ўзининг минтақавий комиссияларига эга. Мазкур Комиссия томонидан унинг ваколати доирасида қабул қилинган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, тижорат банклари, мулкчилик шаклидан қат’ий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг бирлашмалари (хўжалик уюшмалари), мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

“Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси тўғрисида Низом”га мувофиқ қўйидагилар унинг асосий вазифалари деб белгиланган:

- иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари томонидан тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлиқ тўлаш бўйича амалдаги қонунчилик меъёrlарига қат’ий риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

- корхоналарнинг дебиторлик қарзлари ахволини таҳлил этиш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар бўйича боқимандаларини қисқартириш бўйича таъсирчан чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундириб олинишини таъминлаш;

- корхоналар ва ташкилотлар айланма маблағларининг ажратиб олиниши, шу жумладан тайёр маҳсулот заҳираларига ва тугалланмаган қурилишга ажратилиши сабаблари ва юналишларини аниqlаш ҳамда уларни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Комиссияга кенг ваколатлар берилган бўлиб, у хусусан, қўйидаги хуқуқларга эга:

- вазирликлар, қўмиталар, идоралар, тижорат банклари, солиқ органлари, хўжалик уюшмалари, корхоналар ва бирлашмалар, давлат бошқарув органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, солиқ ва тўлов интизомининг аҳволи тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини ешишиб бориш;
- боқимандаларни тўлаш, пеня ҳисобланишини тугатиш бўйича муддатларни кечикириш ёки узайтириш, бюджетга ва нобюджет фондларга солиқлар ва тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш;
- белгиланган тартибда молия, солиқ ва божхона органлари фаолиятини текширишни ташкил этиш, Комиссия зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот, маълумотларни вазирликлар, қўмиталар, идоралар, уюшмалар, давлат бошқаруви маҳаллий органларидан олиш;
- банкротлик ва корхоналарни санасиялаш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига корхоналарни санасиялаш ёки мунтазам равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йул қўювчи корхоналар ва ташкилотларни банкрот дебълон қилиш учун материалларни хўжалик судига бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан таклифлар бериш;
- солиқ солиши тизими ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни яхшилаш учун юналтирилган республика қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш ва х.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 1 августдаги ПФ-1827-сонли Фармонига мувофиқ “Республика пул-кредит сиёсати комиссияси тўғрисида Низом” қабул қилиниб, мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 июлдаги ПФ — 1492-сонли Фармонининг 5-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган ва у Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг мақсад ва вазифалари ҳамда ишни ташкил этиш шартларини белгилаб беради.

Республика пул-кредит сиёсати комиссияси зиммасига республикада нақд пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уларни амалга

ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан валюта операцияларини амалга ошириш ва Ўзбекистон иқтисодиёти устувор тармоқларини ривожлантириш учун ажратиладиган кредитлардан мақсадли фойдаланиш тартибига қат’ийй риоя этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган¹⁸.



24-расм. Республика пул-кредит сиёсати комиссияси таркибидаги ишчи гурухлар

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидагиларни бажаради:

— ишчи гурухлар ҳамда худудий комиссиялар зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ҳолда, улар фаолиятини назорат қиласида ва мувофикаштиради;

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси таркиби тўғрисида» 1996 йил №УП-1492 – сонли Фармони.

— ўз мажлисларида ишчи гурухлар, ҳудудий комиссиялар ҳисоботини ва Комиссия қарорларининг бажарилиши ҳақидаги ахборотни, шунингдек, ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти натижалари ва Комиссия қарорларини бажариш тўғрисидаги ҳисботларини тинглайди.

Пул-кредит сиёсати комиссиясининг асосий вазифалари:

— Республикада олиб борилаётган пул-кредит, молия ва валюта сиёсатини мувофиқлаштириш;

— пул муомаласи ва халқ хўжалигидаги ҳисоб-китоблар аҳволи, валюта операцияларини бажариш тартибига риоя қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларини ривожлантири учун ажратилаётган

Ш

кредитлардан, шунингдек бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан ваколатли идоралар томонидан самарали назорат ўрнатиш;

— барча хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва ташкилотларнинг пул муомаласи, кредитлаш ва ҳисоб-китоблар, ташқи иқтисодий фаолият ва валютани тартибга солиш, инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда истеъмол бозорини муҳофаза қилиш борасида амалда бўлган қонунлар ва меъёрий хужжатларга қат’ий риоя қилиши;

— валюта тушумларининг ўсиши, шунингдек ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларининг валюта ресурсларидан самарали фойдаланишлари;

— мамлакат иқтисодиётига чет ел инвестицияларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

— ички истеъмол бозорини ривожлантириш, унинг юқори сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдирилишини таъминлашга юналтирилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатdir.

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ ҳолда қуйидаги функцияларни бажаради:

- Валюта ресурслари манбалари ва уларни тўлдириш захиралари бўйича:

- вазирликлар ва идораларнинг валюта сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш, ташқи иқтисодий мажмуанинг самарадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспорт-импорт таркибини яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикасига валюта ресурслари оқимини қўпайтиришга доир ишларини мувофиқлаштиради;
- Республикада, валюта ресурсларининг янги манбаларини шакллантириш ва мавжудларини кенгайтириш юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда Хукуматга тақдим етади;
- вазирликлар ва идораларнинг келишилган ҳолда валюта назоратини амалга оширишларини кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қиласди;
- ички валюта бозори аҳволини таҳлил қилиш, валютани тартибга солишга доир қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан амалда қўлланилиши тажрибасини ўрганиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;
- республиканинг биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларида операцияларни самарали равища амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;
- айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларга ажратилган мақсадли валюта маблағларидан бошқа шартномалар бўйича тўлов учун фойдаланиш, шунингдек, уларни айнан шу мақсадлар учун ўз хорижий валютаси ҳисобидан илгари сарфлаган миқдорда жорий валюта ҳисоб рақамларига ўтказишга рухсат беришга доир илтимосномаларини кўриб чиқади ва қарорлар қабул қиласди;
- Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасининг ҳисоб-китоб муддатлари белгиланмаган операцияларини ниҳоясига етказиш тўғрисида қарор қабул қиласди;
- зарурият туғилганида ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ва ваколатли банкларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва валюта операцияларини

амалга ошириш соҳасидаги фаолиятлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, улар юзасидан тегишли хулоса ва таклифлар тайёрлади.

- Пул-кредит сиёсати ва пул емиссиясини қисқартириш соҳасида:
 - «Пул-кредит сиёсатининг асосий юналишлари» бажарилишини таъминлашга қаратилган таклифларни кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қиласди;
 - ягона давлат пул-кредит ва молия сиёсатининг асосий юналишларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини мувофиқлаштиради;
 - пул муомаласини барқарорлаштириш, кредитлаш ва ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, молиявий тизимлар фаолиятини ривожлантири юзасидан

Ш

Ҳукуматга таклифлар киритади;

- пул қадрсизланиши жараёнларининг пасайишини таъминлаш, банк ссудалари бўйича қарзлар ўсишини чеклашга доир таклифларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қиласди;
- марказлаштирилган молия маблағлари, шу жумладан иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга юналтириладиган марказлашган кредитларни ажратиш шартлари ва қайтариш муддатларига тааллуқли масалаларни кўриб чиқади ҳамда улар бўйича тезкор қарорлар қабул қиласди;
- пул бозори ва қимматли қофозлар бозорининг жорий аҳволи тўғрисидаги ахборот, уларни ривожлантиришга доир таклифларни кўриб чиқади ва ўз ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қиласди;
- тўлов интизоми аҳволини яхшилаш, ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга юналтирилган тезкор қарорларни қабул қилишга доир таклифларни кўриб чиқади ва Ҳукуматга таклиф киритади;
- нақд пул массаси муомаласини тартибга солиш ва нақд пулдаги, шунингдек майда улгуржи операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда қарорлар қабул қиласди;

- пул муомаласини таҳлил қилиш, пул-кредит сиёсати ва ҳисоб-китоблар соҳасидаги қонунлар ва меъёрий хужжатларни амалда қўллаш тажрибасини ўрганиб чиқиши асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;
- зарурат туғилганида тўлов ва касса интизомининг белгиланган қоидаларига риоя қилиш, ажратилаётган банк кредитлари ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва консернлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди;
- заруратга қараб тижорат банклари ва бошқа молия-кредит муассасалари раҳбарларининг самарали кредит ва депозит сиёсати ўтказиш, қонунлар ва меъёрий хужжатларда белгилаб қўйилган кредит, депозит, суғурта операцияларини бажариш қоидаларига риоя қилишнинг аҳволига доир ҳисоботларини тинглайди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қиласди.

- Инвестиция дастурлари соҳасида:

- қулай инвестициявий иқлимининг таъминланишига, ички инвестициявий фаолликнинг ўсишига ва хорижий сармояларнинг жалб қилинишига юналтирилган қарорларни қабул қиласди;
- давлатнинг мақсадли ва инвестициявий дастурларини амалга оширишга жалб қилинувчи тижорат банклари рўйхатини тузади ва тасдиқлайди;
- устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, биргаликда молиялаш ва кредитлаш учун тегишли шарт-шароитлар яратишни давлат томонидан қўллаб-куватлашга доир таклифларни кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли хулосалар тайёрлайди;
- кимматли қофозлар бозорини ривожлантириш юли билан сармояларнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри жалб қилинишини оширишга доир таклифларни кўриб чиқади ва қарорлар қабул қиласди;
- хорижий технологиялар, «ноу-хау», асбоб-ускуналар, ва маҳсус материаллар қўлланиладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган буюртмачилар ва бош пудратчиларнинг шахсий ва қарзга олинган

маблағларини айирбошлаб бериш механизмини яхшилаш юзасидан таҳлил үтказади ва тавсияномалар ишлаб чиқади;

— ички нодавлат ва хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, сармоя солигига дотациялар, субсидиялар, имтиёзли кредитлар беришни қисқартиришга юналтирилган таклифларни кўриб чиқади, тегишли хуросалар ва тавсияномалар тайёрлайди;

— жалб етилаётган хорижий кредитларнинг самарадорлиги ва ўзини-ўзи қоплаши масалаларини кўриб чиқади;

— хорижий сармояларни республика иқтисодиётига жалб қилиш ва улардан фойдаланишга доир таклифларни кўриб чиқади;

— сармояларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, инвестиция сиёсатига оид қонунлар ва меъёрий хужжатларнинг тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан амалда қўлланилишини ўрганиб чиқиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— заруратга қараб ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ҳамда ваколатли банкларнинг инвестиция сиёсатини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисботларини тинглайди, улар юзасидан тегишли хуросалар ва тавсияномалар тайёрлайди.

• Истеъмол бозорини таъминлаш ва унинг баланси соҳасида:

— ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи кичик ва ўрта корхоналар секторини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга ёрдам беради;

— истеъмол моллари импорти таркибини таҳлил қилиш, улар ҳажми ва сифатининг ички бозор талабларига мос келиши асосида, шунингдек, истеъмолчилар ва ички товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишни ҳисобга олган ҳолда ҳалқ истеъмоли молларини импорт қилишни тартибга солиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

— тегишли идоралар ва ҳокимликларнинг минтақавий товар бозорларини барпо этиш ва ривожлантириш, савдо ва майший хизмат кўрсатиш соҳаларини янада

такомиллаштириш, савдо корхоналари фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир таклифларини кўриб чиқади;

— Марказий банкнинг сўмларни марказлаштирилган валюта ресурслари ҳисобидан еркин айирбошланадиган валютага имтиёзли айирбошлаш хуқуқини берувчи лицензиялари берилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Комиссиянинг махсус ишчи гурӯҳи хулосалари бўйича қарорлар қабул қиласди;

— истеъмол бозоридаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, унинг фаолият юритиши ва ривожланишига доир қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг амалда қўлланилишини ўрганиб чиқиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— янгидан барпо етилаётган ёки қайта ташкил қилинаётган супермаркетларнинг белгиланган низомлар ва талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли хулосалар тайёрлайди;

— заруратга қараб ҳокимликлар, вазирликлар ва идораларнинг жойларда истеъмол бозорларини тўлдириш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ошириш, пуллик хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, кичик ва ўрта корхоналар барпо этиш ва уларни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятлари натижалари тўғрисидаги ҳисботларини кўриб чиқади.

ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш борасида тегишли натижаларга еришиш мақсадида Комиссия қўйидаги хуқуқларга эга:

— ўз фаолияти доирасига кирувчи масалаларга доир қонунлари ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

— амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, хукумат қарорларининг бажарилиши соҳасида Комиссия томонидан аниқланган камчилик ва тартиббузарликлар ҳақида тегишли қарорлар қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, шунингдек хуқуқни муҳофаза қилиш органларига материаллар тақдим этиш;

— амалдаги қонунчиликка мувофиқ Давлат ҳокимияти ва бошқа давлат ва нодавлат муассасалардан унинг ваколатига кирувчи масалаларга оид зарур маълумотларни талаб қилиш.

Комиссия ҳар чоракда республика Ҳукуматига ўз фаолияти тұғрисидаги ҳисоботни тақдим етади.

Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасыда қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, консернлар, корпорасиялар, ассоциациялар, компаниялар, бошқа хұжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимліклари, мулкчилик шаклларидан қат'ий назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва банклар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

4.4.Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашнинг молиявий назоратни амалга оширишдаги аҳамияти

Мулкчилик шаклларидан қат'ий назар, хұжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз равища аралашувга йул қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш тұғрисида» 1996 йил 8 августдаги 1503-сон Фармони билан Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгashi фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур Кенгаш хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш соҳасидаги марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгаш қарорлари хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича давлат назоратини амалга оширишга ваколат берилган барча органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Кенгаш ўз фаолиятини “Республика назорат органларининг

фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тұғрисида Низом”га асосан амалга оширади¹⁹.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда тегишли худудий комиссиялар тузилган бўлиб, уларнинг таркиби Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Кенгаш фаолиятининг мақсади, мулкчилик шаклларидан қат’ий назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг иш-фаолиятига назорат органлари томонидан асоссиз равища аралашибга йул қўймасликдан иборат.

Куйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари қилиб белгиланган:

1) назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар иш-фаолиятини текшириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

2) хўжалик юритувчи субъектларнинг иш-фаолияти бўйича ўтказиладиган текширувларнинг умумий сонини қисқартириш;

3) текширувлар, шунингдек назорат органларининг фаолиятини қайтаришга йул қўювчи комплекс текширувларнинг мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиши;

4) текширувлар ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи режаларга риоя етилган ҳолда назорат органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва Кенгаш билан келишилмай туриб, режадан ташқари, қарши текширув ва назорат тартибида текширувлар ўтказилишига йул қўймаслик;

5) текширувларни қисқартириш ва такомиллаштириш мақсадида уларни ташкил этиш тизимини тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши.

Кенгаш худудий комиссияларининг асосий функцияларига:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича худудий мувофиқлаштирувчи режа-графиклар ишлаб чиқиши;

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги УП № 2114–сонли Фармони

- мувофиқлаштирувчи режа-графиклар бажарилишига риоя этилиши устидан мониторинг ўрнатиш каби вазифалар киради.

Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳамда ўз мақомига мувофиқ равища қўйидаги хуқукларга эга:

- республика барча вазирликлари ва идораларидан яқинлашиб келаётган давр учун мўлжалланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширув режаларини сўраш ва олиш;
- текширувларни мувофиқлаштириш бўйича қонунчилиқда белгиланган тартибга риоя этилишини таъминлаш талаб қилинган кўрсатмаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда, назорат органларига жўнатиш;
- текширувларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ёки Кенгаш қарорларини бузишда айбдор бўлган назорат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларга маъмурий чоралар белгиланганлиги тўғрисидаги тақдимномаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда, жўнатиш;
- назорат органларининг режадан ташқари текширувлар ўтказиш тўғрисидаги қарорларини, агар уларни ўтказиш учун йетарлича асослар бўлмаса, бекор қилиш.

Кенгаш назорат органлари томонидан назоратни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка қат’ий риоя этиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат органларининг ноқонуний характеристлари устидан тушган аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, улар юзасидан қарорлар қабул қилиши ҳамда олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида хукуматга мунтазам равища ахборот бериб туриши шарт.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси молиявий назоратни амалга оширишда қандай рол ўйнайди?
2. Парламент назорати қандай назорат?


3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати назорат қилиш соҳасида қандай ваколатларга эга?
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг молиявий назоратни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати таркибида қандай кўмиталар фаолият юритади?
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси молиявий назоратни амалга оширишда қандай рол ўйнайди?
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида қайси орган ва ташкилотлар билан муносабатда бўлади?
8. Фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳал етиладиган масалалар нималрдан иборат?
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида қандай комиссиясилар молиявий назорат соҳасида фаолият юритади?
10. Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгashi молиявий назоратни амалга оширишда қандай аҳамият касб етади?

В боб. Ўзбекистон РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ВА УНИНГ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ўРНИ

5.1.Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатасининг мақсади ва таркибий тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-3592-сон Фармонига мувофиқ Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг мақсадли ва самарали ижро этилиши, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ва ҳаракати, олтин валюта захиралари ҳамда ташқаридан қарз олишларни амалга ошириш, бошқариш ва тасарруф этиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган молия назоратининг юқори органи ҳисобланади.

Ҳисоб палатаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қонунийлик, холислик, мустақиллик ва ошкоралик қоидалари асосида амалга оширади.



25-расм. Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг таркиби тузилмаси

Давлат молиявий назорати тизимида Хисоб палатасига катта рол ажратилган бўли, у мустақил ва объектив орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига хисоб беради.

Хисоб палатасининг назорат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалалри ва ташкилий-назорат масаллари бўйича давлат маслахатчилари билан келишилган ярим йиллик ва йиллик Назорат ишлари дастурлари асосида амалга оширилади.

Белгиланган тартибда Ҳисоб палатасининг Назорат ишлари дастурига киритилган юридик шахслар (бюджет ташкилотларидан ташқари) рўйхати назорат қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилади.

Назорат тадбирларининг ярим йиллик ва йиллик дастурлари асосида текширишларни амалга ошираётганда Ҳисоб палатаси вазирликлар ва идораларнинг маъсул ходимларини, шунингдек малакали мустақил экспертларни жалб етган холда ҳукуқбузарликларнинг тури ва хусусиятини, ҳукуқбузарликларни сабабларини аниқлайди ва уларни бир тизимга солади.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг вазифа ва функциялари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ 3592 фармонига мувофиқ қуидагилар Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари етиб белгиланган:

- Давлат бюджети лойиҳасининг макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрларини шакллантириш жараёнини чукур ва пухта ўрганиш, уларни бозор ислоҳотларин чукурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасида и ўтказилаётган сиёsatнинг ғоят мухим устувор юналишларига, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш соҳасида қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларга тўла-тўқис мос келиши нуқтаи назаридан танқидий баҳолаш;
- тармоқлар ва худудлар бўйича Давлат бюджетининг даромад қисми шакллантирилиши ва ижросини моддама-модда, ҳар томонлама чукур таҳлил этиш, бюджет даромадларининг асосий моддалари бўйича прогноз кўрсаткичларининг реаллиги ва тифизлигига баҳо бериш, бунда ёқилғи-енергетика комплекси, қазиб чиқариш саноати, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо, иқтисодиётнинг даромад ҳосил қилувчи бошқа тармоқ ва соҳаларидаги захираларни аниқлашга алоҳида ёътибор қаратиш;

- агросаноат комплексидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий холати мониторингини амалга ошириш, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;
- маҳаллий бюджетлар шакллантирилиши ва амалга оширилишини, уларнинг балансланишини мунтазам таҳлил этиш ва назорат қилиш, маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш учун уларга реал молиявий маблағлар ажратиб бериш вазифасини ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқсан холда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш. Давлат харажатларини камайтириш резервларини аниқлаш. Марказда ва жойларда бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, улардан фойдаланишда қонунбузарликлар ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш;
- бюджетдан ташқари жамғармалар - Республика йул жамғармаси, Пенсия жамғармаси, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси, Қишлоқ хўжалигини аванслаш жамғармасининг давлат бюджети таркибида йигиладиган маблағлари тўлиқ тушиши, улардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш;
- ўтказилаётган пул-кредит сиёсатини, миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қобилиятини ошириш, пул массаси ва пул агрегатларини мақбул ҳолга келтириш, банқдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- республика ташқи савдо оборотининг аҳволини чуқур таҳлил қилиш, республика тўлов балансини шакллантириш ва ундан фойдаланишни баҳолаш. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспорта прогнози бажарилиши, маҳсулот импорти

мақбуллаштирилишининг таъминланиши, экспорт тушумлари ва хорижий валютани сотиши тўла-тўкис ва ўз вақтида бўлиши мониторингини амалга ошириш. Ички валюта бозорида валютага бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, айирбошлиш курси динамикаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, миллий валютанинг еркин алмаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- ташқаридан олинадиган қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, олинадиган хорижий кредит ва грант маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки Ҳукуматнинг кафолати билан олинган ташқи кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини қаттиқ назорат қилиш;
- олтин-валюта захираларининг ҳолати ва унинг харакати устидан назоратни амалга ошириш, ташқи активларни бошқариш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва уларни хорижий банкларда самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси назорат-тафтиш, эксперт- таҳлил ва ахборот бериш функцияларини бажаради.

Кўрсатилган функцияларни амалга ошириш учун Ҳисоб палатасига қўйидаги хукуқлар берилган:

- 1) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, банклардан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот, маълумотлар ва хужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;
- 2) зарур бўлган ҳолларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун текширувлар ташкил этиш ва уларнинг натижалари бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни жўнатиш;

3) ўз ваколати доирасида текширувлар үтказиш вақтида давлат органлари ва уларнинг вакиллари, нодавлат аудиторлик хизмати ва айрим мутахассисларни уларда иштирок этиш учун жалб этиш;

4) Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишилиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан тегишли хulosалар бериш;

5) қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини яхшилаш мақсадида назорат тадбирлари натижалари бўйича таклифлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат молиявий назоратининг юқори органи сифатида Давлат бюджети ижроси ва Давлат мақсадли жамғармалари назоратини амалга оширишда қўйидаги вазифаларни бажаради:

-Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари лойиҳаларини кўриб чиқади, маъқулланганда у бўйича тегишли хulosса беради;

-Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари ижроси натижалари бўйича ҳисоботни кўриб чиқади, маъқулланганда у бўйича тегишли хulosса беради;

-Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармаларини бажарилишини, шу билан бирга, солиқ ва божхона органларини, давлатмақсадли фондларини тақсимловчи органлар фаолиятининг мониторингини амалга оширади;

-Бюджет маблағларининг ҳаракати тўғрисида қонунчилик доирасида банкдан маълумот олади;

-Молия органлари, ғазначилик бўлимлари, бюджетдан маблағ олувчилар ва хўжалик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини текширади ҳамда тафтиш үтказади;

-Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ваколати доирасида фаолият кўрсатади.

Назорат-тафтиш функцияси	<ul style="list-style-type: none"> • Давлат бўйуджетининг даромад ва харажатлари кисмлари, асосий параметрлари ва моддаларининг ижроси устидан назорат ўрнатиш
	<ul style="list-style-type: none"> • Минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича тасдиқланган параметрлар хисобидан давлат маблаг'ларини харажат қилиш бўйича четга чиқишилар аниқланган холларда текширувлар
	<ul style="list-style-type: none"> • Бўйуджет даромад кисмининг ижроси устидан хамда минтақалар бўйича манбалар солик ва божхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги йузасидан
	<ul style="list-style-type: none"> • Давлат ташки қарзларини бошқариш устидан мониторинг ўрнатиш ва кафолат остида олинган кредитлар бўйича ўз вақтида хизмат қўрсатилишини назорат етиш
Експерт-таслил функцияси:	<ul style="list-style-type: none"> • Макроиктисодий қўрсаткичлар бўйуджет-солик ва рул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиб бориши хамда қонунчилик талабларига
	<ul style="list-style-type: none"> • Давлат бўйуджетини ижро етиш хамда солик тушумлари бўйича тасдиқланган параметрларни
	<ul style="list-style-type: none"> • Бўйуджет жараёнида четга чиқишиларни тахлил қлиш ва ўрганиш, уларни бартараф етиш ва
	<ul style="list-style-type: none"> • Миллий валйутани мустахкамлаш, инфлясиюни расайтириш хамда иктисодий ўсиш ва нархлар барқарорлиги қўрсаткичларининг оптималь бирлигига ериш бўйича
	<ul style="list-style-type: none"> • Експортни ривожлантириш, товарлар экспортни прогнозларини бажариш хамда ташки савдо ва тишлов балансилари ижобий қолдиг'ини та'минлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб жалб
Ахборот бериш функцияси	<ul style="list-style-type: none"> • Хисоб ралатаси зиммасига йўқлатилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар бўйича тахлили ишланмаларни ташкил етиш ва ўтказиш, уларнинг асосида хисобот ва таклифлар тайёрлаш хамда уларни кўриб чиқиш учун ўзбекистон Республикаси Президенти ва

26-расм. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг функциялари²⁰

5.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Низоми”и асосида тайёрланди

Ҳисоб палатасининг текширишлари Ҳисоб палатасининг раиси, у бўлмаган тақдирда Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари имзоси қўйилган Ҳисоб палатасининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади.

Назорат тадбири ўтказилаётганда Ҳисоб палатаси томонидан Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Ҳисоб палатасининг текширишлари давомида давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммалари аниқланади ва бюджетга қайтирилади.

Ҳисоб палатасининг текширишлари натижалари бўйича текширишнинг йиғма далолатномаси тузилади, унда тасдиқланган дастурга кўра изчил, хужжатлар билан тасдиқланган далилларнинг тизимлаштирилган баёни берилиши керак.

Текширишнинг йиғма далолатномасида давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммалари акс еттирилиб, бирламчи бухгалтерия хужжатларига ва кўрсатилган далилларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган бошқа исбот-далилларга ҳавола қилган ҳолда ҳуқуқбузарликлар тури, уларни содир этиш усули ва ҳолатлари аниқ баён етилади.

Ҳисоб палатасининг текшириш йиғма далолатномаси Ҳисоб палатаси инспекторлар гурухининг раҳбари ва гурух аъзолари томонидан имзоланади ҳамда танишиш ва имзолаш учун текшириш объектининг раҳбари ва бош бухгалтерига тақдим етилади.

Ўтказилган текшириш натижаларига қўшилмаган тақдирда текшириш объектининг раҳбари ва бош бухгалтери мулоҳазаларини қайд етган ҳолда текширишнинг йиғма далолатномасини имзолайди. Текшириш объектининг йиғма далолатномага доир мулоҳазалари имзоланган текшириш далолатномаси олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида тақдим этилиши керак.

Йиғма далолатнома бўйича текшириш объектидан олинган мулоҳазаларга жавобан текширувчи шахслар томонидан беш кун ичida текшириш объектининг эътиroz билдирган важлари асослилиги хусусида хулоса тузилади.

Текшириш объекти томонидан билдирилган муроҳазаларни қўшимча қўриб чиқиш учун Ҳисоб палатаси ваколатли органларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши ва улардан тегишли хулосани талаб қилиши мумкин.



27-расм. Ҳисоб палатасининг томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммалари²¹

²¹ ўзР МВ, ДСҚ ва Ҳисоб палатасининг 2006 йил 11 декабрдаги 101, 2006-52, 11-133-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан тайёрланди

5.4. Ҳисоб палатаси томонидан текшириш материалларининг топшириш ва текшириш натижалари бўйича давлат органлари томонидан чора кўриш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг топшириқлари бўйича текширишларни амалга ошириш чоғида Ҳисоб палатаси томонидан текшириш натижалари бўйича таҳлилий ёзувлар тайёрланиб, уларда аниқланган далиллар ва давлатнинг иқтисодий манфаатларига еtkазилган зарар суммалари кўрсатилади, мазкур ёзувлар текширишни тайинлаган органга тақдим етилади.

Ҳисоб палатаси йигма далолатнома имзоланган кундан бошлаб йигирма кун мобайнида текшириш обьекти ёки унинг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарувидағи юқори органига кўрсатма юборади, у назорат тадбири давомида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича аниқ ҳаракатлар ва тадбирлар рўйхатини ўз ичига олади.

Ҳисоб палатаси текширишларининг жиноят таркиби аломатларини ўз ичига олган материаллари текшириш обьектлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларига хуқуқий баҳо берилиши учун хуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилади.

Ҳисоб палатаси материаллари бўйича аниқланган еtkазилган зарарнинг ихтиёрий тартибда қопланган, белгиланган тартибда ёки суднинг ҳал қилув карори бўйича ундирилган суммалари тегишли бюджет ҳисобварақларига ёки бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ҳисобварақларига қайд етилади ҳамда Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг даромад ва харажатларини таснифлашнинг алоҳида параграфи сифатида ҳисобга олинади.

Хисоб палатасининг ўтказилган назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган маблағларни қайд этиш учун Молия вазирлиги Давлат бюджети ва юджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг даромад ва харажатлари таснифида қўшимча параграфлар очади.



28-расм. Давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган заар суммасини ундирувчи давлат органлари²²

Давлат органлари хар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача Ҳисоб палатасини қабул қилинган чораларнинг натижаларидан хабардор қилиб, заар суммасини ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларни илова қиласади.

Давлат органлари юллаган кўрсатмалар, Ҳисоб палатаси текширишларининг материаллари билан аниқланган иқтисодий заар суммасини ундириш бўйича кўрилган чоралар устидан назоратни амалга ошириш мақсадида ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунигача 1 иловада келтирилган шакл бўйича кўриш натижаларини ўзаро солиштириш амалга оширилади.

²² ўзР МВ, ДСҚ ва Ҳисоб палатасининг 2006 йил 11 декабрдаги 101, 2006-52, 11-133-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан тайёрланди



**29-расм. Давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар
суммасини ундириш тартиби ва юллари²³**

Уларнинг айбига кўра Ҳисоб палатаси кўрсатмаларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши таъминланмаётган текшириш объектлари ҳамда Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ижрочи дирекцияларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланади, жиноят таркиби аломатлари мавжуд бўлганида эса - тегишли материаллар кўрсатилган мансабдор

²³ ўзР МВ, ДСҚ ва Ҳисоб палатасининг 2006 йил 11 декабрдаги 101, 2006-52, 11-133-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан тайёрланди

шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласини кўриш учун Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратурасига топширилади

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этишнинг мақсади нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси қандай орган ҳисобланади?
3. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг назорат фаолияти нима асосида амалга оширилади?
4. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг таркибида қандай бўлимлар фаолият юритади?
5. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг вазифлари нимлардан иборат?
6. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси қандай функцияларни бажаради?
7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси қандай хуқуқларга эга?
8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан текширишлар қандай тартибда ташкил етилади?
9. Ҳисоб палатасининг текширишлари давомида аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларига нималар киради?
10. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан олиб борилган текшириш натижалари бўйича давлат органлари томонидан қандай тартибда чора кўрилади?

ВИ боб. МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ОЛИБ БОРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДАГИ ҶРНИ

6.1.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, унинг молиявий назоратни ташкил этиши

Давлат молиявий назорати тизимида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солик қўмитаси ва уларнинг қўйи ташкилотлари алоҳида ўрин тутади. Молия-кредит тизими муассасалари томонидан амалга ошириладиган назоратларнинг мазмуни ва мақсади белгиланган ваколат доирасидаги амалий еҳтиёжлар билан белгиланади.

Молия органларининг кўп қиррали назорат фаолияти бюджетни режалаштириш, молиявий режалар ва сметалар лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджет барча даромадларини тўплаш, давлат бюджети билан тегишли молия йили учун назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш жараёнида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 23.11.1992 йилги Н 553 Қарорига кўра «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақида» Низом тасдиқланди. Унга кўра Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республиканинг марказий молия-иқисодий органи сифатида Ўзбекистон Республикасининг молиявий нарх сиёсатини ҳаётга татбиқ етади ва унинг бутун худудида молия, нарх-навони ташкил этиш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун зарур молиявий негиз яратишни, республика бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этишни, унинг даромад қисми барқарорлигини таъминлашни, валюта режасини тузиш ва ижро этишни, пул ресурсларидан оқилона ва тежаб сарфлашни таъминлайди.

Молия вазирлиги республика бюджети ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича ижро этилиши учун, молиявий ресурсларни умумреспублика еҳтиёжларига сафарбар этиш ишларини ташкил этиш учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари ва туман(шаҳар)лар ҳокимликлари молия бўлимлари, давлат сугурта идоралари, шунингдек, уларга қарашли давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона тизимини ташкил етади.

Молия вазирлиги ўз тизимида кирувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тўғридан-тўғри ёки ўзи ташкил етадиган органлар орқали мувофиқлаштиради ва юналтиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига давлат молиявий назоратини амалга ошириш бўйича қўйидаги асосий вазифалар ва функциялар юкланган: 24

-Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона молия, солиқ ва нарх қўйиш сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитларида республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг барқарор молиявий негизини барпо этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

-молия органлари, уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, уларга ўз вазифаларини амалга оширишда методик ва амалий ёрдам кўрсатиш;

-республика бюджетини тузиш ва бажариш, даромадларни сафарбар қилиш, халқ ҳўжалиги тармоқлари ва ижтимоий-маданий соҳанинг республика ва минтақавий мақсадли комплекс дастурларини молиявий таъминлаш, республиканинг йигма молиявий балансини тузиш ишларини ташкил этиш;

-давлатнинг молияни бошқаришини, молия-кредит механизмини, молия ва бюджетни режалаштириш усулларини, солиқ олиш ва нарх белгилаш тизимларини такомиллаштириш, узоқ муддатли молиявий нормалар ва нормативлардан кенг

¹⁴ “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хақида» Низом. ўзР ВМ 23.05.2012 й. 143-сон Қарори асосидаги ўзгартиришлар билан.

фойдаланиш, бюджет ресурслари ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланишнинг харажатларнинг ўсишига қарши қаратилганинг ошириш и

юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- молия тизимининг, солик ва нарх-наво сиёсатининг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига фаол таъсир кўрсатишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишини, миллий даромаднинг, корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг ва бошқа молиявий ресурсларнинг ўсишини таъминлаш;

- молия-кредит воситаларининг хўжалик механизмининг бошқа элементлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш;


- республиканинг молиявий ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фан-техника тараққиётининг устивор юналишларига жамлаш, ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш, маълум мақсадга юналтирилган яхлит халқ хўжалиги дастурларини маблағ билан таъминлаш, зарур молия, валюта резервларини ташкил этиш;

- раҳбарликнинг иқтисодий усуллари, узок муддатли меъёрлар ва нормативлардан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш, молиявий ресурсларни режалаштириш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда марказлаштирилган асосларни минтақаларнинг ўзини ўзи бошқаруви, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг мустақиллиги билан қўшиб олиб бориш асосида молия, суғурта, нарх белгилашнинг давлат томонидан бошқарилишини такомиллаштириш;

-молия ва нарх механизмининг аксилхаражат юналишини ошириш, уни ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш томон юналтириш, нобудгарчиликларни бартараф этиш, ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларини камайтириш, фойда (даромад)ни кўпайтириш;

-молия, бюджет, валюта ва солиқни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш усулларини такомиллаштириш;

МОЛИЯ ВАЗИРИ



Сугориладиган йерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси

-аудиторлик ташкилотлари томонидан лисенсия битимларида назарда тутилган лисенсия талаблари ва шартларига риоя қилинишини назорат қилиш;

-корхоналар, вазирликлар, идоралар, банклар ва давлат сугурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш ва такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш, хўжалик юритишнинг янги шаклларини жорий этиш соҳасида маҳаллий молия органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

-солик солиши, нарх белгилаш, сугурта, валюта-молия аудиторлик ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, шунингдек, солик маслаҳати бўйича фаолиятни қонунчилик ва меъёрий актларни ишлаб чиқишида қатнашиш;

-молия, солик нарх белгилаш, сугурта, валюта аудиторлик ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, шунингдек, солик маслаҳати бўйича фаолиятни илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги ишларни амалга оширади:

- республика йиғма молия балансининг молиявий ресурсларини шакллантиришнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли истиқболни белгилашларини тузиш ишида, шунингдек, умумреспублика мақсадли бюджетдан ташқари пул жамғармаларини шакллантиришда қатнашади, уларни ташкил этиш, фойдаланиш ва миқдорлари тартиби, Ўзбекистон Республикаси минтақалари томонидан мазкур пул жамғармаларига маблағ ажратиш квоталари тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди;

- республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг янги усуллари асосида ҳудудий молия-бюджетни, соликни режалаштиришни такомиллаштиради;

- молия-бюджетни ва соликни режалаштириш, нарх белгилаш, халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий соҳани маблағ билан таъминлаш соҳасида услубий раҳбарликни амалга оширади, республика ва маҳаллий бюджетлардан сарфланаётган харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этишнинг умумий қоидаларини белгилайди;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджетни тузиш ва ижро этиш ишларини ташкил етади;

- Республика вазирлеклари, идоралари ва корхоналари томонидан Республика бюджетининг ижро этилишини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика нинг бошқа банклари томонидан бюджетнинг касса ижроси қоидаларига риоя қилинишини, шунингдек, банклар томонидан капитал сармояларни маблағ билан таъминлашни ва бюджет маблағлари ҳисобидан рӯёбга чиқариладиган бошқа тадбирларни назорат қилишни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда Республика бюджети ижросига тегишли масалаларни ҳал қиласди;
- молия-валюта сиёсатининг асосий қоидаларини шакллантириш, Республика нинг валюта режасини (тўлов балансини) тузиш ва ижро қилиш, валюта ресурсларини кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш;
- жорий йилда Республика бюджети ва валюта режасининг бажарилиши юзасидан ҳисбот тайёрлайди ва уни Вазирлар Маҳкамасига тақдим етади;
- маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларнинг Молия вазирлигига бириктирилган номенклатураси бўйича чегаравий нархлари ва тарифларини тасдиқлайди; ҳалқ ҳўжалиги тармоқларида нархлар ва тарифларнинг тўғри белгиланиши ва қўлланилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда нархлар устидан давлат, идоравий ва жамоатчилик назорати даражасини ошириш чораларини кўради;
- қимматбаҳо қофозлар бозорини шакллантириш ҳамда қимматбаҳо қофозлар емиссияси ва харакати устидан назоратни амалга оширади, молиявий бозорни шакллантириш ишларини мувофиқлаштиради;
- аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни, шунингдек, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
- аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия битимларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя қилинишини назорат қиласди;

- даъвогарларга аудитор малака сертификатини олишлари учун малака талабларини белгилайди;
- солик маслаҳатчиси ва актуарий малака сертификатларини олиш учун малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини, шунингдек, республика аудиторлар бирлашмаси билан келишган ҳолда - аудитор малака сертификатини олиш учун ўқитиш дастурини ва малака имтиҳонларини топшириш тартибини тасдиқлайди;
- солик маслаҳатчиси ва актуарий малака сертификатларини олиш хуқуқи учун малака имтиҳонларини, шунингдек, республика аудиторлар бирлашмаси иштирокида аудитор малака сертификатини олиш хуқуқи учун малака имтиҳонини ўтказади;
- аудиторлик фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга оширади;
- аудитор, актуарий ва солик маслаҳатчиси малака сертификатларини беради, уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди ва уларни бекор қиласади;
- тегишли малака сертификатларига эга бўлган аудиторлар, актуарийлар ва солик маслаҳатчилари реестрлари ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари ҳисобини юритади;
- акционерлик жамиятлари ва чекланган масъулиятли жамиятларнинг ягона реестрини юритади, корхоналарнинг қимматбаҳо қофозларини рўйхатга олади;
- республика молия-валюта сиёсатининг асосий принципларини, шакллантиришда қатнашади, республиканинг валюта режасини (тўлов балансини) тузади ва ижро етади, валюта ресурсларини кўпайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади, уларни оқилона тақсимлашни ҳамда ажратилган валюта маблағларидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қилишни таъминлайди;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини молиявий ва соликлар билан тартибга солишини амалга оширади, республика иқтисодиётига хорижий сармоя келиши учун қулай молиявий шартшароитларни яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;
- республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини маблағ билан таъминлаш учун республика Ҳукумати томонидан хорижий кредитлар жалб қилиш

зарурати бўйича експертиза ўтказади, ҳужжатларни расмийлаштиришда иштирок етади, республика Ҳукумати томонидан олинган хорижий кредитларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга оширади; Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзи ўз вақтида тўланиши ва ташқи қарз билан боғлиқ ишлар амалга оширилишини назорат қиласди;

- турли даражадаги бюджетларнинг ижроси, бюджетдаги муассасалар харажатлар сметасининг ижроси бўйича бухгалтерлик ҳисобини юритиш тартибини белгилайди;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргалиқда бюджетларнинг касса ижроси бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисботлар шаклларини белгилайди;
- баланснинг ҳисоб-китоб моддалари, қимматбаҳо нарсаларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди, счёtlарнинг намунавий режаларини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг намунавий шаклларини, уларни қўллаш ва тўлдириш тартиби тўғрисидаги юриқномаларни тасдиқлайди;
- республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қиласди ва текширади, республика бюджетини тузиш ва ижро этиш бўйича молия идоралари ишини яхлит тафтиш қиласди, зарурат бўлганда вазирликлар идоралар молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қиласди ва текширади;
- тугалланган тафтиш ва текшириш натижалар бўйича аниқланган и камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур кўрсатмалар беради;
- фуқароларнинг Вазирлик ваколатига тегишли хат, таклиф, мулоҳаза ва шикоятларининг ўз вақтида ва диққат билан кўриб чиқилишини таъминлайди, шунингдек, фуқаролар томонидан маълум қилинган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргалиқда қимматбаҳо металлар бозорининг аҳволини таҳлил қиласди;

- қимматбаҳо металларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ички истеъмол қилиш ва экспорт қилиш прогнозлари ҳамда балансларини ишлаб чиқишида қатнашади
 - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги томонидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан ҳарид қилинадиган маҳсулотлар нархларини белгилаш ҳамда давлат томонидан ҳарид қилинадиган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби бўйича таклифлар ишлаб чиқади
- Молия вазирлиги қўйидаги ҳуқуқларга егадир:*
- республика вазирликлари ва идораларидан, бошқа бошқарув органларидан, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлардан республика бюджети истиқболини белгилаш, валюта режасини тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилишни амалга ошириш учун материалларни, бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва балансларни, молия-бюджет, валюта ва солиқ режалаштириши, бюджетдан ва валюта жамғармасидан сарфланадиган харажатларни маблағ билан таъминлаш учун бошқа материаллар ва ҳисботларни, нарх белгилашга оид материалларни олиш;
 - маблағларни қонунсиз равишда сарф қилганликлари ёки илгари берилган маблағларни сарфлаганлик тўғрисидаги ҳисботларни ва бошқа ҳисботларни тақдим етмаганлиги учун тегишли вазирликлар ва идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг раҳбарларини хабардор қилган ҳолда корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотларни бюджетдан ва валюта жамғармасидан маблағ билан таъминлашни чеклаб қўйиш, зарур ҳолларда умуман тўхтатиш ҳамда вазирлик ҳуқуқи доирасида амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа жазоларни қўллаш;
 - ҳалқ ҳўжалиги тармоқларини ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бюджетни ижро этиш давомида пайдо бўлувчи айрим масалаларини ҳал қилиш учун республика бюджетида захира ташкил этиш;
 - бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил қилиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар учун қимматбаҳо металлар ва қимматли тошларни олиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш;
- қимматбаҳо металлар ва қимматли тошларни уларнинг барча турлари бўйича ва ҳар қандай мақсадда (експорт ҳам шу жумлага киради) қазиб олувчи, излаб топувчи, қайта ишловчи ва улардан фойдаланувчи истисносиз барча корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда тафтиш ва текширишлар ўтказиш, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ металл ва тошлар билан шуғулланувчи шахслар ана шу металл ва тошлардан қандай фойдаланаётганликларини назорат қилишни амалга ошириш;
- тафтиш ва текширишлар давомида нақд пулларни, қиммат-баҳо қофозларни, бухгалтерия ҳисоби реестрларини, ҳисботлар, сметалар ва режаларни кўрсатишни талаб қилиш; соҳталиклар ва бошқа сустеъмолликлар аниқланган ҳолларда ҳужжатлар йиғма жилдида ҳужжатни олганлик тўғрисидаги қайднома ёки ана шу ҳужжатнинг нусхасини, олиб қўйилган ҳужжатларнинг реестрини қолдирган ҳолда зарур ҳужжатларни олиб қўйиш; бошқа муассасалар, корхоналар ва ташкилотлардан текширилаётган обьектларнинг аъзоллари билан боғлиқ маълумотларни ва ҳужжатларнинг нусхаларини олиш, молиявий фаолиятнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида уларнинг раҳбарларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- вазирликлар ва идоралар, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳисботлари ва балансларига зарур тузатишлар киритиш юзасидан таклифлар бериш, шунингдек, ана шу таклифларни бажариш учун кўрилган чоратадбирларни текшириш;
- маҳсулотларни сотиш ҳажмлари ва солик ставкаларининг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва даромад манбалари бўйича вилоятлар бўйича ўзгаришлар киритиш;
- аудиторлик ташкилотларида лицензия битимларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя қилинишини текшириш;

- ҳудудлар бўйича ундирилиши лозим бўлган барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушумидан, шунингдек, Давлат бюджетининг биринчи навбатдаги харажатларини (ҳисобланган қўшимчалар билан бирга иш ҳаки, стипендиялар, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловларни) сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиқсан ҳолда, даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун тегишли бюджетларга ажратиладиган дотациялар, мақсадли субвенциялар ва бюджет ссудалари миқдорларини аниқлаш;
- республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджетларига бериладиган даромадларнинг тасдиқланган миқдорларига ушбу минтақаларда шаклланадиган солиқ тушумларини ҳисобга олган ҳолда, ўзаро ҳисоб-китоблар орқали даромадлар ва харажатлар ўртасида юзага келадиган касса узилишларини тартибга солган ҳолда аниқликлар киритиши.

• Молия вазирлиги ҳайъати мунтазам ўtkaziladiganchi ўз мажлисларида молиявий механизмни такомиллаштириш бўйича ишларни ташкил этишнинг, республика бюджети лойиҳаси ва ижросини тузишнинг асосий масалаларини ҳамда Вазирлик фаолиятининг бошқа масалаларини, Вазирлик тизимидаги муассасалар, корхоналар ва ташкилотларга амалий раҳбарлик қилиш масалаларини, муҳим буйруқлар, қоидалар, юриқномалар ва бошқа меъёрий актларни кўриб чиқади.

Ҳайъат қарори, одатда, Вазирнинг буйруғи билан ҳаётга татбиқ етилади. Вазир билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқсан ҳолда Вазир ўз қарорини ҳаётга татбиқ етади, пайдо бўлган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради, ўз навбатида ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Вазирлар Маҳкамасига билдиришлари мумкин.

Молия-бюджетни режалаштириш ва республика халқ ҳўжалигини маблағ билан таъминлаш методикасини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи, назорат-тафтиш ишлари, солиқ маслаҳати нарҳ белгилаш масалалари методологиясини такомиллаштириш борасидаги таклифларни кўриб чиқиш учун тегишли масалалар бўйича юқори

малакали мутахассислар, илмий муассасаларнинг ҳодимлари, бошқа ташкилотларнинг вакилларидан иборат методологик ва бошқа кенгашлар тузилиши мумкин. Бу кенгашларнинг таркиби ва улар хақидаги низом Вазир томонидан тасдиқланади.

Молия вазирлиги молия, нарх, кредит, пул муомаласи, товар-пул муносабатларининг бутун жами соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг назарий даражасини, сифатини ва амалий аҳамиятини ошириш чора-тадбирларини кўради, халқ хўжалигини бошқариш амалиётида иқтисодий воситалар ва рағбатларнинг бутун мажмуудан самаралироқ фойдаланишга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқиш учун иқтисодий ихтисосдаги илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Молия вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси, ҳодимлари сони, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Молия вазирлиги марказий аппаратининг штат жадвали, шунингдек, унинг мустақил таркибий бўлинмалари ҳақидаги низом Молия вазири томонидан тасдиқланади.

Молия вазирлиги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган мухрга эга.

6.2.Молия вазирлиги ҳузуридаги Бош назорат – тафтиш бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари таркибий тузилиши, вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятлари

Молия вазирлиги ҳузурида Бош назорат-тафтиши бошқармаси мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармаси

ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида низом²⁵га асосан фаолият юритади.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишдир.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бошқа вазифалари сифатида қуидагилар белгиланган:

- молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия қонунчилигига риоя этилишини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари ва юриқнома кўрсатмалари, бюджет мажбуриятлари ижроси билан боғлиқ бошқа қонунчилик ҳужжатлари бажарилиши таъминланишини назорат қилиш;
- республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаш;
- молия органлари ва тижорат банкларининг биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ҳодимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори, ўзР ВМ 01.04.2011 й. 100-сон, 11.11.2010 й. 250-сон, 03.02.2012 й. 30-сон Қарорларига мувофик ўзгартиришлар киритилган

- ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишини назорат қилиш;
- пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича статистика ҳамда бухгалтерия ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;
- пахта тозалаш корхоналари томонидан қабул қилинадиган, сақланадиган ва қайта ишланадиган пахта хом ашёсининг микдори ва сифати бўйича маълумотлар назорат ва тафтиш қилинишини, хом ашёни қайта ишлаш чоғида олинадиган пахта толаси, пайдо бўладиган куйиндилар ҳамда бошқа чиқиндиларнинг белгиланган меъёрларига риоя этилишини таъминлаш;
- навларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши, белгиланган стандартларга ва селексия навлари жойлаштирилишига мувофиқ уруғлик чигитлар тайёрланиши ҳамда пахтакор хўжаликларнинг улар билан таъминланиши мониторингини амалга ошириш;
- пахта хом ашёси ҳамда ундан ишлаб чиқариладиган пахта маҳсулотларининг микдори ва сифатини ҳамда уларнинг ҳисоботда акс еттирилишини баҳолаш бўйича текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- инвестисия дастурларини амалга оширишга ажратиладиган марказлаштирилган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш;
- бюджет маблағларини коммунал хизматлар ва електр енергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб бориш;
- бюджет муассасалари томонидан штат-смета интизомига риоя этиш таъминланишини назорат қилиш;
- ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан бюджет жараёнига ноқонуний аралашиш ҳолларининг олдини олиш;

- давлат валюта маблағларининг тұғри ва белгиланған мақсадда сарфланишини назорат қилиш;
- фуқароларнинг молия ва бюджет интизомининг бузилиши ҳоллари тұғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини күриб чиқиш;
- янгидан тайинланған пенсия ва нафақаларни ҳисоблаб чиқышнинг, шунингдек, қонун ҳужжатларыда назарда тутилған имтиёзларни құллашнинг тұғрилигини, шу жумладан, фуқароларнинг пенсия йиғмажилдларидаги бошланғич ҳужжатларнинг тұлиқлиги ва ишончлилигини текшириш юли билан ялпи текширишларни амалға ошириш;
- мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхоналар, ташкилоттар ва муассасалар томонидан ишлаётган пенсионерларга пенсия ва нафақаларнинг тұғри ҳисобланиши ва тұланишини режали равища текшириш;
- фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан, банк ва пошта муассасалари томонидан үз вақтида ва тұлық тұланишининг тизимли мониторингини олиб бориши, қонун бузилишлари аникланған тақдирда қонун ҳужжатларыда назарда тутилған чоралар күриш;
- тиббий-меҳнат експерт комиссиялари томонидан берилған күрикдан үтказиш далолатномаларини ва хулосаларни, зарурат бўлғанда, мустақил експертларни жалб етган ҳолда қайта експертизадан үтказиш;
- тиббий-меҳнат експерт комиссиялари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилор тизими мутахассисларини жалб етган ҳолда доимий равища текшириш;
- үтказилған тиббий-експерт текшириш комиссияларнинг тұғрилиги ва асосланғанлигини, шу жумладан, даволаш-профилактика муассасалари томонидан берилған бошланғич тиббий ҳужжатларнин тұлиқлиги ва ишончлилигини ўрганиш юли билан текшириш;

Г

- бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструксия қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш;
- давлат харидлари бўйича тендер (танлов) савдолари ўтказилишининг тўғрилигини назорат қилиш.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун уларга қуидаги ҳукуқлар берилган²⁶:

- маҳаллий бюджетлар ижроси бўйича худудий молиявий органлар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш (мониторинг);
- барча даражалардаги бюджет муассасаларини харажатлар сметаси бажарилиши ва бюджет интизомига риоя қилиниши бўйича тафтиш қилиш ва текшириш;
- барча даражалардаги худудий молия органлари ва бюджет муассасаларида пул ва бухгалтерия ҳужжатларини, ҳисботлар, сметалар ва бошқа ҳужжатларни, моддий бойликлар мавжудлигини текшириш;
- бюджет ссудаларидан, Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб етилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текшириш;
- тижорат банк муассасаларидан, солик органларидан, бошқа идоралардан тафтишлар ва текширишларни ўтказиш пайтида пайдо бўлувчи масалалар бўйича зарур маълумотлар ва ахборотларни олиш;
- курилиш, монтаж, тузатиш ишларини, бошқа ишларни назорат тартибида ўлчаш ва бошқа текширишлар учун мутахассисларни белгиланган тартибида жалб қилиш;

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори, ўзР ВМ 10.11.2006 й. 235-сон, ўзР ВМ 24.03.2010 й. 52-сон Қарорларига мувофиқ ўзгартирishлар киритилган

- барча даражалардаги худудий молиявий органлар ва банк муассасалари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан тафтишлар ва текшириш давомида пайдо бўйича масалалар, молия ва бюджет интизоми бузилиши ҳоллари бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек маълумотномалар, тафтишлар ва текширишлар далолатномаларини имзолашни талаб қилиш;
 - зарур ҳолларда касса ва касса бинолари, омборлар, архивлар мухрланишини, қалбаки, соҳталаштирилган хужжатла ва бошқа
- р
- сустеъмолликлар аниқланган тақдирда эса хужжатларни олиб қўйиш, текширилаётган обьектлар раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар хатланишини талаб қилиш;
- пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлашнинг бутун даври мобайнида Молия вазирининг топшириғи ва у тасдиқлаган жадвал бўйича пахта тозалаш корхоналарини тайёрланаётган, қайта ишланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёси миқдори ва сифати масалалари юзасидан текшириш ва тафтиш қилишни ўтказиш;
 - стандартлар ва норматив ҳужжатларнинг бажарилишини таъминламаётган, қўшиб ёзишлар, сустеъмолликлар ва ҳисботлар бузилиши учун шарт-шароитлар вужудга келтираётган пахта тозалаш корхоналари ва уларга қарашли бўлинмалар ишини тўхтатиб қўйиш;
 - "ўзпахтасаноат" уюшмаси, пахта тозалаш корхоналари ва худудий бирлашмалар мансабдор шахсларига камомат фактларини ҳужжатлар бўйича аниқлаган текширишлар ва тафтишлар асосида пахта хом ашёси ва унинг маҳсулотлари миқдорини ҳисботдан чиқариб ташлаш тўғрисида ёзма буйруқлар бериш;
 - тафтишлар ва текширишлар материаллари бўйича молиявий ва бюджет интизоми бузилишларини бартараф этиш, моддий заарни ундириш, айборд шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли таклифлар киритиш;

- молия ва бюджет интизоми бузилиши аниқланган тақдирда тафтишлар ва текшириш материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;
- тиббий-мехнат експерт комиссиялари томонидан берилган кўрикдан ўтказиш далолатномаларини ва хулосаларни қайта експертизадан ўтказиш учун мустақил експертларни жалб этиш.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси қуйидаги ташкилий тузилмага егадир²⁷:

1. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси, унинг таркибига:

- худудий молия органлари томонидан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлими;
- республика бюджет муассасалари томонидан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлими киради;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижросини назорат қилиш бўлими;
- инвестиция дастурларига ажратиладиган марказлаштирилган маблағлардан ва Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш бўлими;
- давлат харидлари бўйича тендер (танлов) ўтказилишини назорат қилиш бўлими;
- бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш шўбаси.

2. Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳисоб ва ҳисботнинг тўғрилигини назорат қилиш бошқармаси, унинг таркибига:

- пахта тозалаш саноати корхоналарини тафтиш қилиш бўлими;
- ахборот-таҳлил шўбаси.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори, ўзР ВМ 11.11.2010 й. 250-сон, 01.04.2011 й. 100-сон, 03.02.2012 й. 30-сон Қарорлари билан ўзгартиришлар киритилган

3. Молия вазирлиги хузуридаги Жамғармалар маблағларидан фойдаланишишини назорат қилиш бошқармаси.

4. Куйидаги таркибдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишишини назорат қилиш бошқармаси:

- пенсиялар, нафақалар ва компенсасияларнинг тайинланиши ва тұланишини тафтиш қилиш бўлими;
- ТМЕК хизмати фаолиятини назорат қилиш бўлими;
- ахборот-таҳлил шўбаси.

5. Ташкилий-услубий ишлар бўлими.


6. Мурувват ёрдамидан ва техникавий кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланишишини назорат қилиш шўбаси.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари қуйидаги ташкилий тузилмага егадирлар²⁸:

- Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлимлари.
- Ташкилий-услубий ишлар бўлимлари.
- Инвестисия дастурларига ажратиладиган марказлаштирилган маблағлардан ва Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлардан мақсадли фойдаланишишини назорат қилиш бўлими.
- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан фойдаланишишини назорат қилиш бўлими.
- Давлат харидлари бўйича тендер (танлов) ўтказилишини назорат қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижросини назорат қилиш бўлими.
- Молия вазирлиги хузуридаги Жамғармалар маблағларидан фойдаланишишини назорат қилиш бўлими.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори, ўзР ВМ 11.11.2010 й. 250-сон, 01.04.2011 й. 100-сон Қарорлари билан ўзгартиришлар киритилган

**ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ БОШ НАЗОРАТ – ТАФТИШ
БОШҚАРМАСИННИГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бош назорат –тафтиш бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқ бошчилик қиласди.

Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқ бошчилик қиласди. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи айни вақтда Бош назорат –тафтиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқлар бошчилик қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тайинланадиган бошлиқлар бошчилик қиласди. Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бўлимлари бошлиқлари айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ҳисобланади.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ўз иш-фаолиятини Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик иш режаларига асосан амалга оширади. Улар, зарур бўлган ҳолларда, молия органлари ва бюджет муасасалари фаолиятини режадан ташқари тафтиш ва текширувдан ўтказишади, маҳсус ваколатли орган рухсати билан эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш ва назорат қилишади.

Бош назорат –тафтиш бошқармасининг асосий вазифалари

- молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия конунчилиги ҳамда бюджет мажбуриятларининг ижроси билан боғлик бўлган бошқа конунчилик хужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш
- республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий ижро этилиши устидан доимий назоратни таъминлаш
- коммунал хизматлар ва електр енергияси учун бюджет маблағларини сарфлаш лимитларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда текширувлар ўтказиб туриш
- бюджет муассасалари томонидан штатлар жадвали – смета интизомига риоя этилинишини назорат қилиш
- хокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг бюджет жараёнинга ноқонуний равищда аралашуви фактларини тўхтатиш
- фуқароларнинг молия ва бюджет интизоми бузилганлиги фактлари тўғрисидаги хат, шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ва бошқалар

30-расм. Бош назорат –тафтиш бошқармасининг асосий вазифалари

6.3. Молия вазирлиги Газначилигининг бюджет ижросини назорат қилишдаги фаолиятининг хусусиятлари

Молия органлари орасида ғазначилик тизими молиявий назоратни амалга оширишда муҳим ўрин егаллайди.

Ғазначилик тизимини мониторинг, пул маблағларини бошқаришни такомиллаштириш ва бюджет операциялари самарадорлигига еришишга юналтирилган тамойилларидан бири – бюджет ижросини назорат қилишни кучайтириш бўйича ягона ғазна ҳисоб варагини ташкил этиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда ғазначиликнинг асосий вазифалари ва функциялари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Конунида аниқланган. Ушбу Конунда Давлат бюджетининг ғазна ижросининг асосий принциплари белгиланган: бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ва кассани ташкил этишнинг ягона тизими белгиланган (Конун 1 январ 2006 йилда кучга кирган).

Ғазначилик тизими тўлиқ ҳажмда (Молия вазирлиги Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594 – сон қарори қабул қилингандан кейин ривожланди.

Мазкур Низом “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Конунга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594–сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Бу тизимда бюджетлар ижросини ташкил қилиш, бюджетларнинг счёtlарини ва бюджет маблағларини бошқариш мамлакатнинг Молия вазирлигининг маҳсус ғазначилик органларига юклатилади. Маҳсус ғазначилик органлари барча бюджет маблағларини тасарруф қилувчилар ва бюджет маблағлари олувчилар учун кассир вазифасини бажаради ва уларнинг топшириқлари бўйича улар номидан тегишли тўловларни амалга оширади.

Ғазначилик ўзининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда Давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга оширадиган маҳсус ваколатли молия органи ҳисобланади.

Ғазначилик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва

фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда ўз фаолиятига тегишли бўлган бошқа норматив-хукукий хужжатларга амал қиласди.

Ғазначилик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бевосита ва ўзининг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширади.

Давлат бюджетининг ғазначилик тизими жорий этилиши қуйидаги ижобий натижаларга еришишга имконият беради:

- давлат молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини доимий назорат қилиш;
- давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ва муентазам равища ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;
- давлат бюджетининг даромад ва харажат қисмларини касса ижросини ҳар кунги аниқлаштирилган мониторингини ўтказиш;
тасадикланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларининг товарлар ва хизматлар йетказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларини қабул қилиш босқичида дастлабки назоратни амалга ошириш;
- молия органлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва адресли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилари томонидан сунстеъмол қилиш ва нотўғри ишлатишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат олиб бориш;
- бюджет ташкилотлари мажбуриятларни олгандан кейин пул маблағларини ғазначилик хисоб рақамидан тўғридан-тўғри товар йетказиб берувчилар хисоб рақамига ўтказиш орқали пул оқимлари харакатини тезлаштириш ва ўз вақтида тўловни амалга ошириш орқали таъминотчиларни молиявий имкониятларини яхшилаш;
- ғазначилик тизимининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига пул маблағлари ўтказишни тезлаштириш орқали бюджет маблағларини тезкор харакат

қилинишини таъминлаш ва бошқалар.

Демак, ғазначиликни жорий этишдан асосий мақсад, давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришга таъсир кўрсатишидир.

Ғазначилик органлари давлат молиясини бошқаришга тааллуқли турли вазифаларни бажарадилар.

Ғазначилик тизимини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган асосий ишлар қуидагилардан ташкил топади:

- келгусида бюджет даромадлари ва харожатлари бўйича барча операциялар турли банкларда очилган кўплаб бюджет ҳисоб рақамлари ўрнига Марказий банкда очиладиган Молия вазирлиги ғазнасининг Ягона ҳисоб-варақасига жамлантирилади;
- бюджет ташкилотлари харожатларини ҳисобга олиш ва бюджет маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда ҳисботлар тайёрлаш учун уларнинг шахсий ҳисоб-варақалари ғазначиликда очилади;
- банк ўрнига ғазна томонидан бюджет касса ижросини амалга оширилиши ва бюджет жараёни барча босқичлари яъни даромад тушибими, бюджет маблағлари ажратишдан тортиб бюджет ижроси ҳисботини тайёрлашгача бўлган ишлар бирлаштирилади;
- замонавий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни қўллаган ҳолда ғазначиликнинг ягона ахборот тизими яратилади ҳамда у банкларнинг электрон тўлов тизимига уланади. Бу эса Давлат бюджети даромадлари ва харожатлари касса ижросини кунлик мониторингини таъминлайди ҳамда барча даражадаги бюджетлар аҳволи хақида маълумотларни тезкор йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни таъминлайди.²⁹

Ғазначилик тизимида бюджетлар ижросини ташкил қилиш, бюджетларнинг счўтларини ва бюджет маблағларини бошқариш мамлакатнинг Молия вазирлиги маҳсус ғазначилик органларига юклатилади. Маҳсус ғазначилик органлари

²⁹ Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б., Бюджет назорати ва аудити: ўқув қўлланма . – Тошкент, 2009 – 56 бет.

барча бюджет маблағларини тасарруф қилувчилар ва бюджет маблағлари олувчилар учун кассир вазифасини бажаради ҳамда уларнинг топшириқлари бўйича улар номидан тегишли тўловларни амалга оширади.

1. Молия органи бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини рўйхатга олади. Бунда қандайдир даражада дастлабки назорат амалга оширилади.
2. Молия органи бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини бир нусхасига имзо чекиб ва муҳр босиб тегишли ғазначилик органига беради.
3. Бюджет маблағларини сарфланиши устидан жорий назоратни ғазначилик органлари олиб боради.
4. Журнал, сметага мувофиқ тўлаш, юридик мажбурият, молиявий мажбурият, харажатларни тўлаш, нарх мониторинги, тендер ва танлов, харажатларни тўлашга руҳсатнома, юрист имзоси ёки ёзма хулосаси, нақд пул бериш, чекларни расмийлаштириш, тўлов топшириқномаларини расмийлаштириш ва бошқалар.

Ғазначиликнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Давлат бюджетининг касса ижроси;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- Давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товарлар йетказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;
- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йигиш, қайта ишлаш ва тақлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат

кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш.

Мавжуд ғазначиликда тўловлар уч босқичда амалга оширилади:

1. Юридик мажбуриятлар: шартномалар, битимлар, қарорлар (суд органлари, имтиёзлар), бир тарафлама қарорлар.

2. Молиявий мажбуриятлар: ҳисоб-фактуралар, иш ҳақи ведомостлари, бошқалар.

3. Тўловни амалга ошириш.

Ғазначиликда тўловларни амалга ошириш бюджет маблағлари олувчиларнинг юридик мажбуриятларни олиши асосида молиявий мажбуриятларни бажариш деб тушунилади.

Ғазначилик амалдаги харажатлар бўйича дастлабки ва жорий назоратни ўрнатиши лозим. Битимга еришилгандан кейин эса назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бошқармаси ва бошқа органлар вазифасига киритилади. Ғазначиликнинг назорат вазифаси эса айнан дастлабки назоратдан иборат бўлади. Тузилган шартномалар тақдим етилганда ва уларнинг тасдиқланган сметаларига мослиги аниқлангандан сўнг ғазначилик органлари томонидан ушбу ҳужжатларнинг бюджетга қатъий мослиги синчиклаб текширилади.

Жорий назоратни олиб бориш учун ишнинг ҳақиқатда бажарилганлиги ва унга ҳақ тўлаш бюджетда кўзда тутилганлиги ҳақидатакдим этилиши керак.
хужжатлар

Ўзбекистон Республикаси худудида давлат бюджети ижросини ғазначилик тизимини амалиётга жорий этиш масалаларини қараб чиқадиган бўлсак, маълум натижаларга еришилганлигини кўриш мумкин.

Булар жумласига:

- шартномаларни рўйхатга олиш,
- счёт-фактуралар,
- бюджет ташкилотларининг тўлов топшириклари ҳисоби кабилар ғазначилик тизимини амалиётга жорий этишнинг элементлари ҳисобланади.

Ғазначиликнинг асосий вазифалари

- Давлат бюджетининг касса ижроси
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан
- Давлат бюджети маблағларини бошқариш
- Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тұловларни амалга ошириш
- Бюджет ташкилотларининг товарлар йетказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар күрсатиши) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари хисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш
- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш
- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат күрсатиши, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш

31-расм. Ғазначиликнинг асосий вазифалари

Ушбу қадам бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг бир қисми жорий етилганлигидан далолат беради. Ғазначиликда шартномаларни рўйхатга олиш амалга оширилиши учун уларнинг суммаси тегишли харажатлар смета моддасидан ошиб кетмайди ва мақсадли фойдаланишга мос келса, рўйхатга олинади.

Рўйхатга олингандан кейин ушбу шартнома бўйича счёт-фактура ва тўлов топшириқномалари ҳам амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари билан товар (иш ва хизматлар) бўйича мол йетказиб берувчиларни шартномаларининг ғазначиликда рўйхатга олиниши ушбу бюджет ташкилоти бўйича тўловга қобилиятли еканлигини англатади ва шартнома шартлари бажарилганда мол йетказиб берувчи учун тўлов кафолатланганлигини билдиради .

Энг муҳими бюджет ташкилотларининг банк счёtlари ёпилиб, улар худудлар бўйича ғазначилик счёtlарида жамланади (республика бюджети учун республика ғазначилик счёtlари). Бу тадбир натижасида бюджет маблағларини турли банк счёtlарида бўлишининг олди олинади ва бюджет даромадлари ва харажатларини касса ижросидаги бўшлиқни тугатиш имкониятини беради.

6.4. Давлат молиявий назоратни амалга оширишда солик органлари роли

Давлат молиявий назоратни амалга оширишда *солик органлари* муҳим рол үйнайди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тўғрисида» ги 1997 йил 29 августдаги қонуизо солик назоратининг асослари, уни амалга ошириш бўйича солик органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Солик назорати солик солиши субъектлари ва обьектлари ҳисобини юритиш ҳамда солик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимиdir. У давлат солик хизмати органлари томонидан солиққа тортиладиган субъектлар ва обьектлар ҳисобини юритиш, солик текширувларини ўтказиш, солик тўловчилар, бошқа шахсларни сўроқ қилиш ва қонунчилик билан назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солик хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солик қонунчилиги, соликлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат этиш;
- солик қонунчилигига риоя этилишининг зарурий шартларини таъминлаш, солик

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги қонуни. ўР ОМА, 1997 й., №9,

тұловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ёрдам құрсатып, солиқ бүйіча қоидабузарликтарни аниклаш, огохлантириш ва тұхтатиб қүйиш.



32-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Құмитаси тузилиши

Давлат солиқ хизмати органлари үз ваколати доирасида қуидаги хуқуқларга эга:

- солиқ тұловчиларда (жумладан, солиқ тұловчилар билан боғланған қарши субъектларда) Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тұловларнинг үз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тұлиқ ва үз вақтида тұланиши билан боғлиқ бұлған молиявий хужжатларни, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ бұлған хужжатларни текшириш,

текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;

• қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда юридик шахслар ҳамда жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидағи хисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.

Қуидагилар Давлат солиқ қўмитасининг солиқ назоратини олиб боришдаги вазифалари ҳисобланади:

Назорат қилувчи органлар томонидан олиб борилаётган хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини барча текширишлар ва тафтишларни мувофиқлаштириш;

Қуидагилар бўйича ишни ташкил этиш ва улар устидан назорат қилиш;

солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя этилиши, солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши;

солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя этилиши учун зарур шартшароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқ бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

солиқ солинадиган субъектлар ва обьектларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинини таъминлаш;
солиқлар бўйича ҳукуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга бархам бериш.

33-расм. Давлат солиқ қўмитасининг солиқ назоратини олиб боришдаги вазифалари

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бошқа давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро биргаликда бажарадилар. Кўрсатилган органлар ва ташкилотлар солиқ хизмати органларига солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқ қонунбузарлигига қарши курашда ёрдам беришлари шарт.

Кўрсатилган қонунчилик хужжатида назарда тутилган солиқ назоратини ташкил этиш *Давлат солиқ қўмитаси* ва унинг органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида низомз1га мувофиқ у давлат солиқ хизматининг солиқ қонунчилигига риоя этилиши, давлат иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳукуқларини ҳимоялашнинг таъминланиши соҳасидаги назорат бўйича марказий органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақлидир:

- 1) Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ бошқа текширув ва назорат органларини жалб етган ҳолда, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш;
- 2) солиқ тўловчиларда (жумладан, солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) молиявий ҳужжатлар, шартномалар, сметалар, соликларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳамда экспорт-импорт билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ҳужжатлар асосида текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;
- 3) савдо, товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш, аксиз спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш ва маркалаш қоидаларига риоя этилиши, нақд пул маблағларининг тўлиқ кирим қилиниши, назорат-касса аппаратларини қўллаш қонунчилигига риоя этилиши ва бошқаларни назорат қилиш.

¹⁾ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизимида *Бош назорат-тафтиши бошқармасиз* тузилган бўлиб, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармасининг солиқ назоратини амалга оширишдаги вазифалари қўйидагилардан иборат:

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини солиққа оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатлар асосида текшириш (тафтиш)ларни ҳамда Ҳукумат қарорлари билан назорат солиқ органларига юклangan масалалар бўйича назорат тартибидаги текширишлари белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказиш;

Хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган солиқлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқаришда, ундиришда қонунийликка риоя қилиниши, тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш;

солиққа доир ҳуқуқ бузишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш;

Давлат солиқ қўмитасининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларни комплекс текширишларнинг истиқболи режаларини тайёрлаш, текширишлар ўтказиладиган обьектларни аниқлаш ва уларни амалга ошириш;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан текширишлар материаллари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилниши ва молиявий санксиялар қўлланилиши устидан назорат ўрнатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳужжатлар асосида ва назорат тартибдаги текширишлар яқунлари бўйича бюджет олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши (қўшимча ҳисобланган суммалар, молиявий санксиялар, маъмурий жарималар ва шу кабиларнинг ундирилиши) устидан назорат ўрнатиш;

34-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармасининг солиқ назоратини амалга оширишдаги вазифалари

|| Ҳукуматнинг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 мартағи 87-сонли қарори билан тузилган. Ушбу орган тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарор билан тасдиқланган.

Давлат солиқ құмитасининг Бөш назорат-тафтиш бошқармаси үз зиммасига юклатилған вазифаларни ҳал этиш ва функцияларини бажариши учун қуидаги хуқуқларга эга:

- юридик ва жисмоний шахслардан хұжалик юритувчи субъектлар (солиқ тұловчилар) фаолиятига тегишли маълумот, ахборот, маълумотнома, хужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;
- банклар ва бошқа кредит-молия муассасаларидан хұжалик юритувчи субъектлар (солиқ тұловчилар)нинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобвараптарида амалга оширилған операциялари тұғрисидаги маълумотларни белгиланған тартибда олиш.

Давлат молиявий назорат бүйича функцияларни *банк тизими* ҳам бажаради. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тұғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонунига мувофиқ у банк тизими барқарорлигини құллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишини амалга оширади.

Марказий банк назорат функцияларини бажариш бүйича үз ваколатларини амалга ошириш юзасидан банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк статистик ҳисботини юритиш, йиллик ҳисботларни тузиш учун банклар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банкка қуидаги хуқуқлар берилған:

- 1) Банклардан ҳисботлар ва бошқа хужжатларни олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, жумладан операциялари тұғрисида ахборот, маълумотларни сұраш ва олиш;
- 2) Олинган ахборот, маълумотлар бүйича тушунтиришлар талаб қилиш;
- 3) Банкларнинг ички аудити бүйича талаблар белгилаш;
- 4) Банк активларини сифат бүйича тасніф қилиш ва активлар бүйича күрилиши мумкин бўлган заарларни қоплаш учун шундай захиралар тузишини талаб қилиш;

5) Банкларга улар фаолиятида аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма буйруқлар, кўрсатмалар жўнатиш.

Текширувлар Марказий банк томонидан белгиланадиган ваколатли вакиллари ва аудиторлар томонидан ўтказилади. Давлат молиявий назоратнинг айрим функцияларини бошқа органлар ҳам бажаради. Бу, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат этиши марказиззга тааллуқли бўлиб, унинг зиммасига барча давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг функция ва вазифалари нималардан иборат?

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қандай хуқуқ ва мажбуриятларга эга?

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркиби ва тузилишини айтиб беринг.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия тизимида назоратни ташкил қилишдаги роли ва аҳамияти қандай?

5. Маҳаллий молия органларининг ҳудудий молияни бошқаришдаги ўрнини изоҳланг.

6. Маҳаллий молия органлари томонидан молиявий назоратни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартағи №УП-1414-сонли фармони билан тузилган.

Ш бўлим. ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ТУРЛАРИ

ВII боб. СОЛИҚ НАЗОРАТИ

7. 1. Солик назоратининг асослари ва амалга ошириш шакллари

Солик назорати солиш субъектлари ва обьектлари ҳисобини юритиш ҳамда солик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимиdir.



35-расм. Солик назоратининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солик хизмати тўғрисида” 1997 йил 29 августдаги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорига мувофиқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тўғрисида

Низом” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош назораттафтиш бошқармаси тўғрисида Низом”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-311-сон қарорига мувофиқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти тўғрисида Низом” солиқ назоратининг асосларини ва уни амалга ошириш бўйича солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича солиқ назоратини божхона органлари ўз ваколатлари доирасида Солиқ Кодексга ва божхона тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.


Қуйида солиқ назоратининг шаклларини ко`риб чиқамиз.

Давлат солиқ хизмати органлари *солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритади*. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш уларни ҳисобга қўйиш ва улар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилаётганда унга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади ҳамда солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисобга қўйиш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан юритилади.

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига берилган идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки солиқ тўловчи бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи хужжатдир.



36- расм. Солиқ назорати шакллары³⁴

Солиқ солиши объектларини ва солиқ солиши билан бөглиқ объектларни ҳисобға олиш давлат солиқ хизмати органдары томонидан ҳар бир солиқ тұловчи бүйича ҳамда у тұлаётган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлар бүйича, солиқ солиши объектлари ҳамда солиқ солиши билан бөглиқ объектлар түғрисидаги

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 2008 йил, 12-боб, 67-модда

маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан електрон шаклда шакллантириш ва юритиш орқали амалга ошириладиз.

Солик солиш обьектлари ва солик солиш билан боғлиқ обьектлар тўғрисидаги маълумотлар базаси солик тўловчи томонидан тақдим етилган молиявий ва солик ҳисботларининг маълумотлари, тегишли органлар, ташкилотлар томонидан тақдим етиладиган маълумотлар, шунингдек давлат солик хизмати органлари бошқа манбалардан тўплаган, шу жумладан солик текширувлари вақтида тўплаган ахборотлар асосида шакллантирилади.

Давлат солик хизмати органлари, божхона органлари ҳамда зиммасига соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифаси юклатилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари *бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиши* керак.

Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушумини ҳисобга олиш бюджет классификациясига мувофиқ юритилади.

Давлат солик хизмати органлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини солик тўловчининг шахсий карточкасида соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг, шунингдек пеня ва жарималарнинг ҳисобланган ҳамда тўланган суммаларини акс еттириш орқали юритади.

Солик тўловчининг шахсий карточкаси соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳар бир тури бўйича очилади.

Камерал назорат солик тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим етилган молиявий ва солик ҳисботини, шунингдек солик тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солик хизмати органидаги мавжуд бошқа хужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдирз.

Камерал назорат солик тўловчининг хузурига бормасдан давлат солик хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади.

1 ўзбекситон Республикаси Солик кодекси, 2007 йил 25 декабр, 68-модда
2 ўзбекситон Республикаси Солик кодекси, 2007 йил 25 декабр, 70-модда

Агар давлат солиқ хизмати органи томонидан камерал назорат жараёнида солиқ ҳисоботини тұлдиришда хатоликларга йул құйилғанлиги ёки тақдим етилған солиқ ҳисоботидаги ва давлат солиқ хизмати органлариңдаги маълумотлар үртасида зиддиятлар борлығи аникланса, бу ҳақда солиқ тұловчига тегишли тузатишилар киритиш талаб қилингандың өзі шактада хабар қилинади.

Солиқ тұловчи аниклаштирилған солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун назарда тутилған тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлар бүйича тузатылған солиқ ҳисоботини ёхуд аникланған тафовутларнинг асосини талабнома олинған кундан еътиборан үн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

Солиқ тұловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи хронометраж үтказилған даврда ҳақиқатда келиб түшгандың нақд пул тушумини аниклаш мақсадида үтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиласылған ёки хизматлар күрсатадылған солиқ тұловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинады, хизматлар күрсатылады жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан үтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини үтказиш тұғрисидаги буйруқ солиқ солиши объектларини ва солиқ солиши билан боғлиқ объектларни ҳисобға олиш жараёнида солиқ тұловчи томонидан түшум миқдори камайтирилғанлигини тахмин қилиш имконини берадылар тафовутлар аникланған тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар үринбосари томонидан қабул қилинади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини үтказиш тұғрисидаги буйруқда хронометраж үтказылады солиқ тұловчи, хронометражни үтказиш жойи ва муддати, хронометраж үтказылады давр, хронометраж үтказиш тұғрисида қарор қабул қилинишига сабаб бўлған тафовут, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг хронометраж үтказады солиқ мансабдор шахслари албатта күрсатылади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи келиб тушаётгандың пул тушумини давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан

кузатиш ва қайд этиш орқали ўтказилади. Хронометражни ўтказишга бошқа шахсларни, шу жумладан эксперталарни жалб этишга йул қўйилмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини амалга ошириш жараёнида текширув ўтказишга, солик тўловчидан бирон бир ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилишга, солик тўловчига нисбатан талаблар тақдим этишга ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда аралашишга йул қўйилмайди, бундан фискал хотирили назорат-касса машинасида сақланаётган хронометраж ўтказилаётган вақтга доир маълумотларни олиш мустасно.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижаларидан факат тақдим етилаётган солик ҳисботи тўғрилигини таҳлил этиш учун, шунингдек солик солиш обьектлари ва солик солиш билан боғлиқ обьектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланилади. Хронометраж натижаси солик тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси худудида нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация килиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган *фискал хотирили назорат-касса машиналари* мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилади, бундан нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни, фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар мустасно.

Фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фискал хотирили назорат-касса машиналарини қўллашда куйидагилар мажбурий ҳисобланади:

1) фискал хотирили назорат-касса машинасини фаолият амалга оширилаётган жойдаги давлат солик хизмати органларида фискал хотирили назорат-касса

машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси берилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш;

- 2) фискал хотириали назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатишни юлга қўйиш;
- 3) фискал хотириали назорат-касса машиналарининг чекини истеъмолчига бериш;
- 4) давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг фискал хотириали назорат-касса машинасини текширишига рухсат этиш.

Фискал хотириали назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартибига риоя этилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари фискал хотириали назорат-касса машиналарида сакланайдиган маълумотлардан фойдаланишга ҳақли.

Тамаки ва алкогольни маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ҳамда шартларда аксиз маркаси билан тамғаланиши керак, пиво бундан мустасно.

Аксиз тўланадиган айрим турдаги товарларни *тамғалаши қоидаларига* риоя этилиши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари амалга оширади.

Аксиз солигини тўловчи корхоналарда ва бошқа айрим корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспектори лавозими жорий этилиши мумкин. Молия инспектори лавозими жорий етиладиган корхоналар рўйхати ва унинг фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат солиқ хизмати органлари *давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишидан тушибадиган пул маблағларининг давлат даромадига ўз вактида ва тўлиқ тушиши устидан назоратни амалга оширади.*

Давлат солиқ хизмати органлари бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотлари устидан бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлик ундириб олиниши ҳамда бюджетга ва *давлат мақсадли жамгармаларига ўз вақтида ўтказилиши бўйича назоратни амалга оширади.*

7. 2. Солиқ текширувларининг моҳияти ва турлари

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

Қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

Солиқ текширувлари қўйидаги турларга бўлинадиз:

режали солиқ текшируви;

режадан ташқари солиқ текшируви;

муқобил текширув.

1 ўзбекситон Республикаси Солиқ кодекси, 2008 йил ,14-боб, 86-модда.



37-расм. Солиқ текширувнинг турлари

Муқобил текширув учинчи шахсларга нисбатан, агар солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органида мазкур шахслар билан боғлик бўлган, солиқ тўловчи ўтказган операциялар солиқ бўйича ҳисобга олишда тўғри акс еттирилганлиги ҳақида қўшимча маълумот олиш зарурияти келиб чиқса, ўтказилади.

Қисқа муддатли текширувлар режадан ташқари солиқ текшируви тарзида ўтказилади.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ва солиқ тўловчи солиқ текширувларининг иштирокчилариидир. Солиқ текширувларида солиқ тўловчининг вакили иштирок этиши мумкин.

Солиқ кодексида назарда тутилган ҳолларда солиқ текширувига солиқ текшируви натижасидан манфаатдор бўлмаган экспер特, таржимон ва холислар жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзоси бўлган солик тўловчиларнинг солик текширувида унинг вакиллари иштирок этишга ҳақли.

Режали солик текширувини ўтказии учун қуийдагилар асос бўлади:

- текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан олинган, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган кўчирма. Бунда кўчирма унинг аслига тўғри еканлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим;
- текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режаси асосида давлат солик хизмати органининг текширувни мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр ва текширув ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруги.

Режадан ташқари солик текширувини ўтказии учун қуийдагилар асос бўлади:

- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органинг текшириладиган обьектнинг номи, текширувнинг мақсадлари, текшириладиган давр (тафтиш учун), текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;
- давлат солик хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр кўрсатилган ҳолдаги буйруги.

Муқобил текширув ўтказии учун қуийдагилар асос бўлади:

- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органинг текшириладиган обьектнинг номи, текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари, шунингдек ўзаро муносабатларнинг текширилиши лозим бўлган предмети кўрсатилган ҳолдаги муқобил текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;
- давлат солик хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган

текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган ҳолдаги буйруги.

Муқобил текширув текширилаётган солик тўловчи билан фақат ўзаро муносабатларга тааллуқли қисм юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Муқобил текширувлар ўтказилаётганда солик тўловчиларнинг хузурига кириш ва улардан текширув предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия хужжатларини ёки бошқа хужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солик текширувидан ўтказии учун қуийидагилар асос бўлади:

- тугатилаётган юридик шахснинг аризаци ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг юридик шахснинг тугатилиши тўғрисидаги билдириши;
- давлат солик хизмати органининг текширув мақсадлари, текширув ўтказиладиган муддатлар ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган буйруги.

Солик текширувини ўтказиш муддати ўттиз календар кунидан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг қарори билан узайтирилиши мумкин.

Солик текшируви муддатларини узайтириш давлат солик хизмати органининг кўшимча буйруғи билан расмийлаштирилиб, унда олдинги буйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб қилинган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш қунидан ошмаслиги керак ва муддатини узайтиришга йул қўйилмайди.

Солик тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солик текширувлари (тафтишлари) бир йилда кўпи билан бир марта, белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда риоя етаётган солик тўловчилар молия-

хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари эса, икки йилда қўпи билан бир марта амалга оширилади.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) тўрт йилда қўпи билан эса,

бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) эса, уч йилда қўпи билан бир марта амалга оширилади.

Шу даврга қадар янги ташкил етилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан еътиборан дастлабки икки йилда режали солиқ текшируларидан ўтказилмас еди, бу муддат 2012 йилдан 3 йилга узайтирилди.

Солиқ текшируви ўтказилиши солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўймаслиги керак, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бошка туманларда (шаҳарларда) давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувлари ўтказиш, уларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо нукталари ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) жойи қаерда жойлашганлигидан қат’ий назар, такрорлашга йул қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги тегишли давлат солиқ хизмати органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринbosари томонидан тасдиқланган солиқ текшируви ўтказиш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурини тузиш қоидалари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги қўпи билан беш календар йилдаги фаолиятини қамраб олиши мумкин.



38-расм. Солиқ текшируванини ұтказиши дастурида қўрсатилиши керак бўлган маълумотлар

Солиқ текширувлари ұтказилаётгандан давлат солиқ хизмати органлари Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиқ тұловчининг ҳудуди ва жойларини текширишга, мол-мулкни инвентаризация қилишга, хужжатларни талаб қилиб олишга, хужжатлар ва предметларни олиб қўйишга, солиқ тұловчидан, шунингдек солиқ тұловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарувини амалга ошираётган шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олишга, банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тұхтатиб туриш чораларини кўришга, експертни жалб этиш ва експертиза тайинлашга, солиқ тұғрисидаги қонун хужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишга, Солиқ кодексида ва бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Солиқ текширувлари ұтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисботига солиқ тұловчи томонидан ұзгартышлар ва қўшимчалар киритилишига йул қўйилмайди.

7.3. Солиқ текширувларини ұтказиши тартиби

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируванини ұтказаётган мансабдор шахсларига солиқ тұловчининг ҳудудига ва жойига (туар жой бинолари бундан

мустасно) киришига тұсқынлик қилғанлық, худди шунингдек давлат солиқ хизмати органды мансабдор шахсларининг үз хизмат вазифаларини бажаришига тұсқынлик қилғанлық қонунда назарда тутилған жавобгарлықка сабаб бўлади.

Давлат солиқ хизмати органды мансабдор шахсларининг үз хизмат вазифаларини бажаришига тұсқынлик қилғанлық учун жавобгарлықка тортилғанлик солиқ текширувни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси солиқ текширувни үтказишни бошлашдан олдин, нақд пул тушумларига тааллуқли масалалар юзасидан қисқа муддатли текширув үтказилаётганда эса солиқ текшируви тугаллангунига қадар:

- солиқ тұловчини солиқ текширувининг мақсади билан таништириши
- үз хизмат гувохномасини күрсатиши
- қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда текширишларни қайд этиш дафтарини тұлдириши

солиқ тұловчига хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишининг мувофиқлаштириш режасидан күчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органининг режадан ташқари солиқ текшируви ёки мүқобил текширув үтказиш тұғрисидаги қарори күчирма нусхасини, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг тегишли солиқ текшируви тайинланғанлиги тұғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувни үтказиш дастурининг күчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шарт.

39-расм. Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси солиқ текшируви тугаллангунига қадар бажариши лозим бўлган вазифалар

Солиқ текширувни үтказаётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари, зарурат бўлганда, солиқ тұловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиши объектлари билан боғлиқ ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан

жойларни кўздан кечириши, шунингдек солиқ тўловчининг мол-мулкини инвентаризациядан ўтказиши мумкин. Кўздан кечириш ўтказилаётганда солиқ текшируви қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, ўша шахс ёки унинг вакили қатнашишга ҳақли. Кўздан кечириш ўтказилаётганда зарур ҳолларда фото ва киносуратга олиниши, видеоёзувга туширилиши, хужжатлардан кўчирма нусхалар олиниши мумкин, бу ҳақда баённомада кўрсатилади.

Солиқ текширувларини ўтказиш вақтида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари текширилаётган солиқ тўловчиidan солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиши ҳамда тўлаш билан боғлиқ хужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли.

Солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганигидан далолат берувчи хужжатлар ва ҳукуқбузарлик предметлари солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг асослантирилган қарори асосида олиб қўйилиши мумкин, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган хужжатлар ва предметлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган хужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

Хужжатлар ва предметларни тунги вақтда — соат 23-00 дан 6-00 гача — олиб қўйиш ма`н етилади.

Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суд қарори асосида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёҳуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи

томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад етилган, шунингдек солиқ ҳисботи тақдим етилмаган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Зарур ҳолларда, солиқ текширувларини ўтказиша иштирок этиш учун експерт жалб этилиши ва експертиза тайинланishi мумкин.

Юзага келган масалаларни тушунтириш учун фан, санъат, техника ва бошқа соҳалар бўйича маҳсус билим талаб етилган тақдирда експертиза тайинланади. Шахсни експерт сифатида жалб этиш давлат солиқ хизмати органи ва експерт ўртасида експертиза ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш асосида амалга оширилади. Експерт експертиза предметига тааллуқли солиқ текшируви материаллари билан танишишга, ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши тўғрисида илтимосномалар беришга ҳақли. Експерт, агар унга берилган материаллар етарли бўлмаса, хулоса беришни рад этиши мумкин.

Експерт хулосани ўз номидан ёзма шаклда беради. Експерт хулосасида унинг ўзи ўтказган текширишлар, шу текширишлар натижасида қилинган хулосалар ҳамда ўтага қўйилган масалаларга асослантирилган жавоблар баён етилади.

Қўшимча експертиза хулоса етарлича аниқ ёки тўлик бўлмаган тақдирда тайинланади ва ўша експертнинг ўзига ёки бошқасига топширилади.

Такорий експертиза експертнинг хулосаси асосланмаган ёки унинг тўғрилигига шубҳа бўлган тақдирда тайинланади ва бошқа експертга топширилади.

Зарур ҳолларда солиқ текшируvida иштирок этиш учун таржимон жалб этилиши мумкин. Ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган, таржима қилиш учун зарур даражада тил биладиган ёхуд кар ёки соқов жисмоний шахснинг имо-ишораларини тушунадиган шахс таржимондир.

Солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатлар амалга оширилаётганда холислар жалб етилади. Солиқ текширувининг натижасидан манфаатдор бўлмаган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахслар холислар сифатида жалб этилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг холислар сифатида иштирок этишига йул қўйилмайди. Холислар ўз иштироқида амалга оширилган ҳаракатларниң ҳолати, мазмуни ва натижаларини баённомада тасдиқлашлари шарт. Улар содир етилган ҳаракатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли, бу фикр-мулоҳаза баённомага киритиб қўйилиши керак.

Ҳаракатларниң амалга оширилишида иштирок етган ва (ёки) ҳозир бўлган барча шахслар баённомани ўқиб чиқадилар. Мазкур шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли ва бу фикр-мулоҳазалар баённомага киритилиши ёки солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилиши лозим. Баённома давлат солиқ хизмати органининг баённомани тузган мансабдор шахси, шунингдек ҳаракатларни амалга оширишда иштирок етган ва (ёки) ҳозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Баённомага фотосуратлар ва негативлар, киноленталар, видеоёзувлар ҳамда ҳаракатлар амалга оширилганда бажарилган бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

Агар солиқ текшируви тугалланганида солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги аниқланган бўлмаса, бу хақда солиқ текшируви далолатномасида қайд етилади.

Солиқ текшируви далолатномаси камида уч нусхада тузилади.

Солиқ текшируви далолатномасининг барча нусхалари давлат солиқ хизмати органларининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари томонидан имзоланади. Солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига топширилади. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олганда далолатноманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Солиқ текшируви далолатномасининг давлат солиқ хизмати органида қолган нусхалари солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилади.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан солиқ текшируви натижалари бўйича қуидагилар кўрсатилган ҳолда солиқ текшируви далолатномаси тузилиши керак:



40-расм. Далолатномада акс этиши лозим бўлган маълумотлар³⁸

Солиқ тўловчининг солиқ текшируви далолатномасидаги имзоси унинг солиқ текшируви натижаларидан рози еканлигини англатмайди.

³⁸ ўзбекситон Республикаси Солиқ кодекси, 2008 йил ,14-боб, 101-модда.

Солик тўловчи солик текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солик хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солик текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солик текшируви далолатномасининг бир нусхаси солик тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатилган кундан еътиборан уч кун ўтгач, солик тўловчига топширилган ҳисобланади.

Солик текшируви далолатномаси солик тўловчига топширилган кун солик текшируви тугалланган кун ҳисобланади.


Солик текшируви материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси белгилаган тартибга биноан солик тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солик хизмати органида солик текшируви тугалланган кундан еътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Солик текшируви материаллари давлат солик хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан солик текшируви тугаган кундан еътиборан ўн иш куни ўтгач, бироқ ўн беш иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Солик текшируви материаллари кўриб чиқилаётганда ҳисобланган ёки ортиқча тўланган солик ва бошқа мажбурий тўловлар миқдори, солик тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлиги аломатлари мавжудлиги, қўлланилаётган молиявий санксияларнинг миқдори ва хусусияти, содир етилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатларининг мавжудлиги, шунингдек солик текшируви материалларини кўриб чиқиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар аниқланади.

Солик текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомаси солик текшируви материалларини кўриб чиқсан мансабдор шахс, шунингдек уларни кўриб чиқиша иштирок етган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилаётганда баённома юритилиб, унда қўйидагилар кўрсатилади:



41-расм. Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилаётганда баённома акс этилиш лозим бўлган маълумотлар³⁹

Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномаси бўйича ўзининг ёзма тушунтиришларини ёки эътиrozларини солиқ текшируви тугаган кундан еътиборан 10 иш куни ичida тақдим этишга ҳақли. Мазкур ҳолда солиқ текшируви материаллари солиқ тўловчининг мансабдор шахслари иштирокида кўриб чиқилади. Давлат солиқ хизмати органи текширув материалларини кўриб чиқиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида солиқ тўловчини кўриб чиқишдан камида икки иш куни олдин хабардор қиласди.

³⁹ ўзбекситон Республикаси Солиқ кодекси, 2008 йил ,14-боб, 102-модда.

Агар солиқ тұловчи солиқ текшируви материалларини күриб чиқишига узрли сабабларга күра кела олмаслиги тұғрисида давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган бўлса, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринbosари солиқ текшируви материалларини күриб чиқиши уч иш қунидан кўп бўлмаган муддатга кечиктириш тұғрисида қарор қабул қиласди, бу ҳақда солиқ тұловчи хабардор қилинади. Агар солиқ тұловчи такрорий хабарномага қарамасдан солиқ текшируви материалларини күриб чиқишига келмаса, мазкур материаллар, шу жумладан солиқ тұловчи томонидан тақдим етилган тушунтиришлар ва эътиrozлар унинг иштирокисиз күриб чиқиласди.

Солиқ текшируви материаллари солиқ тұловчининг иштирокида күриб чиқилганда баённома солиқ текшируви материалларин күриб чиқсан и

мансадбор шахс, солиқ тұловчи, шунингдек уларни күриб чиқиша иштирок етган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Солиқ тұловчи баённомани имзолашдан бош тортганда ёхуд солиқ текшируви материаллари унинг иштирокисиз күриб чиқилганда бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади.

Давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринbosари солиқ текшируви материаллари күриб чиқилганидан кейин беш иш қунидан кечиктирмасдан қуйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қиласди:

солиқлар, бошқа мажбурий тұловларни ва пеняни ҳисоблашни ёки буни рад

Этишин

солиқ тұловчини солиққа оид хукуқбузарлық содир етганлиги учун жавобгарликка тортишни ёки бундан воз кечишни

42-расм. Давлат солиқ хизмати органининг раҳбари томонидан қарор қабул қилиш тартиби

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорида қуидагилар кўрсатилади:

- ҳисобланган соликлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня, шунингдек кўлланилган жарима суммаси;
- ўтказилган текширувда аниқланган солиқ тўловчи томонидан соликқа оид хуқуқбузарлик содир етилганлиги ҳолатлари, мазкур ҳолатларни тасдиқловчи хужжатлар ва бошқа маълумотлар;
- солик тўловчини соликқа оид муайян хуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, ушбу Кодекснинг муайян хуқуқбузарликни ва кўлланиладиган жавобгарлик чораларини назарда тутувчи моддалари кўрсатилган қарор;
- соликқа оид хуқуқбузарликни бартараф этиш ҳамда ҳисобланган соликлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни тўлаш муддати;
- солик тўловчи белгиланган муддатларда соликқа оид хуқуқбузарликни бартараф етган ҳамда ҳисобланган соликлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни тўлаган тақдирда, унинг жарима тўлашдан озод этилиш хуқуки.

Солик текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солик хизмати органининг қарори қабул қилинган кундан еътиборан икки иш кунидан ошмайдиган муддатда қарорнинг нусхаси тилхат олиш орқали ёки солик тўловчи томонидан олинган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали солик тўловчига топширилади. Агар солик тўловчига қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан еътиборан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

Солик тўловчи давлат солик хизмати органи қарорининг нусхаси олинган кундан еътиборан ўттиз кун ичida қарорда кўрсатилган соликқа оид хуқуқбузарликларни бартараф этиши ҳамда ҳисобланган соликлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммасини тўлаши шарт.

Агар давлат солик хизмати органининг қарори бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг

түшмаслигига олиб келмаган солиққа оид хуқуқбузарларни содир етганлик учун солиқ тұловчига нисбатан жарима құлланилишини назарда туза, солиқ тұловчи қарор нусхасини олган кундан еътиборан беш иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига мазкур хуқуқбузарлардаги айбини тан олганлиги ва ихтиёрий равища жарима тұлаши тұғрисида ёки уни рад этиши тұғрисида ёзма билдириш тақдим этиши (юбориши) шарт.

Солиқ тұловчи солиққа оид хуқуқбузарларни содир етганликдаги айбини тан олган тақдирда, давлат солиқ хизмати органига жаримани (аниқ муддатни күрсатған ҳолда) ихтиёрий равища тұлаш учун зарур бұлған муддат бериш тұғрисида мурожаат қиласы. Жарима құллаш тұғрисида қарор қабул қылған давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар үринбосари аризани олган кундан еътиборан икки иш кунидан кечиктирмасдан солиқ тұловчи томонидан сұралған муддатни бериш тұғрисида қарор қабул қиласы. Муддат жаримани ихтиёрий равища тұлаш учун муддат бериш тұғрисидаги қарор қабул қилингандың кундан еътиборан үттіз кундан ошмаслиги шарт. Мазкур қарорнинг нусхаси солиқ тұловчига тилхат олиш орқали ёки солиқ тұловчи қарор нусхасини олган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали топширилады. Агар солиқ тұловчига қарорнинг нусхасини бундай усуллар орқали топшириш имкони бұлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жұнатылады ва жұнатылғанидан уч кун үтгач, топширилған ҳисобланады.

Ушбу модданинг тұрткынчи қисмінде мұвоғиқ солиқ тұловчи содир етилған солиққа оид хуқуқбузарлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равища тұлаш тұғрисидаги ёки уни рад етганлиги тұғрисидаги ёзма билдиришни тақдим етмаган тақдирда, шунингдек ушбу модданинг бешинчи қисмінде мұвоғиқ берилған муддат ичіда жарима тұланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органды солиқ тұловчига нисбатан жарима құллаш тұғрисидаги даъво аризаци билин судга мурожаат қиласы.

Давлат солиқ хизмати органларының мансабдор шахслари томонидан ушбу боб қоидаларига риоя етилмаганлиги давлат солиқ хизмати органининг қарори давлат

солиқ хизматининг юқори турувчи органи ёки суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлиши мумкин.

Солиқ текшируви жараёнида аниқланган маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ текширувини ўтказишида давлат солиқ хизмати органлари ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари орқали етказилган заарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни давлат солиқ хизмати органлари томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши керак. Суд қарорига биноан заарларнинг ўрнини қоплаш давлат солиқ хизмати органлари қайси мансабдор шахсларининг айби билан зарар етказилган бўлса, ўша мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлар содир етганлиги натижасида солиқ тўловчига етказилган зарар учун қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

7.4. Давлат органларининг солиқ назоратини олиб боришдаги вазифа ва функциялари

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорига мувофиқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”⁴⁰ да белгиланишича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси⁰ солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иктисодий манфаатлари ва мулкий ҳукуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат солиқ хизматининг марказий органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитасининг солиқ назоратини олиб боришдаги вазифалари куйидагилардан иборат:

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги . 32-сон Қарори билан ўзgartиришлар киритилган

- Назорат қилувчи органлар томонидан олиб борилаётган хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини барча текширишлар ва тафтишларни мувофиқлаштириш
- солик хақидаги қонун хужжатларига риоя этилиши, соликлар, йифимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;
- соликлар бўйича хукуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга бархам бериш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" 2000 йил 13 марта даги 87-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ташкил етилган. Бош бошқарма Ўзбекистон Раслубликаси Давлат солик қўмитаси раисининг биринчи ўринbosарига бўйсунади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тўғрисида Низомига⁴¹ мувофиқ ушбу бошқарма солик назоратини амалга оширишдаги вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сонли "Молия-иктисодий, солик соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятидан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилди. Ушбу орган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ихтисослаштирилган хукуқни муҳофаза

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон Қарори билан ўзгартиришлар киритилган.

қилиш органи ҳисобланиб, солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, террористик фаолиятни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

Солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича жиноий иш қўзғашдан бошлаб уни судда кўриб чиқишгача бўлган просессуал ҳаракатларнинг узвийлиги ва изчиллиги Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноий ишларни кўриб чиқувчи, судда улар бўйича давлат айбномасини қувватловчи барча даражадаги прокуратура органлари билан ўзаро узвий ҳамкорлиги ва ҳаракатларининг мувофиқлаштирилиши натижасида таъминланади.

Департаментнинг солиқ назоратига оид асосий вазифалари:

солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

давлат солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиқка тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчиларни қамраб олиниши ва ҳисобини тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочиш мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, «хуфёна» иқтисодиётнинг шаклланиши юлларини, коррупсия ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

солиқ ва валюта-молия соҳасида аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операсиялар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш.

43-расм. Департаментнинг солиқ назоратига оид асосий вазифалари

Департамент ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуийдаги функцияларни бажаради:

1. Солиқ соҳасидаги жиноятлар ва хуқук бузилишларига қарши қурашиш соҳасида:

- ишлаб чиқариш, фойда (даромад) ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пасайтириш механизмларини ўрганиш ва аниқлаш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобга олинмаган
- (тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган) маҳсулотлар (товарлар) сотилиши, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ инспекцияларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши механизмларини ўрганиш ва аниқлаш;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга солиқлар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини текшириш.

2. Суриштирув олиб бориш соҳасида:

• жиноий ишлар қўзғатиш, молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасида жиноятлар ва хуқук бузилишларини содир этиш ҳоллари, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича терговолди текширув ва суриштирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш.

3. Фаолиятни ташкилий-назорат жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

• солиқ ва иқтисодиёт соҳасидаги, шу жумладан, хорижий валютадаги операцияларни амалга оширишдаги хуқук бузилишларининг, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва пайнини қирқишига юналтирилган режали, режадан ташқари ва бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишига доир ташкилий чора-тадбирларни бажариш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сон қарорига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Бозорлар ва савдо
комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси тўғрисида” Низоми
қабул қилинган бўлиб, унда Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо

комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг вазифалари ва хукуqlари белгиланган.

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг вазифалари қуйидагилардан иборат

- бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, шунингдек уларнинг ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш
- бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида молиявий-иктисодий соҳадаги ҳамда солик соҳасидаги жиноятлар ва бошка ҳукуқ бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш
- бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида сифаиз, қалбакилаштирилган (ясама) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашиш
- бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, шунингдек уларнинг ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятидан олинган пул оқимлари ва маблағлар тушумлари ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш
- бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари ҳудудларида молиявий-иктисодий ва солик соҳаларида ҳукуқни бузиш содир этилиши ҳолатлари бўйича терговдан олдинги текширишларни ташкил этиш ва ўtkазиш, жиноий ишлар қўзғаш, улар бўйича суриштирув ишларини амалга ошириш, жиноий ишларни тергов бўйича тегишлилигига кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуқни муҳофaza қилиш органларига бериш
- соликка оид ҳукуқ бузилишлари натижасида давлатга, юридик ва жисмоний шахсларга йетказилган зарарнинг белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш

44-расм. Давлат солик қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг вазифалари

Бош бошқарма ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳукуқларга эга:

- банклар ва бошқа кредит-молия ташкилотларидан бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, шунингдек уларнинг ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи бошқа тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисоб-рақамларидан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда олиш;
- текширилаётган, солик ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йул қўйган ҳўжалик юритувчи субъектлардан солик ҳақидаги қонун ҳужжатларининг содир етилган бузилишлари тўғрисида далолат берадиган ҳужжатларни, шунингдек ҳукуқ бузилишлари предметларини белгиланган тартибда олиб қўйиш;
- бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, шунингдек уларнинг ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг кассалари ва касса хоналари, омборлари, архивларини зарур ҳолларда муҳрлаб қўйиш;
- текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни хатловдан ўтказиши талаб қилиш;
- таҳлиллар, текширишлар ва экспертизалар ўтказиш учун товарлар, буюмлар, хом ашёлар, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар намуналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб қўйиш;
- бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари ҳудудларида аниқланган молиявий-иктисодий ва солик соҳаларида ҳукуқ бузилишлари содир этилиши ҳолатлари бўйича терговгача бўлган текширувларни ўтказиш, улар бўйича жиноий ишлар қўзғаш ва суриштирув ўтказиш;
- текширувларда қатнашишга ички ишлар органлари, санитария-епидемиология хизмати органлари ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар ходимларини белгиланган тартибда жалб этиш;

- Бош бошқармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун давлат солиқ хизмати органлари ходимларини белгиланган тартибда жалб этиш;
- бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча саклаш жойларидан, шунингдек уларнинг ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини бартараф этишни талаб қилиш;
- Бош бошқарма ваколатига кирадиган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисига ва ҳайъатига қўриб чиқиш учун киритиши;
- Бош бошқарма ваколатига кирадиган материалларни умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбариятига унинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича таклифлар киритиши.

Бош бошқарма ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган йиллик ва жорий иш режалари асосида олиб боради. Бош бошқарма ва унинг худудий бўлимларининг текширувларни ташкил этиш, ходимларнинг функционал вазифаларини тақсимлаш, ишларни юритиши тартиби, текширувларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ички масалалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган Бош бошқарма регламентида белгиланади.

Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча саклаш жойлари, шунингдек уларнинг ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қисқа муддатли текширишлар Бош бошқарма ва унинг худудий бўлимлари бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилади, кейинчалик бу ҳақда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ёки унинг худудий комиссиялари қисқа муддатли текшириш ўтказилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида хабардор қилинади.



45-расм. Бош бошқарма ва унинг худудий бўлимлари ходимларининг жавобгарлиги

Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча саклаш жойлари, шунингдек уларнинг худудида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солик бўйича текширувларнинг бошқа турлари белгиланган тартибда Бош бошқарма ва унинг худудий органлари томонидан амалга оширилади.

Бош бошқарма чораклик, ярим йиллик, 9 ойлик ва йиллик иш якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий ҳисбот тузади ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раҳбариятига тақдим етади.

Назорат учун саволлар:

1. Солиқ назорати деганда қандай назоратни тушунасиз?
2. Солиқ назорати қандай мөъёрий-хукукий хужжатларга асосан амалга оширилади?
3. Солиқ назорати қандай шаклларда амалга оширилади?
4. Солиқ текшируви қандай текширув ва у қандай шаклларда амалга оширилади?
5. Солиқ текширувининг қандай турлари мавжуд?
6. Солиқ текширувини ўтказиш дастурида қандай маълумотлар кўрсатилиши керак?
7. Солиқ текширувлари қандай тартибда ўтказилади?
8. Солиқ текшируви бўйича далолатнома қандай тартибда расмийлаштирилади?
9. Давлат органлари солиқ назоратини олиб боришда қандай вазифа ва функцияларини амалга оширадилар?
10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаментининг солиқ назоратини амалга оширишдаги вазифа ва функциялари нималардан иборат?

ВИП боб. БАНК НАЗОРАТИ

8.1. Банк назоратининг моҳияти ва зарурлиги

Банк назорати - бу ҳукуматнинг молиявий тизимни барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари йифиндисидан иборат тизимли бошқарув воситаси ҳисобланади.

Мазкур тизим олдида иккита асосий вазифа мавжуд бо`либ, биринчиси, назорат жараёнларини амалга ошираётган пайтда банклар манфаатини, иккинчиси, мазкур банкларга ўз омонатларини жойлаштирган мижозлар манфаатдорлигини кўзлаб иш юритишдан иборат.

Бундан ташқари назорат қилинаётган банклар жорий фаолияти билан боғлиқ рисклар даражасини аниқ баҳолаб бериш талаб қилинади. Зеро, банк мижозлари банкларнинг оммавий чоп етиладиган йиллик молиявий ҳисботлари ахборотлари асосида молиявий коеффициентлардан фойдаланган ҳолда банк фаолиятига мустақил баҳо беришлари мумкин. Бунда банк тизимидағи бирон-бир банк фаолиятига салбий баҳо берилиши банк тизими мижозларида бошқа банкларга бўлган ишончга ҳам путур етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам банк тизимини тўла-тўқис соғлом ишлашини таъминлаш мақсадида тегишли назоратлар ўтказиб туриш жуда муҳим ҳисобланади.

Банк назоратининг яна бир вазифаларидан бири банк секторида ички рақобатни ривожлантириш ва шу асосда мижозларга уларнинг банк хизматларига бўлган еҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб равишда хизмат кўрсатишни таъминлаш ҳисобланади.

Банк назорати 100 йилдан ортиқ муддат давомида АҚШда ва Ғарбий Европа давлатларида шаклланиб ва ривожланиб келган. Сўнгги 15-20 йил атрофига ривожланаётган мамлакатлар ҳам банк назоратини банк-молия тизимини барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири еканлигини англаш йетдилар ва ўз миллий банк тизимларига жорий қила бошладилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ривожланган давлатларда, хусусан Европа Иттифоқи давлатларида, АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда банк назоратининг зарурлиги 1975 йилга келиб ўз аксини топди, яъни ривожланган давлатлар банк назоратини фақат молиявий секторда емас, балки, умуман иқтисодиётда асосий рол ўйнашини тан олдилар. Натижада банк назорати бўйича халқаро ташкилот “Базел қўмитаси” ташкил етилди. Банкларнинг тизимли рискни келтириб чиқариши, бир-бири билан иқтисодий алоқада бўлган давлатларни ҳам иқтисодий инқироз ёқасига олиб келиши мумкин(“капалак ефекти” назарияси, Бразилияда қанот қоққана капалклар Техасда тарнадони вужудга келтириш мумкин).

Базел қўмитаси бутун дунё мамлакатлари учун банк назорати тамойилларини ишлаб чиқади ва минтақавий банк назоратида банклар фаолияти, уларнинг назорат қилиш тамойиллари ишлаб чиқилиб, давлатлар уни ўзларининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда банк назорати бўйича стандартларига мувофиқлаштиради.

Қўмита томонидан белгиланган халқаро банк назоратининг тамойиллари:

- Чет мамлактлар банклари томонидан бошқа давлатларда ташкил қилинган банк муассаслари фаолиятини назорат қилиш иккала давлат назорат органларига юклатилди.
- Ликвидлик бўйича назорат хорижий банк муассасаси очилган давлат назорат органларининг вазифаси ҳисобланганлиги сабабли, ликвидликни бошқаришда хорижий банклар маҳаллий меъёрларга риоя қилишлари лозим.
- Хорижий банкларнинг тўловга лаёқатлилигини назорат қилиш ушбу банк жойлашган давлатнинг назорат органларига юклатилади.

Амалий хамкорлик хорижий банк жойлашган ва унинг муассасаси очилган давлатларнинг назорат органлари ўртасида маълумот алмашиш ҳисобидан таъминланади.

Банк назоратини амалга ошириш учун банк тизимидағи мавжуд муаммоларни йечими сифатида қуидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадға мувоғиқ ҳисобланади:

-мамлакат банк тизимини барқарорлигини таъминлаш учун турли хил иқтисодий сиёсатлар ишлаб чиқиши талаб етади (масалан, ҳисоб сиёсати, кредит сиёсати, инвестиция сиёсати ва х.к.);

-банк тизимини нобарқарорлиги банкларни банкрот бўлишига ва шу тарзда банк мижозларида банкларга бўлган ишончни сусайишига олиб келиш муаммосини бартараф этиш учун даврий текширув назоратларини ўтказиб туриш талаб қилинади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширилмаслиги қуидаги макроиктисодий муаммоларни келтириб чиқаради:

-пул массасини қисқариши;

-пул тизимини бузилиши ва натижада ҳукуматнинг йирик ҳажмдаги кўзда тутилмаган мажбуриятларини ўз вақтида бажарилмай қолиши.


Амалиётда жаҳонда 2 поғонали банк тизими мавжуд бо'либ, Марказий банк биринчи поғонаси ҳисоблсниб у мамлакатнинг пул муомаласини ва барча кредит муассасаларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Жаҳон тажрибаси шуни ко`рсатадики, емиссия банки ва тиҷорат банклари тармоғини ўз ичига олган икки поғонали банк тизими самарли фаолият кўрсатишини юлга қўймасдан туриб, давлат иқтисодиётини юқори даражага ко`тариш мумкин емас. Банк фаолияти барча мамлекатларда қат`ий равишда тартибга солинади ва назорат қилинади, ва албатта назоратнинг мақсади аҳолини, қолаверса, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Бозор иқтисодиёти қарор топган ривожланган давлатларда давлатнинг банк назорати соҳасидаги асосий мақсадлари қуидагилардан иборат:

- пул таклифи устидан назорат ўрнатиш;
- иқтисодиётдаги молиявий нобарқарорликка барҳам бериш;
- банкларнинг фойда асосида фаолият юритишини таъминлаш;

- банк тизимиға нисбатан ишончсизлик түйғуларини юзага келишига йул қўймаслик.

Кўйида банк назоратини амалга ошириш сабаблари келтирилган.



46-расм. Банк назоратини амалга ошириш сабаблари

Банклар томонидан ўз капиталининг йетарлилигини таъминланиши Маркзай банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя этилиши, рискларнинг

оқилюна диверсификацияланишини таъминланиши, банк-кредит портфелининг ҳолатини аксиядорлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда назорат қилишдир.

Банк назоратининг асосини банкларнинг ўзлари томонидан тайёрланган молиявий ҳисобот шакли ёки аудиторлик фирмалари тасдиқлаган иш фаолиятининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги ахборотлар ташкил етади. Кўпгина халқаро меъёрий хужжатларда банк активлари ва пассивларини тўғри баҳолаш, улар фаолиятининг молиявий натижалари ҳаққоний баҳоланиши зарурлиги таъкидланади.

Хозирги кунда банк назорати тизимини қуийдаги турларга бўлиш мумкин⁴²:



47-расм. Банк назорати тизими

Барча давлатлардаги банк назорати тизимлари олдида 2 та муҳим вазифа туради:

- Банк тизимини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсишга ҳамкорлик қилиш;
- Барча омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

Банк назорати олдида турган асосий вазифа бутун банк тизими баркарорлигини таъминлаш бўлсада, лекин алоҳида олинган банк дуч келиши мумкин бўлган

⁴² Норқобилов С., Дадабоева Х., Жўраев ў. Халқаро амалиётда банк назорати, Т.” Иқтисод-молия” 2007 йил.

жиддий муаммоларни ва инқирозларни олдини олиш мақсадга еришишдаги энг яхши юлдир. Омонотчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилишдан мақсад, улар ўз маблагларидан фойдаланаётган банклар томонидан қандай хавф-хатарли операциялар бажарилаётганлиги тўғрисида маълумотга эга емаслар.

Бу борада мамлакамиизда амалга оширилган ишлрадан бири 1997 йил мартдан бошлаб жаҳон андозаларига мос келадиган ва банклар фаолиятини ойдинлаштириш имконини берадиган тижорат банклари ҳисобвараклари янги режаси амалга оширилиши жорий қилингандиги бўлди. Янги ҳисобвараклар режасини жорий қилиниши банклар фаолияти “ошкоралигини”(шаффофлик, очик-ойдинлик) сармоядорла, банк мижозлари ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар учун очиқлигини таъминлаш имконини берди.

Республикамиизда тижорат банклари фаолиятини назорат қилишининг асосий мақсади тижорат банкларига бирон бир иқтисодий чора кўриш емас, балки банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиб , банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

1995 йил 9 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 427 қарорида аҳоли омонотларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган ва 1998 йилда “Омонот-ҳимоя” суғурта фонди ташкил этилган еди. Аммо, фондга аъзо бўлиш ихтиёрий бўлганлиги унга айрим банклар аъзо бўлмаслигига олиб келди. Бу эса ўзининг самарали натижасини бермади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартағи Банк тизимиини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2002 йил апрел ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан республикамиизда аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими ташкил этилди. Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги

326 сонли қарори билан Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил етилди.

Ушбу Фонда барча тижорат банклари ва хорижий банкларнинг шўба банклари томонидан жалб етилган омонатлар сугурталанади. Бунда банклар Фонд билан ёзма битим тузишлари керак бўлади ва мажбурий бадал тўловларнини амалга ошириб борадилар.

Мажбурий бадаллар 2 хил бўлади:

- бир юла тўланадиган бадални банклар Фондга аъзо бўлиб киргандага тўлайди ва у банк устав капиталининг 0,1 % миқдорида бўлади.
- календар тартибда тўланадиган бадални банклар йилнинг ҳар чорагида тўлаб боришади. Бу бадал банкдаги омонатларнинг йил чорагидаги ўртача миқдорининг 0,5% миқдорида бўлади. Бу иккала бадалларнинг умуий суммаи омонатлар қолдигининг 5%га етганда календар тартибда тўланадиган бадалларни тўлаш тўхтатилади.

Фонд фаолиятининг мақсади банк операцияларини амалга ошириш ҳуқукини берувчи лицензияси Марказий банк томонидан чақириб олинганда, тижорат банклари ўз мажбуриятларини бажара олмай қолганда омонатчининг омонати:

- минимал иш ҳақининг 100 баробаригача бўлса 100% ини;
- минимал иш ҳақининг 100 баробаридан 250 баробаригача бўлса 90% ини тўлаб беришдан иборат.

Умуман олганда барча давлатларда омонатларнинг сугурталаш тизимида омонатларни тўлаш бўйича лимитлар мавжуд.

Масалан, АҚШда омонатларнинг 100 минг АҚШ доллари, Канадада 60 минг Канада доллари, Японияда 10 млн иенаси, Европа Иттифоқида 20 минг еврога тенг бўлган қисмини сугурталаш тавсия етилса, Буюк Британияда эса 70%ини тўлаш назарда тутилган.

Фонд ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан маълум даражада хисботлар талаб қиласи ва бугунги кунда ушбу

хисоботларни тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти орқали олмоқда.

8.2. Банк назоратини амалга ошириш усуллари

Банк назоратининг усуллари⁴³:

1. Марказий банк томонидан тижорат банклар фаолиятини масофадан туриб назорат қилиш (молиявий хисоботларни таҳлил қилиш орқали).
2. Банкларни жойларга чиқиб инспексия қилиш (барча молиявий хисоботлар ва уларга тегишли қўшимча маълумотлар тижорат банкларининг ўзида текшириш ўтказиш жараёни орқали аиалага оширилади).
3. Масофадан туриб ва жойларда текшириш усулларидан бир вақтда фойдаланилади.

Масофадан туриб банкларни назорат қилиш усули Европа мамлакатларида кенг қўлланилган. Бунда Марказий банкнинг назорат департаментлари ташки аудит фирмалари билан яқин муносабатда бўлади. Ҳар йили тугашидан олдин сетификатланган ташки аудит фирмаларига аудит текширишларида фаолиятнинг қайси томонларига еътибор бериш кераклиги кўрсатилади. Айрим ҳолларда ташки аудит фирмаларининг ишчи материалларига, гарчи уларнинг хусусий мулки бўлсада, ушбу материаллардан фойдаланиш талаб қилинади.

Тижорат банкларини жойларга бориб текшириш АҚШда кенг қўлланилади. АҚШ банкларнинг сони 11 мингтадан ортиқ бо`либ, банк назорати департаментида кўп сонли инспекторлар ишлашади. Улар жойга чиқиб, тижорат банклари хужжатларини бевосита текшириб, банк бошқарувига баҳо берадилар. Кейинги йилларда АҚШ ва Европа банк назорати амалиётida учунчи, я`ни аралаш усулдан фойдаланилмоқда.

Масофадан туриб назорат қилиш банк фаолиятига оид молиявий ва бошқа хисоботларни таҳлил қилиш ҳамда текширувдан ўтказишни қўзда тутади. Ҳисботлар баланс, фойда ва заарлар ҳақидаги хисбот, фаолият тури, кредитлар, қўйилмалар,

⁴³ Норқобилов С., Дадабоева Х., Жўраев ў. Халқаро амалиётда банк назорати, Т.” Иқтисод-молия” 2007 йил.

мажбуриятлар, капитал, ликвидлик, ссудалар бўйича юқотишларга қарши захиралар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Демак, масофадан назорат қилиш ёки узоклаштирилган мониторинг банк ҳолатини сўнгги маълумотлар асосида баҳолаш имконини беради. Яъни масофадан назорат этиш банк фаолияти самрадорлигига халал бериши мумкин бўлган омилларни аниқлаб, келгусида улар билан боғлиқ харажатларнинг олдини олади.

Бундан ташқари, йил якуни бўйича тижорат банклари чет ел ташқи аудиторлар хизматидан фойдаланадики, унинг асосида банкнинг молиявий ҳолати тўғрисида ҳамда еҳтимолий тўловга лаёқацизлиги ёки ноликвидлилиги ҳақида масофадан назорат қилиш тизимига ахборот берилади.

Масофадан назорат қилишда қўйидагилар текширилади:


Банк активлари ва пассивлари ҳолатини, банк капитали ликвидлилиги, фойда ва зарарлар ҳисботи, банк тушумлари тўлиқ таҳлил қилиб чиқилади;

Таҳлил жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар тўғрисида банклар фаолиятини таҳлил қилиш Бошқармаси ходимлари томонидан раҳбариятга маълумотнома жўнатилади;

Такрорланган камчилик юзасидан банкка нисбатан жарима чорлаари кўрилади.

Масофадан назорат қилиш қўйидаги вазифаларни бажаради:

- банклар фаолияти устидан мониторинг ўрнатиш;
- мониторинг натижасида банк фаолиятидаги кескин ўзгаришларни аниқлаш;
- банк фаолиятидаги кескин ўзгаришлар шубҳа уйғотган тақдирда инспекция ва тематик текширишлар тайинлаш;
- «тартибузар» банкларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тўғрисида»ги қонунида белигиланган чораларни қўллаш.



48-расм. Масофадан назорат қилишнинг қулайлиги ва самаралилиги

Жойга чиқиб текширишларни ташкил қилишдан қўйидаги мақсадлар кўзланади:

- масофадан назорат қилиш жараёнида аниқланган ҳолатларни бевосита жойида ўрганиш;
- масофадан назорат учун тақдим етилган ҳисоботларни бирламчи хужжатлар билан таққослаш орқали уларни ҳаққонийлигини аниқлаш;
- банк активлари сифатини таснифлаш ва шу йул билан таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш;

- таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб қапиталнинг етарлилигини аниқлаш ва баҳолаш;

- банкнинг жорий ликвидлилик даражсини аниқлаш ва баҳолаш;
- банкнинг корпоратив бошқариш қобилиииятини аниқлаш ва баҳолаш.

Жойга чиқиб текшириш ўтказишга тайёргарлик камида бир ой олдин бошланиши лозим ва унда қуидаги юллар билан маълумот тўпланади

Банк фаолият қўрсатаётган ҳудуддаги хўжалик юритувчи субъектлар билан сұхбатда бўлиб, банк фаолияти тўғрисида маълумот тўплаш

Масофадан назоратни амалга оширувчи департамент (бўлинмалар)дан олдинги жойга чиқиб текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этилганилиги тўғрисида маълумот олиш ва келгуси жараёнда еътибор берилиши зарур бўлган масалалар тўғрисида буюртма олиш олиш

Кредит ахбороти миллий институтидан банк кредити портфели ва қарз оловчилар тарихи тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш

Марказий банкнинг бошқа департаменталаридан банк фаолиятига боғлиқ бошқа маълумотларни тўплаш

Дастлабки маълумотларга асосан жойга чиқиб текшириш ўтказиш дастурини, тегишли жадваллар шаклларини ва фармойиш лойиҳасини тайёрлаш

49-расм. Жойга чиқиб назорат ўтказиш жараёнига тайёргарлик босқичлари

Жойга чиқиб (инспекция қилиш) текшириш жараёнида қуйидагиларга алоҳида еътибор берилади:

- Устав капиталидаги аксиядорлар улушининг динамикада ўзгариш сабаблари;
- Аксиядорлар улудиги ўзгаришларга МБ тасдиғи талаб қилинган бўлса, унинг мавжуд ёки мавжуд емаслиги;
- Банк капиталини Марказий банк томонидан белгиланган минимал талабларга жавоб бериши;
- Банк тушумининг капитал ўсишига таъсири;
- Капитални ўстириш режасининг таҳлили;
- Юқоридагилар қаторида активларнинг сифати, тушумларнинг ўзгариши ва фойданинг сифатига алоҳида еътибор берилиши керак.

Жойга чиқиб текширишда натижаларни солиштириш ва маълумотлардан халқаро амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида қуйидаги ко`рсатгичлардан фойдаланилади:

Рейтинг тизими бўйича *КАПИТАЛ* назорат жараёнининг биринчи компоненти бўлиб, бунда банк капиталининг етарлилик даражаси, капиталнинг кўпайтириш борасида олиб борилаётган фаолият ва дивидентларни тўлаш сиёсати таҳлил қилинади.

Тижорат банклари *АКТИВЛАРИ*нинг *СИФАТИ*ни тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири - активларнинг даромадлилиги кўрсаткичи ҳисобланади. Активлар даромадлилигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири активлар таркибида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг ўзгариши ҳисобланади.

Инспектор *БОШҚАРИШ ҚОБИЛИЯТИ* пунктида банк раҳбариятининг таркиби, банк кенгаши ва бошқарувининг банк тўловига қобиллиги ва ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш борасидаги иш тажрибасини баҳолайди.

Банк фаолиятининг асосий мақсади *ДАРОМАД* олишдир. Инспекторлар даромад ва харажатларни текшириш жараёнига оқилона ёндошиши лозим. Бунда

молиявий ҳисоботларни шу жумладан, баланс ҳисботи, фойда ва заарлар ҳисботи, пул маблағлари оқими ҳисботларини текширилиши талаб қилинади.

Банк томонидан *ЛИКВИДЛИКНИ БОШҚАРИШ* орқали уни етарли даражада сақлаб туриш фойда олишга қаратилган ҳаракат билан мувозанатлашган ҳолда амалга оширилиши даркор, яъни кўпроқ фойда олиш мақсадида активларнинг самарасиз жойлаштирилиши ликвидлик ҳолатини ёмонлашувига олиб келади.

Жойларда назорат ўтказишнинг афзалликлари

· Жойларда назорат ўтказишнинг афзалликлари шундан иборатки, инспексия ходими нафақат камчиликни топади, балки уни бартараф этиш юлларини кўрсатиб беради ва айрим холларда бу жараёнда ўзи ҳам иштирок етади. Назорат обьекти фаолияти қониқарсиз деб топилганда МБ ўз оталиғига олган ҳолда кузатувчisin банк фаолиятини жойида доимий назорат қилиб борилишини маъқул топади.

Шуни хулоса қилиш мумкинки,

- Инспексион-жойида назорат қилиш банк фаолиятини ойдинлаштиради;
- Банк ҳисботлари тўғрилиги тасдиқлайди;
- Объектни халқаро аудитнинг киритилишига тайёрлайди.

8.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк назоратини амалга оширишдаги роли ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонунига мувофиқ у банк тизими барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишини амалга оширади. 1995 йил 25 апрелда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 44-моддасида “Марказий банк қонун хужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб боради” деб белгилаб қўйилган.

Марказий банк назорат функцияларини бажариш бўйича ўз ваколатларини амалга ошириш юзасидан банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк статистик ҳисботини юритиш, йиллик ҳисботларни тузиш учун банклар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги Қонунининг ВИП боби “Банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини, шунингдек қимматбаҳо қофозлар балкналарини ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш” деб номланиб, 50- моддасида Марказий банкнинг тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифалари келтирилган.

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қиласди.



50-расм. Марказий банкнинг назорат қилиш объектлари

Марказий банк банкларни рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензиялар беради, банклар фаолиятини ва қимматбаҳо қофозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялайди.


⁴⁴ ўзР 03.12.2004 й. 714-ИИ-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган.

Банкларни рўйхатга олиш, шунингдек банкларга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш ҳақ евазига амалга оширилади.

Марказий банкнинг назорат вазифаларини бажаришга доир ваколатлари қуидагилардан иборат⁴⁵:

- банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарнинг ҳисботи ва бошқа хужжатларини олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан операциялари тўғрисида ахборот сўраш ҳамда олиш;
- олинган ахборот юзасидан изоҳ талаб қилиш;
- банклар ва кредит уюшмаларининг, уларнинг филиаллари ва улар билан узвий боғланган шахсларнинг, шунингдек гаровхоналарнинг фаолиятини текшириш, қоидабузарларга нисбатан санксиялар қўллаш;
- банкларнинг ички аудитига доир талабларни белгилаш;
- банк активлари сифатини тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишга доир талабларни белгилаш;
- ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва таомилини аниқлаш;
- банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарга уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган қўрсатмалар юбориш;
- банк аксиядорлари устав капиталининг қонун хужжатларида белгиланган миқдордан ортиқроқ қисмини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ҳамда обрў-еътибори ҳақида ахборот сўраш ва олиш;
- банкларнинг ва улар филиалларининг раҳбарлари, бошқарув аъзолари ҳамда бош бухгалтерларига, кредит уюшмалари ижро органларининг раҳбарларига нисбатан малака талабларини қўйиши.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг ВИП боби 51-моддаси.



51-расм. Марказий банк томонидан белгиланадиган қоидалар

Текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва Марказий банк белгилайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда банк аксияларини сотиб олиш учун олдиндан Марказий банкнинг розилигини олиш талаб қилинади. Марказий банк аксия сотиб олувчиларнинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги аниқланган тақдирда банк аксиялари харид қилиниши ва сотилишига розилик бермаслик хуқуқига эга.

Марказий банк ўз қарори тўғрисида ариза берувчига илтимоснома олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ёзма равишда хабар беради.

Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг норматив хужжатларига, шу жумладан тартиб ва услубиётларига риоя этишларини талаб қилишга, шунингдек улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни белгилайди ва бу нормативларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин еълон

қилади.


Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун хужжатларини бузган тақдирда, Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш хукуқига эга.

Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобвараклари қониқарсиз ахволда бўлган ҳолларда Марказий банк банк филиали ушбу харакат натижасида олган даромадини қат’ий тартибда ундириб олади, шунингдек шундай миқдорда жарима солади.

Агар йул қўйилган тартиб бузилишлар ёки банк ўтказаётган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф туғдирган бўлса, Марказий банк қуидагиларга ҳақли:

- банклардан устав капитали энг кам миқдорининг бир фоизидан ошмаган суммада жарима ундиришга;
- банқдан банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан активлар тузилмасини ўзgartириш, банк харажатларини камайтириш ва аксиядорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиш тадбирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини шу жумладан банк кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини алмаштиришни, банкни қайта ташкил этишни, филиални тугатишни талаб қилишга;
- банк учун иқтисодий нормативларни олти ойлик муддатгача ўзgartиришга;
- банкнинг айрим банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйишга;
- банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва аксиядорлар эга бўлган барча ваколатларни васийга бериб, банкка васийлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилишга;
- банк операцияларини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензияни

қайтариб олиш.




52-расм. Марказий банк белгилайдиган банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативлар

8.4. Тижорат банкларини лицензиялаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш орқали назорат қилиш

Банк назоратининг асосий мақсади ва вазифалари тижорат банкларини назорат қилиш таркибини яратади. Унга мувофиқ, мамлакатимизда тижорат банклари

фаолиятини назорат қилиш Марказий банкда ташкил қилинган уч департамент томонидан олиб борилади.



53-расм. Ўзбекистон Республикасида банк назоратини ташкил этиш тизими

Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти масофадан туриб назоратни амалга оширса, тижорат банкларини назорат қилиш деапртаменти банклар фаолиятини жойида текшириш билан

шуғулланади. Тижорат банклари устав фондини ташкил этишни назорат этиш департаменти эса банкларнинг устав фондини ташкил этишда банк капитали адекватлигини назорат қиласи.

Банк фаолиятини лицензиялаш назоратнинг дастлабки босқичи бўлиб, у банк тизимининг барқарорлигини сақлаш, бозорга янги, молиявий барқарор банклар кириб келишини назорат қилиш воситаларидан бири ҳисобланади.

Банклар, шу жумладан чет ел банклари, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади. Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти гайриконуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим⁴⁶.

Марказий банкнинг 1998 йил 2 ноябрдаги “Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензиялар бериш тартиби тўғрисида”⁴⁶ги Низомига мувофиқ янгитдан ташкил етилаётган банклар фаолиятини лицензиялаш 2 босқични ўз ичига олади: банк очиш учун рухсатнома бериш ва асосий лицензия бериш, яъни банкни давлат рўйхатидан ўтказиш.

Биринчи босқичда банк фаолияти учун дастлабки рухсатнома берилиб, банк муассисларига банкни яхши ташкил этиш учун маълум муддат берилади ва шу даврда Марказий банк томонидан тўлиқ кузатиш ишлари амалга оширилади. Дастлабки рухсатномани берилиши асосий лицензияни кафолатламайди ва унинг амал қилиш муддати олиган кундан бошлаб 6 ой муддатгача юридик кучга эга.

Дастлабки рухсатнома олингандан сўнг муассислар асосий лицензияни олиш ва банкни рўйхатдан ўтказиш учун керакли ташкилий техник тадбирларни амалга оширадилар.


Лицензиялаш – банк операцияларини амалга оширишни чегаралиш мақсадида фақат ваколатли банклар томонидан юридик шахсларга уларни амалга

⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Конуни, 1996 йил, 5 -модда

ошириш учун рухсат беришдир. Банклар Марказий банқда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг юридик шахс мақомини олади.

Марказий банк томонидан 1 ой муддат ичидаги қарор қабул қилинади.

Лицензия беришт бўйича масалани кўришда назорат органлари томонидан янги банк филиалларини ташкил этиш шароити, рақобат туфайли уларнинг молия-кредит секторига таъсир этиши каби масалаларга ҳам алоҳида еътибор берилади.



54-расм. Лицензия олиш учун банклар қўйилган талаблар

Марказий банк қўйидагиларга асосланиб банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни радиши мумкин:

- банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган хужжатлар топширилмаганлиги;
- таъсис хужжатларининг қонун хужжатларига номувофиқлиги;
- бир ёки бир неча муассиснинг молиявий ахволи қониқарсизлиги;
- муассислар молиявий маблагларининг манбалари еълон қилинмаганлиги;
- банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам устав капиталининг тўланмаганлиги;
- банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиқлиги.

Марказий банк қўйидаги ҳолларда банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиши мумкин:

- банк тўловга қобилияциз бўлиб қолганида, пассивлар активлардан кўпайиб кетганида;
- лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аникланганда;
- банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаганида;
- ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;
- қонун хужжатларига ва лицензия шартларига зид келадиган банк операциялари амалга оширилганда;
- лицензия берилган пайтдан ётиборан банк операцияларини амалга ошириш бир йилдан ортиқ муддатга кечикканда;
- Ўзбекистон Республикасида ўз шўба банкини ташкил етган чет ел банкидан лицензия чақириб олинганда;
- банкнинг банкрот деб еълон қилининганида.

Назорат учун саволлар:

1. Банк назоратининг моҳияти нималарда намоён бўлади?
2. Банк назоратини вужудга келиш сабабларини айтинг.

3. Банк назоратининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Банк фаолиятини ривожланишида банк назорати қандай аамиятга эга?
5. Банк назоратини амалга ошириш усулларини айтинг.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиявий назоратни амалга оширишдаги вазифалари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк назоратини амалга оширишда қандай функцияларни бажаради?
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк назоратини амалга оширишда қандай хуқуқларга эга?
9. Банк назорати қандай усулларда амалга оширилади?
10. Банк назорати усулларининг афзаллик ва камчиликларини айтинг.

ИХ боб. СУГУРТА НАЗОРАТИ

9.1. Суғурта фаолиятининг назарий-хуқуқий асослари

Ўзбекистон мустақилликка еришгач молия тизимининг ажралмас бўғини сифатида миллий суғурта бозорини ривожлантиришга аҳамият қаратади. Дастреб 1993 йилнинг 6 майида “Суғурта тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлса, бугунги кунда суғурта фаолиятини тартибга солиш мақсадида хуқуқий базани мустаҳкамлашга еришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида” қонунининг 3-моддасида кўрсатилишича “Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулинни) тўлаш юли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”.

Суғурта фаолияти деганда эса суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолият тушунилади.

Суғурта қўйидаги соҳаларга бўлинади:

ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил етади ҳамда суғурта пулларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига оловчи бир марталик ёки даврий тўловларини қамраб олади);

умумий суғурта (шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари).

**Ўзбекистонда суғурта хизматлари
бозорини ривожлантиришнинг ҳуқуқий
асослари**

- 1993 йил 6 май - “Суғурта тўғрисида”ги Қонун
- 2002 йил 31 январ - «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида» Қонун
- 2002 йилнинг 5 апрел - «Суғурта фаолияти тўғрисида» Қонун
- 2002 йил 27 ноябр - “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қонун
- 2007 йил 10 апрел - “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-табдирлари тўғрисида” Қонун
- 2008 йил 22 апрел - “Транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонун
- 2008 йил 21 май ПҚ-872 “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қонун

55-расм. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари

Суғурта бозори бу суғурта ҳолатлари рўй берганда жисмоний ва юридик шахсларни мулкий мафаатларини суғурталанувчиларнинг пул маблағлари ҳисобидан ҳимоя қилишда акс етувчи суғурта хизматлари олди-сотдиси бўйича иқтисодий муносабатлар йигиндисидир.

Суғурта бозорини амал қилишининг асосий шарти суғурта хизматларига ехтиёж (талақ) ва бу ехтиёжларни қондиришга лаёқатли суғурталовчиларнинг мавжудлигидир.

Суғурта бозори таркибий жиҳатдан ташкилий-хуқуқий ва ҳудудий аспектлари бўйича бўлинishi мумкин.

Ташкилий-хуқуқий жиҳатдан акционер, биргаликдаги, хусусий ва давлат суғурта ташкилотларидан иборат бўлади.

Худудий жиҳатдан эса миллий, минтақавий ва ҳалқаро суғурта бозорларига бўлинади.

Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари *суғурта фаолиятининг субъектлари* ҳисобланади.

Суғурталовчилар, суғурта воситачилари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар қонун хужжатлариг мувофиқ суғурта бозорининг профессионал а

иштирокчилари ҳисобланадилар.

Суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти *суғурта воситачилари* ҳисобланадилар.

Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс *суғурта брокери* ҳисобланади.

Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс *суғурта агенти* ҳисобланади.

Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс *суғурталовчи* деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунда суғурталовчига қуйидагича таъриф берилган: “Тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ

сұғурта товони (сұғурта пули) тұловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бұлған юридик шахс сұғурталовчи деб еътироф етилади”.⁴⁷

Ушбу қонунда келтирилишига күра, сұғурталовчи қуйидаги ҳукуқларга эга:

- қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда сұғурта (қайта сұғурта қилиш) шартномалари түзиш;
- ұз мажбуриятларини белгиланған тартибда қайта сұғурта қилиш, шу жумладан Қазақстан Республикасынан ташқарыда қайта сұғурта қилиш;
- махсус ваколатли давлат органдары белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолияттегі амалга ошириш;
- сұғурта (қайта сұғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек сұғурта агенти сифатида сұғурта воситачилигини амалга ошириш;
- сұғурта ҳодисалари юз берининг олдини олиш ва огохлантириш чоратадбирларини махсус ваколатли давлат органдары белгилайдиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;
- сұғурталовчи томонидан амалга ошириладиган сұғурта турларига доир қоидаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;
- сұғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бұлған тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳукуқни муҳофаза қылувчи органлардан, судлар, тибиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилоттардан белгиланған тартибда сұраш ва олиш;
- сұғурта агентлари, сұғурта ва қайта сұғурта брокерлари, сұғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар түзиш;
- сұғурта товони тұлашни қонун ҳужжатларидан тартибда қайта сұғурта (қайта сұғурта қилиш) шартномасыда белгиланған қолларда ҳамда тартибда рад этиш, сұғурта (қайта сұғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;

⁴⁷ Қазақстан Республикасы “Сұғурта фаолияти тұғрисида” ги Қонун. 6-модда.

- сұғурта қылдирувчи томонидан тақдим етилган ахборотни текширишни, сұғурта қылдиручининг сұғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни сұғурта (қайта сұғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;
- чет ел сұғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари күрсатищ;
- илгари сұғурталовчи томонидан үз еҳтиёжлари учун олинган ёки сұғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига үтган молмұлкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет ел рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;
- ўзининг алохida бўлинмаларини ташкил этиш.

9.2. Сұғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг мақсад ва вазифалари

Сұғурта ташкилотларининг фаолияти бошқа турдаги хўжалик субъектлари фаолиятидан кескин фарқ қиласи. Чунки, улар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва сұғурта ҳодисалари рўй берганда йетказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиласидар. Бу ҳолат, сұғуртачилар зиммасига алохida масъулият юклайди ва шунинг учун, улар давлат томонидан назорат остига олинмоғи зарурдир.

Хорижий мамлакатлар тажрибасинин күрсатишича, иқтисодий жиҳатдан

Г

ривожланган мамлакатларнинг барчасида сұғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солиб борилади.

Масалан, Буюк Британияда сұғурта ишини Савдо ва саноат департаменти, Японияда Молия вазирлигининг сұғурта бо`лими, АҚШда эса махсус сұғурта комиссариатлари назорат қилиб боради. Давлат, бундай назорат ишини олиб борар экан, аввало, мамлакатнинг сұғурта соҳасига тааллуқли қонунларига ҳамда бошқа меъёрий хужжатларига асосланади. Сұғурта ва қайта сұғурталаш

компаниялари, суғуртага ихтисослашган воситачилар давлат суғурта назоратининг объектлари ҳисобланади.

Давлат суғурта назоратининг мақсади қуидагилардан иборат:

Суғурта бозори ва унинг иштирокчиларини ҳатти харакатларини қонунчилик талбларига мос бўлишини таъминлаш

Суғурталанувчи жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш

56-расм. Давлат суғурта назоратининг мақсади


Давлат суғурта назоратининг асосий вазифалари эса қуидагилардан иборат:

- Суғуртачиларни молиявий барқарорлигини таъминлаш;
- Суғурта бозорида тенглик ва ракобатбардошликини таъминлаш;
- Суғурта хизматларидан фойдаланувчиларни хақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Суғурта бозорини ривожланишида кўмаклашиш.

Суғурта назорати орқали қуидаги функциялар амалга охирилади:

- Ўзбекистон Республикаси суғурта фаолиятини юритишда тўлай олиш қобилияти кўрсаткичлар ва бошқа молиявий барқарорликларни мавжудлиги, фаолият давомида қонун ҳужжатларига риоя қилишни текшириш;

- Суғурта фаолияти ва суғарта брокерларини лицензиялаш;
- ўзининг компоненти доирасида, суғурта ишчиларини иш билан таъминлаш;
- Республика суғурта фаолияти ривожланиши тенденсиясини таҳлил қилиш;
- Матбуот орқали суғурта фаолияти ҳақида тушунтириш маълумотлари олиб бориш;
- Ўзбекистон ваколатлари доирасида фуқароларнинг мурожаатлари ва талифларини кўриб чиқиши.



57-расм. Суғурта назоратининг қамраб олиш доираси

Суғурта ташкилоти фаолияти устидан амалга ошириладиган давлат назоратининг самарадорлиги қуйидагиларга боғлик:

- аниқ ва тўғри молиявий, бухгалтерлик ва бошқа маълумотлардан фойдаланиш;
- назоратни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш;

- давлат томонидан құлланиладиган санксияларни үз вақтида ва тез бажарилиши.

Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш турлы шакларда, хусусан, махсус қонунлар қабул қилиш, солиқ солиш, алоҳида ҳукумат қарорлари билан мажбурий суғурталашни жорий қилиш ва ваколатли суғурта назорати хизматини ташкил этиш юли билан амалга оширилади.

9.3. Махсус ваколатли давлат органдың суғурта фаолиятини назорат қилиш тартиби

Суғурта билан шуғулланувчи ташкилотларга лицензиялар (рухсатномалар) бериш суғурта назорати хизматининг энг асосий вазифаларидан биридир. Суғурта фаолиятига лицензия (рухсатнома) беришнинг зарурияты суғуртанинг үз моҳиятидан келиб чиқишини унутмаслик керак. Чунки, суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз берган вақтда суғурталанувчига шартномада күрсатилған маблагни үз вақтида тұлаши лозим. Суғурта фаолиятини назорат қилувчи органнинг бу борадаги ишлари нафақат суғурталанувчилар манфаатига мос тушади, балки бутун давлатнинг манфаатлари юлида ҳам хизмат қилади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда махсус ваколатли давлат органды берадиган лицензиялар асосида амалга оширилади.

Лицензия суғурталовчига ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёхуд умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли емас, умумий суғурта соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим турлари (класслари) бундан мустаснодир. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли емас.

Соҳалар	Класслар	
Ҳаёт суг'уртаси	И класс	Ҳаёт ва аннуитетлар суг'уртаси;
	ИИ класс	Никоҳ ва туг'илиш суг'уртаси
	ИИИ класс	Ҳаётни узок муддатли суг'урта қилиш;
	ИВ класс	Сог'ликни суг'урта қилиш
Умумий суг'урта	1 класс	Бахтсиз ҳодисалардан суг'урта қилиш;
	2 класс	Касалликдан суг'урта қилиш;
	3 класс	Ер усти транспорт воситаларини суг'урта
	4 класс—	Ҳаракатланадиган темир йқл таркибини суг'урта
	5-класс	Авиасия суг'уртаси;
	6-класс	Денгиз суг'уртаси;
	7-класс	ЙУлдаги мол-мулкни суг'урта қилиш;
	8-класс	Мол-мулкни оловдан ва табиий оғатлардан суг'урта қилиш;
	9-класс	Мол-мулкни заардан суг'урта қилиш;
	10-класс	Автофуқаролик жавобгарлигини суг'урта
	11-класс	Авиасия суг'уртаси доирасидаги жавобгарликни
	12-класс	Денгиз суг'уртаси доирасидаги жавобгарликни
	13-класс	Умумий фуқаролик жавобгарлигини суг'урта қилиш;
	14-класс	Кредитларни суг'урта қилиш;
	15-класс	Кафилликни (кафолатларни) суг'урта қилиш;
	16-класс	Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суг'урта қилиш;
	17-класс	Хуқуқий химоя билан bog'лиқ харажатларни суг'урта қилиш.

57-расм. Суғурта фаолиятининг классификатори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тоғрисида»ги қарорга мувофиқ сұғурта фаолиятининг классификатори берилган бўлиб, унга мувофиқ ҳаётни сұғурта қилиш соҳаси 4 та классга ва умумий сұғурта соҳаси 17 та классга ажратилган.


Сұғурта таваккалчиликлари ёки улар гурухларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ сұғурта соҳалари сұғурта турларига (классларига) бўлинади. Сұғурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ мажбурий сұғурта амалга оширилади. Мажбурий сұғуртани амалга ошириш хуқуқига давлат сұғурта ташкилотлари эга бўлиб келганлар, бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тоғрисида»ги қарорига мувофиқ устав капитали ҳажмини 500 минг АҚШ долларига teng миқдорга етказган ҳар қандай сұғурта компанияси лицензия асосида мажбурий сұғурта билан шуғулланиш имкониятига эга бўлганлар.

Сұғурталовчининг лицензияси амал қилишининг тұхтатиб турилиши унинг янги сұғурта шартномалари тузиши тақиқланишига, шу жумладан амалдаги сұғурта шартномалари узайтирилишининг тақиқланишига сабаб бўлади. Бунда сұғурталовчи илгари тузилган сұғурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини белгиланган тартибда бажаришга мажбурдир.

Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан еътиборан 5 кун ичida маҳсус ваколатли давлат органи сұғурталовчини тугатиш тұғрисидаги ариза билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат этиши шарт.

Сұғурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органларининг ваколатлари тұхтатиб турилади ва маҳсус ваколатли давлат органи томонидан тайинлаган сұғурталовчининг муваққат маъмуриятига ўтади.



58-расм. Суғурта ташкилотлари лицензия олишлари қўйилаги талаб ва шартлар

Муваққат маъмурият суд қарор чиқаргунга қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширади.

Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи маҳсус ваколатли давлат органига ҳамда суғурталовчини тугатиш тұғрисида маҳсус ваколатли давлат органининг аризаси юлланған судга тақдим етилади.

Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўз фаолияти даврида харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли емас, суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), суғурталовчига тушаётган пулларни ҳисобга

ёзиш ва илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустаснодир.

Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ишлаш тартиби маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Суғурталовчиларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш маҳсус ваколатли давлат органининг рухсатномаси билан амалга оширилиши мумкин.

Суғурталовчи қайта ташкил этишга рухсатнома олиш учун маҳсус ваколатли давлат органига тегишли ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим етади:

- муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталовчи бошқарув органининг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;
- тузилаётган суғурталовчининг баланси ва фаолиятининг тахминий молиявий натижалари;
- қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шартномасининг лойиҳаси (қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил етилаётганда).

Суғурталовчиларни қайта ташкил этишни ўтказиш учун берилган ариза зарур ҳужжатлар тақдим етилган кундан еътиборан ўн беш кун ичida маҳсус ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилиши керак.

Маҳсус ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор тўғрисида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Маҳсус ваколатли давлат органи қуйидаги ҳолларда суғурталовчиларни қайта ташкил этишга рухсатнома беришни рад қилишга ҳақли, агар:

- суғурталовчини қайта ташкил этиш натижасида янгитдан ташкил қилинадиган суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигига доир талаблар бузилиши мумкин бўлса;

- сугурталовчиларнинг қайта ташкил этилиши сұғурта бозорида рақобатнинг чекланишига ёки бартараф этилишига олиб келиши мүмкін бўлса;
- сугурталовчиларни қайта ташкил этишга рухсатнома берилиши сўраб тақдим қилинган хужжатларда ишончсиз маълумотлар бўлса ёхуд бу хужжатлар қонун хужжатларига номувофиқ бўлса;
- сугурталовчиларни қайта ташкил этиш қонун хужжатларига зид бўлса.

Қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил етилганда сугурталовчи (сугурталовчилар) лицензиясининг амал қилиши тугатилади. Қайта ташкил этиш натижасида янгитдан тузилган сугурталовчиларга лицензияларни бериш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил етилаётган даври учун ҳамда янгитдан тузилган сугурталовчилар лицензия олгунга қадар бўлган даврда улар янги сұғурта шартномаларини тузишга, амалдаги сұғурта шартномаларини узайтиришга ҳақли емаслар, илгари тузилган сұғурта шартномалари бўйича ўз зиммаларига олинган, ҳуқукий ворислик тартибида ўзларига ўтган мажбуриятларни бажариш ҳоллари бундан мустаснодир.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил етилаётганда ўзига бошқа сугурталовчи қўшилаётган сугурталовчи, агар қўшиб олиш натижасида лицензиянинг шартлари ўзгармаса, амалдаги лицензияни сақлаб қолади.

Сугурталовчи ўзининг муассислари (иштирокчилари) ёки сугурталовчининг таъсис хужжатларида шундай ваколат берилган бошқарув органи қарорига биноан тугатилаётганда махсус ваколатли давлат органининг рухсатномаси талаб қилинади.

Муассислар (иштирокчилар) ёхуд сугурталовчининг таъсис хужжатларида шундай ваколат берилган бошқарув органи томонидан тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин сугурталовчи махсус ваколатли давлат органига тугатишга рухсатнома олиш учун ариза билан ёзма равишда мурожаат етган ҳолда қуидаги хужжатларни илова қиласди:

- сугурталовчини тугатиш тўғрисидаги қарор;

- мажбуриятлар тұғрисидаги маълумотлар;
- сұгурталовчини тугатиш тұғрисидаги қарор қабул қилинган санагача бұлған, аудиторлық холосаси билан тасдиқланған баланс ҳисоботи;
- сұгурталовчини тугатиш муддатлари ва шартлари күрсатилған ҳолдаги тугатиш режаси.

Сұгурталовчини тугатишга рухсатнома олиш учун берилған ариза зарур ҳужжатлар олинған кундан еътиборан 10 кун ичидә махсус ваколатли давлат органдың томонидан күриб чиқилиши керак.

Махсус ваколатли давлат органдың қабул қилинған қарор тұғрисида сұгурталовчини ёзма равища хабардор қилиши шарт.

Махсус ваколатли давлат органдың сұгурталовчини тугатиш учун рухсатнома беріш билан бир вақтда сұгурталовчининг тақдим етилған тугатиш режасига үзгартыштар киритишга ҳақла.

Тугатилаёттан сұгурталовчи кредиторларининг талаблари тугатишни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек тугатиладиган сұгурталовчининг асосий вазифаларини таъминлаш заруратидан келиб чиқадиган харажатлар тұланганидан сұнг қуидаги тартибда қаноатлантирилади:

бірінчи навбатда - ҳаётни сұгурта қилиш соҳасида мажбурий сұгурта шартномалари бўйича сұгурта қилдирувчиларнинг талаблари;

иккинчи навбатда - сұгурта қилдирувчиларнинг бошқа мажбурий сұгурта шартномалари бўйича талаблари;


учинчи навбатда - бошқа сұгурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

тўртинчи навбатда - бюджетга, бюджетдан ташқари фонdlарга тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Күрсатилған талаблар тўлиқ қаноатлантирилғандан кейин ижтимоий сұгурта бўйича талаблар ҳамда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли фуқароларнинг мол-мулкига етказилған заарни қоплаш бўйича талаблари қаноатлантирилади;

бешинчи навбатда - сұгурталовчининг бошқа кредиторлари талаблари.

Лицензия (рухсатнома) бериш жараёнида суғурта назорати суғуртачининг бўлажак фаолиятини дастлабки текширувдан ўтказади. Яъни, низом жамгармаси ва ўз маблағларининг ҳолати ҳамда бу маблағларнинг ташкилот зиммасидаги мажбуриятларига ўзаро муносабати кўриб чиқилади.

Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йул қўйилмайди.



59-расм. Суғурталовчини тугатишга рухсатнома беришни рад этиш ҳолатлари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сонли «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сонли «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи билан суғурта компаниялари томонидан суғурта резервларини ташкил қилиш ва инвестициялашнинг тартиблари белгилангандир.

Суғурталовчи суғурта захиралари маблағлари қийматига еквивалент бўлган суммадаги активларни ажратиши шарт. Ажратилган активлар, уларни ажратиш вақтида суғурталовчининг ҳисоб ва ҳисбот регистрларида аниқ белгиланган бўлиши шарт.

Ажратилган активларнинг умумий қиймати суғурта захиралари маблағларининг жами миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Ажратилган активлар қиймати сифатида уларнинг баланс қиймати тушунилади.

Ажратилган активлар диверсификация, қайтарилиш, фойдалилик ва ликвидлик талабларига жавоб бериши лозим.

Ажратилган активлар маблағлари суғурталовчи томонидан фақат тегишли суғурта захираларининг шакллантириш мақсадига мувофиқ ҳолда ишлатилиши мумкин. Ажратилган активлар гаров предмети ёки кредиторга кафилнинг мажбуриятлари бўйича пул маблағларини тўлаш манбаи сифатида хизмат қила олмайди.

Суғурта захиралари хорижий валютада белгиланган ҳолатларда, активлар суғурта захиралари белгиланган валютага еквивалент валютада ёки еркин конвертасия қилинадиган валютада ажратилади.

Ажратилган активлар қуйидаги активлардан иборат бўлиши мумкин емас:

- суғурталовчининг таъсисчилари, аксиядорлари ва ходимларига берилган қарзлар, шунингдек улар бўйича жамғарилган фоизлар;
- дебитор — боғлиқ шахсларнинг қарзлари;
- суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган тўлов санасидан уч ойдан кўп муддат мобайнида суғурта қилдирувчилар (қайта суғурта қилдирувчилар) томонидан тўланмаган суғурта мукофотлари;
- солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича дебиторлик қарзлар;
- кафолат бўйича суммалар;
- мажбурият предмети бўлган активлар (қабул қилинган мажбуриятлар доирасида).

Суғурта захираларини жойлаштириш тартибига қуйидаги талаблар қўйилган.

Ажратилган активларнинг 70% дан кам бўлмаган қисми қўйидагилардан (ёки уларнинг баъзиларидан) таркиб топиши лозим:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;
 - банк омонатлари (депозитлар);
 - кассадаги ёки ҳисоб (валюта) рақамлардаги ва ўзга банк рақамлардаги пул маблағлари, шунингдек уларга тенглаштирилган маблағлар;
 - хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари (Давсуғуртанизорат билан келишган ҳолда);
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси худудида чиқариш ва муомалага киритишга рухсат берилган, ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга (рухсатномага) эга бўлган хорижий емитентлар томонидан чиқарилган, ҳамда қимматли қоғозлар бозорида муомалага қўйилган қимматли қоғозлар.

Сугурталовчининг бошқарув органлари Низомга асосан ажратилган активларнинг ҳисбот санасига мавжудлигини ва қийматини текшириб кўриши, шунингдек активлар ажратилган сугурта захиралари суммаси билан уларни таққослаб кўриши шарт ва бундай ҳуқуққа ҳар қандай бошқа вақтда ҳам эга.

Ажратилган активлар қиймати сугурта захиралари суммасидан кам бўлган ҳолатда, сугурталовчи ажратилган активлар қийматини сугурта захиралари суммасидан кам бўлмаган қийматга ошириш ва сугурта захиралари ҳажмининг 105 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кўпайтириш учун етарли миқдордаги қўшимча активларни ажратиши шарт.

Ажратилган активлар суммаси сугурта захиралари суммасининг 105 фоизидан ортиқ бўлган ҳолатда, сугурталовчи ажратилган активлар қиймати сугурта захиралари миқдоридан кам бўлмаган ва сугурта захиралари миқдорининг 105% идан кўп бўлмаган суммагача қисқаргунга қадар, ажратилган активларнинг ортиқча бўлган қисмини ажратилмаган активларга ўtkазиши шарт.

Суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори қонун хужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон қарори билан тасдиқланган «Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида»ги Низомнинг 10-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 1-бандига мувофиқ суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шакллантирилади.

Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йул қўйилмайди.

Суғурталовчининг бошлангич устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар муассислар томонидан шакллантирилган бўлиши ва қонун хужжатларида белгиланган устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

	2012 йил 1 ийулдан	2014 йил 1 ийулдан
Умумий суг'урта соҳаси	1 125,0	1 500,0
Ҳаётни ҳаётни суг'урталаш соҳаси	1 500,0	2 000,0
Мажбурий суг'урталаш соҳаси	2 250,0	3 000,0
Фақат қайта суг'урталаш соҳаси	5 000,0	6 000,0

60-расм. Суғурта компаниялари устав фондининг минимал миқдорига қўйилган талаблар⁴⁸ (минг йевро еквивалентида)

2008 йил 21 май ПҚ-872 сон Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги ПҚ 1544-сонли қарорига илова


қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори еълон қилинди. Ушбу қарорда сұғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, сұғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий баркарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва сұғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, сұғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг қуидаги соҳаларда фаолиятни амалга оширадиган сұғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдорларини белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

9.4. Сұғурта назорати давлат инспекциясининг вазифалари, функциялар, ҳуқуқлари

Сұғурта назорати олиб борувчи ташкилот Сұғурта назорати давлат инспекцияси ҳисобланади.

Сұғурта назорати давлат инспекцияси Молия вазирлиги хузурида бўлиб, сұғурта муносабатлари барча қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сұғурта ташкилотлари фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сон қарорининг 2-иловаси “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сұғурта назорати давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низомга амал қиласди.

Сұғурта назорати давлат инспекцияси сұғурта фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш бўлими ҳамда сұғурта фаолияти услубиётI бўлимларидан иборат бо`либ, умумий штати 15 кишини ташкил етади.



61-расм. Суғурта назорати давлат инспекцияси аппарати тузилмаси

Суғурта назорати давлат инспекциясининг асосий вазифалари:

- ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йул қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар жамининг йул қўйиладиган кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўловга қобилиятини акс еттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;
- суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қиласди;
- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялади;
- суғурталовчиларнинг суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисботлар тузиш тартибини белгилайди;

- суғурталовчининг ижро етувчи органи раҳбарларига ва бош бухгалтерига қўйиладиган ижро этилиши мажбурий бўлган малака талабарини белгилайди;
- суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисботларнинг ва еълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда еълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди;
- қонун хужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;
- қонун хужжатларида белгилangan тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қиласди;
- ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичida суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисботларни , шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини еълон қиласди;
- суғурталовчilarнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чоратадбирларин суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда и шартларини белгилайди;
- актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди;
- актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш хуқуки учун малака имтиҳони ўтказади;
- белгилangan тартибда актуарий малака сертификати беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қиласди, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Суғурта назорати давлат инспекциясининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- Суғурталовчилар томонидан суғурта фаолияти тұғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига риоя қилинишини ва уларнинг ҳисоботлари ишончлилигини, шунингдек, улар учун белгиланган тұловга лаёқатлилик күрсаткышлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари таъминланашини текшириш
- Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лисензиялаш
- ўз ваколатлари доирасида суғурталовчилар ишини методик таъминлаш
- Суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта қилиш қоидалари ва суғурта тарифлари белгилаш бўйича таклифлар тайёрлаш
- Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб суғурта муносабатларининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган суғурта фаолияти тұғрисидаги қонун хужжатларини амалга ошириш бўйича норматив хужжатлар ва методик материалларни ишлаб чиқиш
- Суғурта фаолияти масалалари бўйича қонун хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун вазирлик раҳбариятига киритиш
- Суғурталовчилар тугатилған ва қайта ташкил етилған тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш
- Республикада суғурта фаолияти ривожланишининг ҳолати ва тенденсияларини таҳлил қилиш

62-расм. Суғурта назорати Давлат инспекциясининг асосий функциялари

Суғурта назорати давлат инспекцияси ва унинг ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устав фондида ва бошқарув органларида иштирок этишга, шунингдек суғурта воситачиси сифатида иш юритишга ҳақли емаслар.

Суғурта назорати давлат инспекциясининг ҳуқуқлари:

- суғурталовчилардан суғурта фаолияти тұғрисида белгиланган ҳисобот ва уларнинг молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотни, шунингдек, корхоналар,

муассасалар, ташкилотлар, банклардан (кичик корхоналар, микрофирмалар бундан мустасно), фуқаролардан үзига юкланган функцияларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни олиш;

- сугурталовчилар томонидан сугурта тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида сугурталовчилар фаолиятини текшириш;
- давлат ижро етувчи органларидан үзига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва статистика ҳисоботини текин олиш ва х.

Назорат учун саволлар:

1. Суѓурта назоратини амалга оширишда давлат суѓурта назорати қандай аҳамиятга эга?
2. Суѓурта муносабатларининг турлари бир-биридан қайси хусусиятлари билан фарқ қиласди?
3. Суѓурта муносабатларини текширишнинг үзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Суѓурта назоратининг зарурлиги нимада?
5. Суѓурта назоратининг обьектларини кўрсатинг.
6. Суѓурта назоратининг субъектларини кўрсатинг.
7. Махсус ваколатли давлат органи томонидан суѓурта фаолиятини назорат қилиш тартиби тушунтиринг.
8. Суѓурта назорати давлат инспексиясининг вазифалари, функциялар, хукуқлари нималардан иборат?

Х боб. БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

10.1. Молия органларида назорат- иқтисодий ишларни ташкил этиш

Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни егаллайди.

Иқтисодиёт ривожланишини турли босқичларида бюджет давлат сиёсатини амалга ошириш қуроли, мұлжалланған дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларини асосий манбай ҳисобланади. Давлат бюджети, давлат ҳокимиятининг кундалик масалаларини ҳам, ривожланиш истиқболлари вазифаларини ҳам ҳал этишда катта ахамиятта егадир.

Бюджет уч таркибий қисмдан — харажат, даромад қисмлари ва улар балансидан иборат, яғни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қоидасига амал қилиши лозим. Бюджетни шакллантириш аввало унинг харажат қисмини тузиш юли билан юз беради, чунки давлат ўзіда мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибина харажатлар қилиши мүмкін емас. Давлат аввало жамиятни самарали ривожлантариш мақсадида унинг олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур маблағлар ҳажмини белгилаши ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг асосий воситаси - соликлар ва бошқа манбалар ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак.

Давлат бюджети пул ресурсларининг марказлаштирилган жамғармаси (фонди) бўлиб мамлакат ҳукумати давлат аппарати, қуролли кучларни тутиб туриш, шунингдек, иқтисодий функцияларни бажариш учун уни тасарруф етади.

Ҳозирги шарт-шароитда бюджет давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш, ҳўжалик фаолиятига таъсир кўрсатиш шунингдек, кризисга қарши чора-тадбирларни амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳамдир. Ҳозирги давлат бюджети унинг бутун хилма-хил функцияларини акс эттирадиган мураккаб, кўп кўринишли хужжат ҳисобланади. Аввало бюджетда давлат харажатлари ва даромадлари тартиби ўз аксини топади. Харажатлар бюджет қуролларининг сарфланиш юналишлари ва мақсадларини кўрсатади.

Харажат моддаларининг аҳамияти жуда муҳим, чунки уларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлигига мазкур давлат солиқ тўловчилари з иммасига юклатиладиган солиқ юкига боғлиқ бўлади. Бундан шу нарса равшанки, мазкур аниқ даврда амал қиласидиган солиқлар тизими (солиқ миқдори, уларни ставкалари, солиқ солинадиган база) давлат бюджетида харажатларнинг қандай моддалари кўзда тутилганига ва уларни қоплаш учун қанча миқдорда маблағлар зарурлигига тўла равишда боғлиқдир.

Иқтисодиётни ишлаб чиқариш секторлари фаолияти учун энг қулай шартшароитларини яратиш билан боғлиқ харажатлар давлат харажатларининг энг муҳим моддалари қаторига киради.

Бюджет тизими ва бюджет жараёнида юзага келадиган барча босқичларда бюджет тизимининг асосий тамойилларига, бюджет тизими тўғрисидаги меъёрий хужжатларга, юриқнома ва тартибларга амал қилиниши *бюджет интизоми* тушунчасини белгилайди⁴⁹.

Куйидагилар бюджет интизомини бузишdir:

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини уларни олиш (улардан фойдаланиш) шартларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга юналтириш; меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақига қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя етмаслик;

бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатларни тўлаш учун пул маблағлари берилишини, шунингдек, пенсияларни йетказиб беришни амалга оширувчи муассасаларга пул маблағлари берилишини

⁴⁹ Турабов Б. “Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалалари”. Номзодлик диссертасияси, -2007 й

банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз кечиктиш⁵⁰.

Ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий тангликлар ва молиявий-иктисодий инқирозлар шароитида бюджет назоратининг аҳамияти ўсиб боради ва янгича мазмун касб етади.

Бюджет назоратини амалга оширишдан мақсад бюджет маблағларини ҳосил қилиш ва ишлатишда мақсадлилик, самарадорлик, тартиблилик, қонунийликнинг таъминланишига еришиш зарурлигидан иборатdir.

Назорат иқтисодий ишларни ташкил қилишда етакчи ролни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бажаради.

Ҳар йили мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси таҳлил қилинади ва ўтган йиллар билан солиштирилади

Худудий молия органларини назорат қилиш уларда комплекс тафтиш ва текширишлар ўтказиш Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармасининг йиллик иш режасига асосан амалга оширилади.

Махаллий бюджетлар ижросини тафтиш ва текширишлардан ўтказиш Молия вазирининг буйруғига асосан амалга оширилади ва вазирликнинг барча соҳа мутахассислари жалб қилинади.

Бундан ташқари, молия органларида Ҳукумат топшириқлари ва Молия вазирлиги раҳбарияти топшириқларига асосан маълум бир юналиш, соҳа бўйича мавзули текширишлар ҳам ўтказилиши мумкин.

Яна шуни ётироф этиш лозимки, ўтган йилни муваффақиятли якунлаш ва жорий йилги Давлат бюджети параметрлари ижроси жараёнида бюджет интизомига қатъий риоя этилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида хар йили Молия вазирлигининг 1-2 сонли

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 2013 йил 26 декабр

буйруқлари чиқарилади ва шу буйруқга асосан молия органлари устидан назорат ишлари амалга оширилиб боради.

Давлат бюджети параметрлари ижроси жараёнида бюджет интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида қуидагилар белгиланади:

1. ўтган йил учун Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ўз вақтида ва сифатли шакллантирилишини таъминлаш мақсадида, Давлат бюджети бош бошқармаси ва Ҳудудлар молияси бош бошқармаси, Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари, худудий молия идоралари белгиланган муддатда бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солинишини таъминлашлари;

2. Бюджет ташкилотларининг жорий йил учун харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини рўйхатга олиш тугаллангунга қадар, қуидагилар маълумот ва ижро учун қабул қилишлари:

а) харажатларни молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, қўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги Низомга (рўйхатга олиш рақами №2157, 2010 йил 19 ноябр) мувофиқ амалга оширилади;

б) республика ва маҳаллий бюджетлар харажатлари қуидагиларга асосан амалга оширилади:

- республика бюджетидан молиялаштирилувчи ташкилотлар бўйича – жорий йил И чорак учун дастлабки (вақтинчалик) харажатлар ёйилмалари;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) лар маҳаллий бюджетларидан молиялаштирилувчи ташкилотлар бўйича – жорий йил И чорак учун вақтинчалик харажатлар сметалари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилги Ҷавлат бюджети параметрлари ижросини таъминлаш мақсадида, Молия вазирлигининг худудларни молиялаштириш бошқармалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, туман (шаҳар) молия бўлимни мудирлари:

- харажатлар ёйилмасини тузиш ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини рўйхатдан ўтказишида Ўзбекистон Республикаси Ҷавлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга, шунингдек, амалдаги бошқа қонунчилик хужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини;
- биринчи навбатда И ва ИИ гурух харажатларига, ИВ гурух харажатлари бўйича эса тегишли бюджетларнинг тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида коммунал хизматлар, кўмир сотиб олиш ва йетказиш, ёқилғи ва ЁММ, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларига зарур маблағлар режалаштирилишини;
- ўтган йилда амалга оширилган ҳақиқий харажатларни, бюджет маблағлари оловчилар сонининг ўзгаришини ҳар томонлама таҳлили асосида, шунингдек, харажатларнинг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағлари оловчиларига бюджет маблағларини тақсимланишини.
- бюджет даромадлари ва харажатлари ёйилмасини белгиланган муддатда ва тартибда тайёрланишини;
- бюджет ташкилотларининг жорий йилги штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тегишли бюджет параметрлари тасдиқлангандан бошлаб 40 кундан кечиктирмай рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаларида қайд етилган маълумотларни “Газначилик-4” дастурий мажмуасига ўз вақтида киритиш чоралари кўрилишини;

- жорий йил учун бюджет харажатлари ёйилмасига индексасия маблағларини белгиланган иловадаги коеффициентларга мувофиқ киритиш ҳамда уларни белгиланган тартибда фақатгина Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан ишлатилишини таъминлашлари лозим.

4. Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилярнинг жорий йилги харажатлар сметаларини "Фазначилик-4" дастурий мажмуасига киритиш ҳамда республика бюджети харажатлари ёйилмасини Давлат бюджети бош бошқармасига тақдим этиш муддатлари белгиланган иловадаги жадвалга мувофиқ белгиланиши лозим.

"Фазначилик-4" дастурий мажмуасига бюджет маблағлари олувчилярнинг харажатлар сметаси муддатидан кечикиб (нотўғри) киритилиши сабабли бюджетдан маблағ олувчилярнинг харажатлари тўловини кечиқиши ҳолатлари бўйича Молия вазирлигининг ҳудудларни молиялаштириш бошқармалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, шунингдек, туман (шаҳар) молия бўлимлари раҳбарлари шахсан жавобгардирлар.

5. Давлат бюджетининг мувозанатлилигини ва жорий йилги Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилган маблағлар ҳисобига мақсадли тадбирларни молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, Давлат бюджети бош бошқармаси республика бюджети харажатлар ёйилмасининг индексасиясида белгиланган иловага мувофиқ маблағларни кўзда тутиши лозим.

Бунда, қўрсатилган маблағлардан фойдаланиш қатъяян Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг рухсати билан амалга оширилади.

6. Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармаси ўн кунлик муддат ичida Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими вазирлиги билан келишилган келгуси йилга мактабгача болалар таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лисейлар ва касб-хунар колледжларида бир ўқувчига (тарбияланувчига) базавий

мөъёрларини аниқлаш ва тартибга солувчи коеффициентларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни вазирлик раҳбариятига тасдиқлаш учун киритиши лозим.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тегишли бюджетлардан молиялаштирилувчи бюджет ташкилотларининг жорий йил учун харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш жадвалини тасдиқлаб, беш кун муддат ичida Ҳудудлар молияси бош бошқармасига тақдим этиши лозим.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджетларига ҳудудлар бўйича ҳисобланган барча солиқ ва мажбурий тўловлар тушуми прогнози ҳисобга олиниб, ҳажми аниқлаштирилган ҳолда қўйидаги харажатларни амалга ошириш учун бюджет субвенциялари ажратилади:

- ҳалқ таълими муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлари;
- ижтимоий нафақалар (бода 2 ёшга тўлгунча уни парваришилаш учун оналарга бериладиган ойлик нафақалар, 14 ёшгача болали оиласарга ойлик нафақалар ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам).

Бунда Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фаргона вилоятлари ва Тошкент шаҳри бўйича зарур ҳолларда туман (шаҳар) лар маҳаллий бюджетларига юқорида кўрсатилган харажатларни молиялаштириш учун субвенциялар кўзда тутилиши мумкин.

9. Молия вазирлиги Ғазначилиги:

- а) Молия вазирлиги Ахборот ҳисоблаш маркази билан биргаликда Давлат бюджети ғазна ижросининг Ягона ғазначилик ҳисоб-рақамидан фойдаланишга ўтишини таъминлаш учун керакли тадбирларни амалга ошириши лозим;

б) Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари барча ҳодимларининг ўз хизмат вазифаларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Молия вазирлигининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари талабларини қатъий ва сўзсиз бажаришга қаратилган жавобгарлигини кучайтириш чораларини қўриши лозим;

в) куйидагиларни:

- ғазначилик операцияларини амалга ошириш жараёнида ички назоратни ҳамда таваккалчилик, тартиб бузилиш ва камчиликларни минималлаштириш, тезкор аниклаш ва бартараф этиш бўйича мавжуд механизмни мустаҳкамлашни;
- ҳодимларининг малакаларини доимий оширишни;
- Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари ҳамда туман ва шаҳар Ғазначилик бўлинмаларининг фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминлаш лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармалари бошлиқлари, туман ва шаҳар Ғазначилик бўлинмалари раҳбарлари ўз ҳодимлари томонидан Давлат бюджети ғазна ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъий ва сўзсиз риоя қилиниши юзасидан шахсан жавобгар еканлиги белгиланиши лозим.

10. Молия вазирлигининг Ғазначилиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармалари, туман ва шаҳар Ғазначилик бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жорий молия йилида бюджет муассасаларининг биринчи даражали

харажатлари тұловини амалға оширишнинг қуидаги кетма-кетлигини таъминлаш лозим:

- иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар (ЯИТ), ижтимоий нафақалар, пенсия ва стипендиялар;
- озиқ-овқат, дори-дармон;
- коммунал хизмат харажатлари, ёқилғи ва бошқа ЃММлари;
- капитал құйилмалар;
- бошқа харажатлар.

Ғазначилик ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиги миқдори:

- тегишли бюджет бүйича И ва ИИ гурұх харажатларини тұлаш учун маблағларга бұлған талабни тұлиқ қоплаган тақдирда, ИИИ гурұх харажатларини, шунингдек, И ва ИИ гурұх харажатларини тұлиқ амалға ошириб бұлған бюджетдан маблағ олувчиларнинг ИВ гурұх харажатларини амалға оширишга рухсат берилади;
- озиқ-овқат харажатларини тұланмаган қисмидан ошган тақдирда дори-дармон харажатларини (худди шундай бошқа турдаги харажатлар бүйича ҳам) қолдикдан ошган қисми доирасида амалға оширишга рухсат берилади.

Бунда, бюджет ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия идоралари билан келишганса болса ИВ гурұх харажатлари учун күзда тутилған маблағлар ҳисобидан мавсумий ва фавқулодда тадбирларни (биринчи синф үқувчилари учун үқув қуроллари, кам таъминланған оиласар фарзандлари учун қишки кийим-бош, епидемиологияға қарши, дезинфексион ва бошқа тадбирлар) тезкор молиялаштиришни амалға оширишлари мүмкін.

11. Давлат бюджети бош бошқармаси ва Ҳудудлар молияси бош бошқармаси маҳаллий бюджетларнинг бириңчи даражали харажатларини үз вақтида молиялаштириш мақсадида, республика бюджетидан бюджет субвенцияси ва үтказиб бериладиган даромадларни белгиланған чораклик режа доирасида:

- иш ҳақи (хар ойнинг 1-5 санасида 60% миқдорида ва 15-20 санасида 40% миқдорида);
- ягона ижтимоий тўлов (хар ойнинг 1-5 санасида);
- ижтимоий нафақалар тўлови (хар ойнинг 1-25 санасида) харажатлари учун молиялаштирилишини амалга оширишлари лозим.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, туман (шаҳар) молия бўлими раҳбарлари Республика китоб жамғармаси хисобидан жорий ўқув йилида умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан ўз вақтида тўлиқ таъминланиши, шунингдек, дарсликларни ижарага беришдан тушадиган тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тушишининг доимий назоратини таъминлашлари лозим.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари, бюджет ижроси мониторинги ва таҳлили натижалари асосида, шунингдек, биринчи даражали харажатларни (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ягона ижтимоий тўлов, ижтимоий нафақалар) сўзсиз молиялаштириш (тўлаш) заруриятини хисобга олган ҳолда бюджет субвенциялари ва бюджет ссудаларини (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса фарқини қоплашга) маҳаллий туман (шаҳар) бюджетларига ажратишлари лозим.

14. Худудлар молияси бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тармоқларни молиялаштирувчи тегишли бошқармалари билан биргаликда йил давомида маҳаллий бюджетлар харажатларининг тўғри тақсимланиши, бюджет ташкилотлари харажат сметалари ва штат жадвалларини тўғри тузилиши ҳамда рўйхатдан ўтказилиши юзасидан текширишлар ташкил этилишини таъминлашлари лозим.

15. Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари:

- молия, ғазначилик идоралари ва бюджет ташкилотларида бюджет ижроси бўйича қонунчилик талаблари бажарилишини таъминланиши устидан ҳар томонлама, кучайтирилган ва таъсирчан назорат ўрнатишни таъминлаши лозим;
- белгиланган муддатда молия идораларида бюджет ташкилотлари штатлар жадвали ва харажатлар сметасини рўйхатдан ўtkазилиши ўз муддатида ва белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилиши юзасидан текширишлар ўtkазишлари лозим. Бунда, харажатларни асоссиз марказлаштириш, харажатлар ва штатларни ортиқча режалаштириш, лавозим разрядларини юкори қўллаш каби ҳолатларга, шунингдек, хизмат автомобилларини сақлаш учун ҳамда бюджет ташкилотлари томонидан жорий йил якуни бўйича иқтисод қилинган ҳамда ривожлантириш жамғармасига ўtkазилган харажат турлари бўйича маблағлар режалаштирилиши асослилигига алоҳида еътибор қаратишлари лозим;
- ҳар 10 кунда текширишлар жараёнида аниқланган камчиликлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига ахборот тақдим этилиши лозим;
- биринчи даражали харажатларни, шу жумладан иш ҳақи ва барча турдаги ижтимоий нафақаларни ўз вақтида молиялаштирилиши, шунингдек, уларни накд пул билан таъминланиши устидан назоратни кучайтириш лозим.

16. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия, шунингдек, худудий назорат-тафтиш бошқармалари бошлиқларини қайта текшириш вақтида смета-штат интизомига амал қилмаслик ёки ушбу ҳолатларни яшириш, бюджет маблағларини мақсадсиз ва ноўрин харажат қилиш, камомад ва ўзлаштиришларга йул қўйиш ҳолатлар аниқланса, уларга нисбатан

қонунчилиқда күзда тутилган чоралар күрилиши тұғрисида огохлантирилишлари лозим.

10.2. Бюджет ташкилотлари молия-хұжалик фаолиятини тафтиш этиш амалиёти

Тафтиш молиявий назоратни үзининг максади ва объектлари нұқтаи назаридан ҳам, молия интизомини самарали таъминлай олиши жиҳатидан ҳам энг муҳим назорат усули ҳисобланади. Тафтиш – корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий-хұжалик фаолиятининг, шунингдек, молия органларининг бюджетни тузиш ва ижро этиш бүйича ишларининг үзаро боғланған текширувлари мажмуудир

Қонунчилиқда тафтишнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб құйилған. Хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назорати тұғрисидаги қонунига мувофиқ тафтиш хұжалик юритувчи субъектларнинг молия ва солик масалалари бүйича қонунчиликка риоя этишлари, солик органлари, давлат статистика органлари ва банкларга тақдим етиладиган ҳисоб юритиш ва ҳисоботлари тұғрилигини назорат этиш мақсадида уларнинг бухгалтерия, молиявий ва бошқа хужжатларини текширишдан иборатдир.

Тафтиш ёрдамида давлат ва хұжалик органлари моддий, меңнат ва молиявий ресурслардан тұлық фойдаланғанлик тұғрисида, тафтиш қилинаётган корхона фаолиятининг ижобий ва салбий томонлари тұғрисида ишончли маълумот олади, бу эса үз навбатида оператив ва тұғри бошқарув қарорлари қабул қилинишига олиб келади. Тафтишнинг аҳамияти хұжалик фаолиятини юритишнинг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва тарғиб қилишда, қонунбазарлық ва сүйсізмолликларнинг олдини олишда, бюджет- солик интизомини тартибга солишда, молиявий ҳуқуқнинг англаш ҳисси пайдо бўлишига кўмаклашишда ҳам намоён бўлади

Молия вазирлиги хузурида Бош назорат-тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш

бошқармаси ва унинг худудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида “ти Қарорга асосан фаолият юритади.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишдир.

Бюджет ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этишдан мақсад:

- Бюджет ташкилотлари молия-бюджет интизоми бузилишларини олдини олиш;
- биринчи даражали маблағларни ўз вақтида берилишини таъминлаш;
- аниқланган камчиликларни яна юз бермаслик учун таклиф ва тавсиялар

бериш;

-бюджет маблағларини ўзлаштириш ва сунстеъмол қилинишини олдини олиш.

Тафтишнинг асосий вазифалари текширув объектига қараб фарқланади.

Тафтиш объектлари:

-давлат ва худудий ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг таркибий бўлинмалари;

-ишлаб чиқарувчи тижорат ва аксиядорлик корхоналари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар;

-бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ёки дотасия, субвенция, трансферт, ссуда кўринишида давлатдан ёрдам олувчи ҳар қандай мулк шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасалар;

-нодавлат жамоат ташкилотлари ва муассасалари;

-бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалар;

-давлат томонидан манзилли молиявий ёрдам, солиқлар тўлаш ва давлат томонидан бошқариладиган фаолиятни амалга ошириш борасидаги тадбиркорлик тузилмалари ва жисмоний шахсларнинг фаолияти.

Тафтишнинг асосий вазифалари:

-молиявий интизомга риоя қилиш;

-бюджет маблағларини тежамли ва мақсадли ишлатиш;


-бюджетнинг даромадлар базаси ва солиқлар йиғилишининг ўсиш имкониятларини аниқлаш;

-моддий ва молиявий ресурсларнинг сақланиши ва самарали ишлатилиши;

-бюджет жараёнининг ва сметали молиялаштиришнинг барча босқичлари ўз вақтида ва тўғри бажарилишини таъминлаш;

-бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тўғри юритилишини таъминлаш;

-хўжасизлик, исрофгарчилик ва бошқа турдаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш.



63-расм. Молия органларининг иш-фаолиятини тафтиш қилиш вақтида текшириладиган вазифалар

Бюджет муассасалари тафтиш қилинаётган вақтда смета белгилаш ҳисоб-китобларининг асосланганлиги, сметаларнинг ижроси ва маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, маблағларнинг тежамли сарфланиши ва сақланишини таъминлаш, молия-бюджет интизомига риоя этилиши, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш тұғрилиги, бюджетдан ташқари маҳсус маблағларни ҳосил қилиш ва уларни тұғри харажат қилиш қонунийлиги масалалари ва б. текширилади. Тафтиш үтказиш вақтида хұжалик бошқарувининг барча даражаларида күп томонлама фаолиятнинг текширилиши муносабати билан тафтиш турларини аник таснифлаш, тасниф белгиларини илмий асосланган ҳолда танлаш зарурати туғилади.

Тафтишини таснифлашнинг қуйидаги турлари ва белгилари мавжуд:

- тафтиш қилинаётган органларнинг идоравий мансублиги;
- тафтиш қилинаётган объект фаолиятини қамраб олиш даражаси;
- тафтишни үтказишнинг чуқурлиги;
- маълумотларни қамраб олиш даражаси;
- материалнинг хусусияти;
- тафтишни үтказиш режасига муносабат;
- бир хил хужжатларни текшириш тартиби.

Мазмуни бүйича тафтишлар хужжатли ва фактik тафтишларга бўлинади.

Хужжатли назорат бирламчи хужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва унга қўшимча ҳисоб-китоблар ва бошқалар асосида амалга оширилади. Унинг асосий усули хужжатларни формал ва арифметик текшириш;

- хужжатлар ва ёзувларнинг қарама-қарши текшируви;
- амалга оширилган хұжалик операцияларини юридик, иқтисодий ва молиявий баҳолаш;
- ялпи ва танлаб назорат қилиш;
- тескари ҳисоблаш усули;
- иқтисодий таҳлил усуллари (таққослаш, балансли боғлаш ва бошқалар);
- техник-иқтисодий ҳисоблар.

Хужжатли тафтишнинг йетакчи усули – хужжатларни формал ва арифметик текширишда бланклар ва ҳисоб регистрларининг аниқ тўлдирилиши, уларда зарур бўлган реквизитларнинг мавжудлиги ва суммалар ҳисобланади, яъни хужжатларнинг ва уларда акс еттирилган хўжалик операцияларининг тўғрилиги аниқланади. Тафтиш даврида формал-арифметик назоратдан сўнг ноаниқликлар ва операцияларнинг қонунийлигига шубҳа туғилиш ҳоллари ҳам юзага келиши мумкин. Шунда хужжатларнинг қарама-қарши текшируви амалга оширилади.

Бунда текширилаётган ташкилотнинг ҳужжатларидаги маълумотлар ушбу ташкилот хўжалик фаолиятига киришган бошқа ташкилотлардаги ҳужжатларнинг маълумотлари билан солиширилади.

Бюджет назоратида меъёрий текширув ҳужжатл тафтишнинг асосий и усуllibаридан биридир. Унинг асосий мағзи фактик харажатларни меъёрий (режада белгиланган) харажатлари билан солиширишдан иборатdir. Бу усул моддий ва пул меъёрларини, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини, жамланма тармоқ сметалари асосида харажатлар сметаларининг тузилишини, харажатлар моддалари бўйича харажатларни ҳисобдан чиқаришнинг тўғрилигини аниқлаш учун фойдаланилади.

Тескари ҳисоблаш усули тафтиш даврида корхона ҳисобида ва омборида мажуд бўлган маблағларни асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш мақсадида моддий ва молиявий харажатларни экспертиза усулида баҳолашга асосланади.

Юридик, иқтисодий ва молиявий нуқтаи назардан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларни баҳолаш, умумиқтисодий ва статистик таҳлил усуllibарни ва ўтказилган операсилярни ва тафтиш қилинаётган корхонанинг тафтиш давридаги фаолиятининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги, оқилоналиги ва самаралигини баҳолаш масалаларнинг бутун бир мажмуини қамраб олади. Хужжатли назоратнинг бу усули энг мураккаб ва ўта меҳнатталаб ҳисобланади, лекин

фақатгина тафтиш органи учун емас, балки биринчи навбатда (бозор иқтисодиёти ва рақобат шароитида) корхона ва ташкилотнинг ўзи учун муҳим ва зарурдир.⁵¹

Фактик тафтишда нафақат ҳужжатлар, балки пул маблағлари ва моддий бойликларнинг мавжудлиги ҳам текширилади.

Фактик назорат усулларига қуидагилар киради:

-товар-моддий захираларини ва пул маблағларини инвентаризация қилиш;
-мутахассислар томонидан бажарилган иш ва хизматларнинг фактик ҳажми ва сифатини, хом ашё, материал ва пул маблағлари ҳисобдан чиқарилишининг тўғрилигини, моддий ва пул маблағлари киrimини расмийлаштиришни экспертиза усулида баҳолаш;

- назорат ўлчови (экспертиза усулида баҳолашнинг таркибий қисми сифатида);
- бино ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини кўз билан кузатиб текшириш (масалан, мактабда иситилаётган майдоннинг назорат ўлчови ва бошқалар);
- меҳнат ва молиявий интизомга риоя қилинишини текшириш. Фактик назоратнинг муҳим жиҳати кутилмаганлик (тўсатдан амалга ошириш) бўлиб, у камчиликларни ва ташкилот молиявий-хўжалик фаолиятидаги қоидабузарликларни ўз вақтида аниқлашга ёрдам беришдан ташқари, пул маблағлари ва товар-моддий бойликларининг камомади ва ўзлаштирилишини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Белгилаш усулига кўра тафтишлар режали ва режадан ташқари бўлиши мумкин. Режали текширувлар икки йилда бир марта режа-графиклар асосида ўтказилади. Бундай текширувларни ўтказиш ва тасдиқланган режа-графикларга тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Республика Назорат органлари фаолиятини мувоффиклаштирувчи кенгашига тақдим етилади. Назорат органлари объектларни, улар фаолиятининг мезонлари ва ўзига хос томонлари ҳисобга олинган ҳолда, ишлаб чиқилган текширувлар режа-графигига киритиш учун уларни синчиклаб танлаб оладилар. Ушбу

⁵¹ Сирожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик ,Тошкент,2010й

таклифлар асосида текширувларнинг йиллик (чораклик) режа-графиклари, уларда комплекс текширувлар ажаратилган ҳолда, ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Режадан ташқари текширувлар (жумладан қисқа муддатли текширувлар) назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорат этиш тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига мувофиқ равишда қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларидан келиб чиқсан ҳолда текширувларни ўтказиш зарурати туғилганида. Бунда, агар Ҳукумат қарорида текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг номи аниқ белгиланган бўлса, Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясидан розилик олиш талаб қилинмайди;

- назорат органига хўжалик юритувчи субъектнинг қонунларни ёки қонучиликнинг бошқа хужжатларини бузганлиги фактлари тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушган ҳолда. Корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган, тартиббузарлик фактлари аниқ асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолда қўрсатилган маълумотлар қўшимча маълумотлар бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- фавқулодда ҳодисалар юзага келишининг олдини олишда;

- санитария-епидемиология шароитлари ёмонлашганида ҳамда қўшни давлатлардан юкумли касалликлар олиб келиниши ва тарқалиш еҳтимоли юзага келган ҳолларда.

Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ва унинг вилоятлардаги комиссиялари ишчи органлари тақдим етилган буюртмаларга асосан тегишли назорат органлари билан биргаликда мазкур текширувларнинг асосланганлигини ўрганиб чиқади, мувофиқ равишда Кенгаш ва унинг вилоят комиссияларига тегишли ўзgartиришлар киритади, улар эса, режадан ташқари текширувни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қиласди.

Режадан ташқари текширувни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисидаги қарор, ариза келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафталик муддатдан

кечикирилмаган ҳолда қабул қилинади ва қарор ёки хат шаклида расмийлаштирилиб, мувофиқ ҳолда Кенгаш раиси (ёки унинг топшириги бўйича ўринbosари) ёки вилоят комиссияси раиси томонидан имзоланади ҳамда назорат етувчи органга жўнатилади.

Санитария-епидемиология шароитлари ёмонлашганида ҳамда қўшни давлатлардан юкумли касалликлар олиб келиниши ва тарқалиш еҳтимоли юзага келган ҳоллар билан боғлиқ равишда режадан ташқари текширувларни ўтказиш тўғрисидаги қарор санитария ва экологик назорат органлари томонидан қилинган мурожаат асосли бўлган тақдирда текширув ўтказиш учун буюртма тушган куннинг ўзида зудлик билан қабул қилинади.

Тафтишларни назорат дастури мазмуни бўйича таснифлаш биринчи даражали аҳамиятга егадир. Бу белги бўйича тафтишлар комплекс (ялпи) ва мавзувий тафтишларга бўлинади.

Комплекс тафтишлар айниқса кенг тарқалган ва самарали бўлиб, бунда тафтиш етилаётган корхона (ташкилот) фаолиятининг барча жабҳалари ва томонлари текширилади.

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти, молиявий-иктисодий кўрсаткичлар, технологиялар ва товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш билан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг бутлиги ва ишлатилиш самарадорлиги, бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ва ҳисботнинг ишончлилиги, солиқ ва молия интизомига риоя қилиниши ва бошқа масалалар тафтиш қилинади. Зарурат ҳолда маҳсус масалаларни текшириш учун тегишли мутахассислар: муҳандислар, технологлар, менежерлар ва бошқалар жалб етилади. Бу назорат объектини тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга оширишга ва тафтиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Айни бир масалаларни ўрганиш навбатига қараб тафтишлар дастлабки ва қайта бўлади. Дастлабки тафтиш режага биноан биринчи навбатда ўтказилаётган тафтишdir.



**Тафтиш қилинувчи
органларниң расындағы тафтиш нурлари**
таалуқлигига күра

Назоратга ва тафтишга оид нашр етилген адабиётларда комплекс тафтиш түшунчесининг турли талқинлари учраб, улар унинг самарадорлығы ва афзаликтерини

**Тафтишнинг камровлигига
бахолашга қарши қуийлган.** Муаллифларнинг күрчилги бу тафтишни үтказиша

турли касбдаги мутахассислар иштирок этишни мезон деб ҳисобладилар. Бизнинг Республика из қонунчилиги бўйича бундай мезон бир вақтда икки ва ундан

ортиқ назорат органлари томонидан тафтиш үтказилиши ҳисобланади.

Маълумотлардан фойдаланиш

Тафтишнинг аниқ вазифалари ҳамда тафтиш қилинаётган муассасаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган, олдинда турган ишлар ҳажмини ҳисобга

олган холда белгиланади.

Материалнинг характерига

Бюджет ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этишни режалаштириш ва ташкил қилиш тартиби:

-тафтиш үтказиш учун назорат органи буйруғи ва бир марталик текшириш

Режалаштириш тартиби мавжудлиги;

-текширувчининг шахстни тасдиқловчи ҳужжатлари мавжудлиги;

-назорат органи томонидан тасдиқланган тафтиш дастурини мавжудлиги;

-ушбу мавжуд ҳужжатлар билан корхона раҳбарини таништириш;

Бир обьектни тақрор (қайта)

-тафтиш дастурий асосида кўрсатилган хар бир саволлар бўйича текшириш

муддатини белгилаб олиш;

-ташкилотнинг моддий жавобгар шахслар билан танишиш ва уларга тегишли

кўрсатмалар бериш ;

-тафтиш қамраб оладиган муддат бўйича бюджет ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятига тегишли бўлган барча ҳужжатларни талаб қилиш ва уни тафтишчи учун ажратилган хонага олиб кириш.

Касса операцияларини тўғри юритилишини текшириш

Кассага нақд пулларни киримини текшириш:

-чек дафтарчаси билан касса китобини солиштириб текшириш;

- касса китоби билан касса ҳисботини таққослаб текшириш;
- чек дафтарчаси билан касса кирим ордерларидаги имзолар мавжудлигини текшириш;
- чек дафтарчаси билан касса кирим ордерларидаги кўрсатилган мақсадларнинг мослигини текшириш;
- касса китобидаги кирим қилинган нақд пулларни жамисини бирламчи ҳужжатларга мослигини текшириш;
- кассага маҳсулот сотиш ва хизматлардан тушган маблағларни кирим қилиниш асосини текшириш;
- кассага кирим қилинган маблағларни бош китоб ва баланс билан мослигини текшириш.

Кассага нақд пулларни чиқимини текшириш:

- касса китобидаги суммаларни қўшиб чиқиб жамисини тўғрилигини текшириш;
- касса чиқим ордерларини мавжудлигини ва имзоланганилигини текшириш;
- касса чиқим ордери билан тўлов қайдномалари суммаларини бир-бирига мослигини текшириш;
- тўлов қайдномалари мавжудлиги ва имзоланганилигини текшириш;
- тўлов қайдномадаги суммаларини қўшиб чиқиб жамисини тўғри келишини текшириш;
- тўлов қайдномада кўрсатилган мақсадларини ва суммаларини берилиши асосини текшириш;
- нақд пулларни кирим қилинишида кўрсатилган мақсадлар бўйича чиқим қилинишини текшириш;
- кассага маҳсулот сотиш ва хизматлардан тушган маблағларнинг банкга тўлиқ ва ўз вақтида топширилишини текшириш;
- кассадан чиқим қилинган маблағлар бўйича бухгалтерия праводкасининг тўғри берилишини текшириш;

-кассадан чиқим қилинган маблағларнинг бош китоб ва баланс билан мослигин текшириш;

-кассадаги мавжуд нақд пулларнинг саноқдан ўтказиш.

Тафтишлар ва текширувлар ўтказиш муддати чегараси 30 қун микдорида белгиланган.

Тафтишни ўтказишида дастурга биноан тафтишнинг асосий масалалари рўйхати аниқланади, у назорат-тафтиш органининг раҳбари томонидан тасдиқланади. Тафтиш дастурида тафтиш обьекти ва ўтказиладиган даври қайд етилади. Тафтиш дастури тузилишидан олдин тайёргарлик даври бўлиб, унда тафтиш иштирокчилари тафтиш қилиниши режалаштирилаётган ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий хужжатлар, ҳисботлар, статистик маълумотлар ва бошқа маълумотларни ўрганишлари мажбурийдир.

Ташкилот молиявий-хўжалик фаолиятининг тафтишини ўтказишида таъсис, рўйхатдан ўтказиш, режа, ҳисбот, бухгалтерия ва бошқа хужжатларни шакл ва мазмун жиҳатидан текшириш молия-хўжалик операцияларининг қонунийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаш учун амалга оширилади. Бунда бланкаларни тўлдиришида аниқлик назорат қилинади, барча зарур реквизитларнинг мавжудлиги текширилади, ҳисбот кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобининг бирламчи кўрсаткичлари билан таққосланади, бирламчи хужжатларнинг арифметик текшируви амалга оширилади, амалга оширилган операцияларнинг бошланғич хужжатларга мослиги, шу жумладан, пул маблағлари, моддий бойликлар, тугалланиши яқин қолган ишлар ва хизматлар бўйича маблағларни олиш назорат қилинади.

Тафтиш гурухи иштирокчилари текширув дастуридан келиб чиқиб у ёки бу тафтиш фаолияти, усуллари ва методларини кўллаш имкониятлари ва заруратини аниқлайдилар. Бундан ташқари ахборот олиш усуллари, таҳлил тадбирлари, жами маълумотлардан далил бўла оладиганларини ажратиб олиш масалалари ҳал етилади.

Тафтиш натижасида аниқланган молия интизомини бузишлар ва ишдаги камчиликлар тўғрисида далолатнома тузилиб, унга гурух раҳбари, текширилаётган муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи имзо чекадилар.

Далолатнома тафтиш давомида аниқланган барча камчиликлар ва қонунбузарликларни акс еттирувчи асосий ҳужжат бўлиб, унинг асосида тафтиш қилинган ташкилотнинг фаолияти тўғрисида хulosалар чиқарилади, тегишли молиявий, маъмурий-ҳуқуқий қарорлар қабул қилинади. Унга қўйиладиган асосий талаблар – объективлик, аниқлик ва равонлик.

Тафтиш далолатномаси уч қисмдан иборат: кириш (муқаддима), тавсифий (асосий) ва якуний қисм (хulosса).

Далолатноманинг кириш қисми таркиби: тафтиш мавзусининг номи; тафтиш далолатномасининг тузилиш вақти ва жойи; тафтиш ким томонидан ва нима асосида ўтказилганлиги; текширув даври ва тафтиш ўтказиладиган муддат; ташкилотнинг тўлиқ номи; юқори туруувчи ташкилотнинг номи; кредит муассасаларида очилган барча ҳисоб рақамларининг ҳамда ғазначиликда очилган шахсий ҳисоб варакларнинг рўйхати ва реквизитлари; текширилаётган даврда ким биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлганлиги ва ким бош бухгалтер бўлганлиги, аввалги тафтиш ким томонидан ва қачон ўтказилганлиги ва унинг натижалари бўйича қандай чоралар кўрилгани ҳақида маълумотлар.

Тафтиш далолатномасининг тавсифий қисми тафтиш дастурида кўрсатилган саволларга жавоблар тизимли равишда ва олдинма-кетин ёритилган матндан иборат.

Далолатномани тузишда объективлик ва асослилик шартларига риоя қилиниши, матн аниқ, лўнда, содда ва изчил баён қилиниши лозим.

Тафтиш натижалари ҳужжатлар, қарама-қарши текширувларнинг натижалари, экспертиза маълумотлари ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар ва фактлар асосида далолатномада ёритилади.

Конунбузарлик фактларининг тавсифи қўйидаги ахборотни ўз ичига олиши шарт: қайси конун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилган; қонунбузарликлар ва камчиликлар ким томонидан, қайси даврда амалга оширилган ва улар нимада намоён бўлган; келтирилган заарнинг ҳужжат билан исботланган суммаси.

Далолатнома бўйича эътиroz ёки бошқа фикрлар юзага келган ҳолда, уни имзолаган раҳбар ва бош бухгалтер имзо ёнида ўз фикри, қўшимча тушунтиришини ёзишади ҳамда далолатнома имзоланган кундан бошлаб беш кундан кечиктирилмаган ҳолда ёзма равишда тушунтириш хатини тақдим этишади.

Далолатнома бўйича текширилаётган ташкилотнинг тафтиш билан аниқланган фактларида бевосита айбдор деб ҳисобланган бошқа мансабдор шахслари ҳам, зарур бўлган ҳолларда эса, ушбу ташкилотда илгари ишлаб кетган раҳбар ва бош ҳисобчи ҳам *(аниқланган тартибузарлик улар ишлаган даврга тегишли бўлса) тушунтириш хати берадилар. Тушунтириш хатларида баён етилган фактларнинг тўғрилиги текширилиши ва улар бўйича ёзма равишда хулоса берилиши керак.

Аниқланган фактлар бўйича тартибузарларни бартараф этиш юзасидан, тафтиш муддати тугашини кутмасдан, зудлик билан қарор қабул қилиш ёки сусистеъмолликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш зарур, бунда алоҳида далолатнома тузилади, мансабдор шахслар эса, аниқланган фактлар бўйича зарур бўлган тушунтириш хатларини беришлари шарт.⁵²

Оралиқ далолатномалар кассаларни тафтиш қилиш натижалари бўйича ҳам тузилади. Бу далолатномалар текширувчилар ва тегишли мансабдор шахслар ҳамда пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сақланиши учун масъул бўлган моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади. Оралиқ далолатноманинг бир нусхаси текширилаётган ташкилотнинг далолатномага имзо чеккан мансабдор шахсига берилади. Оралиқ далолатномада баён етилган фактлар тафтиш умумий далолатномасига киритилади.

Тафтиш далолатномаси баёнида аниқланган фактлар қатъий ҳолисона бўлиши, тушунарли ва аниқлигига риоя этилиши шарт. Текширилаётган ташкилот молиявий фаолияти тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланмаган турли хулоса ва тахминлар

⁵² ЛИ А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳукуқи, дарслик, Т. 2006 йил

тафтиш далолатномасига киритилишига рухсат берилмайди. Тафтиш натижалари ошкор етилиб, хўжалик юритувчи субъектлар ва муассасаларга улар ҳақида ахборот берилади.

Давлат молия интизоми бўйича жиддий тартиббузарликлар аниқланган ёки давлат маблағлари ўғирланган ҳамда бошқа сустеъмолликлар содир етилган ҳолларда, тафтиш материаллари тергов органларига топширилади ва айни вақтда тегишли орган раҳбари олдига жавобгар масъул шахсларнинг бундан кейин егаллаб турган лавозимларида қолиш-қолмаслигини кўриб чиқиш тўғрисидаги масала қўйилади.

Назорат учун саволлар:

1. Молия органларида назорат-иқтисодий ишларни ташкил этишни айтиб беринг ва тавсифланг.
2. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг ҳудудий иқтисодиётнинг ҳолатига боғлиқлигини тушунтиринг.
3. Бюджет истиқболини белгилашнинг мазмуни, вазифалари ва аҳамиятини айтинг.
4. Бюджетни режалаштириш асослари. Бюджет истиқболини белгилашни амалга оширувчи органлар, улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг моҳиятини тушунтиринг.
5. Бюджет назоратининг мазмуни ва аҳамияти қандай?
6. Бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазифаси ва функцияларини тушунтириб беринг.
7. Бюджет ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишдан мақсад нима?
8. Бюджет ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятини тафтиш ўтказиш босқичларини айтинг.
9. Тафтиш ўтказиш тартиби қандай?
10. Тафтиш натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштиришни тушунтиринг.

ХИ боб. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

11.1. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасининг моҳияти ва аҳамияти

Давлат бюджетидан харажатлар тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида ва ташкилотларнинг харажатлар сметасида кўрсатилган мақсадлар учун амалга оширилади.

Харажатлар сметаси - ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкилотлар учун харажатлар моддалари бўйича кўзда тутилган учун бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс еттирилади.

Соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот муассасалари, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва айrim бошқа муассасалар ва ташкилотлар смета тартибида молияланади.

Харажатлар сметаси асосида молиялашнинг муҳим тамойили бюджет ташкилотлари томонидан тармоқ, штат ва контингент бўйича режани бажариш даражаси хамда илгари берилган маблағларнинг амалдаги фойдаланилиши ҳисобга олинган ҳолда уларга маблағлар берилиши ҳисобланади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган ва харажатларни қоплаш бюджетдан ажратилган маблағлардан ташқари бошқа даромад манбалари мавжуд бўлган ташкилотлар ҳам бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни тузадилар.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета - ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш юналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс еттирилади.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тайинланиши ва тўловларни аниқ турларини ифодалайдиган қисми харажатлар моддасидир.

Вақтинчалик харажатлар сметаси - ташкилотларнинг харажатлар сметаси

тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи ҳужжат бўлиб, унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, қонунчиликка ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда аввалги молия йилининг охирги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорлардаги бюджетдан ажратилган маблағлар (харажатлар режаси) акс еттирилади.

№	Смета тuri	Иқтисодий мазмuni ва қўлланилиши
1	Индивидуал	Сог'лиқни сақлаш, та'лим, ижтимоий та'минот, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари муассасаларида қўлланади. Индивидуал смета харажатлар сметалари
2	Умумий	Туман, шаҳар, шаҳарга қарашли туманлар бюджетлари ҳисобида бўлган ва марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар бўйича айrim ҳолларда харажатларнинг умумий сметалари тузилиши мумкин. Улар қўйидаги ташкилотлар харажатлари учун тузилади: а) бир турдаги кичик бюджет ташкилотлари б) бир турдаги йирик бюджет ташкилотларига – уларга хўжалик хизмати кўрсатиш хўжалик хизмати кўрсатишнинг маҳсус гуруҳлари орқали марказлаштирилган равишда амалга оширилаётган бўлса; в) тегишли ҳокимиятлар ва уларнинг бўлимлари аппаратини
3	Марказлаштирилган тадбирлар учун мўлжалланган	Марказлаштирилган тадбирлар учун харажатлар сметалари мувофиқ равишда вазирликлар, идоралар, ҳокимиятлар бошқармалари бўлимлари томонидан
4	Жамлама	Жамлама сметалар индивидуал ва умумий сметалар ҳамда марказлаштирилган тадбирлар учун харажатлар сметалари тўрланган ягона молиявий-режа ҳужжатидан иборат

65-расм. Харажатлар сметаси турлари

Давлат бюджетидан маблағ оладиган ташкилотда тасдиқланган харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар мавжуд бўлганда эса, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини молиялашнинг янги тартиби амалга киритилган бўлиб, у маҳсус меъёрий ҳужжатда мустаҳкамлаб берилган.

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялашнинг янги тартиби Давлат бюджети хисобидан молияланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан аниқ белгиланган юналиш бўйича самарали фойдаланиш мақсадида ўрнатилган бўлиб, қуидагиларни кўзда тутади:

- бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш, бюджет маблағларини тежаб, самарали ва аниқ белгиланган мақсадда ишлатилиши ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун масъулиятини ошириш;

- бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини соддалаштириш ва мавжуд маблағлардан фойдаланишда энг кўп натижаларга еришиш мақсадида уларни тўғри юналтириш имкониятларини яратиш;

- фаолият турларига караб, нормативлар бўйича бир сатр билан молиялаш, чегараланган ажратилган маблағларни иш ҳақи ва унга tengлаштирилган тўловлар учун гурухларга ажратиб, иш ҳақи, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар учун ҳисоблаб, бюджет ташкилотларини молиялашнинг янги тартибини жорий этиш;

- бюджетдан молиялашни ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва бюджет ташкилотларининг фаолияти юналиши бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш билан биргаликда олиб бориш;

- бюджет ташкилотлари ҳодимларининг меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш.

Бюджет ташкилотларини молиялаш тегишли молия йили учун тасдиқланган бюджет параметрлари ҳамда бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига мувофиқ равишда, бюджетни ижро этиш жараёнида рўйхат ва харажатлар сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, тузилган бюджет харажатларининг йиллик рўйхатини чораклар бўйича тақсимлаш юли билан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларини Давлат бюджети ҳисобидан янги тартибда молиялаш фаолият юналиши турларига қараб, нормативлар бўйича харажатларнинг қуидаги грухлари бўйича бир сатрда молиялаш усули билан амалга оширилади:

И. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар (болали оиласларга бериладиган нафақалар, кам таъминланган оиласларга - моддий ёрдам, стипендиялар ва б.);

ИИ. Иш ҳақига ҳисоблаб, ёзиладиган харажатлар;

ИИИ. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестицион дастурида кўзда тутилган адресс рўйхатларга мувофиқ);

ИВ. Бошқа харажатлар.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ биринчи навбатда бюджет ташкилотларининг И ва ИИ грухлар бўйича харажатлари молияланади. Бунда И грух харажатларини, ИИ грух бўйича тегишли маблағларни ажратмасдан туриб, амалга ошириш тақиқланади.

Республика ва маҳаллий бюджетлардан И ва ИИ грухлар бўйича харажатларни молиялаш ҳар ойда сметалар ва харажатлар рўйхатига мувофиқ равишда, уларга киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда, амалга оширилади. Айни вақтда олдинги ҳисботот йили учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилиши ҳам ҳисобга олинади.

ИИИ грух харажатларини молиялаш бюджет ташкилотлари томонидан жорий молия йили учун Республика инвестицион дастурида белгиланган лимитлар доирасида амалга оширилади.

ИВ гурух “Бошқа харажатлар” бўйича белгиланган лимитлар доирасида ажратилган молиявий маблағларни харажат қилиш қўйидаги навбатга риоя етилган ҳолда амалга оширилади: 1) овқатланиш; 2) дори-дармонлар; 3) коммунал хизматлар; 4) бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг худудий молия ташкилотлари билан келишув бўйича ИВ гурух маблағлари ҳисобидан мавсумий ва шошилинч тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактабга керак нарсалар, кам таъминланган оилалар болалари учун қишки кийим сотиб олиш, епидемияга қарши, дезинфексион ва бошқа тадбирлар)ни молиялаш учун оператив харажатлар қилиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган харажатлар гурӯҳи ҳисобидан автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари (махсус транспортдан ташқари), уяли телефонлар ва бошқа предметлар (импорт офис мебели, аудио- ва видеотехника⁵³) сотиб олишга фақат

	Харажат тури
И гурух	Иш ҳақи ва унга tengлаштирилган tўловлар
ИИгурух	Иш ҳақига ҳисоблаб ёзилган қўшимчалар
ИИИгурух	Каритал қўйилмалар
ИВгурух	Бошқа харажатлар

66-расм. Харажатлар сметасининг гуруҳлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолдагина йул қўйилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотлари ҳисобваракларида қолган, тежалган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни молиялаш учун кўзда тутилган маблағлардан ташқари) ҳисбот чораги охирги иш куни тугаётганида олиб қўйилмайди. Улар Бюджет ташкилотини ривожлантириш

⁵³ ўқув, илмий ва тиббий жараёнларда фойдаланиладиган жихозлар ва шу турдаги техника воситаларилан ташқари.

фонди ҳисобига ўтказилади ва белгиланган тартибда сарфланади. Бюджет ташкилотларини кейинги чоракка молиялаш ҳажми ҳисобот чорагида тежалган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари суммаси миқдорида камайтирилмайди.

Ташкилотлар, агарда қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мустақил равишда харажатлар сметасини, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани, шунингдек, штатлар жадвалини тасдиқланган ташкилий тузилма, штат бирликлари, намунавий штатлар ва бюджетдан молиялаштириш меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятлар уларга берилган тегишли хуқуқ ва ваколатлар доирасидаги қарорлари ва фармойишларида кўзда тутилган харажатлар киритилади.

Харажатлар сметаси ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета бир йиллик муддатга - 1 январдан 31 декабрни ҳам қўшган ҳолда, мавсумий ёки жорий йилда ишга тушириладиган ташкилотлар бўйича эса, уларнинг мазкур молия йилидаги фаолият кўрсатиши муддатига тузилади ва амал қиласи.

Агар келгуси молия йили учун Давлат бюджети йил бошлангунга қадар қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда Давлат бюджети қабул қилингунга қадар бўлган даврда харажатлар ташкилотлар томонидан вақтинчалик харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

Харажатлар сметасини, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметани тузишида меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари, товарлар (ишлар, хизматлар) нархи ва тарифлари қуидагича ҳисобга олинади:

-мавсумий ташкилотлар ёки жорий йилда ишга туширилган ташкилотлар бўйича - ушбу ташкилотнинг фаолият кўрсатиши бошланган ойнинг биринчи санаси ҳолатига;

-қолган ташкилотлар бўйича - мазкур сметалар тузилаётган тегишли

йилнинг 1 январига бўлган амалдаги шартларда.

Бюджет ижроси жараёнида юзага келадиган барча қўшимча харажатларга ташкилотларнинг харажатлар сметаларига қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиб борилади.

Ташкилотларнинг харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаси, вақтингчалик харажатлар сметаси, шунингдек, штатлар жадвали, қоида тариқасида, минг сўмда тузилади.

Харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ харажатлар гурӯҳлари бўйича, 4 гурӯх харажатларининг тўлиқ ёйилмасини ва ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолдаги илова билан биргаликда тузилади.

Илова харажатлар сметасининг ажралмас қисми бўлиб, сметасининг прогноз ҳисоб-китобларини асослайди ва ҳисбот тузиш мақсадида фойдаланилади.

Харажатлар сметасини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига бўйсунувчи ташкилотларга тегишли халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг бюджетни тузиш тартиби ва муддати тўғрисидаги қароридан ва молия органининг ушбу масала бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида кўрсатмалар берадилар.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда тегишли ҳодимлари кенгашини чақирадилар ва харажатлар сметасини тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида йул-юриклар кўрсатадилар, уларга ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига ва уларга харажатлар сметасини тузиш масалалари бўйича қонунчилик талабларини тушунирадилар, бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ҳисоб-китобларини албатта қонунчиликка мувофиқ келиши, харажат қилишда молия интизомига, иқтисод қилиш тартибига риоя қилиш ҳақида кўрсатмалар

берадилар, шунингдек, харажатлар сметасини тузиш ҳамда бланкаларни тұлдириш техникаси масалалари бўйича йул-юриқлар кўрсатадилар.

Бир вақтнинг ўзида ўзларига қарашли ташкилотларга ижтимоий ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида (синфлар, ўкувчилар, болалар, шифохоналарда жой-кунлар, бола-кунлар сони ва бошқалар) келгуси йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ёзма равища хабар қиласидилар.

Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқиш маблағларга бўлган еҳтиёжга мувофиқ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларини ва иқтисод қилишнинг қатъий тартибини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши шарт.

11.2. Харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни назорати

Харажатлар сметасини тузиша қуйидагиларга амал қилиш керак:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли ҳокимиятларнинг уларга берилган ҳукуқ ва ваколатлар доирасида қабул қилинган қарор ва фармойишларига;

-бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар меъёрларига;

-товар ва хизматларни давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолари ва тарифларига.

Жумладан:

-харажатлар сметасига иш ҳақи учун маблағлар қонунчилик билан белгиланган маошлари ва иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва меъёрларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Ишбай усул билан бажариладиган ишлар учун иш ҳақи харажатлар

сметасига бюджет йилига харажатлар сметасида кўзда тутилган иш ҳажмларидан келиб чиқиб киритилади;

-педагог ҳодимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишида, қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан ва ўқув режасига мувофиқ дафтар текшириш, синф раҳбарлиги ва бошқалар учун қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда тузилган тарификасиялардан келиб чиқилиши лозим;

-тибиёт ҳодимлари иш ҳақи учун маблағларни ажратишида, иш ҳақи ставкалари ва қонунчиликка мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда тузилган тибиёт ҳодимлари тарификасияларидан келиб чиқилиши лозим;

-олий ўқув юртидан кейинги таълимда таълим олувчиларни стипендия харажатлари белгиланган стипендиялар миқдори ва стипендия таъминоти тартибидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади;

-меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ белгиланган ставкаларда, қонунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиқсан ҳолда киритилади;

-иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича суғурта мукофотини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг барча ҳодимларининг ўтган йилги иш ҳақининг ҳақиқий харажатларидан келиб чиқсан ҳолда киритилади;

-хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар учун харажатлар лимитлар доирасида коммунал хизматлар учун баҳо ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

-телефон ва бошқа телекоммуникасия хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифларидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бунда, лимитдан ошиқ фойдаланилган шаҳарлараро (давлатлараро) сўзлашувлар учун алоқа хизматлари, интернет бўйича хизматлар ва бошқа алоқа хизматлари харажатлари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида тегишли

молия органлари билан келишилган ҳолда ўзларининг фаолият хусусиятларидан ва ушбу хизматларга бўлган талабдан келиб чиқиб кўзда тутилади;

-даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий соҳа муассасаларида овқатланишга кетадиган харажатлар ташкилотларнинг ҳар бир тури учун тасдиқланган овқатланиш кунининг ўртача йиллик сонидан ва натурал меъёрларидан келиб чиқиб ҳисобланади;

-дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонунчиликда белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб:

-стационарларда - ҳар бир жой-кунга, шифохоналарда - шифокорга ҳар бир киришга белгиланади;

-ижтимоий-маданий ташкилотларни айрим гуруҳи учун кийим-кечак, поябзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг меъёрлари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади;

-сув, ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотларни сақлаш харажатлари уларнинг бажараётган иш меъёри ва ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади;

-инспекция ва қўриқлаш фаолияти билан боғлиқ хизматлар тўлови харажатлари ташкилотлар ва ушбу хизматларни йетказиб берувчилар ўртасидаги шартномага мувофиқ аниқланади;

-ташкилотларнинг бинолар, иншоотлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш, бинолар ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа давлат мулклари ижараси билан боғлиқ харажатлари белгиланган лимитлар ва натурал қўрсаткичлардан келиб чиқиб аниқланади;

-хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифаларидан, шунингдек, қонунчиликда белгиланган меъёрлардан келиб чиқкан ҳолда аниқланади;

-епизоотик касалликларга қарши тадбирлар ва қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига (чиғирткалар, тут парвонаси ва бошқалар) қарши курашиш билан боғлиқ харажатлар прогноз иш ҳажмлари ва кимёвий препаратларга бўлган

еҳтиёжлар, шунингдек, бажариладиган иш турларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.⁵⁴

Юкорида кўрсатилган харажатлар, шунингдек, Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича бошқа харажатларни аниқлашда бошқа кўрсаткичлар ва услублар қўлланиши мумкин, уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли молия органлари томонидан текширилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ва тегишли давлат бошқарув органлари (бош бўлинма сифатидаги бюджет ташкилоти) ҳузуридаги марказлаштирилган бухгалтериялар ва тегишли ҳокимиятларнинг бухгалтериялари томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилотлар бўйича қуидаги алоҳида ҳолларда жамланма харажатлар сметаси тузилиши мумкин:

-бир турдаги кичик ташкилотлар бўйича - ветеринар участкалар ва пунктлар ҳамда бошқа ташкилотлар бўйича;

-бир турдаги йирик ташкилотлар бўйича, қачонки уларга хўжалик хизматларини қўрсатиш хўжалик хизматларни кўрсатувчи маҳсус гурухлар орқали марказлаштирилган ҳолда амалга оширилса;

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича;

-озодликдан маҳрум етилган жойлардан қайтган шахсларга ижтимоий мослашув марказлари ҳамда вояга йетмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари бўйича.

Марказлаштирилган бухгалтериялар ташкил етилган тегишли давлат бошқарув органлари (бош ташкилотлар) раҳбарлари ва тегишли ҳудуд ҳокимлари (улар ваколат берган мансабдор шахслар) жамланма харажатлар сметаси бўйича бюджетдан ажратилган маблағларни тақсим қилувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Жамланма харажатлар сметаси, хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 29.10.2010 й. Н 92 “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида” бўйруғи

раҳбарларидан олинган буюртмалар асосида ҳамда марказлаштирилган бухгалтерияда мавжуд бўлган ҳисоб ва ҳисбот, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш кўрсаткичларига мувофиқ марказлаштирилган бухгалтерия томонидан тузилади.

Жамланма харажатлар сметасини тузиш учун буюртмалар ҳокимиятларнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари томонидан белгиланган шакллар ёки кўрсаткичлар рўйхати бўйича харажатларнинг гурухлари бўйича ва иловаларни ҳамда сметаларга қилинган ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда ташкилотлар томонидан тақдим қилинади.

Буюртмаларда қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

-иситиш, ёритиш, сув таъминоти харажатларини ҳисоблаш учун зарур натурал кўрсаткичлар;

- сотиб олиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва жихозлар рўйхати;

- капитал ва жорий таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхати;

- ўрмон хўжалиги ташкилотларининг бажарадиган ишлари ҳажми;

- қонунчиликка мувофиқ белгиланган кадастр юритиш бўйича ишлар ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар ҳисоби;

- бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатга киритиш учун ҳисоб-китобларнинг асосланганлиги;

- бюджетдан маблағлар ажратишни асослаш учун бошқа керакли ҳисоб-китоблар.

Ташкилотлар томонидан берилган буюртмалар марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида олдиндан кўриб чиқилади ҳамда жамланма харажатлар сметасини тузишда ҳисобга олинади.⁵⁵

Марказлаштирилган бухгалтерия томонидан тузилган жамланма харажатлар сметасининг лойиҳалари тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 29.10.2010 й. Н 92 “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида” бўйруғи

ва тасдиқланади.

Ташкилотларнинг харажатлар сметаси уч нусхада тузилиб, ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо хуқуқига эга шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо хуқуқига эга шахс), шунингдек, молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг:

биринчи нусхаси - ташкилотда қолади;

иккинчи нусхаси - тегишли молия органига тақдим қилинади;

учинчи нусхаси - юқори ташкилотта тақдим қилинади (зарур ҳолларда).

Тегишли молия органлари харажатлар сметасини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ташкилотларнинг харажатлар сметасини тузиш ва ижро этишнинг исталган босқичида уларнинг қўшимча ҳисоб-китобларини талаб қилишга ҳақли.

Марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг харажатлар сметаси ташкилотлар билан марказлаштирилган бухгалтериялар бош (катта) ҳисобчилари ёки иқтисодчилари иштирокида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари марказлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган харажатлар бўйича уларнинг ўзини сақлаш учун харажатлар сметасидан ташқари ташкилотнинг марказлаштирилган тадбирлари учун харажатлар сметасини тузадилар. Бунда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлаштирилган ҳолда бир неча тадбирлар (тизимдаги барча ташкилотлар бўйича қўриқлаш хизматини тўлаш, хизмат кийимини сотиб олиш, ягона ахборот-компьютер тизимига хизмат кўрсатиш, семинарлар ўтказиш ва бошқалар) бўйича харажатлар амалга оширилаётганда, харажатлар сметасига ҳар бир тўланадиган марказлаштирилган тадбирлар бўйича ҳисоб-китоблар илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари,

идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари, бўлимлари ва харажатлар сметаларини тасдиқлаш ҳукуқига эга бўлган бошқа ташкилотлар, “Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекс“га мувофиқ уларга йетказилган ажратилган маблағлар ҳажмлари, белгиланган тартибда режалаштирилган йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрлари доирасида ўз қарамоғидаги ташкилотларнинг келиб тушган харажатлар сметаларини синчиклаб кўриб чиқиши таъминлайдилар.


Ташкилотлар томонидан тақдим етилган харажатлар сметалари зарур ҳолларда тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади. Бунда, харажатлар сметаларини кўриб чиқувчи ташкилотлар қўйидагиларга мажбур:

- қонунчилик талабларига, шунингдек, келгуси йил сметаларини тузиш бўйича кўрсатмаларга қатъий амал қилишни таъминлаш;
- иқтисод қилиш тартибига амал қилган ҳолда харажатлар сметаларида талаб етилмайдиган тадбирлар учун маблағлар ажратишга йул қўймаслик;
- алоҳида тадбирларни ўтказиш муддатлари ва уларни молиялаштириш имконини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда харажатлар сметаси бўйича ажратилган маблағларни чорак (ой)ларга тақсимлашни таъминлаш;
- ҳисоб-китоблар ва асослантиришлар билан тасдиқланмаган суммаларни харажатлар сметаларида қабул қилишга йул қўймаслик.

Агар ташкилотларнинг харажатлар сметаларини кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирлиги, идораси бўйича, ҳокимиятнинг бошқарма, бўлими бўйича жами харажатлар суммаси ёки иш ҳақи, иш ҳақига ажратмалар, капитал қўйилмалар ва харажатларнинг бошқа турлари бўйича харажатлар суммаси қабул қилинган бюджет ва тегишли молия органлари томонидан уларга йетказилганига нисбатан ортиқ бўлса, вазирлик, идора, ҳокимиятнинг бошқарма ва бўлими раҳбари алоҳида ташкилотларнинг харажатлар сметалари бўйича харажатларини тегишинча қисқартириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари тақдим етилган материалларни жамланган харажатлар сметаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджети тасдиқланаётганда белгиланадиган умумий харажатлар ҳажмига, белгиланган иш ҳақи, иш берувчининг ажратмалари, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар турлари бўйича амал қилингандигини, шунингдек, Давлат бюджетини тузиш бўйича қонунчилик талабларининг бажарилиш нуқтаи назаридан и текширадилар.



67-расм. Харажатлар сметаларини кўриб чиқувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тасдиқланганидан кейин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари ташкилотларга уларнинг умумлаштирилган сметалари бўйича чораклар кесимидағи тақсимотини, шунингдек, иш ҳақига, иш берувчиларнинг ажратмаларига, капитал қўйилмаларга ва бошқа харажатлар суммасига бюджетда белгиланган энг юқори миқдорларини ажратиб кўрсатган ҳолда хабар берадилар.

Шаҳар молия бўлимлари бундан ташқари шаҳарга бўйсунадиган туман ҳокимиятларининг бўлимларига, юқорида кўрсатилган харажатларни Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияси томонидан тасдиқланган уларнинг бюджетлари ҳажмлари доирасида ажратиб кўрсатиб, хабар қиладилар.

Харажатлар сметасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки тегишли вилоятлар, шаҳарлар, туманлар Халқ депутатлари кенгашлари сессияларининг бюджет ҳақидағи қарори қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта муддат ичида (агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса) ва тегишли бюджетларда турувчи ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича бўлинган ҳолда амалга оширилади ҳамда сметаларни тасдиқлаган ташкилот раҳбари (ёки раҳбар ўринбосари) имзоси билан, тасдиқланган куни кўрсатилган ҳолда, шунингдек, ушбу ташкилотнинг муҳри сметанинг барча нусхаларига босилиб, бир пайтнинг ўзида харажатлар сметаси бўйича умумий суммасини юқори ўнг бурчагида штатдаги ҳодимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг умумий суммасини ажратиб кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари томонидан умумлаштирилган харажатларни ва алоҳида харажатлар сметаларини тасдиқланган бюджетга, шунингдек, бюджетни тузиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши текшириб кўрилади.

Алоҳида ва умумий харажатлар сметаларининг бир нусхаси вазирликлар, идоралар, тегишли ҳокимиятларнинг бошқармалари ва бўлимларида қатъий ҳисоб

хужжатлари тариқасида сақланади.

Вақтингчалик харажатлар сметаси харажатлар сметаси тасдиқлангунга қадар амалда бўлади, бунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасидаги биринчи чорак учун харажатлар суммаси ташкилотларнинг вақтингчалик харажатлар сметасида кўзда тутилган харажатлар суммасидан кам бўлиши мумкин емас.

11.3. Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалининг тасдиқланиши ҳамда рўйхатдан ўтказишнинг расмийлаштирилишини тўғрилигини текшириш

Юқори ташкилот молия органига харажатлар гурухлари бўйича харажатлар йиғма сметасини, харажатларнинг тўлиқ ёйилмасини ва харажатлар сметасига ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда, шунингдек, қарамоғидаги барча ташкилотлар бўйича эса, рўйхатдан ўтказиш учун қуидаги хужжатларни ҳам тақдим етади:

- Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг таснифига мувофиқ харажатлар гурухлари бўйича харажатлар ёйилмасини илова қилган ҳолда харажатлар сметасини;
- харажатлар сметасининг барча моддалари бўйича ҳисоб-китобларни;
- бюджет ҳисобидан сақланувчи лавозим ва тариф ставкалари бўйича штатлар жадвалини.

ўзининг таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмаларга эга бўлган ташкилотлар уларнинг рўйхатини жойлашган жойи, ҳодимлар сонини тасдиқланган штат ҳодимлари миқдоридан чиқмаган ҳолда тақдим етади.

Юқори ташкилот томонидан тақдим етилган харажатлар сметаларини ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш пайтида молия органлари қуидагиларни текшириши лозим:

бюджет ташкилотлари ҳодимларига иш ҳақи тўлови учун харажатлар сметаси бўйича тасдиқланган суммаларининг штатлар жадвали (бунда, харажатлар сметасидаги иш ҳақи жамғармаси, ҳодимлар тўлиқ тўлдирилмаганлиги туфайли меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси бўйича тежаб қолинган маблағлар

суммасига штатлар жадвалидагидан кам миқдорда тасдиқланиши мүмкінлигини күзда тутиш лозим) бұйича тасдиқланган иш ҳақи суммаларига мувофиқлиги;

-рўйхатдан ўтказиш учун тақдим етилган штатлар жадвалини белгиланган намунавий штатлар жадвали ва штатлар нормативларига мувофиқлиги;

-штатлар жадвалида белгиланган лавозимлар бұйича маошлар ҳамда уларга кўшимчаларнинг тўғри белгиланганлиги;

-бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳодимларини моддий рафбатлантириш маҳсус жамғармасининг тўғри ташкил қилиниши;

-умумтаълим, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг Директор жамғармаси тўғри ташкил қилиниши;

-харажатлар сметаси бұйича тасдиқланган стипендиялар учун харажатлар суммасини харажатлар сметаси бұйича ҳисоб-китобларга мувофиқлиги;

-“Бошқа харажатлар” гурухи харажатлари суммасининг харажатлар сметасида тасдиқланган суммасига мувофиқлиги.

Ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш пайтида молия органлари ўз ваколатлари доирасида ортиқча штатларни юқотишли лозим. Аниқланган камчиликлар бартараф етилганидан кейингина рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш лозим.

Янгидан ташкил қилинаётган (жумладан, қайта ташкил этиш натижасида) ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш ушбу ташкилотларни белгиланган тартибда ташкил қилиниши тўғрисидаги тегишли қарор кўрсатилганидан сўнг амалга оширилади.

Янгидан ташкил қилинаётган маҳаллий тасарруфдаги ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур ташкилотларнинг белгиланган тартибда ташкил қилиниши тўғрисидаги тасдиқловчи хужжатлар кўрсатилганидан сўнг амалга оширилади.

Ташкилотлар харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш юли билан расмийлаштирилади.

Рўйхатдан ўтказиш карточкаси юридик шахс мақомига эга бўлган

ташкilotларга берилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, бошқа ташкilotнинг тузилмавий бўлинмаси бўлган тузилмалар ўзлари қарашли бўлган ташкilotлар билан бирга битта рўйхатдан ўтказиш карточкаси бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Бунда, зарур ҳолларда рўйхатдан ўтказиш карточкасида штатлар бўйича кўрсаткичлар ташкilotлар ва уларнинг тузилмалари бўйича алоҳида берилади.

Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги хужжатлар (рўйхатдан ўтказиш карточкалари, сметалар ва штатлар жадвали) қуидаги тарзда: сметалар ва штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиладиган ташкilotлар бўйича - молия вазирининг ўринбосари, соҳаларни молиялаштирувчи бошқарма ва бўлим бошлиқлари томонидан, ҳудудий молия органларида - молия органлари бошлиқлари (мудирлари) ёки уларнинг ўринбосарлари хамда молия органлари бюджет бўлимлари бошлиқлари томонидан имзоланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида турувчи халқ таълими муассасалари (ташкilotлари) бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги хужжатлар молия органи бошлиғининг (мудирининг) ўринбосари - халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи ва молия органи бюджет бўлимининг тегишли мутахассиси томонидан имзоланади.

Ишлатилмай қолган жорий йилнинг ўтган ой (чорак) режадаги ажратилган маблағлар қолдиги жорий йилнинг кейинги ойи (чораги)га харажатлар сметасига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказилмасдан амалга оширилади.

Ташкilotлар бошқа шаҳар ёки тумандан белгиланган тартибда ўтказилган ҳолда юқори ташкilotлар раҳбарлари ўн кунлик муддатда янги жойлашган жойдаги молия органига аввал рўйхатдан ўтказилган смета, штатлар жадвали ва рўйхатдан ўтказиш карточкасини тақдим этишлари лозим.

Бир вақтнинг ўзида молия органи ташкilotларни сақлаш харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш бўйича маълумотларни олдинги рўйхатдан ўтказиш жойидаги молия органидан талаб қиласи ҳамда мазкур

маълумотлар олинганидан сўнг Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳисобининг журналига “ҳисобга қабул қилинди” деб ёзади. Бунда, рўйхатдан ўтказиш карточкаси тегишли ўзгартиришлар билан янгисига алмаштирилади.

Ташкилотлар раҳбарларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича аризалари мазкур ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилган ҳудудий молия органининг раҳбари томонидан ўн кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказган ҳудудий молия органининг қарори бўйича норозилик тўғрисидаги аризалар юқори молия органида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари қарори бўйича норозилик тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан кўриб чиқилади.

Бюджет интизомига риоя қилинишининг назорат этилишини таъминлаш мақсадида, харажатлар сметаси ва штатлар жадвали рўйхатдан ўтказилгандан сўнг бир ҳафталик муддатда бюджетдан молиялаштириладиган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари томонидан вазирликлар ва идораларда, шунингдек, уларга бўйсунувчи ташкилотларда бюджет интизомига риоя этилишини таъминловчи буйруқлар чиқарилади. Буйруқларда қуидагилар тартибга солинади:

-бюджет интизомига риоя қилиш, харажатларни тасдиқланган маблағлар доирасида амалга ошириш;

-бўйсунувчи ташкилотлар раҳбарларининг қуидагилар бўйича мажбуриятлари:

-бюджет интизомига риоя қилиниши назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

-бюджетга келтирилган зарарни қоплаш бўйича чораларни қўллаш;

-бюджет интизомини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш.

Коммунал хизматлар (иссиқлик ва електр енергияси, газ, иссиқ ва совуқ сув,

канализация) бўйича ташкилотлар учун белгиланган пул ва натурадаги лимитларга риоя қилишни таъминлаш мақсадида буйруқларда, шунингдек, қуидагиларга жавобгар бўлган мансабдор шахслар кўрсатилади:

- коммунал хизматлар истеъмол қилиш лимитларини тасарруфлари даги ташкилотларга йетказиш;
- белгиланган лимитлар доирасида коммунал хизматлар таъминотчилари билан шартномалар тузишни таъминлаш;
- коммунал хизматлар истеъмоли ҳисобини ўлчагич асбобларини ўрнатиш ва уларнинг ишлаши устидан назорат ўрнатиш;
- белгиланган лимитлардан ортиқча харажатга йул қўйган қуий ташкилотларнинг бош ҳисобчилари ва раҳбарларини жавобгарликка тортиш юзасидан чоралар кўриш;
- коммунал хизматлар таъминотчиларини, шартномаларда кўрсатилган ҳажмлардан ва маблағлардан ортиқча хизмат кўрсатаётган хизматлар учун ҳақ тўланмаслиги тўғрисида огоҳлантириш;
- кўрсатилган буйруқларни бажариш.⁵⁶

Буйруқ чиқарилгандан сўнг уч кун муддат ичида унинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим етилади.

Буйруқлар билан қуидагилар бир ҳафталик муддат ичида имзо қўйдириб таништириладилар:

- бюджетдан молиялаштириладиган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ўринbosарлари;
- ушбу вазирликлар ва идораларнинг режа-иктисод хизматлари ҳодимлари;
- бюджет маблағларининг сарфланишига масъул бўлган бошқа ҳодимлар;
- қуий ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари.

Ҳар йили биринчи чоракда молия органлари барча ташкилотларининг

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 29.10.2010 й. Н 92 “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида” буйруғи

харажатлар сметаси (бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета ва вақтингачалик харажатлар сметаси)нинг тузилиши, тасдиқланишининг тўғрилигини ва ўз вақтида йетказилишини текширишдан ўтказиши, ҳудудий молия органлари томонидан мазкур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли олиб борилганлигини тизимли назорат қилиши, текширувларни ташкиллаштиришда ва ўтказишда уларга зарур ёрдамларни кўрсатиши лозим.

Текшириш тасдиқланган дастурга мувофиқ амалга оширилади.

Кўрсатилган текширишларни ўтказишда қўйидагилар зарур:

- смета-молия хужжатларини, бунда бюджет маблағларидан қонунчиликка ва бюджет маблағларининг тежамли юналтирилишига қатъий риоя этилишига еришган ҳолда, чуқур тахлил қилишни ва ҳар томонлама ўрганишни амалга ошириш;

-Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятларнинг тегишли бошқармалари ва бўлимларида харажатлар сметасини кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ўз вақтида ташкилотларга йетказиш бўйича ишларни тўғри ташкиллаштиришга еришиш;

- даромадларнинг тўлиқ ҳисоби, пул маблағларининг ўтувчи қолдиқлари, бу маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланишни инобатга олган ҳолда, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасининг тузилишининг қонунийлиги ва режалаштиришнинг асосланганлигини еътиборга олиш;

- сметани режалаштиришда аниқланган камчиликларни бартараф этишда тезкор ҳолда чора-тадбирларни қўллаш, смета харажатлари бўйича аниқланган ортиқча ажратилган маблағлар суммасини бу ҳақда ташкилот раҳбарига хабар берган ҳолда ўз вақтида бюджетдан молиялаштириш миқдорини қисқартириш.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, ҳокимиятнинг бошқармалари ва бўлимларида сметани режалаштириш ҳолатини текшириш натижалари бўйича зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, тегишли ҳокимиятларга ахборот берилиши, қоида бузилишларни юқотиш бўйича таклифлар берилиши ва аниқланган ортиқча ажратилган маблағлар суммасини

харажатлар сметаси бўйича тайинлаш камайтирилиши мумкин.

Ташкилотларнинг смета харажатларининг тўғри тузилиши, тасдиқланиши ва ўз вактида йетказилиши бўйича текшириш натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органларида мунтазам умумлаштиради ва кўриб чиқилади ҳамда ушбу ишларни янада такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар қабул қилинади.

Ташкилотларнинг смета ижроси бевосита ушбу ташкилот раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Бюджет маблағларидан тасдиқланмаган харажатлар сметаси, харажатлар сметасида кўзда тутилмаган тадбирлар, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметада ёки умумлашган смета ва алоҳида харажатлар сметасида тайинланганидан ортиқ суммаларда харажат қилиш тақиқланади.

Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, улар тасарруфидаги ташкилотлар бюджет маблағлари харажатлари ҳисоби ва ҳисботини юритишининг белгиланган тартиби, бюджет интизомига риоя этилишига шахсан жавобгардирлар.

Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган харажатлар сметасига ҳисобкитобларда кўрсатилган ташкилотларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (майдони, ҳажми, сарфланаётган коммунал хизматлари бўйича табиий кўрсаткичлар ҳажми ҳамда улар бўйича харажатларнинг тасдиқланган харажатлар сметасига ва паспорт маълумотига, шартномалар ва бошқаларга мослиги)нинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилири, молия-иқтисод бўлими бошлиги (штатлар жадвалига мувофиқ молия-иқтисод масалалари бўйича мутахассис) шахсан жавоб берадилар.

Молия органларининг жавобгар ҳодимлари ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали рўйхатдан тўғри ўтказилганлиги учун жавобгар бўладилар.

Назорат учун саволлар:

1. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметасининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Харажатлар сметасининг турлари ва мазмунини айтинг.

3. Харажатлар сметасини тузишда нима еътиборга олиниши керак?
4. Харажатлар сметаларини кўриб чикувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари нимадан иборат?
- 5.Харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни назорат қилиш тартиби қандай?
- 6.Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалининг тасдиқланиши ҳамда рўйхатдан ўтказишнинг расмийлаштирилишини тўғрилигини текшириш қандай амалга оширилади.?
7. Янгидан ташкил қилинаётган ташкилотларнинг харажатлар сметаси қандай тузилади?
8. Ташкилотларнинг харажатлар сметаси неча нусхада тузилади?

IY бўлим. НОДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ

XII боб. АУДИТОРЛИК НАЗОРАТИ

12.1. Аудиторлик назоратининг мазмун-моҳияти

Аудиторлик назорати нодавлат молиявий назоратининг янги тури бўлиб, у мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор тизимига ўтилиши ва турли тижорат тизимларининг пайдо бўлиши билан уларнинг молиявий ишончлилигига, шунингдек улар молиявий ҳолатини объектив баҳолашга нисбатан талаблар кескин оширилди.

Аудиторлик назоратининг асосий вазифалари бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини ҳамда амалга оширилган молиявий ва хўжалик операцияларининг амалда бўлган меъёрий хужжатларга мувофиқлигини аниқлаш, текширилаётган иқтисодий субъектларнинг тўлов-ҳисбот хужжатларини, солик декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларини текширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда 2000 йил 26 майда қабул қилинган бўлиб⁵⁷, унга 2009 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг 216-сон Қонуни билан ўзгатиришлар киритилган. Мазкур қонуннинг 3-моддасига биноан “Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади”.


Аудиторлик ташкилотлари қуидаги профессионал хизматларини кўрсатишлари мумкин⁵⁸:

- бухгалтерия хисобини юлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш;
- молиявий хисботни тузиш;
- миллий молиявий хисботни бухгалтерия хисоби халқаро стандартларига ўтказиш;

⁵⁷ Аввалгиси 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда 2000 йил 26 май, 17-модда

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини тахлил қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби, солик солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларда назарда тутилган бошқа профессионал хизматларини хам кўрсатишлари мумкин.



68 -расм. Аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш, аудиторлик текширувларининг роли ва мақомини белгилаш, солик ва бошқа назорат органлари томонидан аудиторлик хулосалари ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида сўнгги вақтларда бизнинг мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тартибига жиддий ўзгартиришлар киритилди⁵⁹.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.

Хусусан, белгилаб қўйилдики, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисбот тузиш ишлари аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолияти солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан мажбурий тарзда тегишли аудиторлик ташкилотлари жалб етилган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти қуидаги хукуқларга егадир⁶⁰:

- аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис хужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисби ва молиявий ҳисбот хужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш;
- аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ хужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек ушбу хужжатларда ҳисобга олинган хар қандай молмулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушуниришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;
- учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;
- ишончли аудиторлик хulosасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим етилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;
- аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда 2000 йил 26 май, 6-модда

- аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда хўжалик юритувчи субъектга професионал хизматлар кўрсатиш, бундан бухгалтерия хисобини юлга қўйиш, тиклаш, юритиш ва молиявий хисобот тузиш мустасно;

- аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзо бўлиб кириш.

Аудиторлик ташкилоти қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга хам эга бўлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини қўйидаги мажбурий шартларга риоя етган холда амалга ошириши мумкин

- аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камидаги еллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиторига тегишли бўлиши керак (аудиторлик ташкилоти - чет ел аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шуъба корхонаси тузилган холлар бундан мустасно)
- аудитор (аудиторлар) фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси, аксиядори) бўлиши мумкин
- аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак
- аудиторлик ташкилотининг раҳбари фақат аудитор бўлиши керак
- аудитор ташкилотининг қонун хужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши керак

69-расм. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш шартлари

Аудиторлик текширувни сифациз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва аудиторлик

текширувининг буюртмачисига йетказилган заар, шу жумладан, бой берилган фойда, қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт.

Аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари

- аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганида ушбу Қонун хамда бошқа қонун хужжатларининг талабларига риоя этиши
- аудиторлик текшируви ўтказилишга доир шартнома тузишдан олдин буюртмачининг талабига биноан аудиторлик фаолиятини ўтказиш хуқуқини берувчи тегишли лисензияни, аудиторларнинг малака сертификатини тақдим этиши
- Хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун хужжатларининг талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътиrozлари асосланилган қонун хужжатларининг нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши
- аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя этиши
- аудиторлик хисоботида молиявий-хўжалик операсияларининг қонунийлиги бузилиши фактларининг хамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс еттириши
- ўтказилган аудиторлик текширувлари натижаларига доир аудиторлик хулосалари ва аудиторлик хисоботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотида мавжуд бўлишини хамда уларнинг қонун хужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши
- аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши
- аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси сўровига кўра ахборот тақдим этиши
- хо'жалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари заарар йетказганлигини аниқ тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда бу хақда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига (мулкдорига) маълум қилиши хамда аудиторлик хисоботига тегишли қайдни киритиши шарт

70- расм. Аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри якундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарап учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсдир⁶¹. Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

Аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин емас. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун хужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўла олмайдилар.

Аудиторлик ташкилотлари очиқ турдаги аксиядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун хужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-хуқуқий шаклда тузилиши мумкин.


12.2. Аудиторлик текширувининг моҳияти ва шакллари

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун хужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишdir.

Аудиторлик текшируви 2 хил шаклда ўтказилади.

⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда 2000 йил 26 май, 5-модда

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси хўжалик юритувчи субъект бўлади. Аудиторлик ташкилотини танлаш хўжалик юритувчи субъект мулқдори, шунингдек қатнашчилари (аксиядорлари)нинг умумий йигилиши билан келишиб олинади.



71-расм. Аудиторлик текширувининг шакллари

Кўйидагилар хар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

- аксиядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- сугурта ташкилотлари;
- инвестиция фондлари хамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар хамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар;
- манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;
- маблағларининг хосил бўлиш манбалари қонун хужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;
- устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Хисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача йиллик молиявий ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги ҳамда аудиторлик хulosаси мавжуд емаслиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб еътироф етилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект олдинги йил учун ўз йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилининг 1 майигача аудиторлик текширувидан ўтказади ва аудиторлик текшируви тамом бўлгандан кейин 15 кун мобайнида тегишли солик органига аудиторлик хulosасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим етади.

Аудиторлик хulosаси нусхаси солик органига белгиланган муддатда тақдим етилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъект солик органига аудиторлик хulosаси мавжуд емаслигининг сабабини акс еттирувчи тушунтиришни ёзма шаклда тақдим этиши керак.

Конун хужжатларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйинтовлаш хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланишига олиб келади. Хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўллангандан кейин календар йил охиригача мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субъектидан қуйидаги жадвалда келтирилган миқдорда жарима ундирилишига олиб келади. Бунда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйинтовланган тақдирда хўжалик субъектига суд тартибида жарима солинади, хўжалик субъекти содир етилган ҳукуқбузарлиқда айбини тан олган ҳамда жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса - жарима солик органи томонидан солинади.

Жарима Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига 2-илова, “Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомга⁶² мувофиқ ундирилади. Бунда хўжалик субъектининг охирги ҳисобот

⁶² Мазкур Низомга Ўзбекистон Республиаси Президентининг 02.07.2008 й. ПҚ-907-сон Қарорига мувофиқ ўзgartiriшлар киритилган

санасидаги жорий активларининг 20%идан ортиқ бўлган ялпи жарима хўжалик субъектига жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ундириладиган суммани 6 ой мобайнида ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳукуки берилган ҳолда ундириб олинади.

Жарима ставкалари табақалаштирилган ва мажбурий текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот йили охирида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган ялпи тушуми миқдорига қараб белгиланадиган миқдорларда ундириб олинади. Тўланадиган жарималар тўлиқ миқдорда республика бюджетига ўтказилади.

	Бир йилда маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган ялри тушум миқдори (ҚҚС ҳам шу жумлага киради)**
Енг кам ойлик иш хақи миқдорининг 50 баравари	Енг кам ойлик иш хақи миқдорининг 500 бараваригача
Енг кам ойлик иш хақи миқдорининг 75 баравари	Енг кам ойлик иш хақи миқдорининг 500 бараваридан 15 минг бараваригача
Енг кам ойлик иш хақи миқдорининг 100 баравари	Енг кам ойлик иш хақи миқдорининг 15 минг бараваридан ортиқ

72-расм. Аудиторлик текширувани ўтказицдан бўйин товлаганлик учун жарима миқдори⁶³

Солик органлари:

- мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар;
- ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар бўйича аудиторлик текшируви ўтказган аудиторлик ташкилотини кўрсатиб ўтган ҳолда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар;

⁶³ Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида НИЗОМ, 2008 й

- мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйинтовлаган хўжалик юритувчи субъектлар;
- мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйинтовлаган хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилган жарима санксиялари тўғрисида маълумотлар базасини олиб боради.

Давлат солиқ қўмитаси ҳар йили 20 февралгача ва 20 июлгача лицензия берувчи органга ушбу хўжалик юритувчи субъектлар ва уларга нисбатан ўтган йил ва жорий йилнинг 1-ярми учун қўлланилган жарима санксиялари тўғрисида умумлашма ахборот тақдим етади. Бунда ҳар бир мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилган хўжалик юритувчи субъект бўйича мазкур текширувни олиб борган аудиторлик ташкилоти кўрсатиб ўтилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан қонун хужжатларида назарда тутилган жазо чораларини қўлламаганлиги учун солиқ органларининг мансабдор шахслари қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан, қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувни ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўтказилади ҳамда унга мазкур шартнома асосида хақ тўланади. Аудиторлик текширувни ўтказиш бўйича ишларга хақ тўлаш аудиторлик текширувни белгилаган орган хисобидан амалга оширилади. Айнан бир хил асосларга кўра айнан бир аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик

юритувчи субъектнинг фаолиятини текширишга такрор жалб этилишига йул қўйилмайди.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси аудиторлик текшируви ўтказилишини қўзғатувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, шунингдек устав капиталида қонун хужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдордаги улушга эга қатнашчилар ва аксиядорлар, назорат қилувчи ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси қўйидаги хуқуқларга эга:

- аудиторлик ташкилотини мустақил танлаш;
- ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилаётганда аудиторлик текширувининг юналиши ва хажмини белгилаш;
- аудиторнинг эътиrozлари асосланилган қонун хужжатларининг нормалари тўғрисидаги зарур ахборотни аудиторлик ташкилотидан олиш;
- аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хulosасини олиш.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси аудиторлик текширувни ўтказишга доир шартномага мувофиқ аудиторлик хизматларининг хақини ўз вақтида тўлаши шарт.

12.3. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби ва назорати

Аудиторлик фаолияти (профессионал хизматлар бундан мустасно) маҳсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади. Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия маҳсус ваколатли давлат органи томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли “Аудиторлик фаолиятини таомиллаштириш ва аудиторлик

текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Қарорига⁶⁴ мувофиқ аудиторлик фаолиятини лицензиялаш бўйича маҳсус вакил қилинган давлат органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бир қанча функциялар юклатилган.

Аудиторлик ташкилотининг аризага кўра лицензия аудиторлик текширувларининг қуидаги турларини амалга ошириш учун берилади:

- фақат ўз ташаббусига кўра аудиторлик текширувларини амалга оширишга;
- хўжалик субъектларини ўз ташаббусига кўра ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширишга, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган очик аксиядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно;
- барча хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувларини амалга оширишга.

⁶⁴ ўзР Президентининг 02.07.2008 й. ПК-907-сон Қарори билан ўзгартиришлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолиятини
лицензиялаш бўйича функциялари

- ўз ваколатлари доирасида аудиторлик фаолиятини тартибга соловчи меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш
- аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилинишини назорат қилиш
- аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси билан келишилган ҳолда аудиторлар малака сертификатини олиши учун ўқитиш дастурларини ва малака имтиҳонлари топшириш тартибини тасдиқлаш
- аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш, кўрсатиб ўтилган лицензияларнинг амал қилишини 10 иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уларни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилиш
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторларга малака сертификатларини бериш, амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш
- малака сертификатига эга бўлган аудиторлар реестрини ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари ҳисобини юритиш

**73-расм. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик
фаолиятини лицензиялаш бўйича функциялари**

Лицензияловчи органнинг аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш, беришни рад этиш, унинг амал қилишини тўхтатиш, уни бекор қилиш, амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензия олиш учун лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим етади:

- таъсис ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома;
- штатдаги аудиторларнинг, шу жумладан бухгалтерлик халқаро сертификатига эга бўлган аудиторларнинг, уларнинг Низомда белгиланган энг кам сонига мувофиқ бўлган штатдаги аудитор малака сертификатлари ҳамда бухгалтер халқаро сертификатларининг тасдиқланган нусхалари;
- меҳнат дафтарчаларининг нотариал тасдиқланган нусхалари ва асосий иш жойи бўйича штатдаги аудиторларни Низомда назарда тутилган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига тўғри келадиган миқдорда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларнинг тасдиқланган нусхалари;
- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг тегишли тури учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдордаги устав капиталининг тўлиқ шакллантирилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банкнинг тўлов ҳужжати.

Лицензия олиш учун топширилган ариза барча зарур ҳужжатлар билан бирга лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилади. Аудиторлик ташкилоти ҳужжатларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати лицензия олиш учун ариза ва зарур ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб 15 календар кунни ташкил етади.

Ҳужжатлар лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун (тўлов кунидаги) энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим тўланади. Аризани кўриб чиқсанлик учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Аудиторлик ташкилоти ҳужжатларни кўриб

чикиш даврида берган аризацинин қайтариб олган ҳолда йиғим қайтариб берилмайды.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади. Лицензияловчи орган лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тұғрисида қарор қабул қилинганды ҳақида аудиторлик ташкилотига қарор қабул қилингандан сұнг уч күн мобайнида билдириш хати юбориши керак.

Лицензия бериш тұғрисидаги билдириш хати лицензия битими лойихаси илова қилинганды ҳолда ёзма шаклда аудиторлик ташкилотига юборилади, унда давлат божи тұланадиган банк ҳисобрақами реквизитлари ва давлат божини тұлаш муддати күрсатып үтилади. Аудиторлик ташкилоти томонидан давлат божи тұланғанлигини тасдиқловчи хужжат тақдым етилған тақдирда ва лицензия битими имзоланғандан сұнг лицензия берилади. Лицензия берганлық учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида давлат божи республика бюджетига ундирилади.

Лицензияловчи орган аудиторлик ташкилоти томонидан зарур даражада расмийлаштирилмаган хужжатлар тақдым етилғанлиги, хужжатларда ишончсиз ёки چалкаш маълумотлар бұлғанлиги, шунингдек, аудиторлик ташкилоти лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ емаслиги сабабли аудиторлик ташкилотига лицензия берилишини рад этишгә ҳақлидир. Лицензия беришни рад этиш тұғрисидаги қарор асосланған бўлиши ва аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда юборилиши керак, унда рад этиш сабаблари ва аудиторлик ташкилоти күрсатып үтилған сабабларни бартараф етиб хужжатни тақроран кўриб чиқиш учун аудиторлик ташкилотига қўпи билан 15 күн муддат берилади.

Хужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензияловчи орган томонидан аудиторлик ташкилотининг барча зарур хужжатлар билан бирга аризаци олинған кундан бошлаб 10 күн мобайнида амалга оширилади. Аудиторлик ташкилотининг аризаци қайта кўриб чиқилғанлиги учун йиғим ундирилмайды.

Аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар 2 ой олдин лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида куйидаги хужжатлар илова қилинган аризани тақдим етади:

- таъсис хужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари (лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза берилган санада уларга ўзгартеришлар киритилган тақдирда);
- аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик текширувларни амалга оширувчи аудиторлар тўғрисидаги маълумотлар;
- молиявий аҳвол тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома;
- аризани кўриб чиққанлик учун йифим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун аудиторлик ташкилоти томонидан энг кам иш ҳақи миқдорида йифим тўланади ва лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисобрақамига ўтказилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришини рад этиш тўғрисидаги қарор аудиторлик ташкилотининг аризаци олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда қабул қилинади. Лицензиянинг амал қилиш муддати тегишли давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим етилгандан сўнг 3 кун муддатда 5 йилгача муддатга узайтирилиши мумкин.

Куйидагилар аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:


- "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикасининг Конунига, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, шунингдек бошқа қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;
- лицензия олинаётганда белгиланган миқдорда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиш;
- факат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;
- фуқаролик масъулиятини сугурта қилиш полисига эга бўлиш;

- аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат битта аудиторлик ташкилотида амалга ошириш;
- штатда аудиторлар сонининг назарда тутилган миқдорда бўлиши;
- лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши;
- аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаш;
- аудиторлик текширувлари ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимига фақат аудиторни тайинлаш;
- аудиторлик ташкилоти раҳбарининг 3 йилда бир маротаба лицензияловчи органда аттестасиядан ўтиши;
- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилликни таъминлаш;
- ишончли аудиторлик ҳисоботи тузиш ва аудиторлик хулосаси бериш;
- аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартлари мавжудлиги;
- ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида 10 кун муддатда лицензияловчи органни хабардор қилиш;
- аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ярим йилда 1 марта белгиланган шаклда лицензияловчи органга тақдим этиш, шунингдек аудиторлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ахборотларни лицензияловчи орган талаби бўйича тақдим этиш.

Лицензияловчи орган аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Лицензияловчи орган томонидан аудиторлик ташкилотларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишини текшириш ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади. Аудиторлик ташкилоти томонидан лицензия талаблари ва

шартлари бузилган тақдирда лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туришга ёхуд ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.



74-расм. Аудиторлик ташкилотларига қўйилган қўшимча лицензион таалаблар

Аудиторлик ташкилоти устав қариталининг камидаги еллик фоизи муассислар (иштирокчилар)нинг пул маблағларидан, қолган қисми эса аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган моддий бойликлардан шакллантирилади.

Кўрсаткичлар	Устав каритали ҳажми	Штатдаги аудиторлар	Халкаро бухгалтерлик сертификатига ега бўлган
Факат ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируванини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари	камидаги 1500 ЕКИХ	камидаги 2 та	шарт емас
Хўжалик йуритувчи субъектларда (устав каритали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган очиқ турдаги аксиядорлик комраниялари, банклар ва суг’урта ташкилотларидан ташкари) ташаббус ва мажбурий аудиторлик текшируванини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари	камидаги 3000 ЕКИХ	камидаги 4 та	камидаги 1 та
Барча турдаги хўжалик йуритувчи субъектларда аудиторлик текшируванини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари	камидаги 5000 ЕКИХ	камидаги 6 та	камидаги 2 та

75-расм. Аудиторлик текширувлари турига қараб лицензия талабларининг табақаланиши⁶⁵

⁶⁵ 2000 йил 22 сентябрдаги Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкитлотларига лисензия бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ, 2008 йилда ўзгаришилар киритилган

Лицензиянинг амал қилиши аудиторлик ташкилоти томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бузилганлиги аниқланган, шунингдек лицензияловчи органнинг аниқланган бузилишларни бартараф этиш тұғрисидаги қарори аудиторлик ташкилоти томонидан бажарылмаган тақдирда тұхтатиб турилиши мүмкін.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туриш тұғрисидаги қарори у қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ёзма шаклда аудиторлик ташкилотига йетказилади. Суднинг лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туриш тұғрисидаги қарори аудиторлик ташкилотига ва лицензияловчи органга қонун хужжатларид белгиланган муддатларда

а

йетказилади.

Лицензияловчи орган ёки суд лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туришга сабаб бұлган ҳолаттарни бартараф этиш учун аудиторлик ташкилотига муддат белгилайди. Бунда лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туришга сабаб бұлган ҳолаттарни бартараф этиш учун суд қарорида белгиланган муддат 6 ойдан ортиқ бўлиши мүмкін емас.

Лицензиянинг амал қилиши тұхтатиб қўйилган даврда аудиторлик ташкилоти томонидан фаолиятни амалга ошириш қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

Лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туришга сабаб бұлган ҳолаттарни аудиторлик ташкилоти томонидан бартараф этишда лицензияловчи орган ёки лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туриш тұғрисида қарор қабул қилған суд кўрсатиб ўтилган ҳолаттарнинг бартараф етилганлиги тұғрисидаги тасдиқнома олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда лицензиянинг амал қилишини тиклаш тұғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Башарти аудиторлик ташкилоти кўрсатиб ўтилган ҳолаттарни белгиланган муддатда бартараф етмаган бўлса, лицензияловчи орган лицензиянинг амал қилишини тұхтатиш тұғрисида судга мурожаат қиласади.

Лицензиянинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда ҳам тұхтатилади:

- аудиторлик ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тұхтатиши тұғрисида ариза билан мурожаат қылганда;
- аудиторлик ташкилоти тугатилганда;
- аудиторлик ташкилотининг фаолияти қайта ташкил этиши натижасида тұхтатилғанда, у қайта үзгартырған ҳоллардан ташқари;
- аудиторлик ташкилоти томонидан лицензия талаблари ва шартлари мунтазам равища ёки бир марта құпоп тарзда бузилғанда;
- лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туришга сабаб бұлған ҳолаттар аудиторлик ташкилоти томонидан лицензияловчи орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф етилмаганда;
- лицензияловчи органнинг лицензия беріши тұғрисидеги қарорининг ноқонунийлиги аниқланғанда.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тұхтатиши тұғрисидеги қарори аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда, асосли сабаби күрсатылған ҳолда, у қабул қилинған кундан бошлаб 3 кундан кечикмай йетказилади. Суднинг лицензиянинг амал қилишини тұхтатиши тұғрисидеги қарори аудиторлик ташкилотига ва лицензияловчи органга қонун хужжатларыда белгиланған муддатларда йетказилади.

Лицензия унинг амал қилишини тұхтатиши тұғрисидеги қарор аудиторлик ташкилоти томонидан олинған кундан бошлаб 10 кун мобайнида лицензияловчи органга ва юқ қилиш учун қайтарилади.

Лицензиянинг амал қилиши тұхтатиши тұғрисида қарор қабул қилинған санадан бошлаб тұхтатилади.

Лицензиянинг амал қилишини тұхтатиши учун асос бұлып ҳисобланадиган лицензия талаблари ва шартларини бир марта құпоп равища бузишга қуидагилар киради:

- фаолиятнинг аудиторлик фаолияти билан бөлгік бұлмаган бошқа турларини амалга ошириш;

- аудиторлик фаолиятини амалга оширишда мустақилликни таъминламаслик;
 - ишончсиз ёхуд шак-шубҳасиз ёлғон аудиторлик хулосаси тузиш;
 - аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган маҳфий ахборотни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
- аудиторлик текширувларни ўтказиша қонун хужжатларида назарда тутилган чекланишларга риоя қилмаслик;
 - аудиторлик фаолиятини амалга оширишда фуқаролик масъулияти суғурта полисининг юқлиги;
 - лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини лицензияловчи органнинг текширувларидан бўйин товлаш.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиласа;
- лицензия қалбаки хужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги аниқланса;
- лицензиловчи органнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарори ноқонунийлигини аниқласа;
- агар аудиторлик ташкилоти лицензия бериш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдириш хати юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб 3 ой давомида лицензияловчи органга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим етмаган бўлса, ёхуд лицензия битимини тасдиқламаган бўлса.

Лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарор аудиторлик ташкилоти томонидан олинган кундан бошлаб лицензия 10 кун давомида лицензияловчи органга қайтарилиши ва юқ қилиниши керак. Бекор қилиш тўғрисидаги қарор лицензия берилган санадан бошлаб амал қиласди.

Лицензиянинг амал қилишини тұхтатиб туриш, янгилаш, тұхтатиши, лицензияни бекор қилиш тұғрисидаги қарорлар оммавий ахборот воситаларида еълон қилиниши керак.

Лицензияловчи органнынг қарори устидан аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мүмкін.

12.4. Аудиторлик ҳисоботи ва хulosалари

Аудиторлик ҳисоботи - аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлиар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тұғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви үтказиш натижасыда олинган бошқа ахборотдан иборат бұлған хұжалик юритувчи субьект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (аксиядорлари)нинг умумий йиғилишига юлланган хужжатдир. Аудитор ҳисоботида аниқланган четга чиқишлиар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бұйича тавсиялар, шунингдек хұжалик юритувчи субьектнинг молия-хұжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бұйича тавсиялар ва таклифлар мавжуд бўлиши керак.

Агар аудиторлик текшируви хұжалик юритувчи субьект қатнашчилари (аксиядорлари) ёки назорат қилувчи ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкилоти томонидан үтказилаётган бўлса, аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текшируви топшириғига биноан үтказилаётган шахсга ҳам тақдим етилади.

Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот маҳфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мүмкин емас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилғанлик учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир бети аудиторлик текширувани үтказған аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланган бўлиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари билан белгиланади.

Аудиторлик хulosаси - молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи сийбъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган хужжат.

Аудиторлик хulosаси аудиторлик ҳисботи асосида тузилади.

Аудиторлик хulosаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти мухри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Аудиторлик хulosасининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари билан белгиланади.

Аудиторлик текширувини ўтказмай тузилган ёхуд аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилса-да, лекин аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган хўжалик юритувчи субъект хужжатлари мазмунига мувофиқ бўлмаган аудиторлик ҳисботи ва аудиторлик хulosаси қасдан сохта тузилган ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисботи ва аудиторлик хulosаси қасдан сохта тузилганлиги аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатишга, шунингдек айбор шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Аудиторлик хulosаларини “Солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги Низомга⁶⁶ мувофиқ аудиторлик хulosаси ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.



76-расм. Аудиторлик хуносасининг турлари

Хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текшируви ўтказилгандан кейин 15 кун мобайнида аудиторлик хуносаси нусхасини ўзи жойлашган жойдаги солик органига тақдим етади.

Мавжуд аудиторлик хуносаларини умумлаштириш натижалари бўйича йиғма ахборот солик органлари томонидан белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларни назорат органлари томонидан текширишнинг келгуси йилдаги режажадвалини тузиш учун Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига жорий йилнинг 1 октябригача тақдим етилади.

Куйидагилар охирги текшириш ўтказилгандан кейин камида 24 ойдан олдин солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти текширилмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга киритишнинг шартлари ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъектда олдинги 2 йил учун ҳар йилги ижобий аудиторлик хуносаларининг мавжудлиги;

- охирги 2 йил мобайнида бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзларнинг юқлиги;
- хўжалик юритувчи субъект томонидан молия-хўжалик фаолияти солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан текширишдан озод етилган даврга ижобий аудиторлик хulosаларининг тақдим этилиши.

Салбий аудиторлик хulosасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режажадвалига белгиланган тартибда киритилиши керак.

Солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказилган текширишда аудиторлик хulosасининг хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига мувофиқ емаслиги аниқланган тақдирда, ушбу аудиторлик хulosаси олдиндан нотўғри деб ҳисобланади, аудиторлик ташкилоти, шунингдек, бунда айбдор бўлган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Бунда солик органлари тегишли аудиторлик ташкилотлари томонидан амалдаги қонун хужжатлар қоидаларининг бузилиши ҳолатлари

и

аниқланганлиги тўғрисида ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини хабардор қилишлари шарт.

Нотўғри аудиторлик хulosасини тузганликда айбдор бўлган аудиторлик ташкилоти ва шахсларнинг жавобгарликка тортилганлиги хўжалик юритувчи субъектни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг белгиланган тартибини бузганлик учун қонун хужжатларида назарда тутилган жарималардан озод етмайди.

Назорат учун саволлар:

1. Аудиторлик назоратининг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Аудитнинг асосий тамойили нимадан иборат?
3. Аудиторлик ташкилоти қандай хуқуқларга эга?
4. Аудиторлик текширувининг қандай шакллари мавжуд?

5. Аудиторлик текширувини ўтказишдан бўйин товлаганлик учун жарима қандай тартибда ким томонидан ундирилади?
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик фаолиятини лицензиялаш бўйича қандай функцияларни бажаради?
7. Аудиторлик ташкилотларига лицензия аудиторлик текширувларининг қандай турларини амалга ошириш учун берилади?
8. Аудиторлик текширувлари турига қараб лицензия талаблари қандай табақаланади?
9. Аудиторлик ҳисоботи ва хulosаси деганда нимани тушунасиз?
10. Аудиторлик хulosасининг қандай туралари мавжуд?

ХИП боб. ИЧКИ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

13.1. Ички назорат тизимининг моҳияти ва уни ташкил этиш

Ички назорат - бу хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан ташкил етилган молиявий-хўжалик фаолияти назорати ҳисобланади.

Назорат усулларини янги шаклларидан фойдаланишнинг зарурияти шундаки, назорат органлари бюджет маблағлари харажатларининг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини, ташкилот асосий фаолияти харажатларини самарали фойдаланиш нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Ушбу вазифаларни йешиш учун ҳар бир ташкилот ёки ташкилотларда ички назорат ва ички аудитни юлга юйилган механизми ишлаши лозим.

Ички назорат тизими раҳбариятга қонунда белгиланган меъёрларга мувофиқ тарзда корхоналарни янада самарали бошқаришга ёрдам беради.

Ички молиявий назорат тизими аниқ хўжалик юритувчи субъектлар хамда бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари ва функционал тузилмалари томонидан амалга ошириладиган кундалик иш-фаолиятнинг ажралмас қисмидир. Ушбу тизимнинг моҳияти асосан корхоналар, уларнинг айрим тузилмавий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини хўжалик юритувчи субъектнинг ўз бухгалтерияси, молия бўлими ва айрим иқтисодий хизматлари томонидан текширишдан иборат деб, у “ички хўжалик назорати” атамаси билан белгиланган.⁶⁷

“Ички назорат – бу жараён, компания директорлар кенгаши, менежмент ва бошқа ҳодимлар томонидан амалга оширилади ва қуйидаги вазифа ва мақсадларга еришиш учун юналтирилади:

- компания операцияларининг самарадорлиги ва натижавийлиги;
- молиявий ҳисботларнинг ишончлилиги;

⁶⁷ ЛИ А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи: Юридик олий ўкув юртлари учун дарслик .2006 йил.69 бет.

Тегишли қонунчилик, қонун ости акт ва регламентларига риоя қилиниши.”⁶⁸

Одатда назорат тадбирлари мақсадларига еришиши учун текширилаётган субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизими унинг хўжалик фаолиятини тўғри акс еттиришига йетарлича тўлиқ ишонч ҳосил қилиш зарур. Ички назорат тизими, унинг миқёси, расмийлаштириш ва текширилаётган субъектнинг таркибига ва унинг фаолияти хусусиятларига мувофиқлиги даражасини ўрганиш бундай ишончни шакллантиришга кўмаклашиши мумкин. Ички хўжалик назорати хўжалик юритувчи субъектларнинг турли ресурслари ва потенсиалини саклаб қолиш ва улардан самарали фойдаланишда, уларнинг молиявий фаолиятида қонунчилик ва интизомга риоя этилишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди

Бу назорат хўжалик юритувчи субъектлар, умуман бюджет ташкилотлари ва муассасалари ва уларнинг айрим тузилмавий бўлинмалари молиявий фаолияти устидан хўжалик юритувчи субъектлар, бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг ўз маҳсус хизматлари (бухгалтерия, молия бўлимлари) томонидан молиявий муносабатларда қонунчилик ва интизомга риоя этилиши масалалари бўйича ўтказиладиган текширувдан иборат.⁶⁹

Ички назорат хизмати ташкилот ёки муассасанинг ичida ташкил қилинса, ташқи текширув хизмати текширилаётган муассасанинг ташкилий таркибий қисми ҳисобланмайди. Олий назорат органи ташқи назорат органи ҳисобланади.

Ички назорат хизмати қайси ташкилотда ташкил етилган бўлса, ўша идора раҳбарига бўйсуниши керак. Баъзида, у ташкилий структура таркибида функционал ва ташкилий жиҳатидан мустақил бўлиши мумкин.

Олий назорат органи ташқи текширув хизмати сифатида ички назорат тизмини самарадорлигини текширади. Агар ички назорат хизмати самарали деб баҳоланса, ички назорат хизмати ва олий назорат органи ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва ҳамкорлик қилиш учун олий назорат органи қолган текширувларни ўтказмаслиги мумкин.

⁶⁸ Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б., Бийуджет назорати ва аудити: ўқув кўлланма –
ЛИ А. Узбекистон Республикаси молия ҳуқуки: Юридик олий ўқув юртлари учун
дарслик .2006 йил.70 бет

Ички молиявий назорат тизимида асосий бўғин бош ҳисобчи ҳисобланади. Бош бухгалтер камомад ҳосил бўлиши, пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг ноқонуний сарфланиши ҳамда молиявий ва хўжалик қонунчилиги бузилишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни тайёрлашда фаол иштирок этиш лозим.

Пул маблағлари, товар-моддий бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлган ҳужжатлар ҳамда кредит ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари раҳбар ва бош бухгалтер ёки бунинг учун ваколат берилган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

Бош бухгалтер қонунчилиқда белгиланган операциялар ва пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва бошқа бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва харажат қилиш бўйича белгиланган тартибга зид бўлган ҳужжатларни ижро учун қабул қилиши ва расмийлаштириши ман етилади.

Бош бухгалтер ўзига қарашли ҳодимларнинг хизмат вазифаларини белгилайди. Бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб юритиш ва ҳисбот масалалари билан шуғулланувчи ҳодимлари бош бухгалтерга бўйсунадилар.

Ўз функцияларини бажариш учун бош бухгалтерга тегишли хуқуқлар берилган. Хусусан, у банк раҳбаридан бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг тўғри ташкил этилишини таъминлаш, таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва бошқа қимматликларни қабул қилиш, кирим қилиш, сақлаш ва сарфлаш бўйича белгиланган тартибга риоя этилишини текшириш ва х.к. юзасидан чоралар қўрилишини талаб қилиши мумкин.

Шундай қилиб, бош бухгалтерга қонунчилик ва молия интизомининг бузилишини ўз вақтида аниқлаш, огохлантириш ва бунга йул қўйилмаслиги учун йетарли бўлган ваколатлар берилган.

Ташқи текширувчилар учун ички назорат натижаларидан фойдаланиш ҳам яхши асос бўлиши мумкин. Бироқ, унинг самарадорлиги ва натижавийлигини тўғри баҳолаш, шахсий назорат тадбирларин режалаштиришда, зарурий и текширувларнинг тури, вақти ва ҳажмини аниқ белгилаш учун улар текширилаётган


объектда ички назорат тизимининг ишини, унинг натижаларини ҳисобга олишни етарли даражада тушуниши зарур.

Текширилаётган объектнинг ички назорат тизими баҳолаш муайян назорат тадбирларини баҳолашга ёки ижобий, ёхуд салбий таъсир этиш мумкин. Масалан, ички назорат тизимининг самарасизлиги исботи маълум молиявий ҳисботни баҳолашда шубҳа уйготиши мумкин. Ва аксинча, ички назоратнинг самарадорлиги ташқи текширув объектларининг сонини камайтириши мумкин.

Биринчи навбатда келгуси текширув учун ички назоратнинг асосий соҳасини ўрганиш зарур.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими қўйидагиларни ўз ичига олади:⁷⁰

- назорат муҳити;
- бухгалтерия ҳисобининг мавжуд тизими;
- активларнинг сақланганлиги устидан назорат;
- қонун ва меъёрий хужжатларга риоя қилиш устидан назорат.



⁷⁰ Родионова В.М., Шлейников В.И., Финансовый контроль. Учебник.-М.:ИД. ФБК.-ПРЕСС, 2002

77-расм. Хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими

Назорат муҳити, ички назорат тизимини белгилаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган текширилаётган объектнинг раҳбариятининг амалий ҳаракати ва маълум қилиш тушунилади. У қўйидагиларни ўз ичига олади:

- бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усуллари;
- ташкилий тузилма;
- масъулият ва ваколатни тақсимлаш;
- ҳодимлар сиёсати;
- ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисботни тайёрлаш;
- ички ҳисботнинг ички бошқарув ҳисоби ва тайёрланиши;
- амалдаги қонунчилик талабларига хўжалик фаолиятининг мувофиқлиги.

Назорат тадбирлари мақсадлари учун ички назоратнинг аҳамиятини аниқлашда, хусусан текширилаётган субъектнинг назорат воситалари қўйидаги мақсадларга еришига ишонч ҳосил қилиш зарур:

- хўжалик операциялари бутун ҳамда муайян вазиятларда раҳбариятни маъқуллаш билан бажарилади;
- барча операциялар бухгалтерия ҳисобида тўғри суммаларда, бухгалтерия ҳисобининг тегишли ҳисбларда, тўғри даврда, хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган ҳисоб сиёсати билан мувофиқликда белгиланади ва тўғри бухгалтерия ҳисботи тайёрлаш имкониятини таъминлайди;
- активлардан фойдаланиш мувофиқ раҳбариятнинг рухсати билангина мумкин;
- бухгалтерия ҳисобида белгиланган ва ҳақиқатда мавжуд активларга мувофиқ ҳолда раҳбарият томонидан белгиланган даврийликда ва раҳбариятнинг тафовути ҳолатларида тегишли ҳаракатлар қабул қилинади.

Ундан ташқари, текширилаётган объектда бундай тадбирларни қўллашда қўйидагиларга ишонч ҳосил қилиш керак:

- бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигини арифметик текшириш;
- ҳисоб-китоблар қиёсини ўтказиш;



**78-расм. Ички назорат тизимини белгилаш ва қўллаб-
қувватлашга қаратилган чоралар**

- раҳбар ҳодимларнинг хужжат айланмаси тўғрилиги ва рухсат ёзувларини мавжудлигини текшириш;
- белгиланган даврий режалар тартибига мувофиқ ҳолда ва кассадаги нақд пуллар, жиддий ҳисбот бланклари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва ҳақиқий

нақд пулларнинг мувофиқлигини аниқлаш учун қимматли қофозлар ва товар-моддий бойликларни тасодифий инвентаризациясини ўтказиш;

- мазкур хўжалик субъектидан ташқарида жойлашган манбалардан маълумотлардан назорат мақсадлари учун фойдаланиш.

Бироқ, ички назорат тизимини таҳлил қилишда у маълум еҳтимолий даража билан яратилган ва унга еришилган мақсадларни тасдиқлаш мумкин. Бунинг сабаби ички назорат тизимининг қуидаги мавжуд чекловлари ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти, ички назоратга харажатлари улар келтирган иқтисодий фойдадан кам бўлиши учун табиий талаб;

- ички назоратнинг кўпгина маблағларининг мақсади ноодатий ҳисобланганларини емас, балки зарур бўлмаган хўжалик операцияларини аниқлашдир;

-паришонхотирлиги, нотўғри фикрлаши ёки инструктив материалларни тушунмаслиги туфайли парвосизлиги бўйича адашиши ишчининг хусусиятларидир;

- ички назоратга масъул бўлган раҳбарият вакиллари томонидан сунистеъмолликка йул қўйиш оқибатида ички назорат тизимини бузиш.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш уч босқичда ўтказилиши лозим:

- ички назорат тизими билан умумий танишиш;

-ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш;

-ички назорат тизимини баҳолашнинг тўғрилигини тасдиқлаш.

Назорат тадбирларини режалаштириш босқичида текширилаётган субъект фаолиятининг ўзига хослиги ва миқёси тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш билан бир вақтда улар томонидан татбиқ етилган ички назорат тизими ва унинг бухгалтерия ҳисоби тизими билан умумий танишув ўтказиш керак. Бундай дастлабки танишув натижалари бўйича назорат тадбирларини ўтказиш жараённида текшириладиган ички назорат тизими субъектига таяниш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Агар текшириладиган ички назорат тизими субъектига умуман таяниш шарт емаслиги тұғрисида қарор қабул қилинса, унинг хulosаларига ушбу тизимга ишонишга асосланмайдыган тарзда назорат тадбирларини режалаштириш зарур.

Агар текшириладиган ички назорат тизими субъекти билан танишиш натижалари бүйича назорат тадбирларини ұтказиш давомида унга таянишга ҳаракат қилиш қарори қабул қилинганды, бұлса, унинг ишончлилиги бүйича дастлабки баҳолаш ұтказиш зарур.

Ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш тадбирини ұтказиш назорат гурухлари иштирокчилари мустақил ишлаб чиқадыган усул ва услубларга асосланған.

Бунда улар қуйидагиларни еътиборга олиши лозим:

- бутун хисобот даври учун текширилаётган объектнинг бухгалтерия ва хұжалик хужжатларини назорат қилиш воситаларининг ишончлилигини текшириш керак;
- текширишда бутун давр учун хос бұлған фаоляйтта нисбатан хусусият ёки фарқларға эга бұлған фаоляят даврларига катта еътибор қаратыши зарур;
- бутун ички назорат тизими ёки алоҳида назорат воситаларининг ишончлилигини баҳолаш үрта ёки юқори сифатида бошқа алоҳида назорат воситаларининг ишончлилигини баҳолаш имкониятини истисно қилмайды.

Агар ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш натижалари бүйича қуи сифатида баҳоланаса, буни келгусида мувофиқ тарзда назорат тадбирларини ұтказышни режалаштиришни таъкидлаш зарур.

Агар дастлабки баҳолаш тадбирлари натижалари бүйича ички назорат тизими ва (ёки) алоҳида назорат воситаларига ишонч тұғрисида қарор қабул қилинса, у холда назорат тадбирларини ұтказиш давомида ушбу баҳолашнинг тұғрилиги тасдиқлаш тадбирларини ұтказиш зарур.

Агар ишончлиликни дастлабки баҳоланиши давомида бутун ички назорат тизими ёки бирор бир унинг алоҳида воситаларини баҳолаш бирламчи баҳолаш давомида олингандан паст еканлиги маълум бұлса, мувофиқ тарзда назорат

тадбирларини ўтказиш натижалари бўйича хуносаларнинг тўғрилигини ошириш учун бошқа назорат тадбирларини бажариш қоидаларини тузатиш зарур.

Активларнинг сақланганлиги назорати. Ички назоратнинг муҳим соҳаларидан бири- активларнинг сақланганлиги назорати ҳисобланади (сақланганлик устидан назорат). Ушбу назорат хўжалик юритувчи субъектнинг активларига рухсасиз эга бўлиш, фойдаланиш ёки тақсимлашни вақтида аниқлаш ёки бартараф этишга қаратилган.

Активларнинг сақланганлигини назорат қилиш, тузилмаган битимларни бартараф этиш ёки вақтида аниқлаш билан ҳал етилмаган харажатлар ёки инвестиция қўйилмалари қабул қилиш, асосланмаган мажбуриятлар, товар-моддий захираларини ўгрилаш ёки активларни шахсан фойдаланишга берилиши билан боғлиқ.

Назоратнинг бундай тизими активлардан фойдаланиш раҳбариятнинг рухсати билан ўтказилишини кафолатлаш учун яратилади. Уларга кредитларни бериш ва назорат қилиш бўйича талабларга риоя қилиш ва белгилаш, инвестициялар ва шу билан боғлиқ ҳужжатлар бўйича қарорлар қабул қилиш киради.

Активларнинг сақланганлигини назорат қилиш тизими йэтишмовчиликларни баратараф этиш ёки аниқлаш билан чекланмайди. У активлардан рухсасиз фойдаланиш ёки эга бўлиш натижаси бўлиши мумкин бўлган бошқа муҳим юқотишлиарни бартарф этиш ва аниқлашга ёрдам беради. Ички назорат ташқи тафтиш органи томонидан амалга ошириладиган назоратдан фарқ қиласди Бу назоратнинг интеграллашган тизими бўлиб ташкилотга мослаштирилмаган. Натижада, ички назорат кўпинча бошқарув назорати сифатида тушунилади.

Ички назорат тизими ҳеч қачон тафтишнинг муҳимлигини пасайтирумайди. Одатда тафтиш функцияси давлат маблағларини ноқонуний ўзлаштириш, сустеъмолчилик, камомад, қаллобликларга қарши самарали ҳимоя воситасини бажаради. Лекин ички назорат билан раҳбарият томонидан ҳар қандай ички аудит ўрнини қоплаш (кесишиш)ни амалга оширилиши мумкин емас.

13.2. Ички аудит хизматини ташкил этиш

Ички назорат асосан ички аудитдан фарқли томони шундан иборатки, у раҳбарликнинг барча даражасида амалга оширилади. Бундан фарқли равишда, ички аудит мустақил аудиторлар томонидан амалга оширилади, улар фақат ташкилот раҳбариға ҳисоб беради ва ички назорат тизимини тұғри тузилганинги ҳам текширади.

Ички назорат тизими самарали ички аудит функцияси учун дастлабки шартлардан ҳисобланади.

Ички аудит функцияси орган (махсус тузилган ички таркибий бўлинма) томонидан амалга оширилади, унинг томонидан раҳбариятга ички назорат тизими самарали фаолият юритмоқда ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга назорат тизимининг ҳиссаси бўйича тавсиялар беради.

Ички аудит мақсади – бу тавсияларни тузиш, раҳбарият томонидан ҳисобга олинадиган мажбурий тадбир ҳисобланади. Камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш раҳбарият жавобгарлиги ҳисобланади.

Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:
-кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

-ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:
- ҳар йили корхонанинг кузатувчи кенгashi томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ тегишли текширишлар үтказиш юли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисбот йили якунлари бўйича);
- тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза үтказиш;

- бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солик, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- техник топшириқларни ишлаб чиқишида, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда корхонанинг кузатувчи кенгашига кўмаклашиш.

Ички аудит хизмати қуйидаги хуқуқларга егадир:

- ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича корхонанинг ҳужжатларини (раҳбарнинг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), корхона мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;
- ички аудитни ўтказишга кўмаклашиш учун корхонанинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

Ички аудит хизмати қуйидагиларга мажбур:

- молия ва статистика ҳисботи кўрсаткичларининг ишончлилигини текшириш;
- ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилиш;
- корхонага унинг мансабдор шахслари ва бошқа ҳодимлари томонидан зарар йетказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда дарҳол корхонанинг кузатувчи кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисботида тегишли ёзувни қайд этиш;
- активларни хатловдан ўтказишда ва қонунда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш.

Ички аудит хизмати қонун ҳужжатларига ва корхонанинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ички аудит хизмати ҳодимлари қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериси керак:

- аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида, ёхуд Ўзбекистон

Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги еътироф етилган хорижий давлат муассасасида олинган олий маълумотга, охирги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) эга бўлиш.

Ички аудит хизмати ҳодимлари сони ички аудит мақсадларига самарали еришиш ва унинг вазифаларини ҳал этиш учун йетарли бўлиши керак.

Ички аудит хизмати штатида қуйидагилар бўлиши керак:

активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмгачани ташкил етадиган корхоналарда - камида икки нафар сертификасияланган аудитор;

активларининг баланс қиймати 10 млрд. сўмдан 50 млрд. сўмгачани ташкил етадиган корхоналарда - камида уч нафар сертификасияланган аудитор;

активларининг баланс қиймати 50 млрд. сўмдан ортиқни ташкил етадиган корхоналарда - камида тўрт нафар сертификасияланган аудитор.⁷¹

Қуйидагилар ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари ҳисобланади:

-ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ҳодимларини лавозимга тайинлаш ва егаллаб турган лавозимидан озод этиш, корхона кузатувчи кенгашининг қарорлари бўйича уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш;

-корхона кузатувчи кенгашига бевосита бўйсуниш.

Ички аудит:

-тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;

⁷¹ “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида “НИЗОМ Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори

- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;
- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун хужжатларига риоя этилишини;
- активларнинг ҳолатини;
- ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш юли билан фақат ички аудит хизмати ҳодимлари томонидан амалга оширилади.

Кузатувчи кенгаш томонидан корхона ихтисосидан келиб чиқиб қонун хужжатларига мувофиқ текширишни ўтказишнинг бошқа юналишлари белгиланиши мумкин.

Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ҳодим (ҳодимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисботлар тузилади.

Бунда:

а) бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисбот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

унинг бажарилишининг микдор ва сифат қўрсаткичлари таҳлили;
унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан қўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни;

б) корпоратив бошқариш принципларига риоя қилишни текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисбот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-корхона бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг қатнашчилари (муассислар)нинг қонуний хукуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;

-корпоратив бошқариш соҳасида қонун хужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис хужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва корхона бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисбланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);

в) корхонанинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисботот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

-аниқланган бухгалтерия ҳисботини юритиш ва молиявий ҳисботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисбланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисботот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тузилган ва тегишли органларга тақдим етилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

-солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишиларни баён қилиш;

д) молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда корхона томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисбот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-корхона томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

-ички аудит давомида аниқланган корхона томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига номувофиқлигини баён қилиш;

е) ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисбот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;

-корхона таркибий бўлинмаларида ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ҳодимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни хатловдан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек, ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда корхона ижро етувчи органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишилар ва қонунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши керак.

Ўтказилган ички аудит якунлари бўйича, ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади.

Йиғма ҳисобот:

- таҳлилий қисмни;
- якуний қисмни;
- тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши керак.

Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми ички аудит ҳодимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.

Ҳисоботнинг якуний қисми:

-корхонанинг ижро етувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони;

-аниқланган четга чиқишилар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олиши керак.

Йиғма ҳисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун мобайнида тугалланиши зарур. Йиғма ҳисоботлар бевосита корхонанинг кузатувчи кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаши учун тақдим этилиши керак. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин корхона ижро етувчи органига тақдим этилиши керак.

Ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек, умуман фаолият самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

Ички аудит фақат ички аудит хизмати ҳодимлари томонидан текшириш ва мониторинг ўтказиш юли билан амалга оширилади.

Ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш юли билан фақат ички аудит хизмати ҳодимлари томонидан амалга оширилади.

Назорат учун саволлар:

1. Ички молиявий назорат нима ва унинг молиявий назоратни самарали ташкил этишдаги аҳамиятини кўрсатинг .
- 2.Бош бухгалтерни ички молиявий назоратни олиб боришдаги ролини айтинг
- 3.Ташки текширувчилар учун ички назорат қандай аҳамиятга эга?
- 4.Ички аудит билан ички назорат ўртасида қандай фарқ мавжуд?
5. Ички аудит натижалари қандай расмийлаштирилади?
6. Йиғма ҳисобот таркибини айтинг.

Ү бўлим. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

ХИВ боб. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ

14.1. Жаҳон ҳамжамиятига аъзо мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш

БМТнинг тафтиш органини молиявий назорат фаолияти жаҳоннинг турли давлатларида жойлашган. Ташкилот фаолиятини текширишга маъсул 3 контенентнинг иштирокчиларини ўз ичига олади.

БМТ бюджетидан ҳар йили 8 млрд АҚШ долларидан ортиқ маблағ турли дастур ва лойихаларни молиялашга ишлатилади. Унинг харажатлари жаҳонда тинчликни сақлаш, илмий изланишларга, наркотик моддаларни тарқалишини олдини олишга, маъмурий харажатларга тўғри келади.

БМТ персонали маслаҳатчилари билан бирга 50 000 кишини ташкил етади. БМТнинг бюджети 180 дан ортиқ давлатларнинг регламент бадаллари ҳисобидан шакилланади. БМТнинг ташқи назорат тизимини биринчи галда тафтиш совети ташкил етади.

Тафтиш советига БМТ аъзоси бўлган 3 та давлатнинг 3 аъзоси киради.

Улар 3 йиллик муддатга Бош Ассанбеля томонидан сайланади.

Тафтиш советига аъзолик давлатлар ўртасида бир маромда тақсимланиши керак. Ташқи молиявий назорат тизимига Бошқарув совети билан бирга маҳсус тафтиш бўлимлари киради.

Улар қуйидагилар:

- Корхона ва озиқ – овқат хўжалигини ривожлантириш бўйича БМТ;
- ЮНЕСКО;
- Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти;
- Бутун жаҳон озиқ – овқат дастури;

Советнинг молия-хўжалик фаолиятининг обьекти бўлиб, унинг таркибидағи ташкилотлар ва БМТ бўлимлари киради:

- Ню Ёркдаги БМТнинг секретариати, ҳамда унинг Женева ва Венадаги бўлимлари;

- БМТнинг худудий иқтисодий комисиялари;
- БМТ персоналининг пенсия фонди;
- БМТнинг маҳсус ҳамда тинчликни сақлаш мессияси;
- БМТнинг ривожлантириш Дастури;
- БМТнинг қочоқлар масалалари бўйича комиссариати;
- БМТнинг болаликни химоя қилиш Фонди;
- БМТнинг атроф – муҳитни муҳофаза қилиш Дастури;
- Халқаро савдо маркази;

Дунё мамлакатларидаги молиявий назорат тизимлари таҳлил етилганда, уларнинг аксарияти бир-бирига ўхшамайдиган еканлигини кўриш мумкин.

Аммо ривожланган мамлакатларнинг молия тизимларини ўрганиш ўзига хос аҳамиятга эга. Сабаби улардаги иқтисодий (молиявий) ривожланишга молиявий назорат тизимининг тўғри ташкил етилганлиги, молия механизмининг амал қилишининг самарали еканлиги ҳам айтиш мумкинки ўз таъсирини кўрсатган.

Умуман олганда, молиявий назорат тизимининг рационал (оптималь) ташкил этилиши молия тизимининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан, ривожланаётган мамлакатлар учун тарақкий етган мамлакатлар молиявий назорат тизимини пухта ўрганиш ва уларнинг илгор тажрибасини ўзлаштириш зарурӣ еҳтиёж саналади.

Давлатларда молиявий назорат тизимида ҳал қилувчи ташкилот шубҳасиз, олий назорат органлари(ОНО) ҳисобланади. ОНО турли мамлакатларда турлича аталади.

Ярония	Назорат-тафтиш бошқармаси	Назорат-тафтиш бош-
Мамлакатлар	Олий молиявий назорат органи	қармаси бошлиг'и Мас'ул шахс
КАҚШанада	КМиллиёнгресснингтафтиш кенгashiБош	Бош назоратчи

	Давлат корхоналари, бйуджет ва давлат ҳисоботи бўйича парламент қўмитаси	Қўмита раиси
Белгия	Ҳисоб Ралатаси	ХР раиси
Франсия	Ҳисоб Суди (Суд счетов)	Суд президенти

79-расм. Баъзи мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этишнинг олий органлари

Ривожланган давлатлар молия тизимини ўрганиш, уларнинг ташаббуси билан қабул қилинган халқаро молиявий назорат қоидалари, умумеътироф етилган тартиблар, тамойил ва меъёрларни ўрганишни тақозо етади. Молиявий назоратнинг халқаро амалиётида ИССАИ тушунчалари мавжуд. ИССАИ бу (Интернатиона Стандардс оф Супреме Аудит Институионс олий назорат л) органлари(ОНО)нинг (улар фаолиятининг) халқаро стандартлариридир.

Молиявий назоратни ташкил этиш амалиётида туб бурилиш ИНТОСАИ ташкилотининг ташкил этилиши ва унинг доирасида ЛИМА деклорасиясининг қабул қилиниши натижасида юз берди.

ИНТОСАИ ташкилоти 1953 йилда мамлакатлар олий назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун ташкил етилган. Аъзолари: 193 (188Қ1Қ4) та билиб, улардан 188 та давлат (Ўзбекистон ИНТОСАИ аъзолигига кирмаган) ва 1 та Европа Аудиторлар Суди аъзо бўлиб, Франсуз тилида сўзлашувчи мамлакатлар олий назорат органлари ташкилоти, Португал тилида сўзлашувчи мамлакатлар олий назорат органлари ташкилоти, Ички Аудиторлар Институти ва Жаҳон Банки қўшимча аъзолар ҳисобланади. ИНТОСАИ штаб-квартираси Венада жойлашган ташкилот бўлиб, йиғилишларини ҳар уч йилда бир марта ўтказади. Таркибида назоратни ривожлантириш халқаро маркази фаолият юритади. ИНТОСАИ нинг Африкада АФРОСАИ, Осиёда АСОСАИ, Кариб дengизи ҳавзасида САРОСАИ,

Араб давлатларини бирлаштирган АРАБОСАИ, Лотин Америкасида ОЛАСЕС, Европада ЕУРОСАИ каби минтақавий бўлимлари фаолият кўрсатади.

Европада молиявий назорат тизими самарали ташкил етилганлиги ётироф етилади. Европада умуман олганда қўйидаги назорат ташкилотлари фаолият кўрсатади:

Барча даражадаги ҳукуматлар бўлиб, улар умумий назоратни олиб борадилар, ҳукуқий базани мустаҳкамлайдилар, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирадилар.

ЕУРОСАИ, олий назорат органлари (ОНО) фаолиятини минтақада мувофиқлаштиради.

Халқаро молия институтлари. Улар кўпинча молия секторини назорат қилиб, улар учун меъёrlарни белгилайдилар.

ГРЕСО. Бу ташкилот халқаро коррупсияга қарши кураш ташкилоти бўлиб, СПИ (Сорруптион Перпестионс Индех) кўрсаткичини еълон қилиб боради. Бу молиявий чалкашликлар, коррупсияни юқотиш учун назорат олиб боради.

Рейтинг агентликлари. Улар хўжалик субъектлари ёки ҳукуматларнинг фаолиятини назорат қилиб бориб, уларни маълум кўрсаткичлар асосида баҳолаб боради.

1977 йил Олий назорат органлари халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ)нинг Лимада бўлган 9 конгрессида деклорасия қабул қилинган бўлиб, унда давлат назорати учун текширув органлари фаолиятининг тамойиллари ишлаб чиқилган. Куйида биз ушбу деклорасия моҳияти билан танишиб чиқамиз.

Олий назорат органи ишининг мақсади энг муҳим ҳисобланган пул ва моддий ресурсларни бошқаришнинг қонунийлиги, тўғрилиги ва тежамкорлиги ҳисобланади.

Лима деклорасиясида Олий назорат органи ўзига юклатилган вазифаларни турли хилдаги текширув органларидан мустакил ва уларнинг аралашувларидан

ҳимояланган бўлгандагина объектив ва самарали амалга ошириши мумкинлиги келтирилган.

Гарчи умумий ҳукуматнинг бир қисми сифатида олий давлат органлари давлатдан мутлоқ мустақил бўлмасаларда, олий назорат органи ўз вазифаларини бажариш учун ташкилий ва функционал мустақилликка эга бўлиши керак.

Олий назорат органининг мустақиллиги бевосита унинг аъзоларининг мустақиллигига боғлиқ. Олий назорат органларининг аъзолари қарор қабул қилувчи ва бу қарорлар учун учинчи шахс олдида жавобгар бўлган кимсалардир.

Олий назорат органлари аъзоларининг мустақиллиги ҳам конститусия билан кафолатланган бўлиши керак. Айниқса, уларнинг мустақиллигига зарар йетказмайдиган тарзда аъзоларини ёллаш жараёни ҳам конститусияда аниқлаштирилиши керак. Олий назорат органи аъзоларининг егаллаб турган лавозимига тайинлаш ёки ундан озод қилиш ўша мамлакатнинг конституцион тузилмасига боғлиқ.

Олий назорат органлари тафтишчиларининг хизмат лавозимлари бўйича ҳаракати текширув органларига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Олий назорат органлари ўз вазифаларини бажариши учун керак бўладиган молиявий ресурслари билан таъминланиши керак.

Олий назорат органи мамлакат бюджети тўғрисида қарор қабул қилувчи давлат ташкилотига тўғридан-тўғри зарур молиявий ресурсларни ажратиш талаби билан чиқишига ҳақли.

Олий назорат органи бюджетнинг алоҳида сатрида ўзи учун ажратилган пул ресурсларини ўз ваколатлари доирасида ишлатиш ҳуқуқига эга.

Конституция ва қонунларда белгиланган олий назорат органининг мустақиллиги унга парламент раҳбарларига чиқиш ва текширишлар ўтказишида ҳам юқори даражадаги ташаббусли ва автоном ишлашига шароит яратади. Олий назорат органи ва парламент ўртасидаги ўзаро алоқалар мамлакат талаблари ва шароитларидан келиб чиқиб, миллий конститусияда аниқ белгиланиши керак.

Олий назорат органи хукумат, унинг органлари фаолиятини текширади, аммо бу унинг хукуматдан устунлигини билдирамайди. Хусусан, хукумат тўлиқ ўз фаолияти ва камчиликлари учун жавоб беради ҳамда олий назорат органлари экспертларининг текширув натижасидаги хulosалари олдида ўз жавобгарлигидан воз кечолмайди.

Олий назорат органи мақсадли текширишларни ўтказишда қайси текшириш бевосита маҳаллий текширув органлари томонидан ва қайси бири олий назорат органининг ўзи томонидан ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

Текширувчи органлар олий назорат органига текшириш натижасида қабул қилинган чора-тадбирларни кўрсатган ҳолда, хulosаларини қонунда белгиланган ёки олий назорат органи томонидан кўрсатилган муддатларда тақдим этилишлари шарт.

Олий назорат органига шакллантирилган хulosалар расмий асосланган кўринишда тақдим етилмаса, олий назорат органи керакли зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиши талаби билан муқобил органларга мурожаат қилиши ва айбдорларни жазога тортиши мумкин.

Олий назорат органи текширувларни мълум дастур асосида ўтказиши керак. Текширишлар камдан-кам ҳолларда объектни тўла ҳажмда қамраб олади. Олий назорат органи қоида тариқасида, танланма усулдан фойдаланади. Одатда объектни текшириш муайян модел асосида олиб борилади. Молиявий ва моддий ресурсларни бошқаришнинг тўғрилиги ва сифати ҳақида хулоса қилиш учун танлананаётган объект тўплами етарлича катта бўлиши керак.

Олий назорат органларининг аъзолари ва ҳамкорлари ўзларига юклатилган мажбуриятларини сифатли бажариш учун керак бўладиган малака ва ҳаққонийликка эга бўлиши шарт.

Олий назорат органига назоратчини ишга ёллаш танловида унинг назарий тайёргарлиги, ишга қобиллиги ва мутахассислиги бўйича иш тажрибасига еътибор қаратилиши керак.

Юқори малакали кадрларни танлаб олиш учун уларга тұланадиган иш ҳақи ҳам уларга қүйилған малака талабларига мос бўлиши керак.

Агарда олий назорат органининг ҳамкорлари маълум текширишни ўтказиш учун зарур бўлдиган билимларга эга бўлмаса, бундай текширишларга бошқа эксперtlар жалб қилиниши мумкин.

Олий назорат органларининг халқаро ташкилоти доирасида ғоялар ва тажрибаларни халқаро алмашиш олий назорат органига ўз вазифаларини бажариш учун самарали ёрдам воситаси ҳисобланади.

Бу мақсадга БМТ ва бошқа ташкилотларни жалб етган ҳолда конгресслар, семинарлар ўтказиш, мінтақавий ишчи гурӯхларнинг йиғилишини ўтказиш ва маҳсус журнал чоп этиш орқали еришилади. Олий назорат органи ҳар йили ўтказилған текширишларнинг натижаси ва хулосаларини ўз ҳисоботида парламент ёки бошқа муқобил давлат органига юллаши керак. Бу ҳисобот чоп этилиши керак. Бу кенг маълумот ҳисобланиб муҳокамага сабаб бўлади ва шу тариқа олий назорат органининг тавсия ва хулосаларини амалга ошириш учун қулай муҳит яратади.

Олий назорат органи йиллик ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини кутмасдан, алоҳида муҳим ишлар ва уларни якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида парламентга ўз ҳисоботларини киритиши керак.

Йиллик ҳисобот олий назорат органининг барча фаолиятини ёритиб бериши керак.

Ҳисобот аниқ ва объектив фактлар, уларнинг баҳолари ва ишнинг аҳамиятли натижаларини ўз ичига олиши керак. Ҳисобот тили аниқ ва барчага тушунарли бўлиши керак.

Олий назорат органининг асосий назорат ваколатлари конститусияда белгиланиши керак, бошқа масалалар қонун билан мустаҳкамланиши мумкин.

Назорат ваколатларининг аниқ ҳолати давлатнинг шароитларидан келиб чиқиб белгиланади.

Давлат молиясини бошқаришнинг барча органлари давлат бюджетига тегишлилигидан қатъий назар, олий назорат органи назоратининг обьекти бўлади.

Давлат молиясининг республика бюджетидан алоҳида бўлган қисмларини бошқариш олий назорат органи назорати остида деган хulosани бермайди.

Солиқларни тўлаш устидан назорат

Олий назорат органи максимал имконият даражасида солиқлар тўланишини назорат қилиш ваколатига эга бўлиши керак.

Солиқлар тўланишини назорат қилиш асосан, унинг тўғрилиги ва қонунийлигини текшириш билан боғлиқ. Шунингдек, олий назорат органи солиқларнинг йифиш тўғрисидаги қонунни текшириб, солиқ хизмати ишини ташкиллаштиришнинг ва солиқларни келиб тушиш режаси бажарилишининг иқтисодий самарадорлигини ўрганиши керак ва зарур бўлса, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф киритиши лозим.

Давлатдан субсидия оладиган ташкилотларни текшириши

Олий назорат органи давлат фондларидан тақдим етиладиган субсидиялардан фойдаланадиган ташкилотларни текшириш ваколатига эга.

Агар субсидия миқдори аҳамиятли ҳажмга эга бўлса, ёки субсидияланган ташкилот капитали катта бўлса, бу корхонада молиявий ресурсларни бошқаришга даҳлдор барча масалалар текширилади.

Субсидиялардан нотўғри фойдаланиш аниқланган тақдирда субсидияни чеклаш талаб қилинади.

Халқаро ва кўпмиллатли ташкилотларни текшириши

Харажатлари аъзо мамалакатларнинг аъзолик бадалларидан қопланадиган халқаро ва кўпмиллатли ташкилотларни ташқи мустақил текширишдан ўтказиш талаб қилинади.

Гарчи текшириш ташкилотларнинг мақсади ва тузилишини ҳисобга олиб ўтказилсада, ташкилотга аъзо мамлакатларда юқори даражадаги тафтиш ўтказилади.

Бундай текширишларни мустақиллигини таъминлаш учун ташқи назорат комиссияси аъзолари олий назорат органларининг асосий шахслари бўлиши керак.

14.2. Россия федерасияси давлат молиявий назорат органлари ваколатлари

Молия соҳасидаги назорат функциясини Россия давлатида кўпчилик вазирликлар ва идоралар амалга оширади. Ҳозирги пайтда Россияда фақатгина федерал даражада давлат молиявий назорати масалалари билан 10 тадан ортиқ органлар шуғулланадилар ва бу органлар Ҳисоб палатасидан ташқари Федарасия субъектларида ўзларининг ҳудудий бўлинмаларига эга. Бугунги кунда давлат молиявий назорати тизими – бу вазирликлар, идоралар, муассасалар мажмуасидир. Ҳар битта назорат органи бошқаларига қарам бўлмаган ҳолда назорат чоратадбирларини мустақил равишда режалаштиради ва амалга оширади.

Айни пайтда Россия Федерасиясида 150 мингдан ортиқ асосий бошқарувчилар, бошқарувчилар ва фақатгина федерал бюджет маблағларини олувчилар мавжуд. Турли мавқедаги бюджетлардан маблағ олувчилар ва ўз фаолиятида давлат мулкидан фойдаланувчи хўжалик субъектларининг умумий сони тахминан 3.5 млн.ни ташкил етади. Актив иқтисодий фаолиятни 2 млн.дан ортиқ солик тўловчилар юридик шахслардан иборатdir. Бюджетдан маблағ олувчилар, давлат мулкини бошқарувчилар ва солик тўловчиларнинг бунчалик кўп бўлиши, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти учун бир хил аҳамиятга эга емаслиги назорат органларининг миқдорини оқлади, бироқ ана шу органларнинг бир-бирининг ишини тақрорламаган ҳолда биргаликда ҳаракат қилишини ва уларнинг функциясини чегаралашни тақозо етади.

Ҳар битта орган ўзининг муайян вазифаларини бажариши, ўзининг текшириладиган обьектларига эга бўлиши ва ягона услугбий ҳамда ташкилий тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши лозим. Бир пайтнинг ўзида давлат молиявий назорат тизимини яратиш уларнинг мустақиллигини таъминлаган ҳолда

барча органларнинг фаолиятини бирлаштиришга ва мувофиқлаштиришга қаратилган бўлиши керак.

РФ БК сининг 151 моддасига кўра [2] давлат молиявий органлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: РФ Ҳисоб Палатаси (РФ Федерал Йиғилиши томонидан ташкил қилинади); ижро етувчи ҳокимиятнинг назорат ва молиявий органлари; РФ субъектлари қонун чиқарувчи (ваколатли) органларининг назорат органларию Кўриб турибмизки, давлат молиявий назоратини ташкил этиш демократик давлатда ҳокимиятни ташкил қилишнинг бош тамойили ҳисобланмиш ҳокимиятни тақсимлаш тамойилига асосланиб қурилади, Россия эса Конститусияга асосан ана шундай давлат ҳисобланади.

Одатда, ижро етувчи ҳокимият томонидан ташкил етилган молиявий назорат ички, ваколатли ҳокимият томонидан ташкил етилган молиявий назорат ташки назорат ҳисобланади. РФ БК сининг 268 моддасига мувофиқ РФ Молия вазирлиги асосий бошқарувчилар, бошқарувчилар ва бюджет маблағларини олувчилар томонидан бюджет маблағларининг сарф қилиниши устидан ички назоратни амалга оширадилар; РФ БК сининг 265 моддасида қонун чиқарувчи органлари томонидан ташкил етиладиган назорат-ҳисбот органларининг бюджетнинг ташки аудитини олиб бориши тўғрисида сўз юритилади; РФ БК си 272 моддасига мувофиқ ваколатли органларнинг назорат қилувчи органлари томонидан бюджетнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботнинг ташки аудити олиб борилади; РФ Ҳисоб палатаси томонидан федерал бюджетнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботни ташқаридан текшириш тўғрисида РФ БК сининг 277 моддасида айтиб ўтилган.

1977 йилда олий назорат органларининг халқаро ташкилотининг ИХ Конгрессида қабул қилинган назоратнинг бошқарувчи тамойилларининг Лима Декларасияси деб номланувчи халқаро хужжат мавжуд бўлиб (1 Илова), унда ана шу икки тушунча аниқ белгилаб берилган. “Ички назорат хизматлари алоҳида идоралар ва муассасалар ичida ташкил етилади, шу билан биргаликда ташки тафтиш хизматлари текширувчи муассасаларнинг таркибий қисми ҳисобланмайди” (Декларасиянинг 3 моддаси).

Демак, ички назорат – ижро етувчи ҳокимият томонидан давлат ресурсларини бошқаришни самарали ташкил этиш мақсадида ўз таркибий тузилмалари фаолияти устидан назоратни англатади, яъни ижро етувчи ҳокимият ичидаги амалга ошириладиган назоратни, ўз-ўзини назорат қилишни англатади. Ташқи назорат – давлат маблағлари ва давлат мулкини сарф қилиш масаласида ижро етувчи ҳокимиятнинг фаолияти устидан унга то`бе бўлмаган қонун чиқарувчи органларининг назоратини назарда тутади. Давлат молиявий назоратининг бундай ташкил этилиши давлат маблағларини объектив баҳолашга имкон беради ва халқаро тажрибага мос келади.

Назорат органлари ваколат меъёрлари уларнинг хуқуқий даражаларини аниқлаш масалаларининг калити ҳисобланади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат молиявий назорат органларининг ваколатларини аниқ юналишларга реализациясини тартибга солиш кўп даражада, бошқа масалаларга нисбатан хуқуқий меъёрлардан фойдаланишга боғлиқ бўлади. Улар мос давлат органинг хуқуқий фаолият шакли ва тартибини ўрганади. Шу билан биргаликда, улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган учта вазифани ҳал этиш учун ҳар қандай ҳолатда ҳам учта бош мақсадни кузатиб боради. Биринчидан, кам вақт ва маблағ сарфлаш орқали юқори натижаларни таъминловчи, уларнинг максимал маҳсулдорлиги тўғрисида маълумот берувчи самарали шаклларни мос органларга киритиш ишини ташкил етади. Иккинчидан, хуқуқий кафолатлар ва уларга риоя этишга шароит яратиб, жараёнда қатнашувчиларни хуқуқлари ва қизиқишлирини таъминлайди. Учинчидан, шундай тартиб ва шунақангি иш шаклларини боғлаб қўйиладики, улар орқали қўрилаётган масаланинг тўғри йечими ва таҳлилини чуқур ва ҳар томонлама бири иккинчисини тўлдириб борувчи шаклларини таъминлаш билан биргаликда, бир томонлама субъективизмга асосланган кўринишлардан ҳамда шошилинч асосланмаган қарорларни қабул қилиниши ҳолатларидан огоҳлантиради.

Ваколат меъёрлари алоқаларида умумдавлат даражасида ташқи молиявий назорат органи сифатида назорат ҳисоб органлари ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Самарали молиявий назорат учун, назорат-ҳисоб органлариға тұла назорат ваколати зарур ҳисобланади. Давлатнинг барча молиявий фаолияти, унинг давлат бюджетида ёритилишидан қатый назар назорат-ҳисоб органлари томонидан назорат қилиниши керак. Бюджет доирасыда киритилган ҳар қандай маблағ назоратдан ташқарыда қолмаслиги керак. Бундан ташқары давлатнинг үзиге қарашли бўлган корхона ва муассасалар (доимо давлат дотациясига қарам) ҳам, гарчанд улар давлат маблағларидан фойдаланишларига қарамасдан маблағлардан фойдаланиш ва соликлар масаласида назоратдан четда қолмайдилар.

Назорат объектлари устидан умумий бошқарувни давлат амалга оширад экан, кўп ҳолларда бу фаолиятда унинг ижроия органларидаги мансабдор шахслар иштирок етадилар. Давлат молиявий назорати, шунингдек, қонунда аниқланган ҳолатларда президент аппарати тузилмаси, хуқуқ тарғибот органлари ва маҳаллий үз-үзини бошқариш органлари молиявий фаолиятига ҳам тадбиқ қилинади. Назорат обьекти бўлиб давлат маблағларидан фойдаланувчи ва оммавий фаолиятни амалга оширувчи хусусий корхоналар ҳам бўлиши мумкин.

Бюджет ҳисобларини ва бюджетни бажарилишини назорати ҳар доим назорат-ҳисоб органларининг асосий вазифаси сифатида қараб келинади. Кўп ҳолларда назорат органлари тўғрисидаги қонунлар давлат маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатадиган ҳамда давлатдан қандайдир мақсадларни амалга ошириш учун маблағ оладиганлари учун назорат ваколатларини аниқлайди.

Россия федерасияси Ҳисоб палатасининг молиявий назоратни олиб бориши.

РФ Ҳисоб палатаси назорат ваколати Россия федерасиясининг барча давлат органларига, жумладан, давлат аппарати ва муассасаларига ҳамда бюджетдан ташқари федерал фондларига ҳам тадбиқ етилади.

Шунингдек, Ҳисоб палатасининг назорат ваколати федерал бюджет маблағларидан фойдаланувчи, олувчи ва бюджетга маблағлар ўтказувчи, федерал мулкни бошқарувчи, ундан фойдаланувчи ҳамда федерал қонунчилик асосида ёки давлатнинг федерал органлари томонидан солиқ, божхона йенгилликлари ҳамда устуворликлар берилган корхоналар, муассасалар, банклар, сугурта

компаниялари ва бошқа молия-кредит муассасаларига мулкчилик шаклидан қатий назар тадбиқ етилади.

Ушбу ваколат жамоатчилик бирлашмаларига, нодавлат фондларига ва нотижорат массасасаларига Ҳисоб палатаси томонидан юқоридаги ҳолатларда қўлланилади.

Ҳисоб палатаси Россия федерасиясининг ички ва ташқи қарзининг ҳолати, ички ва ташқи қарз учун кредит ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш, РФ давлати томонидан олинган қарзлар ва чет ел кредитларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда қонунийлигини, давлат томонидан жойлаштирилган марказлашган молиявий ресурслар ва қайтаришилик шарти билан давлат томонидан ажратилган кредитлар, ҳамда қайтариб бермаслик шарти билан чет мамлакатларга ва халқаро фондларга берилган маблағлар устидан назорат ўтказишга ваколатлидир.

Ҳисоб палатаси бюджетдан ташқари федерал қоидаларни ва РФ ҳукумати ихтиёридаги валюта маблағларини шакллантирилишини ва ишлатилишини назорат қиласиди.

Мулкий алоқалар соҳасида Ҳисоб палатаси давлат мулкидан (ш.ж мулкни хусусийлаштириш ва сотиш) ҳамда федерал мулк обьектларини бошқаришдан федерал бюджетга тушадиган маблағларни назорат қиласиди.

Банк тизими соҳасида Ҳисоб палатаси РФ Марказий банки, унинг тузилмавий ташкилотлари ва федерал бюджетга хизмат қилувчи ҳамда РФ Марказий Банкининг РФ давлат қарзига хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи бошқа банк ва молия-кредит муассасалари фаолияти иши устидан назорат ўрнатади.

Федерал бюджетни бажарилиши назоратнинг асосий обьекти ҳисобланади. Бюджет Ҳукумат, Молия вазирлиги, Давлат Думаси ва РФ Ҳисоб палатаси томонидан бошлангич, жорий ва давомийлик асосида назоратга олинади.

Бошлангич назорат босқичи – бюджет жараёнининг энг мураккаб ва муҳими ҳисобланади. Бюджет кодекси Давлат Думасида келгуси молия йили

учун федерал бюджет тұғрисидаги қонунни құриб чиқиши бүйіча давлат органлари вазифаларини тақсимлайды. Келгуси молия йили учун федерал бюджет лойиҳаси ұрнатылған талабларга риоя қилинган ҳолда РФ Хукуматига киритилған уч күн муддат ичида Давлат Думаси Совети томонидан, агарда парламент таътилда бұлса Давлат Думаси Раиси томонидан Федерация Советига, Давлат Думаси құмиталарига ва камчиліклар ҳамда таклифлар киритиш хуқуқига эга бұлған бошқа қонунчилік субъектларига, шунингдек, РФ Хисоб палатасига хулоса учун юборилади.

РФ Хисоб палатаси, РФ Хукумати назорат органлари ва РФ Молия вазирлиги томонидан ұтказылған назоратлар натижасыда федерал бюджетде маблағтарни мақсадсиз ва самарасиз фойдаланишлари аниқланғанлығи тасдиқланса ёки федерал бюджетни субъектлар томонидан самарасиз ва мақсадсиз юналишларға ажратилаётгандығы аниқланса, ушбу харажатларни қисқартыриш ёки блокировка қилиш борасыда таклифлар киритилса, РФ Конститусиясига асосан федерал бюджет лойиҳасынан үзгартыриш ва құшымчалар киритилиши, тартибга солувчи даромадларни РФ бюджет тузилиши даражалари үртасыда тақсимлаш, шунингдек, РФ федерал бюджети харажатлари классификациясига үзгартыришлар киритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бюджетни бажарилишини қандай босқичда бұлишидан қатый назар бюджетни бажарувчи ёки давлат молияси назорати органлари томонидан бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланса, бюджет харажатлари блокировка қилинади, яъни бюджет лимитлари қисқартырилади ёки аниқланған миқдордаги бюджет маблағлари қабул қилинган бюджет ажратмаларидан камайтирилади.

Бюджет назоратининг якунловчи босқичи бўлиб, бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисоботни тайёрланиши, құриб чиқилиши ва тасдиқланишини давомий назорати ҳисобланади.

РФ Бюджет кодекси бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисоботни құриб чиқиша РФ хукуматининг ижроия органлари субъектларида ва үзини-үзи бошқариш органларида тақдим етилған ҳисоботни ички назорати амалга

оширилиши мумкин. Бюджетни бажарилишини ички назорати РФ Молия вазирлиги томонидан РФ ҳукуматининг ижроия органлари субъектлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан тузилган келишувлар асосида амалга оширилади.

Вакил қилингандай орган бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисоботни күриб чиқышдан олдин ташқи текшириш үтказади. Бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисоботни ташқи назорати мос назорат органлари вакил қылған органлари томонидан амалга оширилади. Вакил қилингандай орган мос назорат органи томонидан үтказилған ҳисобот назорати натижалари олинганидан кейин бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисобот бұйича қарор қабул қиласы.

РФ Хисоб палатаси федерал даражада федерал бюджетни ҳисобот молиявий йили учун бажарилиши тұғрисидаги ҳисоботини күриб чиқади ва текширилған материал ва натижалардан фойдаланиб РФ Ҳукумати томонидан федерал бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисобот тақдим етилған вақтдан бошлаб 4,5 ой ичидә Давлат Думасы ҳисобот бұйича хулоса тайёрлайды.

РФ Хисоб палатаси РФ Ҳукуматига федерал бюджетни бажарилиши бұйича хулосалар үз ичига қуйидагиларни олиши керак:

- Россия федерасияси бюджети харажатлари классификасияси ҳар бир бұлым ва параграфлари бұйича ва федерал бюджеттинг маблағларини ҳар бир бош тақсимловчисининг бюджеттинг маблағларидан аниқланған мақсадсиз фойдаланиш суммалари, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш тұғрисида қарор қабул қылған мансабдор шахслар ҳамда федерал ғазначилик бұлимида юқоридаги тұловларни амалга оширишга йул қўйған мансабдор шахслар тұғрисида хулоса;

- Россия федерасияси бюджети харажатлари классификасияси ҳар бир бұлым ва параграфлари бұйича ва бюджет маблағларидан үрнатилған меъёрлардан ортиқча сарфлаган ёки бюджет ажратмаларидан ортиқ бюджет имзосини амалга ошириш бұйича қарор қабул қылған ҳар бир бюджет тақсимловчиси бұйича давлат ҳокимият раҳбарларини ёки бюджет маблағларини олувчилар күрсатылған

холда ҳамда ушбу тұловларни амалға оширилишига йул құйған федерал ғазначилик бўлимидаги мансабдар шахслар тұғрисида хulosас;

- Федерал бюджет тұғрисидаги қонунда ёки бюджетда күзда тутилмаган харажатларни молиялаштириш ҳолатлари аниқланганда, бундай молиялаштириш тұғрисида қарор қабул қилған Давлат органдың раҳбарлари ёки бюджет маблағи олувчилар күрсатилған ҳолда ва бу қарорларни қабул қилинишида иштирок етиб юқоридаги тұловларни амалға оширган федерал ғазначилигидаги мансабдор шахслар тұғрисида хulosас;

- Бюджет кредитлари ва бюджет ссудаларини очиш ҳамда ёпиш бўйича таҳлил, бюджет кредитлари ва бюджет ссудаларини очиш вақтида қонунчилик талаблари бузилиши бўйича аниқланган фактлар бўйича хulosas;

- Давлат кафолатлари ва уларни бажарилиши бўйича мажбуриятларни тақдим этилиши таҳлили, давлат кафолатларини тақдим этиш вақтида қонунчилик талабларини бузилиши бўйича аниқланган фактларга ва бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланган давлат кафолатларини бажарилишини ҳар бир ҳолати бўйича олиб борилған текширишларга хulosas;

- Бюджет инвестицияларини тақдим қилиш бўйича таҳлил, давлат аҳамиятига молик тузилған шартномаларни таъминланиши таҳлили, қонунчилик талаблари бузилиши ҳисобига амалға оширилған бюджет инвестициялари бўйича аниқланган фактларга хulosas;

- Давлат хизматларини тақдим қилиш бўйича режа топшириқларини бажарилиши ва давлат хизматларини тақдим қилиш борасида молиявий сарфлар ва меъёрларга риоя қилинишининг таҳлили.

Ҳисоб палатаси хulosаси Давлат Думаси ёки федерасия совети аниқлаган қарорлар асосида яна құшымча маълумотлардан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Федерал бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисобот ҳукumat томонидан Давлат Думаси ва РФ Ҳисоб палатасига жорий йилнинг 1 июнидан кечикмай тақдим етилади. Ҳисобот билан бир вақтда федерал ғазначиликтининг федерал бюджетни бажарилиши жараёнида кўриб чиқилған ишлари ва бюджет қонунчилиги бузилганлиги ҳолатлари учун кўрилған чоралар тұғрисидаги ҳисоботи топширилади.

Давлат Думаси РФ Ҳисоб палатасидан федерал бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисобот хulosасини олганидан кейин 1,5 йил мобайнида күриб чиқади. Давлат Думаси федерал бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисоботни күриб чиқиш вақтида мажбурий тартибда Ҳисоб палатаси Раиси хulosаси ва РФ Бөш прокурорини бюджет қонунчилигига риоя қилиниши тұғрисидаги маъruzациини тинглайди. Шунингдек, Давлат Думаси Раиси таклифига күра ёки үз ташабbusлари асосида РФ Конститусион Суди Раиси, РФ Олий Арбитраж Суди Раиси, РФ Олий Суди Раиси молия ҳисобот йилида бюджет меъёрлари ва бюджет қонунчилигига боғлиқ күриб чиқылған қоида бузарликлар таҳлили тұғрисида маъруза қилишлари мумкин.

РФ Бюджет Кодексида Давлат Думасига күриб чиқиш учун федерал бюджетни бажарилиши бүйіча топширилған ҳисоботда ноаның бұлған фактлар ва тұла бұлмаган маълумотлар аникланса, уларнинг оқибати оғир бўлиши кўрсатилған. Агарда, РФ Ҳисоб палатаси аудиторлари ва раҳбарлари айби билан хulosаларда ишончли ва тұла бұлмаган фактлар аникланган ҳолатларда Давлат Думаси ёки Федерасия Совети томонидан улар шу вазифаларга қўйилған бўлишига қарамасдан Ҳисоб палатаси тұғрисидаги РФ федерал қонуни талаблари асосида вазифаларидан озод қилинадилар. Бошқа мансабдор шахслар Давлат Думасига бюджет жарёнида қатнашувчи сифатида ишончли ва тұла бұлмаган хulosаларни РФ қонунчилелер асосида федерал бюджетни бажарилиши тұғрисидаги ҳисобот тұғрисида қарор қабул қилиши учун топширилғанликда айбланиб жавобгарликка тортиладилар.

Бюджетни даромад ва харажат қисмларини назорат қилиш үртасида катта фарқ мавжуддир.

Бюджет даромадлари солиқлар ва йиғимларни үз вақтида ва тұла тушумига ҳамда солиқсиз даромадлар бүйіча режали топшириқларни бажарилишига асосланиб назорат қилинади. Солиқсиз даромадлар үз навбатида давлат мулкини хусусийлаштириш, сотищ, ижарага бериш, хұжалик жамиятларида давлат улушкини бошқариш, давлат унитар корхоналарини молиявий фаолияти натижалари асосида

давлат мулкини бошқариш жарёнида шаклланади. Солиқли тушумлар бевосита солиқлар ва йигимлар Вазирлиги томонидан назорат қилинади. Солиқсиз тушумлар амалиётида факат РФ Ҳисоб палатаси томонидан назорат қилинади.

Солиқлар тұланиши назорати асосан уларни қонунийлиги, тұғрилиги ва муддатлилиги билан бөглиқдір. Шунга қарамасдан солиққа тортишда күлланиладиган қонунлар иқтисодий самарадорликка ва солиқ хизмати ишини ташкил қилишга, шунингдек, бюджетта режалаштирилган даромадларни ҳақиқий тушумини таъминлаш билан биргаликда зарур ҳолларда харакатдаги қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишиңға қаратилиши лозим.

Бюджет харажатлари юқорида күрсатылған органлардан ташқари федерал ғазначилик, Молия вазирлигининг назорат-тафтиш хизмати, жорий назоратни амалга оширадиган юқори ташкилотлар томонидан ҳам назорат қилинади.

Текширишда бошқарув органлари ва бошқа муассасалар томонидан бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва қонунийлиги, шунингдек, давлат дастурлари кесими асосида худудий ташкилий тузилмаларни молиявий фаолияти күриб чиқылади.

Бюджет устидан назорат – молиявий назоратнинг юқори даражадаги ишлаб чиқылған шаклидір.

Ҳисоб палатаси назоратни ташкил қилиш ва амалга оширишда
куйидаги вазифаларни бажаради

→ федерал бюджетни даромад ва харажат моддалари бүйича
бажарилишини, ҳажми, таркиби ва мақсадларни бүйича
назорат

давлат маблағларынан харажатларини мақсадлилиги ва
самарадорлиги ҳамда федерал мулқдан фойдаланиш устидан
назорат



федерал бюджет лойиҳаси ва федерал бюджет фондлар бюджетлари лойиҳаси, даромад ва харажат моддалари асосланганлиги устидан назорат.

80-расм. Россия федерасияси Ҳисоб палатасининг вазифалари

Қонун асосида Ҳисоб палатаси федерал бюджет ва федерал бюджет фондлари бюджетини ўрнатилган кўрсаткичлардан фарқ қилган ҳолатлари аниқланганда уларни таҳлил қиласди. Уларни аниқлаштириш борасида ва бюджет жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади. РФ Марказий банки ҳамда Россия федерасиясидаги вакиллик банклари ва бошқа молия-кредит муассасаларида федерал бюджет фондлари маблағларини қонуний ва ўз вақтида харакат қилиши устидан назорат бўйича барча вазифалар ҳам Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилиади.

Ҳисоб палатаси ўтказилган назорат, тафтиш ва текширувлар доирасида Федерасия Советига ва Давлат Думасига федерал бюджет бажарилиши борасидаги ва ўтказилган тадбирлар натижалари тўғрисида доимий равишда ахборот берив боради.

Ҳисоб палатасининг дастлабки функцияси бўлиб, федерал қонун лойиҳаси, шунингдек, федерал бюджет маблағлари ҳисобига қопланиши назарда тутилган ёки федерал бюджетни ва федерал нобюджет фондларни шакллантириши ва ишлатилишига таъсир кўрсатадиган давлат ҳокимияти федерал органлари меъёрий-хуқуқий актлари бўйича молиявий экспертиза ўтказиш ҳисобланади.

Ҳисоб палатасининг кўплаб вазифалари унинг функцияларида аниқлашади, уларга мувофиқ Палата федерал бюджетни бажарилиши юзасидан қуидагиларни назарда тутувчи ягона назорат тизимини таъминлайди:

- ҳисобот йилида федерал бюджетни бажарилиши устидан оператив назорат ташкил қиласди ва ўтказади;

- федерал бюджет ва федерал нобюджет фондларнинг алоҳида бўлим ва моддалари бўйича комплекс тафтишлар ва тематик текширувлар ўтказиш;

- федерал бюджет лойиҳалари, Россия федерасиясининг халқаро шартномалари, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий хужжатлар, РФ молияси ва федерал бюджет масалаларига таълуқли федерал дастурлар ва бошқа хужжатлар экспертизаци;

- бюджет жараёнида қоида бузарликларни ва ўзгаришларни тадқиқ ва таҳлил қилиш, федерасия Советига ва Давлат Думасига уларни тўғирлаш ҳамда бюджет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

- федерал бюджетни ва федерал нобюджет фондлар бюджетини бажарилиши бўйича федерасия Советига ва Давлат Думасига хулосалар тайёрлаш ва тақдим этиш.

ўз навбатида, Ҳисоб палатаси анолитик-експерт функциясини аниқлашда қуйидагилар бўйича экспертиза ўтказади ва хулоса беради:

- федерал бюджет лойиҳасига, унинг даромад ва харажат моддаларини асосланганлигига, федерал бюджет камомадига, давлат ички ва ташқи қарзи миқдорига;

- бюджет-молия сиёсати муаммоларига ва Россия федерасияси бюджет жараёнини такомиллаштиришга;

- Давлат Думасига кўриб чиқиш учун тақдим етилган бюджет-молия масалалари бўйича қонунчилик лойиҳалари ва меъёрий ҳуқуқий хужжатларга;

- Федерал бюджет учун ҳуқуқий таъсир кўрсатадиган, Россия федерасиясининг халқаро шартномалар лойиҳаларига;

- Федерал бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобига молиялаштириладиган дастур лойиҳаларига.

Ҳисоб палатаси ўтказилган назорат тадбирлари натижаларини тизимли равишда таҳлил қилиб боради, федерал бюджет даромадларини шакллантириш ва маблағларни харажат қилиш жараёнида вужудга келган қоидабузарликлар ва аниқланган четга чиқишликлар сабаби ва оқибатини тадқиқ қиласди ҳамда жамлайди. Ҳисоб палатаси олинган маълумотлар асосида Россия федерасияси бюджет-молия тизимини

ривожлантириш ва бюджет қонунчилигини тақомиллаштириш юзасидан тақлиф ишлаб чиқиб, уни кўриб чиқиш учун Давлат Думасига тақдим етади.

“Россия федерасияси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги федерал қонун ва федерасия субъектларида назорат-ҳисоб органлари тўғрисидаги қонунларда бюджет доирасида киритилган маблағлар ва консолидациялашган нобюджет фондлар устидан назорат кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам бюджет муносабатларидағи каби, нобюджет фондлар бўйича ҳам Ҳисоб палатаси вазифалари мавжуд бўлиб, улар:

- федерал нобюджет фондлар бюджетини даромад ва харакат моддалари бўйича ўз вақтида бажарилиши, уларни ҳажмлари, тартиби ва мақсадли юналтирилиши устидан назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- федерал нобюджет фондларни федерал мулқдан самарали ва мақсадли фойдаланишни аниқлаш;
- федерал нобюджет фондлар бюджети лойиҳасини даромад ва харажат моддаларини асосланганлигини баҳолаш;
- федерал нобюджет фондларни бюджетларини шаклланиши ва бажарилишига таъсир қилувчи федерал қонунлар лойиҳаларини, шунингдек, давлат ҳукумати федерал органларининг меъёрий-хукуқий хужжатларини молиявий експертизаци;
- федерал нобюджет фондларда ўрнатилган кўрсаткичларга нисбатан аниқланган четлашишларни таҳлил қилиш ва уларни тўғрилаш юзасидан тақлифлар тайёрлаш;
- РФ Марказий банки ва Россия федерасияси вакиллик банклари ёки бошқа молия-кредит муассасаларида федерал нобюджет фондларни бюджет маблағларини қонунийлиги ва муддатлилик харакати назорати ҳисобланади.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси федерал нобюджет фондларини бажарилиши устидан куйидагиларни назарда тутадиган ягона назорат тизимини таъминлайди:

- федерал нобюджет фондларининг алоҳида бўлимлари ва моддалари бўйича комплекс тафтиш ва тематик текширишлар ўтказиш;
- федерасия Советига ва Давлат Думасига федерал нобюджет фондлар бажарилиши бўйича хulosалар тайёрлаш ва тақдим этиш.

“Россия федерацияси Ҳисоб палатаси тұғрисида” ги федерал қонуннинг алохida моддасида Ҳисоб палатасини федерал нобюджет фонdlарини маблағлардан ва РФ Ҳукумати ихтиёридаги валюта маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш күрсатиб үтилган.

Назорат объектлари орасида асосий еътиборни давлат мулкини бошқариш ва фойдаланишдан тушадиган маблағларга қаратиш лозим, сабаби даромадларда уларнинг улуши тобора ортиб бормоқда, улар бюджетта ва нобюджет фонdlарга тушумларни аҳамиятли қисмини ташкил етмоқда. Ушбу маблағлар тушунчасига хусусийлаштиришдан, давлат мулкини ижарага, гаровга беришдан, давлат мулкини ва федерал мулк объектларини бошқаришдан тушумлар киритилади. Давлат даромадларини ушбу қисмини назорат қилиш юридик жиҳатдан РФ Ҳисоб палатасига бириктирилган бўлиб, уни аниқлаш вазифаси федерал мулқдан фойдаланишни самарадорлиги ва мақсадлилигига қаратилган.

Қонунга асосан асосий назорат обьекти бўлиб қарз маблағлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу борада РФ Ҳисоб палатаси қўйидагилар устидан назорат ўрнатади:

- Россия федерациясининг ички ва ташқи қарзига хизмат қилиш ва бошқариш;
- РФ ҳукумати чет ел давлатларидан олган қарзлари ҳамда чет ел кредитларидан самарали фойдаланиши ва қонунийлиги;
- Қайтариб бериш асосида берилган марказлашган молиявий ресурсларни самарали жойлаштирилиши:
- Халқаро тақсимотларга ва чет ел давлатларига давлат кредитларини берилиши, шунингдек, қайтариб бермаслик шарти билан берилган маблағлар бўйича.

Ҳисоб палатаси, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи қарзи ҳамда федерал бюджет камомади миқдори бўйича экспертиза ўтказади ва хulosалар беради. РФ субъектларидаги назорат ҳисоб органлари ҳам администрасиянинг кредитлар ва бошқа қарз маблағлари билан ишлашни назорат қиласди.

Назорат ҳисоб органларининг фаолиятини муҳим ва мураккаб юналиши бўлиб давлат маблағларини банкларга жойлаштириш ва пул муомаласи устидан назорат ўрнатиш ҳисобланади. Қонунга асосан РФ Ҳисоб палатаси РФ Марказий банки, унинг таркибий тузилмалари, бошқа банклар ва молия-кредит муассасаларининг федерал бюджетга кўрсатилаётган хизматлари, шунингдек, РФ Марказий банкининг Россия федерасиясининг давлат қарзига хизмат кўрсатиш фаолияти устидан назорат ўрнатади. Бундай юналиш Ҳисоб палатасининг федерал бюджет маблағларини ва федерал нобюджет фондларни РФ Марказий банкида, Россия федерасиясининг вакиллик банкларида ва ўз вақтида харакатини назоратини таъминлашни белгилаш зарурияти қонун асосида ўрнатилган вазифаси билан шартланади.


РФ субъектларига трансферлар, дотасия, субвенция ва кредитлар шаклида берилган маблағлар федерал назорат органлари ҳисобланган РФ Ҳисоб палатаси, федерал Газначилик, Молия вазирлиги ва унинг бўлимлари томсонидан назорат қилинади.

Россия федерасиясининг кўпгина субъектларида назорат ҳисоб органларига ҳам бундай ваколат берилаган. Масалан, Москвада юқоридаги маблағлар шаҳар бюджетларининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни, нобюджет фондларни, инвестисия ёки ижтимоий тадбирлар назорати шаҳар бюджет – молия органлари ва Москва шахрининг бош назорат – тафтиш бошқармаси зиммасига юклатилган.

Амалиётда маҳаллий бюджетни бошқаришни маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш органи вакил қилган орган бошқаради ва унги назоратни қайси шаклидан фойдаланишини мустақил ҳал қилиши хукуқи берилган бўлишига қарамасдан Россия Федерасиясининг баъзи ҳудудларида назорат тўғрисидаги қонунларда РФ субъектлари молиявий алоқалари назорати ҳудудий административ бирликларга ва муниципал тузилмалар зиммасига юклатилган.

Россия федерасияси Молия вазирлигининг молиявий назоратни ташкил этиши.

Хукуматнинг ижро етувчи молиявий органлари учун бюджет назорати иш фаолиятларининг муҳим қисми ҳисобланади. РФ Молия вазирлигига бу вазифа юклатилган.



81-расм. Россия федерацияси Молия вазирлигининг молиявий назоратни ташкил этишдаги ваколатлари

Юқоридагиларга қўшимча сифатида РФ Бюджет Кодекси бюджетлараро алоқаларда ва қарз сиёсатида ҳам назорат тизимини қўлланишини аниклади. Масалан, агарда бюджетни бажариш мобойнида РФ субъектлари давлат қарзини кўзда тутилган микдоридан оширишга йул қўйишса, ёки муниципал қарзни ошишга юқ қўйилса, шунингдек, РФ субъектлари ва муниципал қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари кўзда тутилганидан ортиб кеца ва РФ субъектлари давлат қарзи бўйича мажбуриятларни харажатларини қоплаш таъминлаш ҳолатида

бўлмасалар бу холда Россия Федерасиясини вакиллик органи қўйидаги чораларни кўради:

- РФ субъектлари бюджетларига ёки маҳаллий бюджетларга бюджетни бажарилиши бўйича текшириш тайинлаш;
- РФ субъектлари бюджетини бажарилишни РФ Молия вазирлиги ёки маҳаллий бюджетларни Россия Федерасиясининг субъектларини бюджетларини бажарувчи орган назоратига бериш.

Россия Федерасияси давлат кафолати берилган вазиятларда РФ Молия вазирлиги ёки РФ Ҳукумати вакил қилган ҳукумат ижроия органи Россия Федерасияси давлат кафолатини олувчининг молиявий ҳолатини текширувдан ўтказишга мажбурдирлар. Давлат кафолати РФ субъектларига ёки муниципал кафолат берилган ҳолатларда мос молия органи бундай кафолат олувчини молиявий ҳолатини текширишга мажбурдир. Вакиллик органи РФ субъектлари ёки муниципал тузилмаларда давлат кафолати ёки муниципал кафолат олувчининг молиявий ҳолатини текширишни назорат органига топшириш мумкин.

РФ Бюджет Кодексига асосан федерал бюджетдан РФ субъектлари бюджет таъминотини минимал бюджет даражасига tenglashтириш учун молиявий ёрдам берилади. Бундай ёрдамни амалга ошириш шарти бўлиб, РФ Федерал ғазначилиги билан РФ субъектлари ўртасида бюджетни бажарилиши бўйича тузилган шартнома ҳисобланади.

Россия Федерасияси вакиллик органи федерал бюджетдан молиявий ёрдам олувчи РФ субъектлари бюджетларини текшириш ҳуқуқига эга. РФ субъектлари ўз консолидациялашган бюджетининг харажатларининг 50 фойизидан юқори микдорида молиявий ёрдам олсалар, унда РФ субъектлари бюджетини мажбурий тартибда текширувдан ўтказади. РФ субъектлари бюджетини Молия вазирлиги ёки РФ Ҳисоб палатаси текширишдан ўтказишлари мумкин.

Ўз навбатида РФ субъектлари вакил қилган давлат органи РФ субъектлари маҳаллий бюджетидан молиявий ёрдам олганлари текширувдан ўтказиш ҳуқуқига эга. Муниципал тузулмалар бюджетини РФ субъектлари ҳукумат ижроия

органлари ва назорат органлари текширишдан ўтказишлари мумкин. РФ субъектлари назорат органлари хulosаси РФ субъектлари бюджет лойиҳаси қонунчилик органи томонидан кўриб чиқилаётган вақтда ошкора қилинади. РФ субъектлари давлат органлари РФ субъектлари бюджетидан маҳаллий бюджетга келиб тушган маблағларни харажат қилиниши устидан назоратни амалга оширадилар.

РФ Бюджет Кодекси давлат нобюджет фондларини даромадлари ва бажарилиши устидан назорат тўғрисидаги умумий тартибни ўз ичига олади. Давлат бюджет фондларига мажбурий тўловларни йиғилиши ва уларни тушуми устидан назоратни, федерал бюджетларни йиғиш ва тушумини таъминловчи ҳукуматнинг ижрои органлари зиммасига юклатилган. Давлат нобюджет фондлари бюджетини бажарилиши устидан назоратни Россия Федерасияси бюджет тизимини мос даражаси бюджетини бажарилишини назоратини таъминлайдиган орган томонидан мос бюджет учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хисоб палатаси томонидан назоратни ташкилий-хуқуқий шакли нуқтаи назаридан барча органлар, ташкилот ва муассасалар, агар улар давлатнинг молиявий ва моддий ресурсларидан фойдалансалар назоратга тортиладилар, жумладан:

- бюджетдан молиялаштирилганликлари сабабли, давлат ҳукумати органлари;
- ҳукуматнинг тармоқлар ва худудий тузулмавий ижроия бўлимлари, улар бюджет ва нобюджет фондлар маблағларидан, қарз маблағларидан ва давлат мулкидан фойдалангандиклари учун;
- бюджет соҳасининг барча ташкилот ва муассасалари, ҳукуматнинг тармоқларга бўйсунувчи ва худудлардаги ижрои органлари;
- ҳўжалик юритиш асосида давлат мулкини бошқарадиган унитар корхоналар;
- давлат буюртмасини, кредитларини, ссудларини олувчи, солик ва бошқа йенгилликларда устивор бўлган, давлат мулкини ҳар қандай шаклда, жумладан, ажратилган маблағлардан ва ўрнатилган енгилликлардан фойдаланувчи нодавлат хўжалик бирлашмалари, жамоатчилик бирлашмалари;

- жамоатчилик бирлашмалари, нодавлат фондлари ва бошқа нотижорат ташкилотлари юқоридаги пунктда кўрсатиб ўтилган доирада ва асосда;
- давлат молиясидан фойдаланиб пул ўтказмалар ва пул қабул қилиш билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи, давлат мулкини бошқариш ва ундан фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари муомаласи доирасидаги операцияларни бажарувчи банклар, молия-кредит муассасаларини.

РФ Бюджет Кодексига киритилган ҳукуматнинг ижрочи органларининг назорат ваколатлари улар томонидан қонунга қўшимча хужжатларда янада мукаммалроқ аниқланмоқда ва тақсимланмоқда. Жумладан, Молия вазирлиги ўзига юклатилган вазифаларга мувоффик ўз ваколати доирасида федерал бюджетни бажарилишин назорат қиласи ва уни бажарилишин таъминлайди. Россия и

Федерасиясини консолдациялашган бюджетини ва федерал бюджетларни бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисботни тайёрлайди. У шунингдек, федерал бюджет маблағларини мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатади ва федерал мулқдан тушадиган даромадларни аниқлашда қатнашади ва уларни тушуми устидан назорат ўрнатади.

Молия вазирлигининг давлат молиявий назорати Департаменти ўз ваколати доирасида федерал бюджет маблағларини тушумли ва харажатини ишлатилишини комплекс таҳлил қиласи ва тематик текширувлар ўтказади. У шунингдек, ҳуқуқтарғибот органлари топшириқларига асосан мустақил РФ субъектлари бўйича бош назоратчи тафтишчиларни жалб қилган ҳолда, ташкилотларни молиявий-хўжалик фаолиятини ҳужжатли тафтишдан ўтказадилар. Бундан ташқари Департамент РФ субъектлари бўйича бош назоратчи -тафтишчиларни жалб қилган ҳолда давлат ҳукумат органлари ва маҳаллий ўзи-ўзини бошқариш органлари мурожаатлари бўйича мустақил равишда тафтиш ва молиявий такширувлар ташкил етади ва ўтказади.

РФ Молия вазирлиги назорат- тафтиши бошқармаси ваколатига РФ субъектларида ҳамда ҳудудларда навбатдаги молиявий назоратни амалга ошириш киради:

-федерал бюджетни маблағларини сақланиши, үз вақтида мақсадли, самарали фойдаланиши, шунингдек, давлат нобюджет фондлари ва бошқа федерал маблағларни навбатдаги назоратини амалга оширади;

- үз ваколати доирасида федерал бюджет маблағларини тушуми ва харажат қилиниши, нобюджет маблағларидан фойдаланиши федерал мулқдан олинадиган даромадлар бўйича тафтиш ва тематик текширув ўтказади;

- хуқуқ тарғибот органлари фармойишлари асосида қандай мулкчилик шаклида бўлишидан қатъий назар корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини устидан тафтиш ва текширувлар ўтказадилар;

- РФ субъектлари давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари мурожаатларига мувофиқ, ўрнатилган тартибда, шартнома асосида мос бюджетлар ва нобюджет фондларни тушуми, харажати, улар мулкчилигидаги мулқдан даромадлар бўйича тафтиш ва молиявий текширишлар ўтказадилар.

- Бундай тафтиш ва молиявий текширишлар харажатлари РФ субъектлари давлат хукумати органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қопланади.

- Аҳамиятли назорат ваколати *Федерал газначилик органларига топширилган*.

Бюджет интизомини мустаҳкамлаш мақсадида уларга вазирликларда, корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда, банкларда ва молия-кредит ташкилотларида барча турдаги мулкчлик шаклларида, шу жумладан, қўшимча корхоналарда пул маблағларини, бухгалтерия ҳисоби регистрларини, режаларни, смета ва бошқа ҳужжатларни агарда улар Россия Федерасияси республика бюджетига пул ўтказиш ва республика бюджети маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса текшириш, ҳамда текширув мобайнида пайдо бўлган саволлар бўйича маълумот олиш ҳуқуқига егадирлар.

РФ Молия вазирлиги назорат- тафтиш бошқармасининг РФ субъектларида ҳамда ҳудудларда молиявий назоратни амалга ошириш ваколатлари

- федерал бюджетни маблағларини сақланиши, үз вақтида мақсадли, самарали фойдаланиши, шунингдек, давлат нобюджет фонdlари ва бошқа федерал маблағларни навбатдаги назоратини амалга оширади;
- үз ваколати доирасида федерал бюджет маблағларини тушуми ва харажат қилиниши, нобюджет маблағларидан фойдаланиши федерал мулқдан олинадиган даромадлар бўйича тафтиш ва тематик текширув ўтказади;
- хуқуқ тарғибот органлари фармойишлари асосида қандай мулкчилик шаклида бўлишидан қатъий назар корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини устидан тафтиш ва текширувлар ўтказадилар;
- РФ субъектлари давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари мурожаатларига мувофиқ, ўрнатилган тартибда, шартнома асосида мос бюджетлар ва нобюджет фонdlарни тушуми, харажати, улар мулкчилигидаги мулқдан даромадлар бўйича тафтиш ва молиявий текширишлар ўтказадилар.

82-расм. РФ Молия вазирлиги назорат- тафтиш бошқармасининг ваколатлари

РФ Молия вазирлиги давлат федерал ғазначилик бошқармаси ўзига бириктирилган ваколатлар бўйича қўйидагиларни амалга оширади:

- Россия федерасияси республика бюджети билан давлат нобюджет фонdlари ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солади:
- Россия федерасияси республика бюджетини бажрилиши, давлат федерал нобюджет фонdlарни молиявий бажарилиши, федерал нобюджет фонdlарни тушуми, фойдаланиши жараёнларида ғазначиликни худудий органларида Россия федерасиясиннинг харакатдаги қонунларига риоя қилиниши устидан бевосита ишларни ташкил етади ва ўтказади.

Худудий газначилик органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги кучга егадирлар:

- Россия федерасияси республика бюджети маблағлари билан, давлат федерал нобюджет фондлар ва федерал нобюджет маблағлари, шунингдек, Россия Федерасияси республика бюджети фондларини ишланиши бўйича бўладиган операцияларни ўз муддатида амалга оширилишини назорат қиласди;
- Хукуматнинг ижроия органлари, солиқ, хуқуқ тарғибот органлари ва банклар билан ҳамкорликда назорат функциясини амалга оширади.

Барча даражадаги бюджетларнинг даромад қисмларини назорат режасида жорий ва давомий назорат ваколати *солиқ органларига* биркитилган. Россия Федерасияси солиқ Кодекси бюджетга ва нобюджет фондларга мажбурий тўловларни ўз муддатида, тўла ва тўғри тушушини амалга ошириш механизмини ўрнатган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун солиқ тўловлари солиқ органларига зарур ахборотлар ва хужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар, солиқ агентлари эса солиқларни тўғри ҳисобланиши, ушланиши ва ўтказилиши юзасидан назоратни амалга ошириш учун зарур хужжатларни ўзлари ҳисобда турган солиқ органига тақдим етадилар.

Бюджет объектларини молиявий назоратини, назорат тадбирларини ташкил қилишнинг алоҳидалиги ва уни ўтказишда фойдаланиладиган усуллар ва чегаралар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин.

Дастлабки ва навбатдаги назоратни объектлари бўлиб асосан хужжатлар ҳисобланади, жумладан:

- бюджет лойиҳалари, нобюджет фондлар сметалари ва уларни бажарилиши бўйича ҳисоботлар:
- молиялаштиришда бюджет ва нобюджет фондлар маблағлари фойдаланиладиган давлат, тармоқлар ва худудий дастурлар лойиҳалари ва уларни реализация бўйича якуний ҳужжатлари;
- бюджет – молия масалалари бўйича қонунчилик ва бошқа хукуқий меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари;

- давлат бюджети ва молиявий ресурсларга тегишли бўлган шартнома ва келишувлар лойиҳалари.

Кўрсатилган ҳолатларда назорат асосан иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади ва натижаси эксперт хulosаси шаклида тақдим етилади.

Жорий назорат аввал кўрсатиб ўтилган барча объектларда нисбатан молиявий хўжалик қарорлари реализацияси мобайнида амалга оширилади. Жорий назорат иқтисодий таҳлил билан бир қаторда тафтиш, текшириш ва тадқиқотларни назорат объектга чиқиб амалга оширишини назарда тутади. Бундай ҳолатларда назорат тадбирлари натижалар далолатнома ва маълумотнома шаклида и расмийлаштирилади.

РФ Марказий Банкининг ҳуқуқий мақоми 2002 йил 10 июлда чиқарилган 86-ФЗ сонли “Россия Федерасияси Марказий банки тўғрисида”ги Федерал қонуни билан белгиланган. [14]. РФ МБ нинг асосий функцияларидан бири бўлиб тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари устидан назорат ҳисобланади. Ана шу функцияни Россия Банки қуидагича амалга оширади: кредит ташкилотлари ва корхоналарининг давлат қайдномасига ўтиши тўғрисидаги қарорни қабул қиласи, кредит ташкилотларига банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияни тақдим етади, уларнинг ҳаракатини тўхтатиб туради ва чақириб олади; кредит ташкилотлари ва банк гурухларининг фаолияти устидан назорат ўрнатади. (4-модда).

Россия Банки банк соҳасидаги тартибга солишни ва банк назоратини амалга оширувчи орган ҳисобланади. (56 модда). Банк кредит ташкилотлари ва банк гурухлари томонидан банк қонунчилигининг бажарилишини, Россия банки меъёрий актларига, Россия банки томонидан ўрнатилган мажбурий меъёрий актларига амал қилиш ва улар томонидан ўрнатилган мажбурий нормативларга амал қилишини доимий назорат қилиб туради. Банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилишнинг бош мақсади бўлиб Россия Федерасияси банк тизимининг турғунлигини сақлаб туриш омонатчилар ҳамда кредиторларнинг манфаатларини

ҳимоя қилиш ҳисобланади. Россия банкининг назорат ва тартибга солиш функциялари доимий фаолият кўрсатувчи орган – Банк назорати Қўмитаси ёрдамида амалга оширилади. Қўмита унинг назорат функцияларини амалга оширувчи тузилмавий бўлинмаларини бирлаштиради.

Россия Банки кредит ташкилотлари ва банк гурухлари учун мажбурий бўлган банк операцияларини ўtkазиш, бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш, ички назоратни ташкил этиш, бухгалтерияга оид ва статистик ҳисоботларни, шунингдек, федерал қонунлар билан кўзда тутилган бошқа маълумотларни тузиш ва тақдим этиш қоидаларини белгилайди. (57-модда).

Ўзининг банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини амалга ошириш учун Россия банки кредит ташкилотларининг текширувларини ўtkазади, уларнинг фаолиятида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги бажариш учун мажбурий бўлган кўрсатмаларни юборади ва қонунбузарларга нисбатан санксиялар кўллади. (73-модда). Текширувлар банкнинг ваколатли ҳодимлари томонидан Директорлар Кенгаши ёки Директорлар кенгаши топшириғи билан аудиторлик ташкилотлари томонидан белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

Кредит ташкилоти томонидан федерал қонунларини, меъёрий хужжатларини ва Россия Банки кўрсатмаларининг бажарилишини бузиш, маълумотни тақдим етмаслик, тўлиқ бўлмаган ёки ишончли бўлмаган маълумотни тақдим этиш ҳоллари аниқланса Россия Банки кредит ташкилотидан аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, устав капиталининг минимал миқдоридан 0.1% гача бўлган даражада жарима ундириб олиш ёки кредит ташкилоти томонидан алоҳида операцияларнинг ўtkазилишини олти ойгача бўлган муддатга таъкиқлаб кўйишга ҳақи бор. (74-модда).

Белгиланган муддатда кредит ташкилоти фаолиятидаги қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги Россия Банкининг кўрсатмасини бажарилмаган холда, шунингдек, ана шу қонун бузилишлари ёки кредит ташкилоти томонидан амалга ошириладиган банк операциялари ҳамда банк битимлари унинг кредиторлари

(омонатчилари) манфаатлари учун ҳақиқий хавфни келтириб чиқарган ҳолда Россия Банки қуидагиларга ҳаққи бор: кредит ташкилотидан тұланған устав капиталининг 1%игача миқдорда, лекин устав капиталининг 1%идан ошиб кетмаган даражада жарима ундириб олишга; кредит ташкилотидан кредит ташкилотининг молиявий ахволини соғломлаштиришни, шунингдек, унинг активлари тузилмасини үзгартыришни, кредит ташкилоти раҳбарларини алмаштиришникредит ташкилотини қайтадан ташкил этишни талаб қилишга; кредит ташкилоти учун белгиланған мажбурий нормативларни үзгартыришга; кредит ташкилоти томонидан банк операцияларини амалга ошириш тұғрисидаги унга берилған лицензияда күзда тутилған айрим банк операцияларини амалга оширишни бир йилгача муддатта таъқиқлаб қўйишга; кредит ташкилотини бошқариш учун олти ойгача муддатта вақтингчалик маъмуриятни тайинлашга; агар кредит ташкилотини қайта ташкил қилиш оқибатида кредит ташкилотининг банкротлиги тұғрисида огохлантириш бўйича федерал қонунчилик томонидан күзда тутилған чора-тадбирларни ўтказиш учун асос пайдо бўлса, ана шу қайта ташкил этишни таъқиқлаб қўйишга.

Россия Банки кредит ташкилотидан федерал қонунчиликда күзда тутилған асослар бўйича банк операцияларини амалга оширишга рухсат берувчи лицензияни тортиб олишга ҳақлидир. Россия Банки судда мурожаат етиб, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилған рўйхатдаги қонунбузарликлар аниқланғанлиги тұғрисидаги акт тузилганидан бошлаб олти ойдан кечиктирмай кредит ташкилотидан жарималар ундириб олиши ёки федерал қонунчиликда күзда тутилған бошқа санксияларни кўлланилишини талаб этиши мумкин.

Шунингдек Россия Банкининг назорат функцияси мамлакатнинг ва худудлар бўйича умумий иқтисодиётининг ахволини, биринчи навбатда пул-кредит, валюта-молия ва нарх-наво муносабатларини таҳлил қилиш ва прогноз қилишда ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, юқорида айтилғанлардан шундай хulosса қилиш мүмкінки, кредит тизимини бошқариш бүйича барча ваколатларни амалга ошириш қонунчилик томонидан РФ Марказий Банкига юклатылған.

Давлат божхона құмитаси (ДБҚ) томонидан бошқарылған божхона органлари (РФ президентининг 1991 йил 25 октябридаги 2014-сонли Фармони “Россия Федерасияси Давлат божхона құмитаси тұғрисидаги Низомни тасдиқлаш тұғрисидаги” [36]) Россия Федерасиясининг божхона чегараси орқали товарларнинг күчіб юриши вақтида солиқлар ва йиғимларни ундириб олиш бүйича ваколатларини бажариш жараёнида назоратни амалга оширади. Божхона қонунчилигига белгиланған тартиб бүйича улар божхона чегараси бүйлаб товарларни күчириб юриш пайтидаги солиқлар ва йиғимлар тұғрисидаги қонунчиликни бузган шахсларни жавобгарлықка тортадилар.

Шундай қилиб, халқаро тажрибадан ва амалдаги Россия қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда шундай хulosса қилиш мүмкін: ташқи назоратни РФ Ҳисоб Палатаси ҳамда РФ субъектларининг назорат-хисобчи органлари амалга оширади. Халқаро тажрибада бюджет жараёни устидан ташқи молия назоратини амалга ошириш ваколати кирады болған орнани ажратып күрсатып учун ягона ном күлланилади – Молия назоратининг Олий органды. Россияда молия назоратининг олий органды тұғрисидаги масала ҳали очық турибди ва фақатгина айни пайтда РФ Президенти күрсатмаси билан ишлаб чиқылаётганды да молия назоратининг Ягона тизими концепциясы қабул қилинганидан кейингина ҳал бўлиши мүмкін.

Улар фаолиятининг мукаммал таҳлилига ўтишдан олдин, турли муаллифлар томонидан ташқи ва ички назоратни баҳолаш борасида келиб чиққан баҳслар устидан тұхталиб ўтамиз. Бунда ташқи назорат ролига күпинча йетарлича баҳо берилмайды. Баъзилар учун қонунчилик ҳокимиятининг назорат органлари институтининг аҳамиятини тушуниш ва унинг зарурлығы ўз-ўзидан равшан бўлиб туолмайды. Масалан, депутатлар ижроғи ҳокимият органларига зарурий текширувларни ўтказиш учун топшириқ бериши мүмкін (қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг). Агар ана шундай текширувларда назорат

мустақиллиги тамойили мұхим бўлса, мустақил аудиторлик фирмаларини жалб қилиш мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Олий назорат органлари халқаро ташкилоти ИНТОСАИнинг ташкил этишдан мақсад нима?
2. Лима деклорасиянинг моҳияти нимада?
3. Россия федерасияси Ҳисоб палатасининг молиявий назоратни олиб боришидаги ваколатларини айтинг.
4. Россия федерасияси Молия вазирлигининг молиявий назоратни ташкил этишдаги ўрнини изоҳланг.
5. Россия федерасияси Молия вазирлиги назорат- тафтиш бошқармаси ваколатига кирувчи вазифаларни кўрсатинг.
6. Россия федерасияси Марказий Банкининг молиявий назорат юзасидаги вазифаларини айтинг.
7. Жаҳон ҳамжамиятияга аъзо мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этиш амалиётини айтинг.
8. Ҳудудий ғазначилик органлари ваколатларини айтинг.

ГЛОССАРИЙ

А

Аудиторлик текшириши – иқтисодий субъект молиявий ҳолатига тегишли аудиторлик далилларини йифиш, баҳолаш ва таҳлили қилиш ҳамда мавжуд текширув натижалари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисботи ишончлилигига фикр билдириш учун зарур далилларни йифиш

Аудиторлик ҳисботи – аудиторлик теширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишилар, молиявий қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек, аудиторлик текшируви ўtkазиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, қатнашчилари (аксиядорлари)нинг умумий йиғилишига юлланган ҳужжат

Аудиторлик хуносаси - молиявий ҳисботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган , хўжалик юритучи субъект молиявий ҳисботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат

Аудитнинг умумий режаси - мижоз фаолияти билан танишиш, дастлабки режалаштириш, текширилоадиган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини баҳолаш, танлаш ҳажми ва жиддийлик даражасини аниқлаш, аудит дастурини тайёрлаш, аудитни бевосита ўtkазиш жараёни, бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралиқ ҳамда умумий ҳужжатларни тайёрлаш, текширв натижаларини мижозга такдим этиш ва ҳакозоларни ўз ичига олган ҳолда аудит ўtkазишнинг барча босқичларини акс еттирувчи ҳужжат

Б

Банк - ҳисоб-китоб, қарз олиш ва бериш, молиявий хизматларнинг бошқа турларини амалга оширувчи молия муассасаси

Банк активлари ҳажми - банкнинг ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажариш учун сафарбар етадиган иқтисодий ресурслари миқдори

Банк кредитлари - юридик ва жисмоний шахсларга мақсадлилик, тўловлилик, фоизлилик, қайтарилувчанлик ва муддатлилик асосларида бериладиган молиявий ёрдам

Банклар кредит портфели - юридик ва жисмоний шахсларга банк томонидан берилган жами кредит ресурслари ҳажми

Банклар ликвидлиги - банкларнинг ўз мажбуриятларини бажариш учун тўловга лаёқатлик даражаси

Банк назорати - хукуматнинг молиявий тизимни барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари йиғиндисидан иборат тизимли бошқарув воситаси.

Банкларнинг капиталлашуви ва инвестисиявий фаоллиги - низом жамғармасига киритиш орқали банкнинг ўз сармояси ҳажмининг ва инвестисия мақсадларидаги тадбирларнинг жадал амалга оширилиши

Божхона назорати — қонун хужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуи

Бюджет жараёни – Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мажмуи

Бюджетни ижро этиш – бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмининг бажарилиши

Бюджетдан молиялаштириш - режада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджетдан маблағларни тақдим этиш тизими тушунилади

Бюджетдан маблағ ажратиши - қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблаглари

Бюджет ташкилоти - зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиши кўзда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти

Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси - бу бюджет ташкилотлари томонидан бир молия йили давомида давлат бюджетидан маблағ олиш мақсадида тузадиган ва бевосита ўзи тегишли бўлган молия органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган ва тасдиқланадиган молиявий режа ҳисобланади

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари - қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилотлар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлар

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета - ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унда ташкил бўлиш манбалари ва ушбу маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш юналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари даромадлар тушумларининг прогноз ҳажмлари акс етирилади.

B

Вақтинчалик харажатлар сметаси - ташкилотларнинг харажатлар сметаси тасдиқлангунга ва рўйхатдан ўтказилгунга қадар амал қилувчи ҳужжат бўлиб, унда бюджет ташкилотлари учун кўзда тутилган, қонунчиликка ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда аввалги молия йилининг охирги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорлардаги бюджетдан ажратилган маблағлар

(харажатлар режаси) акс еттирилади;

Д

Давлат молиявий назоратининг мақсади- давлат хазинасига ресурсларни тушуришни максималлаштириш ва давлат бошқарув харажатларини минималлаштириш

Дастлабки назорат тахминлаш, режалаштириш ва лойиҳалаштариш босқичида, хўжалик ёки молиявий операциялар амалга оширилишидан аввал ўтказилиб, оқилона бошқарув йечимлари қабул қилинишига хизмат қилади

Давсугуртаназорат — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта назорати давлат инспексияси

Ж

Жорий назорат - ички хўжалик назоратининг узвий қисми, бутун Хўжалик юритувчи субъектлар ва унинг ички бўлинмалари ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини тезкор бошқариш ва тартибга солиш жараёнининг таркибий қисмидир

И

Ички аудит хизмати - корхона Кузатувчи кенгашининг қарори билан ташкил етиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси

Ички аудит - банк ҳодимларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш мақсадида банк фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун банк ичидаги доимий асосда тузилган мустакил экспертиза. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб Ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назароти ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк Кенгashi ва Бошқарувига банк фаолияти мақсадига еришишида қўмаклашиш ҳисобланади

Ички аудит хизмати - банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молияхўжалик фаолияти самародорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек, банк операцияларининг самародорлиги ва ишончлилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилма

Л

Лицензия – у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш, ҳўжалик ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятнинг турини амалга ошириш, маҳсулотнинг маълум бир тури ва миқдорини экспорт ёки импорт қилиш, олиш кириш, олиб чиқиш ёки ўтказиб кэтишга давлат ёки маҳаллий бошқарув органларининг расмий рухсати (розилиги).

М

Марказий банк - юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлақ мулкидир, ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир

Маъмурий жавобгарлик – маъмурий хукуқбузарликни содир етганлиги учун фуқаролар ва мансабдор шахслар жавобгарлигининг шаклларидан бири.

Молиявий мажбурият – юридик мажбуриятга мувофиқ товарлар йетказиб берилган (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилганидан) кейин вужудга келади. Молиявий мажбуриятнинг юзага келиши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши талаб етилади. Масалан, ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш-топшириш далолатномалари, иш ҳақи қайдномалари ва бошқа шу каби ҳужжатлар

Молиявий назорат - давлат томонидан ташкил етилган, назорат қилиш вазифалари юклатилган давлат ёки мустақил жамоат органлари томонидан хукumat,

Хўжалик юритувчи субъектларлар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини аниқлашга қаратилган назорат тизимиdir.

Молиявий назорат тизими - субъектлар (назорат қилувчилар), объектлар (назорат қилинувчилар), назоратнинг усул ва воситаларини биргалиқда жамлаб, ўз ичига олади.

Молиявий назоратнинг субъектлари - назорат вазифаларини ифодаловчи органларлар.

Молиявий назорат объектлари - молия тизими ва иқтисодий самарадорлигини текшириш лозим бўлган молия-хўжалик-тижорат тузилмалари пайдо бўлганида назорат субъектлари (тафтишчилар)ни ташкил этиш зарурати пайдо бўлади

Муқобил текширув — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солик тўловчиларда бўлган хужжатларни таққослашдан иборат текширувдир

H

Назорат - жамият иқтисодий ҳаётидаги объектив ҳодиса ва ҳар қандай давлат бошқарувининг муҳим бўғини бўлиб, у кўп минг раҳбар ва мутахассислар, меҳнат жамоалари, жамоат ва давлат ташкилотларининг субъектив ижод соҳасидир

Назоратнинг мақсади - тузатиш чораларини кўриш, айбдорларни жавобгарликка тортиш ва бузишларнинг олдини олишдан иборат

Нодавлат молиявий назоратининг мақсади - жойлаштирилган капиталдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасидаги ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштириш

C

Солик тўловчиларни ҳисобга олиш (қайддан ўtkазиш) - уларни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификацияшувини таъминлайдиган солик тўловчининг Давлат реестрига киритиш орқали амалга оширилади

Солиқ назорати – юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларнинг тұлиқ ва үз вақтида тұланишини таъминлаш устидан амалга ошириладиган назорат.

Солиқ тұловчининг молия-хұжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тұғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тұловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк хужжатлари ҳамда бошқа хужжатларини үрганиш ва таққослашдир

Солиқ тұловчи молия-хұжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) — текширувларни амалга оширишнинг назорат қылувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маңсус ваколатлы орган томонидан тасдиқланған мувофиқлаштириш режаси асосида үтказиладиган текширувдир

Т

Текшириш объекті - белгиланған тартибда Ҳисоб палатасининг Назорат ишлари дастурига кириллган бюджет ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик шахслар, шу жумладан уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари

Текширишнинг йиғма далолатномаси - Ҳисоб палатаси инспекторлари томонидан тузиладиган, назорат тадбири натижаларини умумлаштирадиган хужжат тури

Транспорт воситалари — юловчилар ва товарларни ташиш учун фойдаланиладиган воситалар, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари

Товарлар ва транспорт воситаларини олиб үтувчи шахслар — товарлар ва транспорт воситаларининг мулкдорлари, уларнинг сотиб олувшилари, егалари ёхуд улар билан ушбу Кодексда назарда тутилған ҳаракатларни үз номидан амалга ошириш учун қонун хужжатларига мувофиқ йетарли бұлған бошқача тарзда иштирок етувчи шахслар

Ү

Умумий сұғурта (шахсий, мулкий сұғурта, жавобгарликни сұғурта қилиш ҳамда ҳаётни сұғурта қилиш соҳасига тааллукли бұлмаган бошқа сұғурта турлари)

Φ

Фактлар бүйіча назорат усуллар - рұйхатта олиш, экспертиза, күз билан кузатиши, назорат үлчови, назорат тариқасида ишга тушириш, вақтни аник үлчаш, иш куни тақсимланишини үрганиш, лаборатория таҳлили

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонд банкнинг банк операцияларини үтказиши ҳукуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган фуқароларнинг банклардаги омонатлари бүйіча хақ тұланишини кафолатловчи фонд

Х

Харажатлар сметаси - ташкилотлар томонидан жорий молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган ҳужжат бұлиб, унда ташкилотлар учун харажатлар моддалари бүйіча күзда тутилган бюджетдан ажратилған маблағтар (харажатлар режаси) акс еттирилади

Хұжалик юритувчи субъектларларнинг давлат реестри – солиқ тұловчиларни солиқ инспекциясида ҳисобға олиш учун құлланилади ва хұжалик юритувчи субъектларни идентификациялаштиришни таъминлайды

Ч

Чет ел банки - чет ел банкининг үз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган шуъба банки бұлиб, унинг устав капиталининг ҳаммаси чет ел банки томонидан тұланади

III

Шартли чиқариб юбориш — шахснинг белгиланган чеклашлар, талаблар ёки шартларга риоя қилиш мажбуриятларини ўз зиммасига олиши билан боғлиқ ҳолда товарлар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш

Ю

Юридик мажбурият - бюджет ташкилоти билан контрагент ўртасида маълум бир муддатдан сўнг, товарларни йетказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида шартнома имзоланганидан ва бу шартнома тегишли тартибда ғазначилик органларида рўйхатдан ўtkazilganiдан кейин вужудга келади

Я

Якуний назорат хўжалик ва молиявий операциялар амалга оширилганидан кейин ўtkaziliб, текширилаётган ҳужжатларни ва Хўжалик юритувчи субъектларнинг бутун молиявий ҳолатини чуқур ўрганиш билан фарқ қиласи

Қ

Қисқа муддатли текширув солик тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

Ҳ

Ҳисоб палатасининг назорат тадбири - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг мақсадга мувофиқ ва самарали ижро этилиши, шунингдек, давлат маблағлари сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида текшириш объектларининг бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатларини текшириш

Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси - Ҳисоб палатасининг ижро этиш мажбурий

бўлган қарори тури, у назорат тадбири давомида аниқланган қонун хужжатларини бузишларни бартараф этиш тадбирлари рўйхатини ўз ичига олиб, текшириш объектига ва/ёки унинг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарувидан юқори органига, шунингдек, қонун хужжатлариг биноан Ҳисоб палатасининг

а

текширишлари давомида аниқланадиган заарни ундиришни амалга ошириш ваколати юклатилган давлат органларига юборилади

Хужжатлар асосидаги назорат усуллари: расмий ва арифметик текшириш, юридик баҳолаш, мантиқий назорат, муқобил текшириш, тескари ҳисоб усули, баланс уйғунлигини текшириш, қиёслаш, ҳисботларнинг саноқ баҳоси

АДАБИЁТЛАР

Норматив хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститусияси. – Тошкент, “Ўзбекистон”
нашиёти, 2008 йил
2. “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси”, 2007 йил 25 декабр
3. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”, 2013 йил 26 декабр
4. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати
тўғрисида”ги Қонуни
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат
бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПҚ-594 – сон Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги
“Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1257 сонли Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги
“Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини
янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1604 сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 марта
“Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли
қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш марказини
ташкил этиш тўғрисида” №ПФ-1414-сонли Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги
“Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини
мувофиқлаштириш тўғрисида” №ПФ-1503 Фармони

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги
“Хўжалик юритувчи субъектларни текширишларнинг ташкил этилишини
тартибга солиш тўғрисида” №ПФ-2114 сонли Фармони
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июндаги
“Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида”
ПФ-3093 Фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги
“Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этишни
такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-3592-сонли Фармони
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 1 августдаги ПФ-1827-
сонли фармони билан тасдиқланган “Республика пул-кредит сиёсати
комиссияси тўғрисида Низом”
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги №УП-
2114-сонли фармони билан тасдиқланган “Республика назорат
органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тўғрисида Низом”
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-311-
сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси ҳузуридаги солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти тўғрисида
Низом”
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23
ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон
Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги Низом”
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги
“Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини
такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ -414-сон Қарори
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 марта
“Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни
такомиллаштириш тўғрисида” 87-сонли Қарори

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги
180-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик
қўмитаси тўғрисида Низом”
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги
180-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат
солик қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тўғрисида Низом”
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15
ноябрдаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон
Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва
унинг худудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги Низом”
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16
октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички
аудит хизмати тўғрисида Низом”
23. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21
майдаги 98-сон қарорига билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси
Давлат солик қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини
назорат қилиш бош бошқармаси тўғрисида Низом”

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. , “Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш юлида”.
Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1995 йил
2. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестисия ва молиявий
барқарорлик тўғрисида” – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2005 йил
3. Каримов И.А. “Янгиланиш ва барқарор тараққиёт юлидан янада изчил
харакат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий
вазифамиздир”. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти , 2007 йил
4. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил
давом еттириш – давр талаби.” Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2009 йил

5. Каримов И.А., “Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш консепсияси”. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти , 2010 йил
6. Каримов И.А., “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оширишдир”. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти , 2010 йил
7. Каримов И.А., “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти , 2011 йил
8. Бочаров В.В., Леонтьев А.Л., Радковская Н.Р., Финансы, учебник для вузов, СПб: 2009
9. Бюджетное право. 7-е изд., перераб. Ремиханова Д.А, под рек. Поляка, М.: 2009
10. Вахобов А., Срожиддинова З., Государственный бюджет. Учебник.– Т.: Иқтисод- молия. 2007 г.
11. Вахобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. ўқув қўлланма, 2008 йил
12. Ибрагимов А., Сугираев Б. Бюджет назорати ва аудити. ўқув қўлланма – Тошкент, 2009 йил
13. ЛИ А. Ўзбекистон Республикаси молия хуқуки: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик, 2006 йил
14. Маликов Т.С., Вахобов Д.Р. Молия: чизмаларда: ўқув қўлланма.- Тошкент. Иқтисод-молия, 2010 йил
15. Мусаев Б., Срожиддинова З., Контрольно-экономическая работа финансовых органов. Т.: Иқтисод-молия, 2006
16. Норқобилов С., Дадабоева X., Жўраев ў. Халқаро амалиётда банк назорати, Т. Иқтисод-молия, 2007 йил
17. Родионова В.М., Шлейников В.И., Финансовый контроль. Учебник.- М.:ИД. ФБК.-ПРЕСС, 2002

- 18.Романовский В.М. и др. Бюджетная система РФ. Учебник.: - М.: ЮНИТИ, 2003
- 19.Степашин С.В., Столяров Н.С., Шохин С.О., Жуков В.А. Государственный финансовый контроль. Учебник. - СПб.: Питер, 2004
- 20.Финансовое право: Учебник под редакц. проф. О.Н. Горбунова.- М.: Юрист, 1996.
21. Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия. ўқув қўлланма. – Т.: Академия 2001 уил
- 22.Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат молиясини бошқариш. ўқув қўлланма. Т.: Академия., 2005 уил
- 23.Қосимова Г. Газначилик фаолиятини ташкил этиш. ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод – молия. 2005 уил
24. Яхшибоев Ф.Қ. “Молиявий назорат”. Услубий қўлланма Т.: Иқтисод-молия, 2007 уил
- 25.Юнити Г.Б. Учебное пособие для вузов, 2009 уил
- 26.Давлат молияси тизими , Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, 3 жилдлик, Т.: “Ўзбекистон”, 2002й.
- 27.Бюджетнома. “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида” ги масалага доир материаллар.
- 28.Бюджетнома. “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида” ги масалага доир материаллар
- 29.Бюджетнома. “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида” ги масалага доир материаллар
- 30.Интернет сайклари:
хттп:// www.gov.uz., хттп:// www.mf.uz., хттп:// www.еду.уз.